

Азамат ҚОРЖОВОВ

# ЯКШАНБАГА ЎТАР КЕЧАСИ

*(детектив қисса)*



ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7 - 435 араб

Қ59

Қоржовов, Азамат

Якшанбага ўтар кечаси, : (детектив қисса) / А.Қоржовов – Т.: DIZAYN-PRESS, 2012. – 192 б.

УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7


Ўн бешинчи майдан ўн олтинчига ўтар кечасидаги босқинчилик вақтида хонадон эгаси ўғилчаси билан меҳмондорчиликда эди. Жиноятчилар тилла тақинчоқларни олиб кетишдан аввал уйда ёлғиз бўлган бекани хўрлашади. Эри воқеадан хабар топгач, бировнинг қўли теккан хотинидан воз кечмайди, аммо ҳамкасб қизга уйланади. Орадан бир йил ўтиб, эр иккинчи хотининикига бутунлай кўчиб кетганида, собиқ хотинининг қўлида босқинчилар олиб кетган тилла узук пайдо бўлади. Наҳотки, босқинчиликни хотини уюштириб, ўзини ўзи бадном қилган бўлса?!

Азамат Қоржововнинг "Якшанбага ўтар кечаси", "Учинчи қарта сир" ва "Йил бахти" номли қиссалари жамланган бу китобда сирли воқеалар ҳамда қутилмаган саргузаштлар қаламга олинган. Ҳар қандай вазиятда инсон ўзилигини йўқотмаслиги, ошлага, виждонига, аҳдига содиқ қолиши кераклиги қизиқарли сюжетлар замирида ифода этилган.

**Тақризчилар:** Э. ВАЛИ – ёзувчи, доцент;

Б. АВЕЗОВ – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ISBN 978-9943-20-098-2



© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти, 2012

Хизматчилик юзасидан темирйўл чиптахоналарига тез-тез бориб турардим, кўчадаги чиптафурушлар қандай "пул ишлашларидан" ҳам тузуккина хабардор эдим. Милициядан бўшатилганимдан сўнг кўчада қолдим. "Кўчада қолдим" деб тўғри таъриф бердим шекилли, кўп ўтмай куним кўчада чипта сотиш билан ўта бошлади. Кассага яқинлашаётган одамга пешвоз чиқаман ва "чипталар бор, чипталар", дейман. Қарморимга илинса, проводниклар билан келишган ҳолда арзон чипта гаплашаман ёки чиптасиз жўнатишнинг йўлини топаман, "бизнесим" шу.

– Куёшда қорайиб, аёзда торайиб чиптафурушлик қиласизми? – пичинг қилди хотиним. – Қонуний иш бўлса ҳам майли, аста-секин ғирт ўғри-товламачига айланмасангиз гўрга эди.

Биринчи имконият туғилганданок шу заҳарни хайдаб юбориб, бошқага уйланаман, деб тез-тез ўйлардим ва имконият берадиган воқеа содир бўлишини кутардим. "Эс-ҳуши жойида одам ҳам ўз жуфти ҳалоли билан ажрашишни орзу қиладими, балки телбадирман?" деб ўзимдан сўрардим гоҳо. Кўзгуга қараб эса соғ одамни кўрардим.

– Соғман... соппа-соғман... – дердим ишонч билан.

Бирок кунларнинг бирида эски танишимни учратдим жар ёқасида яшаётганимни тушундим. Оддийдек туюлган ўйларим ҳалокат келтирувчи ишларни чақириши ҳам мумкин экан. Ўша кунни кимдир мени суриштираётгани қулоғимга чалинди. Қўлимдаги пиво идишни панжара тагига ташлаб, ўрнимдан турдим. Орқа ўгириб ўтирганим боис танишим мени пайқамаган экан.

– Баҳодир, шу ерда экансиз-ку! – деб хитоб қилди у.

Кўришдик. Шошилишда исми эсимдан чиқиб, "Носир" дегандим, кифтимга қоқиб, қулди.

– Бу дейман, исмимни ҳам унутиб юборибсиз-ку, "зем", мен Насимман! Ўтган кунни анави светофорда тўхтаганимда, шу ерда сизни кўргандим, чипта сотишингизни эса сал аввалроқ эшитгандим. Ички ишларда хизмат тугаб қолибди-да? Ҳечқиси йўқ, кўнгилни кенг қилинг, ҳаммаси яхши бўлади.

Исм учун узримни айтиб, нега чипта керак бўлиб қолганини сўрадим. Одатда бундай ўзига тўқ кишилар кўчадагилардан

эмас, кассадан чипта харид қилишади, купеларни танлашади ёки тинчгина самолётда жўнаб қўя қолишади.

– Билет-милет учун йўқлаб келмадим, – деди Насим очикчеҳралик ила. Сўнг юзига булут соя солди. – Сизда гапим бор, дўстим, жуда муҳим... Нима десам экан... Қисқаси, ёрдамингиз керак... – У бўйнини чўзиб, пиво идишига кўз ташлади. – Юринг, бирор жойда отамлашамиз, менинг ҳам ичгим келиб турганди.

– Қандай муаммо? Тинчликми?

– Йўқ-да. Ўйлаб-ўйлаб, сизни танладим, ҳал қилиб берасиз.

Ресторанга бордик.

– Хўш, чиптачига айланган омадсиз кимсага ўз йўлини топган хурматли инсоннинг қандай иши тушибди? – деб сўрадим.

Жимжимадор гапимдан Насимнинг энсаси қотгани очик кўринди.

– Мен... уйландим, – деди у маҳзун ҳолда. – Иккинчи марта.

– Йўғ-е! Биринчи хотин билан ажрашдингизми?

– Ажрашмадим, – деди Насим ва лабига сигарет қистириб, шошқалоклик билан олов ёқди. Йўқ, бу шошқалоклик эмас, асабийлик экан. – Ажрашмадим! Бу ерда бутунлай бошқа гап бор! Бугун оилавий сиримни очаман... ҳаммасига минг лаънат!..

– Қўлимдан келганча ёрдам бераман, дўстим.

Гапим самимий чиқди чори, у янада юмшади.

– Сизнингча, нега иккинчи марта уйланганман? – деди.

– Иккинчи марта уйланишнинг учта сабаби бор, – таъкидладим мен, – хотиннинг вафоти, ажрашиш ва пулнинг кўпайиши. Мен ҳам... тағин буни кайфда гапиряпти деманг... мен ҳам бошқа хотинга уйланиш ҳақида тез-тез ўйлаб тураман. Имкон келса, ажрашаман ва ростдан ҳам бирортасига уйланаман! Чунки хотиним ўз орзу-хаёлларидан бўлак ҳеч нарса билан иши йўқ. Мени тушунмайди, мен ҳам уни тушунмайман, турмушим бош оғриқ нарсага айланган... Милицияда ишлашим ҳам хотинимнинг орзуси эди.

Қадахлар кўтарилди.

– Шу ердаги гап шу ерда колсин, – орзи-бурнидан тутун пуркади Насим.

– Сир сотиш одатим йўқ.

- Менга одам керак.
- Қанака одам?
- Ёлланма.
- Оббо, ралати гапларни гапиряпсиз-ку! Ўйлагандимки...
- Қотиллик, фитна уюштириш, махфий ҳужжатларни ўғирлаш эмас! – шартта гапни кесди Насим. – Хизматда тобланган, тажрибали, ишончли одам топсам, топширикни уддаласа, яхшигина ҳақ тўлардим.
- Бунақа ишларга аралашмайман. Қолаверса, мен тобланмаганман.
- Бу ишга сиздек мос одам йўқ. Бундай таклиф билан бошқа кимга мурожаат қилишим мумкин? Кўп нарсани тушунасиз, бўш вақтингиз кўп, сирдошимсиз.
- Ҳазиллашаяпсиз...
- Ҳазил эмас. Биттасини кузатасиз, тамом, бошқа ҳеч нима! На бировни чертасиз, на ўғирлайсиз! У жуда оддий шахс, ҳатто ҳеч қаерда ишламайди ҳам.
- Қизиқ. Ким экан у?
- Уй бекаси.
- Уй бекаси?
- Зумрад... Катта хотиним.
- Тавба, – ёкамни ушлаб кулиб қўйдим, – юракни ёргунча, "бисмилло"ни шундан бошламайсизми?
- Гапимни эшитинг, – ниҳоятда жиддий тортди Насим. – Иккинчи марта уйланишимга босқинчилик сабаб бўлган! Бу – ҳақиқий босқинчилик эди! Яна бир марта айтаман, сир сирлигича қолсин! Ўн бешинчи май... Билсангиз, ўн бешинчи май – Халқаро оила куни, ўтган йили шанба кунига тўғри келган... Худди ўша шанбадан якшанбага ўтар кечаси уйимга икки кимса бостириб кириб, тилла тақинчоқларни, пулларни олиб кетган... Ўлсин ўша пуллар, тақинчоқлар! Босқинчилардан бири... хотинимни тўшакка тортган... хуллас, уни булваган... Мен ўғлим Муроджон билан ошнамникида эдим... Бу воқеани ўта сир тутишни ҳамкасбларингиздан илтимос қилдим. Ахир, хотиним кишлоққа қайси юз билан боради?! Ўғлим "онаси зўрланган" деган тамғани умрбод кўтариб юришни ҳам истамадим!.. Лекин менинг ҳам ғурурим бор, жўра! Хотиним айбдор бўлмаса-да,

унга қарагим келмай қолди. "Бегона эркакнинг кучовида ётган" деган ўй кечаю кундуз тинчлик бермасди... Лекин Зумрад билан ажрашишни ҳам хоҳламасдим. Гулфира деган ҳамкасб киз бор эди. Яхши киз эди, бефарқ эмаслигини ҳам сезиб юрардим. Шундай қилиб унга оғиз солдим ва... уйландим. Шу билан Зумрадга нисбатан райирлигим ҳам сўнди, яна аввалгидек илиқлик пайдо бўлди. Икки хотинни ҳам боқишга кучим етади. Ўтган ойгача ҳеч қандай муаммо йўқ эди.

– Демак, биринчи хотинингиз хиёнат қила бошлабди-да?

– Ундан ҳам баттарга ўхшайди! Бир ҳафта бурун "кундошликни истамайман, ё менга, ё Гулфирага талок беринг", деди. Бундай талабни қўйган хотин эрсиз қолишини писанда қилдим, у эса нима деди денг?

– Суд...

– Суд ҳеч нима эмас, – қўл силкиди Насим. – "Демак, менинг поймонам тўлибди, майли, шуниси маъкул, бундан кейин сиз билан бир кун ҳам яшамайман", деди. Аввалгидек асабийлашмади, "ојизалигим учун айбдорманми?" деб йиғламади. Уйдан чиқиб кетишимни айтди. Кўзларидаги бундай ҳиссизликни, лоқайдликни, совук учкунни ҳеч қачон кўрмагандим. Назаримда ажрашаётганидан хурсанд эди. Кейин... қонуний ажрашишга улгурмаган бўлсак-да, оила бузилди, нарсаларимни йиғиштириб, Гулфирага олиб берган уйимга бутунлай қўчиб кетдим. Зумрад эски хотираларни эсламаслик учун уйни сотди, бошқа мавзедан уй олди. Энди эса турмушга чиқаяпти. Орадан ўттиз кун ҳам ўтмай!

– Бунча тез?

– Ҳамма гап шунда-да! Зумрадни яхши биламан! Бунчалик тез қарор қабул қилиши, умр савдосини ўчакиш билан ҳал қилиши мумкин эмас! Бу ерда бошқа гап бор! Толган йигитини орқаваротдан суриштирдим, Собит деган тиш дўхтир экан. Шубҳам бежиз эмас, Баҳодир жўра. Ўша Собит шу вақтгача ҳеч қаерда ишламайди, тиллафурушлик қилгани учун тиш дўхтирликдан урилган, ҳатто бир неча ойга қамалиб ҳам чиққан. Ўтган йили уйимга бостириб кирган кимсалар тилла тақинчоқларни битта қолдирмай олиб кетишганди. Кеча ўрлимни кўриш учун боғчага борганимда. Зумрад билан тўқнашдим. Қўлидаги узукни

кўриб шунчалик ажабландимки, шартта қўлидан тутиб, узукка тикилганимни билмай қолдим. "Бу узукни ўша кеча босқинчилар олиб кетишганди-ку!" – дедим. У эса "янги уйга кўчаётганимда, диван орқасидан топиб олдим, ҳалол экан, йўқолмабди ҳам, ўғирланмабди ҳам", деб жавоб берди. Ишондим, лекин уйга келгач, бунинг ёлғон эканига амин бўлдим, юз фоиз ёлғон, юз фоиз!

– Нега бундай деяпсиз?

– Жинойтдан сўнг милиция уйимни обдон текширди. Бир куни ручкам тушиб кетганида ўзим ҳам қараганман диван орқасига. Қолаверса, бир йил ичида хотиним уйни камида беш-олти марта бошдан-охир тозалаган. Нима учун ажрашганимиздан сўнг узук топилиб қолди? Бу жудаям гашвишга солиб қўйди, бу – жумбок, бу – хиёнат, жирканч хиёнат...

– Хиёнатнинг ҳаммаси ҳам жирканч, – дедим мен. – Лекин қандай хиёнат бўлиши мумкин?

– Айнан мана шуниси жирканч хиёнат! – Насимнинг тумшуғи янада осилди. – Фақат хиёнатгина бўлиб қолмай, менга қарши қилинган иблисона жиноят! Тушунаяпсизми, хотиним билан ўша босқинчиларнинг тили бир бўлган! Эшикни қандай очган ярамас ипирискилар, деб кўп бош қотирардим. Хотинимнинг ўзи очиб берганлиги тушимга кирибдими?! Ўйнашига бор пулнию такинчоқларни бериб юборган! Мен билан ажрашсин, деб "зўрлаш" операциясини ўйлаб топган!.. Бундан бошқача бўлиши мумкинмас! Босқинчилардан бири Собит! Далил-исботим бўлмаса-да, бу равшан, минг фоиз аниқ!

– У ҳолда милицияга мурожаат қилиш керак, оғайни.

Насим "эх!" деб мушти билан столни урди.

– Зумраднинг суюқоёқ экани, ўйнашини чакиргани, мени эса босқинчилар келди, деб алдагани – булар учун уларнинг жазо олиши... Йўқ, бу мени қониқтирмайди! Сиз ҳаммасини аниқлаб берасиз, сўнгра қандай йўл тутаман, у ёғи ўзимга ҳавола. Келишдикми?

– Лекин кинолардагидек детектив эмасман.

– "Иш" кинолардагидек мураккаб ҳам эмас. Улар турмуш қурмоқчимиз, демак, сирларини аввалгидек маҳкамроқ яширолмайдилар. Аслида улар ошқора учрашмасликлари ҳам керак эди. Кўряпсиз-ку, на узукни яширди, на муносабатларини.

Бир уринишда сирларини билиб оласиз, дўстим.

Насим чўнтагидан бир бойлам пул чиқарди.

– Оғзингизга сикканини сўранг Баходир, бермаган номард. Томдан тараша тушгандек бирдан сизга мурожаат қилганимни оқланг! Эски кадрдонлик, юртдошлик ҳурмати бор! Милиция менинг соҳам эмас дейсиз, лекин танишимдан эшитдим, сиз зўр ишлаган экансиз, аниқроғи, феълингиз юмшоқроқ бўлсаям, каллангиз компьютердан қолишмаган экан. Кўпинча қойил қолишаркан сизга!

– Мен... бу... – деб чайналдим. – мени ҳам орқаваротдан... суриштириб...

– Бошланишига ишлатиб туринг, – Насим пулни чўнтагимга тикди.

Пулни олмоқчи эмасдим. Бироқ унинг илтимосини бажариш, шубҳасиз, харажатлар билан боғлиқ эди. Қолаверса, сезган бўлсангиз, биз умуман дўст эмасдик.

– Бўпти, қўлимдан нима келса, ўша-да. Эпполмасам хафа бўлмайсиз, Насимбек.

– "Никон Д-40" фотоаппарати, "Олимпус" диктофони ҳамда хотиним, унинг бўлажак эри хақида маълумотларни эртага оласиз. – Кейин яна бир бор такрорлади. – Сир сирлигича қолсин, Баходир! Ташланг бешни!

– Без убийство! – дедим русчалаб. Кафтларимиз тўқнашганда тўпланиб қолган ҳаво бутун атмосферага пақиллаб ёйилди.

– Уларни ўлдириб, қамокда ўтириш зарил кептими! – сигарет тутунини пуфлади Насим. – Исбот-далил бўлса виждоним қийналмай яшардим-да, дўсти аъло! Мен... яхши одам эмасман, Баходир. Қайси маънода? Айтиш бир оз ноқулай... Бор гап шуки, хотиним хиёнат қилгани исботланса, ундан қасос олиш тугул бундан қайсидир маънода хурсанд бўламан. Чунки топган иккинчим бахтим ҳалол бўлиб чиқишини истайман. Билсангиз, ҳамкасбим Гулфира шундай қиз эдики... – У яқинроқ сурилди. – Бир гап айтсам, мендан жирканмайсизми?

– Йўқ, нега энди сиздан жирканар эканман? – дедим елка қисиб.

Насим хиёл олдинга энгашди. Кўзлари кўкиштоб эканини энди пайқадим.

– Иккинчи хотинимни, Гулфирани кўрмагансиз, у ниҳоятда гўзал аёл, феъли ҳам чиройли... Хуллас, унга уйланмасимдан аввал висоли ҳақида кечаю кундуз ўйлардим. Бу қанақадир касалликми, билмайман. Ўйлайверардим, ўйлайверардим, лекин на йўлдан уриш, на яширинча никоҳ ўқитиш ҳаёлимга келарди. У билан бирга яшаш ҳаёлийлигича қолиб кетиши мумкин ҳам эди, агар ўша босқинчилик юз бермаганида!.. Хотиним ўлиб қолса ёки хиёнат устида ушласам, шу кизга уйланаман, деб кўнглимга туккандим. Бу қора ниёт эканини ҳам билардим, албатта. Шундай экан, босқинчилардан бири хотинимни булғагач, бошқага уйланишга виждонан ҳаққим бор, деган қарорга келганман. Бу худбинлик, лекин омади чопган худбинлик! Айниқса, Зумраднинг ўйнаши борлигини сиз исботлаб берсангиз... Эҳ, бундан қувониш тентакликка ўхшаса-да, барибир хурсанд бўламан, ҳалитдан шодликни ҳис этаётман, дўстим.

– Сиздан нафратланиш мумкин экан, – деб юзига дангал айтдим.

– Ҳа, агар ўша босқинчи ростдан ҳам босқинчи бўлса, мендан нафратланиш керак, бунга ҳар кимнинг, кўчадаги кўтир эчкининг ҳам ҳаққи бор! Лекин Собит ўйнаши бўлиб чиқса-чи? “Босқинчи” деб мени лақиллатгани ростга айланса-чи? Унда мен гуноҳкор эмасман! Фожиадан аввалги ҳаёлларим учун ҳеч қачон виждоним қийналмайди. Хотиним ёмон эканки, олдиндан кўнглимга бошқа хотин ҳаёли тушган. Уни севсам, севишга арзийдиган хотин бўлса, бир сония ҳам бошқасини ўйлайманми?! Мана, сиз! Ҳозиргина айтдингиз, нега имкон бўлса, ажрашиб, бошқа хотин олмоқчисиз?

– Жавобини ҳам айтдим, жўра.

– Баракалла, айтдингиз! – Насим истехзоли кулди.

– Келинг, кўп гапирмай ишга киришайлик, – яна бир сигарет тутатдим.

Насим хоҳолаб кулди. Шунда орзининг анча ичкарисидagi тилла тишлари яраклаб, сохибини янада маккор кўрсатди. Гап тилла тишларда эмас эди-ю, ҳарҳолда қаршимда иблисдан сабоқ олган нусха ўтирганини фаҳмлаб бўлгандим.

– Ишга киришамиз, – деди у ҳисобни тўлаш учун чўнтагига кўл сукиб.

Оилавий ҳаётимнинг таги чириган омонат минора экани

хакида гап очганимдан афсусда эдим. Нимани кўп гапирса, одамнинг ўзи ҳам шунга ишона бошлайди. Балки оиламни хотиним эмас, менинг хаёлларим емираётгандир?

## II

Насимнинг биринчи хотини Зумрадни аввал учратгандирман? Уйга келиб, эслолмадим, нахотки, эр-хотинни аввал биргаликда кўрмаганман? Эртасига Насим вокзал яқинидаги қахвахонада кўлимга сумка тутказди. Фотоаппарат, диктофон, хатто дурбин ҳам бор эмиш. ("иш" ниҳоясига етганидан сўнг қайтариб беришимни таъкидлади.)

Мен ичмоқчи эдим, аммо у бугун оғзига бир култум ҳам олмаслигини билдиргач, ниятимдан қайтдим. "Ичинг" деб ундади. Оиланинг бошига фалокат ёрилишида арок асосий хиссани кўшишини тушуна бошлагандим, рад эдим.

– Собит хакида "исиккина" маълумот, – деди Насим билганларини сўзлаб бўлгач. – У кеча ишга кирибди. Қаерга дейсизми? Темирйўлнинг нариги томонидаги хусусий стоматологияга. Изидан тушиш энди осонрок бўлди, хархолда якин, нима дедингиз?

– Поликлиника кўчасидагими?

– Нишонга аниқ урдингиз, – муғомбирона кўз кисди Насим. – Хайр, омад иккимиздан ҳам юз ўгирмасин...

Қоғозчадаги манзилга қарадим. Зумрад яшайдиган туман, квартал, уй рақами, хонадон рақами, телефони, подъезди, қайси метро бекатидан чикиб борилиши – барчаси ажи-бужи харфларда бўлса-да, аниқ битилган эди. Собитнинг ҳам манзили шу тариқа келтирилган. Адашмасам, шаҳарнинг улар истикомат қиладиган икки тумани чегарадош, кўчалари ёндош, яъни Зумрад ва Собит бир-бирига якин жойда яшашаркан.

Ишни чўзиб ўтиргим келмади. Тўппа-тўғри Зумрад яшайдиган тўрт қаватли уйга бордим. Уй олдида кичик бор, борда эса ўриндиқлар бор эди. Ўтириб, кузата бошладим. Подъезддан бир неча рус болалари чикиб, ролик учиш учун тайёргарлик кўришга тушишди. Зумраднинг деразаси тагидаги дорда кирлар ёйилган эди. Дурбин билан кузатиш хавфли бўлгани важидан ундан фойдаланмадим. Кўп ўтмай Зумрад кирларни олди. Гулдор уй

қўйлагида эди, дорга энгашганида, соч турмаги ҳўрознинг думидек силкиниб-силкиниб кетди. Билаклари ҳам бақувват эди унинг.

Ярим соатлардан сўнг подъезд олдида майкачан одам пайдо бўлди, атрофга зериккан нигоҳ ила бокди. Адашмасам, чекмоқчи эди. Ҳақиқатан, бир ўткинчидан сигарет сўраб, бармоқларини айри қилди. Ўткинчи бош чайқади. Подъезд ва деразаларга жўрттага аланглаб, унга яқинлашдим. Салом бериб, уй рақамини айтдим-да, сотилаётган квартираларни сўрадим.

– Ҳа, ростдан ўша уй, – деди кимса эринчоқлик билан, – лекин бизда сотиладиган квартира йўқ.

Сигарет бердим, чекдик.

– Йигирма биринчи уй ҳам сотилдими? – сўрадим гап орасида.

– Бир ойлар аввал келганимда, сотувда эди шекилли.

– Бўлиши мумкинмас, – олайиб қаради кимса. – Учинчи каватдаги анави уйни айтаяпсизми? Ҳеч ҳам сотувга қўйилмаган!.. Ё эгасини танийсизми?

– Йўқ, – дедим дарҳол. – Узр, адашдим. Нариги подъезддамиди...

– Бу уйни ўзим олиб қўймоқчи эдим, шундок тепам. Бир куни қарасам, янги қўшни кўчиб келаяпти. Эски эгасига "айтган нархингда мен олмоқчи эдим", десам, "олишингизни қаёқдан билай", дейди. Сен сотаман деб айтганмидинг, э калланг курсин!.. Тўғрими? Ҳеч кимга айтмай тўсатдан аёлга бериб юборибди.

– Бериб юборибди? Қанақасига?

– Бу аёлгинадан қарзи бор экан, шунинг учун уйни ярим нархида сотиб қутилган. "Бериб юборди" деса ҳам бўлади-да.

– Қайси аёлдан?

– Э, мана шу уйга кўчиб келиб яшаётган аёлдан-да! Мен бир подъездда яшаб уйнинг сотилганидан беҳабар колганимда, сиз бир ойлар аввал қаёқдан эшитганингизга ҳайронман.

– Аниқ шу уймиди, бошқамиди, эсимда йўқ, дедим-ку, ака. Бу дейман, жуда асабингизга ўйнаган экан-да? Қўшни экансиз, наҳотки хотинлар ўзаро гапиришмаган, сотилишини айтмаган бўлса?

– Бу уйда оиласи билан яшамаган, бўш ётарди. Ижарага ҳам бермасди.

– Пул керак бўлиб қолади, деб уйлар олиб қўядиганлар тоифасидан экан, – дедим уй эгасини мақтаган бўлиб. – Ишбилармон, узокни ўйлаган инсон...

– Қанақа ишбилармон! – деди кимса тутун тортиб, йўталиб қоларкан. – Ўтириб чиққан... ух-ху, ух-ху... Тиш дўхтир эди, тиллафурушлик қилган, аҳмоқ.

– Эшитганман, шунақа одам ҳақида, – деб ичимда қувондим. (Насимнинг хотини уйни айнан Собитдан сотиб олгани, боз устига "қарзи бор экан" деган мишмиш – анча-мунча ўлжа эди.)

– Адашмасам, Саид деган киши эди?

– Собит, – деб ҳўмрайди кимса. – Ҳаммасини биласиз, афирис!

– Шўтта яшаймиза-ю, окам, – деб ҳазиллашдим шевада. – Танишларимиза кўп, ҳар бирини "сразу" эслаш осонми?

Нариги подъездга кирдим. Иккинчи қаватга чиқиб, зинапоя дарчасидан боғни томоша қилдим. Дарров чиқиб кетишим ҳалиги кимсада шубҳа уйғотиши эҳтимолдан йироқ эмасди. Умуман олганда, Зумрад ёмон жой танламаган экан: тинч, беҳавотир, баҳаво макон. Бироқ ҳаёлимдан яна бир ўй ўтди: бу ерни Зумрад танлаганими ё Собит? Уларни хиёнат риштаси қачон боғлаган? Сабаб нима? Турмуш қуришганига аҳду паймон қилишганига қараганда, муҳаббат ўти сўнадиганга ўхшамаган...

Кейин Собит яшайдиган мавзегга жўнадим. Зумраднинг қўшнисидан муҳим маълумотлар олган эсам-да, анча-мунча валақлашганимни, шубҳа туғдирганимни фахмлаб турардим. Зумрад ва Собит жосуслар ёинки хавфли жиноятчилар эмасди, аммо ҳар қандай одамда сезги номли хавфсизлик ҳислари мавжуд: изидан одам қўйилганини қўшнисининг гапларидан пайкаши мумкин. Ҳа, қўшниси валақлаши турган гапга ўхшади. Зумрад сездими, ҳеч қаёққа қочмайди, кимдан ҳам қочади?! Насимга қўнғирок қилиб, "йириштир исковуч итларингни", дейди. "Эпюлмабсиз, дўстим, сизга ишонгандим..." – Насимнинг мингиллаши кулорим остида жаранглагандек туюлди. "Йўк, эплайман, қандай қилсам ҳам!..." – деб ўз-ўзимга сўз бердим. Қиморбоздек ўйинга ташна бўлиб қолгандим.

Қоронғи тушганда уйга қайгдим.

– Ишларингиз яхшими, дадажониси? – сўради хотиним овқат маҳал.

– Яхши, – дедим ҳаёлим тўзғиб.

– Бозор-ўчарни сахийлик билан қилибсиз, раҳмат.

Унга кўз қиримни ташладим. Назаримда бир нимани биладигандек эди.

– Янги ишимда онда-сонда даромад бор, – шундай деб хотинининг кўзларига боқдим. Насимнинг айёрона қараб туриши, дордан кирларни йириштириб олаётган Зумраднинг аламзадалиги, ишдан қайтаётган Собит уйига яқинлашганда атрофга диққат билан сер солиши кўз олдимда жонланди. Негадир бу каторга хотиним ҳам қўшилгандек эди, унинг-да нигоҳида ўзгача маъно, шубҳа, синчковлик бир-бирига ўрин алиштиарди.

– Чипта сотиш ҳам даромадли экан-да, а? – Ниҳоят хотиним иддао ила сўзлаб, ҳужумга ўтди.

– Ишимга аралашма деганман.

– Деяверинг, хоҳлаганимда сўраб-суриштиришга ҳақким бор!

– Нима демоқчисан? Яна асабимни бузмоқчимисан? Билиб қўй, бир кун келиб, оиламизни йўқ қиласан, бошқа ҳеч нарсага эришолмайсан бундай муомаланг билан! Шу керакми сенга?

– Тайёрланаяпман денг!

– Нимага тайёрланаман?

– Оилани бузишимни индамай кутиб туролмайсиз-ку! Ажрашсак, довдираб қолмаслик учун қандайдир чоралар кўриб қўйгандирсиз? Нимадан хавфсирашингизни, мана, ўз оғзингиз билан гапирдингиз!

Тишлаган ноним бўғзимда қолди. Ажрашишга тайёрланиб юриш Насимнинг ғояси эмасиди? Тавба, хотиним ҳаммасини кўриб-билиб тургандек эди. Ёки бунда мени рафлатда қўйган бошқа сир бормикан?

– Очиқ гапир, – дедим култ этиб ютиниб.

– Бугун олтинчи кварталда нима қилиб юргандингиз?

– Қанақа олтинчи квартал? Вокзалда эдим.

– Лақиллатаман деб хаёлингизгаёй келтирманг! Бугун кун бўйи вокзал олдида қорангизни кўрсатмабсиз. Яхшиям, дугонам “эринг олтинчи кварталда кимнидир узоқ кутди”, деди. Бўлмаса, кун бўйи чипта сотдим, десангиз овсарга ўхшаб ишонардим-кўярдим.

– Урғочи тулкилар!.. Шундок ўзим... иш билан юргандим-ку! Дарров ғийбат қилмаса, тиллари узилиб тушади!

– Хотинингизманми, билишим шарт!

– Ким экан ўша дугонанг?

– Бориб сўкиб келасизми?

– Менга қара, қачон шаллақилигимни кўргансан?! Қизиқиб сўраяпман. Менга эътибор берган аёлни нега кўрмадим?..

Хотиним дугонасини сир тутди. Ишқилиб Зумрад бўлиб чикмасин, деб умид қилдим.

– Бўпти, сенга қизиғи бўлса эшит! Проводниклар билан ҳамкорлигимиз борлигини айтганман. Биз айрим чиптасиз йўловчиларни енгил машинада Қозоғистон чегарасидан ўтказиб, Сариоғочга олиб борамиз. Тошкент-Уфа поездида проводниклар қабул қилиб олади. Оренбургга олиб боришади, кейин Орск-Москва поездига ўтиризиб юборишади. "пересадка" дейишади буни! "Чипгафурушлар" ва проводникларнинг ўртасида бир неча миллион сўм ўйнайди. Биттаси уч миллионни еб, ишдан бўшаб кетган. "Милицияда ишлагансиз, ўшани тутиб, пулимизни ундилинг", деб йигитлар манзилени беришганди. Аник яшаш жойини ит ҳам билмайди, ўша атрофларда экан.

– Ишингиз курсин! Қани? Топдингизми?

– Йўк. Тополмадим. Яна саволлар борми?

Аразлашиб қолдик. Бирок энди у билан ажрашиш ҳақида ўйламадим. Бир-биримизга ёкмай қолган эдик, аммо бу нафрат эмасди. Тарозининг бир палласида нафрат ва ажрашиш, иккинчисида шунчаки совуқчилик, аммо ажрашмаслик турибди. Қайси бирини танлайман? Насимга ўхшаб, бошқа рўзгорнинг пойдеворини қазий бошлашим керакми? Ёки совуқчиликка қарши курашиб, илик шабадага дарча очган афзалми?

Гулфирага уйланиб, Насимнинг шохи чикмади. Бугун ёш ва гўзал киз учраган бўлса, эртага ҳам учрайди, учрайверади. Гўзалларнинг охири кўринадими! Назаримда, Насим ҳамқасб кизга махлиё бўлиб, хотинини бошқа эркакдан меҳр излашга мажбур қилган, шу кўйи ўз оиласининг бошига ўзи етган эди.

– Насим деган ошнам эсингдами? – сўрадим пайт пойлаб.

– Эсимда йўк, асабим таранг тортилиб турганда гапирманг менга, – коса-товокларни тарақлатиб ювишга киришди хотиним.

Орадан ярим соат ўтди. Хонамда телевизор кўриб ётсам, Насим қўнғироқ қилди.

– Кузатув қандай кетаяпти, дўстим? – сўради тунд овозда.

– Хотинингиз сотиб олган уй айнан ўша Собитники экан, – дедим.

Иттифоқо, Насим уйқуси очилгандек жонланиб қолди:

– Шунақамикан? Аниқми ўзи? Ким айтди?.. Гапирсангиз-чи!

– Қўшнисининг гапига қараганда, Собит хотинингиздан қандайдир қарз эмиш, шунинг учун уйни арзонроқ сотган ёки қарз эвазига берган бўлиши ҳам мумкин экан.

– Вой, ифлос-ей! – сўкиниб юборди Насим. – Аввалдан икковининг олди-бердиси борлиги чин экан-да! Қанақа қарз экан?..

– Ҳали аниқлаганим йўқ.

– Тумшуғимнинг остида хиёнат қилиб юрган, лаънати!.. Хей, Баҳодир... Ҳаммасига яхшилаб аниқлик киритинг, мишмишларнинг ҳақиқат эканини исботланг! Албатта, тагига етинг! Икковининг ўртасида ришта борлигини аниқлашга улгурибсиз, раҳмат сизга! Босқинчилик ҳам найранг экани исботланса борми!.. Менимча, уларни тутишга яна бир неча кадам колди! Айниқса, узук ўтган йилги босқинчиликдан сўнг Зумраднинг қўлига қандай қайтиб келганига асосий эътиборни қаратинг! Суратга туширишни, овозини ёзиб олишни унутманг, эшитдингиз-а?!

– Эшитдим, қар эмасман-ку.

– Узр, қаттиқ асабийлашаяпман! Керак бўлса, Зумрад билан танишиб олинг, қарши эмасман. Сирини олсангиз, бас! Менга ҳозир ғурур эмас, исбот керак! Эркак бўла туриб хиёнат қилмаганман, у эса уй бекаси, аёл, бир ожиза ҳолида мени алдаб... алдаб юргани рост! Фирт фоҳиша у!.. Нима бўлса ҳам исботланг, исботланг, Баҳодир!.. – Насим ух тортиб, бир нафас жим колди. Кейин нимадир деб ғўлдиради.

– Тушунмадим, – дедим.

– Йўқ, танишманг, – деди у. – Керакмас... Бу иш мени жинни қилиб қўймаса эди... Исботлаб берсангиз, етади, жўра...

Шанба куни Собитнинг изидан тушиб, стоматология кўчасида дам серрайиб, дам чекиб, дам бирортаси билан валаклашиб вақт ўтказдим. Тахминимча, шанба ошиқ-маъшуклар копконга осон илинадиган кун эди. Ростини айтсам, миямга жўяли фикр келмади. Бирор йўлини топиш ўрнига ялқовларча кутиб ўтиришни маъқул кўраётгандим. Собит билан танишиб, сир ола бошлашим учун эса Насим бир-икки ҳафта кутиши керак эди.

– Кутолмайман, тезроқ фош этинг, – деди у ва телефонни дарҳол узиб қўйди. Кейин зудлик билан қайтиб қўнғирок қилди.

– Зумрад билан ҳам, туршак билан ҳам танишманг! Ишни тезроқ тугатинг, илтимос, вақт кетаяпти.

Шунда бирдан хотинимни ўйладим. Бир ойлар муқаддам тиш шифокорига катнаши кераклигини айтиб, пул сўраганди, касали жиддий эмаслиги важдан пул ажаратолмагандим. Уни Собит ишлайдиган стоматологияга юборсаммикан? Сўнгра мижознинг эри сифатида Собит билан бир-икки оғиз гаплашаман, чойга таклиф этаман, Насим билиб ўтирибдими.

– Тишинг яхши бўп қолдими? – дедим кечкурун хотинимга муҳмал оҳангда.

– Нима? – дея у тажанг холда ортига ўгирилди.

– Тишинг...

– Раҳмат, яхшиман. – Кейин ўзича ғудранди: – Бир ой аввал илтимос қилгандим, энди хол сўрашидан кулишингни ҳам, куйишингни ҳам билмайсан, тавба.

Ёнига ўтириб, елкасидан кучдим.

– Нега бунақа бўлиб қолгансан? Балки иложи бордир?

Хотиним сесканган мисол ўзини нари олиб, менга бошдан-оёқ кўз югуртирди.

– Нима демокчисиз? Ниманинг иложи бор?

– Нега ваҳима қиласан-е! Бахтли яшаш ҳақида ўйлаб кўрайлик, деяпман.

– Томингиз кетибди, – деди хотиним баттар гаажжубга тушиб.

– Кўчада кўрганларимни, эшитганларимни хулоса қилиб кўрсам, одамлар кўпинча ўзларини ўзлари бахтсиз қилишар экан. Масалан, сенинг феълинг...

– Айтдим-ку яна бошлайди деб! Феълимга доим ниш санчасиз! Турмушга чиқмасимдан шундайман, билмасмидингиз?... Ҳа, биларкансиз, унда нега менга уйландингиз? Қачон қарасам, мен айбдор, мен заҳар!

Ҳафсалам пир бўлиб нариги хонага чиқдим. Вокзал яқинидаги тахририятда ишлайдиган бир таниш шоир тунов куни шундай деганди: "Хотиним билан гаплашганимдан кўра шеър ёзганим завклирок". Мен эса... яна телевизор томоша қилдим. Ўйлаб қарасам, кейинги бир ой ичида ҳаётим буткул алғов-далғов бўлиб кетибди. Милициядан бўшатиладим, кўчадаги товламачи чиптафурушга айландим. пулга ёлланиб, бировнинг хотинининг изидан жосуслик қилиб юрибман. Қизиги, буюртмачининг қисмати билан ўзимники нақадар ўхшаш! У хотинини севмаган, ишққа


коришиқ ширин ҳаётни кўмсаган, ниҳоят ниятига ҳам эришган. Бирок оилали одам учун бу қурбонсиз бўлмас экан. Тинчгина ажрашолмадим, у ҳолда хотини ё хиёнат қилиши, ё ўлиши керак!

– Хиёнат ё ўлим? – дедим ўзимга-ўзим. – Астарфурулло, фожиалардан Худо асрасин... Менга нима етмаяпти-я?! Эр-хотин – икковимиз ҳам аҳмоқмиз, бир-биримизга ўчакишиб, оилани ҳалокат ёқасига олиб келдик. Ким айбдор? Факат менми? Йўқ, кўпроқ хотиним! Қалла йўқ унда! Яхши гапирса, алдаса, кўнглимни олса, ўлиб қолармиди! Аёл киши ҳам шунақа кўрс бўладими?

Ҳар доимгидек хотинимни айбдор қилиб, ёлғиз ухладим.

### III

Якшанба куни Зумрад кун бўйи уйдан чиқадими ёки бирор жойга борадими, уйига одам келадими – ҳеч қандай тахмину режасиз, худди боши оккан телбадек 6-кварталга бордим. Ва энди ниҳоятда эҳтиёткорлик билан атрофни кузата бошладим. Боядаги дарахтлар тўрт қаватли уй бўйи эди, аммо мен ўтирган жойдан Зумраднинг деразаси кўриниб турарди. Ўтган гал бу ерда кезиб юрганимни хотинимга ким етказган бўлса? “Шунчаки танишлардан бири кўриб қолган, хотиним эса бўрттириб даъво қилган”, деган тўхтамга келдим. Бугун либосларимни ўзгартириб, қора кўзойнак тақиб олгандим. Зумрад хотинимнинг дугонаси бўлиб чиқиши ҳақиқатга тўғри келмасди. Насим билан ўн йилдан бери таниш эдим, аммо оилавий борди-келди қилмаганмиз. Бир вақтлар мен Насимникига, Насим меникига кўнғирок қилганимизда бир-биримизнинг хотинимиз билан гаплашганмиз. “Насим уйдами?”, “Баходир уйдами?”, “Қалай, яхши ўтирибсизларми?” – каби бир неча зарурий савол-жавоблар бўлган, ҳолос. Иккимизнинг хотинларимиз қайсидир йўллар орқали таниш экан, нега биз беҳабармиз? Хотиним “ўртоғингизнинг хотини билан гаплашиб тураман”, демасмиди? Айниқса, Насим иккинчи марта уйланганида, “ўртоғингиз ит экан, дугонамнинг устига хотин олибди”, деб жавраши аниқ эди. Ёки улар биз таниш эканимизни билмасдан дугона бўлишганми? Зумрад уй бекаси, хотиним эса давлат газетасида ҳисобчи. Такдирнинг қайси чорраҳаси уларни учраштирди экан! Мен ушун



Олисрокда ўтирганим боис Зумраднинг уйини дурбинда кузатдим. Очiq деразани ок харир парда тўсган эди. Пастда яна рус болалар ролик учиш ташвиши билан банд. Ўша кунги майкачан кимса бугун эгнига кўйлақ ташлаб, сигарет бурукситмоқда, бурни шолғомдек кизариб кўринади. Бир пайт парда сурилиб, Зумрад намоён бўлди. Учинчи каватдаман, ким кўриб ўтирибди, деганми, тунги кўйлақда эди. Ҳайрон колмадим, хотинлар доим эҳтиётсиз бўлишади. Шундай эҳтиётсиз хотинлардан бирини фош этишим керак экан, омад калити, шубҳасиз, кўлимда эди.

– Чаккимас... – дедим дурбинда унга синчиклаб боқарканман.  
– Насим нега шундай келишган хотиндан воз кечди экан? Қадкоматидан буткул соғломлик уфуриб турган офатижон-ку! Тўқликка шўхлик ёки зерикиш касаллигига учраган экан-да беҳора Насимбой.

Кейин виждоним ғивирлаб қолди. Ярим яланғоч бегона хотинни дурбинда кузатиб ўтириш эркакчиликка тўғри келмасди. Дурбинни туширдим. Бирок шу заҳоти яна кўзимга тутдим, негаки бўйнида ярақлаб турган аждарнусха тилла занжирни кўриб, эътибор қилмагандим. Сониялар ичида ўйладимки, бу занжир ҳам ўтган йилги боскинчиликка алоқадор бўлиши мумкин.

Насим кўп куттирмай телефонини кўтарди.

– Алло, Баҳодир, эшитаман, – деди худди идораси ходимига сўзлагандек. Ҳақиқатан, энди унинг ходими эдим.

– Зумраднинг уйи олдидаги бовда ўтирибман. Бўйнидаги тилла занжир кизиктириб қолди. Бундай чиройли, яркирок тилла занжирни хали кўрмаганман, жўра. Бир неча миллион сўм турса керак...

– Аждарнусхами?! – Насим тентақларча бақириб юборди.

– Ҳа, аждарнусха.

– Лаънатлар бўлсин! Ахир, уни ҳам ўтган йили боскинчилар олиб кетишганди-ку! Ҳамма тақинчоқлар қандай қайтиб келаяпти унга?! Баҳодир, кулоқ солинг... Ёнингизда ҳеч ким йўқми?

– Йўқ, мен икки юз кадамлар наридан дурбинда кўриб турибман.

– Телефон "громкост"да эмасми? Бирон киши йўқми атрофингизда, деяпман?

– Ёлғизман, гапираверинг.

– Тилла занжир Зумрадга қандай қайтганини нима қилиб бўлса ҳам аниқланг, нима қилиб бўлса ҳам! Пул керакми, бераман! Лекин иси чикмасин, менга гап тегмасин, тушунаяпсизми нима демокчилигимни?

– Бошидан келишганмиз, куч ишлатмайман, ўғирлик қилмайман.

– Бошқа йўллари бор, қўлингиздан келади, дўстим... Расмга тушироласизми?

– Обьективингиз “икки юзлик” бўлса экан, икки юз кадам наридаги одамнинг занжирини олиб беролса. Лекин “олтмиш бешлик” билан...

– Баходир, уни кўрганимда, бўйнида тилла занжир йўқ эди! Бундан чикди, дуч келадиган жойларга тақиб бормади. Қўркади тулки! Ҳозир расмга ололсангиз эди, менга далил бўларди-да... Қанақа кийимда? Кўчага чикмоқчи шекилли?

– Деразадан атрофни томоша қилиб турибди, деярли кийимсиз.

– Ж...! – сўкинди у. – Бас, қараманг! Йиғиштиринг дурбинни! Бугун ҳеч қаёққа кетманг, кўчага чиқса, изидан қолманг.

Балки суратларни компьютерга ташлаб, катталаштирилса, занжир аниқ кўринар деб етти-саккизта кадр суратга олдим. Тушгача ўтирдим, бир неча марта жой алмаштирдим. Нима қилсам экан, деб зик бўла бошлаганимда, майкачан кимса дўкондан қайтаётиб мени кўриб қолди.

– Уй топдингизми? – сўради у.

– Топдим, нариги “дом”, – дедим ковок уюб.

– У ёқлар яхши... Ҳа, қайфият йўқ?

– У ёқлар яхши дейсиз, мен эса шу ердан олиш ниятида эдим. Сиз анави учинчи каватни сотиб олмоқчиман, дегандингиз, бундан чикди, уйингизни сотаркансиз-да? Қанчага беришингиз мумкин?

– Шу подъездга ўрганганман, ўлсам ҳам сотмайман. – У қизарган бурнини ишкаб, кекириб қўйган эди, арок ичгани исботланди. – Иккинчи каватни сотиб, учинчини олмоқчи эдим. Ичига кирмагансиз, уймисан уй, ўх-ўх.

– Бўлмаса, тиш дўхтир зўр жойдан айрилибди-да?

– Айирилмади, – қўл силкиди кимса. – Кеча хотиним айтиб қолди, иккови қайсидир куни кечаси қаердандир қайтаётганимиш. Уларнинг ўртасида бир гап бор. Битта хотинсиз билан битта

эрсиз бирикса, нима бўлади? Ё оила, ё "доира", хи-хи-хи... Кўйнимдан тўкилса қўнжимга, дерди отам!

– Қўшнингизни "юради" демокчимисиз?

– Нима, мен хотинманми "юради" деб гап тарқатиб?! Ҳей, ўзи кимсиз? Анави нима, қўлингиздаги? Ёмон шубҳали кўринаяпсиз-да кўзимга.

– Жуда хира одам экансиз, дам олишга ҳам қўймайсиз, – деб ўрнимдан турдим ва сумкамни елкага ташлаб, жўнавордим.

Қаҳвахонада тамадди қилиб, қурилиши тўхтаб қолган тўрт қаватли иморатнинг юқори қаватидаги балконда турган каттақон кути ёнига чўзилиб, кузатиб ётдим. Дераза қалин дарахт шоҳлари ортида бекинган, подьезд эса сайхонлик каби очик эди.

Насим қўнғироқ қилди.

– Нима бўлди? – деди у чарчок инган товушда.

– Кузатиб ётибман. Зумрад уйдан чиқмади, Собит ҳам келгани йўқ. Лекин иккови ўтган куни кечаси қаердандир бирга қайтишганини қўшнилари кўрганмиш.

– Турмуш қуришаяпми, бирга юради-да, – деди Насим қуруқкина қилиб. – Менга қаранг, балки бугун диктофон қўйиб, гап овларсиз? Улар кўпинча якшанба кечқурун "Бургомистр" ресторанида овқатланармиш. Боринг-да, сўраб-суриштиринг, бир-икки ҳафтадан бери қелишармикан ё мен билан ажрашмасдан олдин ҳам бирга кўрганлар бормикан? Авваллари якшанба кунлари иккинчи хотинникида – Гулфираникида қолардим. Душанба куни ишга униқидан чиқсам, ҳамиша ишим юришарди. Буни одат қилиб олгандим. Йўқ, одат эмас, ирим. Афсуски, ҳафталик ишларни Гулфиранинг омад тилаши билан бошлашим Зумраднинг хиёнати учун имконият бўлиб чиқади шекилли.

– Хафа бўлмангку-я, умр китобингиздан ҳар нима чиқиши мумкин. Ҳаётингизни ёмон мураккаблаштириб юборибсиз.

У ҳар доимгидек телефонни жаҳл билан узди, қайтиб алоқага чиқмади. Мен ҳам аччиқландим: пул учун нега унга итдек хизмат қиларканман? "Мен детектив ҳам, жосус ҳам эмасман", деб ишини ташласаммикан? Хотинимнинг айрим танқидлари ростга ўхшайди. Юришим шу бўлса, бир кун қелиб жиноятчига айланишим муқаррар. Балки аллақачон жиноятчи бўлиб улгургандирман? Ноконуний чипта савдоси, бир аёлнинг изига тушиш...

“Насим Зумрадни ўлдириб, бўйнимга қўйиб юборса-чи?”

Мана, коровулми, курувчими – кимдир пастда ғўнғир-ғўнғир гапиряпти. Подъездга охирги марта кўз ташлаб, шу билан ростдан ҳам изкуварликдан воз кечмоқчи эдим, аммо кутилмаганда Зумрад уйдан чиқди. Бир муддат атрофга аланглаб, қўлларини чалиштирди, афтидан, асабий уф тортди. Уй кийимида шошиб чикиб, бу алфоз туришига қараганда, биров чакирган эди. Сўнг ерга қараган қўйи бокка кириб, дарахтлар остида ғойиб бўлди. Цемент юки ўрнашган тутқичсиз зиналардан биринчи қаватга ўқдек учдим. Ҳалиги ғўнғирлаётган ўзига-ўзи гапиряётган қандайдир иркит маст экан. Қўрқканидан йўл беришни ҳам унутиб (иморат ичига хожат учун кирган чори), шим қайишини тутган қўйи менга бақрайиб қаради: елкам унинг коксуяк кўксига урилганда “хийк” этган овозни аниқ эшитдим, боякиш жарликка улоктирилган ўлик бузоқдек учиб тушди.

Хайрият, Зумрадни йўқотиб қўймадим. У бордан чикиб, бекат яқинида турган ок “Жигули” сари юрди. Йўлнинг нариги томонига чопиб ўтдим. Бу йўл тўрт каторли бўлиб, четида одам бўйи арчалар ғўдайиб турарди. Арча панасидан мўраладим. Оралик масофа шундай эдики, ҳайдовчини дурбинсиз таниб бўлмасди. Шоша-пиша дурбин тутдим. Тутдиму ҳайдовчининг ёнидаги одамни таниб, беихтиёр хуштак чалиб юбордим. У Собит эди. Бирок Зумрад машинага ўтирмади. Халати чўнтагидан нимадир олиб узатди, Собит уни томоша қила бошлади. Хиёл кўтарган эди, аждарнусха тилла занжирни яккол кўрдим. Шундай вақтда кишининг хаёлига бир савол келади: модомики, тилла занжир ўтган йили Собит ва Зумрад уюштирган “босқинчилик операцияси”да олиб кетилган экан, нега Зумрад занжирни шошилинич кўрсатди ва Собит ажабланиб томоша қилди? Улар ўзлари яшириб қўйган тилла занжирни кўчага олиб чикиб, хайратланиб томоша қилиши ақлга тўғри келмасди. Жумбоқ янада чигаллашди. Дастлабки аломатлар Насимнинг гумони нотўғри эканини айтиб турарди. Бу ерда бошқа гап бор эди.

Машина жойидан жилди, Зумрад уйига қайтди.

Хўш, қандай сир бўлиши мумкин? Бир йил муқаддам шанбадан якшанбага ўтар кечаси Насимнинг хонадонида аслида не воқеа юз берган? “Босқинчилик ҳақида бошқа бировдан

маълумот олишим керак", деган ўйда тўхталдим. Бошқа биров эса, шубҳасиз, милициядаги собик ҳамкасбим Шокир эди.

– Кечкурун бўшайман, – деди Шокир мени ички ишлар бўлими олдида кўриб, юзини бужмайтираркан. – Бафуржа гаплашамиз...

– Кечкурун жудаям муҳим ишим бор, – деб эътироз билдирдим-да, Насим ва Зумрад яшаган уй манзилини айтиб, ўтган йили содир этилган жиноят ҳақида бўлимдагилардан сўраб-суриштиришни, кейинроқ қўнғироқлашишимизни айтдим. Адашмасам, бир вақтлар Насим, мен, Шокир – учовимиз пивохонада учрашиб қолгандик. Битта вилоятдан бўлганимиз учун Насим ундан Шокир яшайдиган тумандаги айрим таниш-билишларини сўрагани. Шу тобда Насимнинг мен ҳақимдаги сўнги хабарларни, хусусан, ишдан бўшаб, вокзал тевагада чиптафурушлик қилаётганимни баайни Шокирдан эшитмаганмикан, деган ўй ҳам йўқ эмасди.

...Унинг юзи янада бужмайди.

– Насим аканинг уйидаги босқинчиликни сўраяпсизми? Худди билмагандай мендан суриштиришингизни қаранг! Нима гап ўзи?

– Насим эсингизда экан, у эски танишим. Биз қачондир бирга ҳам ўтиргандик, пивохонада.

– Шунга айтаяпман-да!

– Билсангиз айтинг, нима бўлган у ерда? Ростини... нега кизиқаётганимни кейинроқ тушунтириб бераман, шу вақтгача хабарим йўқ эди, ўлай агар.

– Насим ака қаттиқ сир сақлашни айтган, – деди Шокир бош чайқаб. – Бошқалар билмаслигини илтимос қилган экан, сир тутдик. Лекин тергов бўлаётган ишни мутлақо сир тутиб бўларканми! Қолаверса, ўзингиз ҳаммасидан бохабарга ўхшайсиз.

– Тўлиқ эмас, дўстим.

– Қисқаси, уйини иккита босқинчи босган. Бор пулию тилла тақинчоқларини олиб кетган. Хотинини... – Шокир танглайини тақиллатди.

– Зўрланганми?

– Ҳа, шунақа. У кишининг нозик нуқтаси ҳам шу – хотинига тегинганларини қариндош-уруғлардан сир тутиш! Шунинг учун сизга лом-мим демаган кўринади. Уйига мен ҳам бир марта борганман, тергов-суриштирувда қисман қатнашганман...

Биласизми, нима учун жиноятчилар халигача топилмаган?

– Худо ҳақки, ҳеч нима билмайман! – дедим.

– Бунда ўзларининг қўли бор, деган мишмишлар юради.

Масалан, мен шу гапга ишонаман.

– Ўзларининг деб эр-хотинни айтаяпсизми?

– Бўлмаса кимни!

Хайрону лол қолганимдан қарахт ҳолда елка қисиб, бир зум ўйга толдим. “Милиция ходимларининг ҳам шубҳаси бор экан-да? Ҳақиқатан, иш пишган кўринади... Бирок Шокир эр-хотин деяпти-ку...”

– Қайси бири? – сўрадим ундан.

– Иккови ҳам.

– Йўр-е, – деб талмовсирадим. – Уларга бунақа тентаклик нега керак?

– Менимча, кимдандир қарз бўлиб қолишган. Ёки... тилла такинчоқлару пулларга яна кимдир шерик бўлган. Учинчи одамни алдаш учун эр-хогин томоша кўрсатган бўлиши мумкин.

– Қўйсангиз-чи, – кулиб юбордим. – Менга Америка фильминими, чет эл детектив романиними гапираяпсиз.

– Нимани гапираётганим аниқ. Бу на кино, на роман!

Шокир билан хайрлашиб, йўл-йўлакай ўйга толдим. Насим мени орқаваротдан суриштирган, телефон рақамимни ҳамкасбларимдан топган, лекин нега кўнғирок қилмаган? Светофорда кўриб қолиб, тўрридан-тўрри устимга, чиптафурушлар кўчасига келди. Шундай бўлса-да, барибир рақамимни топган заҳоти ҳар эҳтимолга қарши кўнғироклашиши керак эмасмиди?..

“Э, нега чалғияпман? – дедим бир оздан сўнг. – Якшанбага ўтар кечаси юз берган босқинчиликни ўйласам-чи!...”

Босқинчилик чиндан ҳам қаллоблик бўлиб чиқаяпти. Бирок Шокир тахмин қилганидек эр-хотин уюштирмаган, муаллиф Зумраднинг ўзи! “Зумрад... Зумрад...” дедиму тилла занжирни ўйладим. Зумрад нима сабабдан уни Собитга хаяжон ила кўрсатди? Бундан чиқди, тилла занжирни ҳам худди узук каби уй ичидан топиб олган... Шу он миямда бутунлай қарама-қарши ўй юзага чиқди: янги кўчиб келган уйдан қандай қилиб ўтган йилги тилла занжирни топиб олиши мумкин?

Энди бировларнинг фикридан паноҳ излай бошладим. Балки бу ерда ростдан учинчи шахс бордир? Зумрад, Насим ва Собитни кўғирчоқдек ўйнатиш учун атайин ташлаб кетган бўлса-чи?.. Ким бўлиши мумкин? Ким бўлса ҳам телба экан, бошқа ҳеч ким эмас!

Уйга келиб, суратларни компьютерга ташладим. Катталаштирдим. Қанчалик катталашса, шунча хиралашиб кетаверди. Ҳарҳолда Насим ўз занжирини таниб олиши мумкин эди. Фотошопда жило бериб, флешкамга кўчирдим-да, соатга қарадим.

– "Бургомистр", – дедим мингиллаб. – Номинг курсин, европачалиш! Аввал суратларни чиқариб, Насимга бераман, кейин у ёққа жўнайман...

"Бургомистр" деб бурнимни жийирган эсам-да, ўзим ҳам окшим, ёзувли кизил футболка кийдим. Шундай ёшариб кетдимки, хотиним хиёнатда айбламаса гўрга эди, деб ўйладим. Нима қилай, оддийроқ кийинганлар "Бургомистр"да дарҳол кўзга ташланади. Бирорта шифохонанинг ёки бозорнинг яқинидаги ошхонада овқатланадиган ҳўранда нима қилиб юрибди, деб эътибор қаратишлари эҳтимолдан холи эмас.

Зумрад ва Собит кўп куттирмади. Ресторан тўрига гаплашмасдан ўтдилар. Ўнгдаги супага қўйилган столлардан бирини эгаллаб, жилмайиб қўйишди. Менюни ўқиётганларида уларга зимдан тикилдим. Диктофон болалар вафлисидек келарди. Агар вальсга тушишса, пайтдан фойдаланиб, стол тагига скоуч билан маҳкамлаб қўйишим мумкин. Диктофон қўёлмасам, Насимга буни рўй-рост, беҳижолат айтаман. Нима, мен тажрибали жосусманми?

Қадах кўтардим. Кузатувимдаги шахслар ҳам еб-ичишга тушишди. Ҳаял ўтмай, тановулдан кўра кўпроқ суҳбатлашишни раво кўришди. Ҳатто Собит тирсакларига таяниб, лом-мим демай аёлни тинглаб ўтирарди.

Насим телефон қилиб, собик хотини қандай ўтирганини сўради.

– Кайфи чоғ, маза қилиб ўтирибди, – дедим.

Насим каттиқ йўталиб, нимадир деб гўлдиради. Собик бўлса-да, барибир хотини эди, юрагининг бир чети жизганак бўлиб куйди. Бирок хотиржам сўзлади:

– Шунақа денг... ҳм-м, яхши-и... Бўйнида занжир йўқ бўлса керак?

– Йўк.

– Овозларини ёзиб олаяписизми?

– Ўринларидан турган захоти диктофонни стол тагига ўрнатаман.

– Қачон туришади? Эҳтимол, овкатланиб бўлиб, жўнаб колишар?

– Ўйин-пўйинга чиқишса керак, бу ерда факат овкатланишмайди-ку.

– Ёрдамим керак экан-да. – Насим бир нафас жим тургач, йўталиб олди. – Ҳозир Зумрадга бировнинг телефонидан кўнғирок қилиб, эшикка чиқишга мажбурлайман. Тайёرمىсиз?

Насим айтганини қилди. Телефонга кулок тутаркан, Зумрад ўрнидан безовта турди, кейин эшикка юрди. Табиийки, Собит ҳам эргашди. Менга ўн сония вақт керак эди.

Улар қайтиб келишгач, бир соат овкатланишди. Бахтга қарши иккисининг-да камгаплиги тутиб қолганди. Вальс чалина бошлади, жуфтлик ўртага чиқди, вужудлар бир-бирига сингиб кетди. Шунда беихтиёр улардан кўз узолмадим. Тан олишим даркор, иккисининг мослигини кўриб, ичимда нимадир чирт узилди. Хотинимни ресторанларга олиб бормаганман, романтик тарзда биргаликда кечки овқат еб, вальсга таклиф этмаганман, боз устига тез-тез ажрашиш ҳақида ўйлайман. Бегона аёл билан мен ҳам шуларнинг ишини қилармиканман? Ҳа, минг афсуски, ҳа. Турмуш қурган эркак ва аёлнинг топишиши гўзал кўринмоқдами, тамом, ичимга ўзга аёл ишки тушган. Ўзга аёлни кўрмай, эшитмай, билмай туриб, унинг ишки тушган! Чунки мен оилавий сирлар ҳақида китобларда бонг урилганидек, хотинимдан ҳаловат тополмаган бечоралардан бири эдим.

Хартугул ўзимни шунақа ҳисоблаб, жиғилдонимга аччиқ ароқни қуйиб юбордим. Ресторандан чиқиб, уларга соядек эргашмоқчи бўлдим. Бирок фаввора ёнида тўхтадим, ошиқ-маъшукларнинг ортидан кузатиш бефойда эди. Яхшиси, стол тагидан диктофонни олай-да, эшитиб кўрай.

Улар Муроджонни мактабга қўйиш, уйни таъмирлатиш, машина олиш ҳақида кўпроқ гаплашишган экан. Бир жойда никоҳга ҳам тўхталибдилар. Биринчи кечамиз ёш келин-куёвларникидан ўн чандон ажойиб бўлади, дебди Собит. (Лаънати, ишқий кечаларга кўнгли сушт кетган экан-да!) Вўх,

ана, Насим хакида ҳам гапирибдилар. Зумрад шундай дебди: "Насим мени тинч қўядиганга ўхшамаяпти. Тиллафурушни топсак, ҳаммаси тугарди... зўр иш бўларди-да..."

Бошимда саволлар чарҳ урди:

– Қанака тиллафуруш?

– Нима тугайдию нега зўр бўлади?

Ресторандан чиқаётиб, яна изимга қайтдим. Менга официант керак эди.

– Ҳа, уларми? – суратга бармоғини бигиз қилди официант. – Ваҳобиддин акам яхши танийди.

– Лекин уларга сен хизмат қилдинг-ку! Ростини айтишинг учун яна пул берайми? Қанча сўрайсан?

– Мен бир ойдан бери ишлайман, холос. Акам уларга яхши қара, деган. Шундан билингки...

– Гапни олиб қочаяпсанми, дебман, узр. – Официантнинг елкасига қоқиб, Ваҳобиддинга рўпара бўлдим. Ётири билан тушунтиргандим, у баттар ковок солишига қарамай тилидаги тугунни ечиб юборди:

– Баъзан бировнинг эри, баъзан хотини шунақа илтимос билан келишади. "Ким билан ўтирибди, қараб беринг", "кеча уларнинг даврасида аёллар бормиди?.." ва хоказо. Бу ерда бир ярим йилдан бери ишлайман, ака. Расмдагиларни эса биринчи марта ўтган йилги 8 март байрамида кўргандим. Очиқиб-сочиқиб ўтиргандилар. Лекин хотин бу одамнинг устига "Кола" тўқиб юбориб, мени балога қўйганди. 8 мартда аёл кишидан балога қолганингдан кейин унутмас экансан...

– Всё! Отлично! – деб чўнтагига минг сўм тикдим. Зумрад ва Собит ўн бешинчи май – якшанбага ўтар кечасида содир бўлган босқинчиликдан етмиш кунча бурун ҳам таниш эканлигинини осонгина аниқлаган бўлсам-да, бу буюк ғалабам эди.

Оёғим уйга тортмади. Биламан, хотиним ҳозир кайфимни бир пул қилиб, бошимга уради. Гўё ҳаммасига мен айбдор? Унга муҳаббатим йўқ экан, ўзимни мажбурлаб сева олмайман-ку! Шу йўл билан муҳаббат оловланса экан... Бундай яшаш – телбалик! Насим воқеаси сабоқ бўлолмаслиги тайин.

Тунги дўкондан бир кути сигарет олиб, бекатда чайқалиб

турарканман, нимадир камлик килганини ҳис эта бошладим. Бу – арок эди.

– Энди Насим билан ичаман, – дедим ўзимга-ўзим. – Ичишнинг сабаби бор. Овим бароридан келди!

Таксига ўтирдим. Насим айтган жойга етгач, машинадан тушиб, чўнтагимни кавлаштираётгандим, Насим келиб қолди. Хайдовчига пул узатиб, деди:

– Бу одамни уйига элтиб қўйинг.

– Э-э, мен ҳали уйга кетмоқчимасман, – дедим.

– Диктофонни берингу, кетаверинг, дўстим... Соат неча бўлганини биласизми?

– Тошкентда тонг отгунча... Юзта-юзта...

– Уйингизга боринг, хотинингиз кутиб қолгандир, – деди у янада жиддий оҳангда. Сўнг диктофонни чўнтагига солиб, устидан силаб қўйди. – Бунинг учун раҳмат.

Официантнинг гапини етказишим керак эди.

– Эй! – дедим Насимга ўгирилиб.

– Баходир, эртага, дедим-ку. Ҳозир уйга кета қолинг.

– Улар ўтган йили 8 мартда “Бургомистр”да бирга ўтирганини аниқладим!

– Ўтган йили 8 март? Ростданми? – Насим менга синчковлик билан тикилди.

– Ростдан. Босқинчилик ўн бешинчи майдан ўн олтинчига ўтар кечаси бўлган, улар эса март ойидаёқ таниш эди. Қалай, зўр хабарми?

Насим чуқур ух тортиб, атрофга аланглади. Юзи қайғудан қанчалар буришиб кетганини кўриб турардим. Кейин у мени кучоклаб, миннатдорчилик билдирди.

– Бошида ўйлагандимки, – дедим шу он Шокирнинг гумонини эслаб, – бу ишда сизнинг ҳам қўлингиз бор...

Кучоклаб турган Насим тошдек қотди, ҳатто бир-икки юлкиниб ҳам кўрдим, қопқондек қисиб турарди у.

– Менинг?.. Менинг қандай қўлим бўлиши мумкин? – деди бирдан нари итариб. – Роса ўчиб қолибсиз, Баходир, камрок ичиш керак.

– Эр-хотин тил бириктириб, “босқинчилик операцияси”ни уюштириб, мени итдек сарсон қилиб юрган, дедим...

– Вой аҳмоқ! – Насим хитоб қилди. – Шу ҳам гапми?!

Детективлик қиламан деб тентак-пентак бўп қолмадингизми? Эртагаёқ дўхтирга боринг, психиатрга!

– Тилла тақинчоқлар кўп бўлган дейишди...

– Ким шундай деди?

– Тахмин қилганимни айтаяпман. Тиллаларга яна бир шерик бўлган, ўшандан яшириш учун эр-хотин...

Насим юз-кўзимга қазаб билан боқиб, деди:

– Менга қаранг, Баҳодир, сизни хотинимнинг изидан қўйиб, хато қилмадим, деб ўйлагандим, бу гаплар нимаси? Агар шундай бўлганида, Зумрад билан ажрашармидим? У анави гўрсўхта махбус билан танишиб, эрга тегармиди? Қалла-палла борми сизда?! Ҳафсаламни ёмон пир қилдингиз лекин!

Ҳа, бу менинг очикдан-очик мантиксиз хатом эди. Бироқ маст бўлсам-да, бир нарсаятиборимдан четда қолмади: янгича тахминдан Насимнинг ўтақаси ёрилиб кетди. Нега бунчалик кўркди у?

– Суратлар қалай? – сўрадим нима дейишни билмай.

– Чидаса бўлади, – деб Насим мени такси сари бошлади. – Худди ўша тилла занжир! Бир танишим Дубайдан келтириб берганди... Эртага батафсил гаплашсак.

– Диктофонни эшитиб, эртага мени тинч қўймайсиз, – дедим мен.

Кўзимни очганимда, тонг отган эди. Бугун душанба. Бироқ энди эркин одамман, душанбалар ортиқ асабимни эғовламай қўйганди.

– Бошингиз оғримаяптими? – кутилмаганда хотиним қаҳва келтирди. – Ичинг, дадаси.

Таниёлмадим. Нахотки, мулоим тортиб қолган шу аёл хотиним бўлса? Ҳатто кўзимга чиройли кўриниб, култ этиб ютиндим. Ҳақиқатан, сочини турмақлаб олганини-чи! Қалин қора сочларини турмақлаб юрган хотинларни кўрсам, унча-мунчага кўз узолмай қолардим, энди ўз хотиним кўзимни қувнатаётган эди.

Қаҳвани тутқазиб, индамай чиқиб кетди. "Ётган жойида қаҳва ичаркан, киноларга тақлид", деманг. Ўрнимдан туриб, юз-кўлимни юйиб, нонушта сўраганимдан кейингина бирор нима келтириб берарди, энди эса... туришга ҳам улгурмадим. Астаффурулло!..

– Кайфиятлар яхшими? – кўз сузиб, суйкалди у тошойна олдида.

Соч тараётган эдим, кўнглим эриб кетди. Бирок дарров таслим бўлишни истамадим.

– Сен сўрагандан бери яхши, – деб кўчага отландим. Қани, бир неча кун кутай-чи, у бурунгидек жохил киёфага кирмаса, мен ҳам ширин турмуш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўраман.

Бугун тиллафуруш кимлигини аниқлашдек мушкул иш топширилиши аниқ эди. Пулимнинг ҳам чўғи камайди, Насимдан яна анча-мунча ундиришим керак.

Кутилмаганда Насим бир тийин бермади.

– Диктофондаги ёзув ҳеч нарсага арзимади, – деди у. Зумрад ва Собитнинг биринчи никоҳ кеча ҳақидаги гаплари, Муроджоннинг келажагини ўзаро бамаслаҳат режалаштиришгани нафсониятига қаттиқ теккан кўринади.

– Қанака тиллафуруш ҳақида гап кетаяпти ўзи? – сўрадим хайронлик-ла елка қисиб. – Нега тиллафурушни топса, сиз Зумрадни тинч қўйишингиз мумкин?

– Мендан бирор шубҳангиз борми? – аламдан кўкарди Насим. – Кечадан бери томингиз кетаяпти сизнинг!

– Зумраднинг фикрини айтаяпман.

– Бас! Ишни йиғиштинг, сиз билан хайрлашаман! Илтимосимни ерда қолдирмай, ҳаммасини уддаладингиз. Катта раҳмат!.. Бундан кейин бир умр виждоним қийналмай яшайди. Зумрадга ишонгандим, вафодор хотин деб ўйлардим. Устига хотин олиб тўппа-тўғри қилган эканман. Ҳезалак бўлиб юришдан Худонинг ўзи асрабди... Лекин, Баҳодир, яна бир марта айтаман, сир сирлигича қолсин. Бўлмаса, қаттиқ хафа бўламан.

– Сизни тилла занжир қизиктирмаётганига ишонмайроқ турибман.

– Нега қизиктирмас экан? Бу ёғи шахсий ишим. Зумрад билан очикчасига гаплашиш фурсати келди. Сиз ўйиндан чиқарилдингиз, холос.

У қўл узатди, мен ҳам. Бирок хайрлашмадим. Афтидан Насим учун балиқ эдим, лекин бу балиқ унинг ўзини қармоқ-пармори билан сувга тортиб кетишини ўйламаган эди.

## IV

Эртасига фотоаппарат ва дурбинни сумкага жойлаб, автобусга чикдим. Уларни калондимов эгасига топширмок лозим эди. Шу тобда Насимнинг туркини-да кўришни истамаётганимни англаб, мийиғимда кулиб қўйдим. "Сиз ўйиндан чиқарилдингиз, холос..." Ювошман-да! "Аксинча, сиз ўйиндан чиқарилдингиз", десам бўларди-ку. Парокандаликка юз тутган оила ва кимматбаҳо тақинчоқлар можароси ҳақида энди анча-мунча нарса билардим. Насимсиз ҳам Зумраднинг изидан қолмасам, сирли жумбоқнинг тагига етишим, жиноятчиларни қош етишим ёки салмоқли бойликка эга бўлишим мумкин эди.

Автобус светофордан чапга, 6-кварталга бурилганида, бунни тақдирга йўйдим. Дарвоқе, қайси кварталлардан ўтишини ўйламай салонга чиққандим. Бир неча кун жосусдек изриганим ўша таниш маконга ойнадан тикилиб борарканман, иттифоқо, бекат яқинида турган Зумрадга кўзим тушди. Беихтиёр кўлим фотоаппаратга югурди, аммо суратга ҳожат йўқ эди. "У билан юзма-юз гаплашаман", – дедим. Орқа эшикдан чиқиб, сумкани елкага таққанча Зумрад томон одимладим. Насимнинг топшириғи хусусида ҳеч нима демайман, лекин "сизни танидим, дўстимнинг хотинисиз" деб, жўрттага Насимни сўрайман. Қани, бу сирли аёлнинг кўзлари нималарни сўйлар экан?

Етишимга бор-йўғи ўн кадам қолди, гапимни миямда пишитдим ва чуқур нафас олдим, аммо шу пайт оқ "Нексия" ён чирорини ўчириб-ёққанча йўл четига, баайни унинг ёнига тўхтади.

– Ўтиринг, – деди рулдаги семиз киши.

– Йўқ, ташқарида гаплашамиз, тушинг, – деди Зумрад.

– Унақа нарсалар очик ҳавода гаплашилмайди, – деб ҳалиги киши машинасидан тушиб, айланиб ўтди. Мен кадамимни секинлатиб, қулоғимни динг қилдим. О, гапира қолсаларинг-чи!

– Машинада ҳам, уйда ҳам гаплашмайман, – деди Зумрад, – сизга кўрсатадиган нарсам кўлимда. Кеча Собит акамга қаттиқ илтимос қилдим, топиб беринг ўша тиллафурушни деб! Мана, кўринг... Нима дейсиз, виждонингизга ҳавола.

Ортимга ўгирилиб, Зумрад аждарнусха тилла занжирни узатаётганини кўрдим. Кимнингдир йўлига нигорон бўлган кишидек йўлак этагига алангладим. Табиийки, иккаласига

ўрринча караб қўярканман, бирор сўзини қолдирмасдан тинглашга уриндим.

– Биринчидан, тиллафуруш эмасман, – деди семиз киши норози бўлиб, – иккинчидан, бу матоҳингизни ҳозир қўриб турибман.

– Виждонингизга ҳавола, ака.

– Виждон бор, афсуски, сеҳргарлик йўқ. Бу занжир уйингизда пайдо бўлиб қолган экан, менга нима дахли бор, ҳайронман!

– Телефонда айтилган гап: сиз эрим билан олди-берди қиласиз. Шу занжирни эримнинг қўлида кўрган бўлишингиз керак. Қўрқитмоқчи эмасману, тез орада бу ишнинг охирига етсам, сиз ҳам судга тушасиз!

– Унда соғ бўлинг! – эркак қўл силтаб машинасига ўтирди-да, газни босди.

Машинанинг давлат ракамларини хотирамга муҳрлаб, яна Зумрадга диққат қаратдим. У алам ва изтироб ила атрофга кўз югуртириб, занжирни эзгилаб ташлагудек сикимлади. “Йўқ, майнавозчилик қилмайман, – дедим ичимда. – Насимни жўрттага сўраш – аҳмоқчилик, бу хотин шу захотиёқ ҳаммасини сезиб қолади. Яна бир оз чидаб, изларидан қолмаслигим керак шекилли. Боскинчилик – найранг, аммо бу найрангни Насим ҳам, Зумрад ҳам ўйлаб топмаганга ўхшайди. Демак, ўзим билмаган ҳолда учинчи одамнинг изидан кетаяпман. Балки учинчи одам Собит бўлса-чи?.. Ким бўлганда ҳам барибир у учинчи одам, ҳамма сирнинг қалити!”

Насим уйида йўқ экан. Эшикка Гулфира чикиб, сумкани олар экан, сўради:

– Мабодо Насим акамнинг ўртоқлари... Баҳодир акаиди... ўша бўлмайсизми?

– Ҳа, Баҳодирман.

– Насим акам бир неча марта телефонда бакириб-чакириб гаплашаётганларида эшитиб қолдим. Зумрад опа тухмат уюштираяпти, шекилли?

– Қайси Зумрад опа? – сўрадим сир бой бермай.

– Баҳодир ака, у киши кундошим, – жилмайди Гулфира. – Дўстингизнинг иккита хотини борлигини, қаттасининг исми Зумрад, кичигиники Гулфира эканини билмаслигингиз мумкин эмас, ахир!

– Шунақа денг... Майли... Лекин тухмат ҳақида эшитмаган эканман. Умуман... буни нега мендан сўраяпсиз? Насимнинг ўзидан сўрай қолсангиз-чи!

– Насим акамга айтиб қўйманг, қандай воқеалар бўлаётганини билишимдан у киши беҳабар. Сизни бу ишга тортди, ҳар куни хабарлашиб туради, шундайми? Лекин нега айнан сизни тортди, тушунмадим, милицияда ишлайсизми ё адвокатмисиз?

– Милвокатман, – дедим энсам қотиб. – Шунақа касб пайдо бўлган, кўпроқ бировларнинг хотинини пойлаб юради.

Гулфира кулиб юборди. Жуда чиройли куларкан, садафдек тишлари-ю, тим қора, шўх кўзлари, кулгичлари... "Бундай киз билан битга жойда ишлаганимда мен ҳам бефарқ бўлмасдим", деган ўй кечди кўнглимдан. Қўлларини кўкси остига чалиштириб, нигоҳини ўқдек қадаганида, ўзимни қандай тутишни билмай, бош қашидим.

– Насим акам менга уйланишига Зумрад опа рози бўлган, аммо тўйдан кейин барибир чидолмади, турли ўйинлар чиқара бошлади. Ҳозир Насим акам қонуний ажрашишга улгургани йўқ. Менимча, Зумрад опа қандайдир тухмат қилиб, ё мол-мулкни бутунлай қўлга киритмоқчи, ёки қаматмоқчи. Нима бўлганда ҳам кундошимнинг нияти яхшимас. Орқасидан пойлаб, нима ишлар қилиб юрганини кўрган бўлсангиз керак. Ишқилиб тинчликми, нарсаларни қайтариб бераяпсиз?

– Тинчлик. У турмушга чиқаяпти, қутулаяпсиз кундошдан. Сизнинг-ча, қандай тухмат бўлиши мумкин?

– Босқинчилик ҳақида албатта билсангиз керак?

– Биламан, – дедим.

Рости, якшанбага ўтар кечаси рўй берган жиноят кулгили театр томошаси бўлиб туюла бошлаганди. Ҳар ким бу томошани шивирлаб гапирар, бировнинг зарарига хизмат қилдирмоқчи бўлар, аммо бундан гўё бутун дунё хабардор эди ва ҳамма ўзича сир тутарди.

– Ўша воқеани Насим акамнинг бўйнига илиб, ўч олмоқчи.

– Гап бу ёқда денг! – Кўп нарсани тушунгандек бўлдим. – Ўч олиш, деганингиз қайси маънода?

– Ўз маъносида. Яна қандай маъно бўлиши мумкин?

– Насим сизга уйланганида, Зумрад тақдирга тан бериб,

тинчгина яшаган экан. Энди тўсатдан ўзидан ташаббус чикиб, ажрашибди ва бунинг устига қасос ҳам олмоқчи. Насим унга охирги вақтларда нима қилди? Айби иккинчи марта уйлангани бўлса, бошидаёқ уруш чиқиши керак эди-ку?

– Насим акам номард эмас, иккимизга ҳам тенг муносабатда эди. Биласиз, боскинчилардан бири Зумрад опани зўрлаган, шундан кейин Насим акам менга уйланди. Бизнинг эркакларни тушуниш мумкин: биров тегинган аёл билан индамай яшаб кетиш осонмас. Менинг англашимча, Зумрад опа ўша боскинчиларни Насим акам юборган, деб даъво қилмоқчи. Қайси тентак шу ишни қилади? Бошқа хотин олмоқчими, ажрашади-қўяди-да! Ўз уйига боскинчилик уюштиришга, хотинини бошқа эркакка қўшишга, талон-торожга бало борми?.. Уф, охирги пайтларда роса сиқиладиган бўлдим. Насим акамга секин тушунтиринг, бас қилсин... Аниқроғи, тугатсин тезроқ шу ишларни!

– Буларнинг ҳаммасини Насим сиздан сир тутмайди, деб ўйлардим.

– Насим акам хотинларга ҳеч қачон ишонмаган, – деди жавобан Гулфира. – Ҳамма эркаклар ана шунақа! Ҳаммаларингиз бир хилсиз! Биз – аёллар театрдаги кўғирчоқларга ўхшаб, қаёққа лиқиллатсангиз, ўша ёққа ўйнаймиз.

Йўл-йўлакай сўнгги тахминим турилди. Зумрад боскинчилиқни Насим уюштирган, деган фикрга келмагунча ҳаммасига чидаган. Эри унинг юзини қора қилиб, шундан сўнггина ҳамкасб қизга уйланиш “лицензия”сини қўлга киритганини тушунгач, бор аламини сочган, ажрашган ва тезда Собитга турмушга чиқиш тадоригини бошлаган.

Насим эса собиқ хотинининг қўлида ўмариб кетилган тилла узукни кўриб, ўзича тушунган, Зумрад ва боскинчининг тили бир, деган хулосага келган. Узук етмагандек, энди аждарнусха тилла занжир ҳам топилди. Бирок тилла занжирнинг ҳам лоп этиб уйда пайдо бўлиб қолишидан Зумрад ҳам, Насим ҳам бирдек лол. Зумрад занжирни бежиз Насимнинг тиллафуруш ошонасига кўрсатмади. Ошнаси занжирни Насимда кўрганини айтса, масала ечимини топарди-қўярди. Насим эса Зумрад занжирни қаёқдан олди, деб ғазабда. Бу – тилла узукдан сўнг иккинчи, рад этиб бўлмас далил эди-да! Демакки, собиқ эр-хотинлар

боскинчиликни бир-биридан кўраётган дамда ўша учинчи одам фаол ишляпти. Дастлаб тилла узукни қайтарди, кейин тилла занжирни. Эр-хотин баттар кирпичок бўлди.

Ва ўша учинчи одам Собит! Бошқа ҳеч ким эмас!

Боскинчилик содир этилишидан беш ой илгари, январда Собит камокдан чиққан эди. Ноконуний тилла буюмлар савдоси учун камок тузини ялаган бу одам Насимнинг тилла тақинчоқларидан яхшигина хабардор бўлган. Айнан қандай, дейсизми? Эҳтимол, тиллафурушлик даврида хабар топгандир, эҳтимол, эски ҳамтовокларидан бири гуллагандир?.. Кейин Зумраднинг изига тушган, 8 март куни "Бургомистр"да бирга ўтиришга ҳам муваффақ бўлган. Бирга ўтириш – кўп нарсадан далолат бермайди. Иш юзасидан уй бекаси – Зумрад ва бегона эркак – Собитнинг ресторанда учрашув белгилашганига ишонмайман, ўшанда боскинчиликкача ҳали муддат бор, Зумрад Насим билан бахтли яшарди. Бирок бир стол атрофидан жой олишнинг важлари йўқ эмас. Масалан, Зумрад 8 март куни чакчаклашиш учун дугонасини кутаётган бўлиши мумкин. Пойлаб юрган Собит эса қандайдир хушомад гаплар билан ("Дугонангизнинг танишиман, узр, ундан сал аввалроқ келдим" кабилида) чалритгандир? Қахвани ҳам бекорга тўкиб юборадими? Боскинчиликдан сўнг Насим иккинчи хотинга уйлангач, Собит буткул ғалаба қозонганидан боши кўкка етган. Насим иккинчи хотининикида тунаб юрганида, у Зумраднинг юрагига ҳасад, исён, ўзга эркакка ишқ ўтинларини қалаб, гўлаҳлик қилган. Ахийри, йўлдан оздирган! "Эринг ёш ва соҳибжамол ҳамкасбига уйланиш учун сени хиёнат устида ушлаб, тилингни қисик қилиши керак эди. Мана, якшанбага ўтар кечаси "боскинчилик" найрангини амалга оширди, хиёнаткор этмаса-да, сал бошқача йўл тутди, барибир сени айбдорга айлантирди. Қолаверса, пуллари тилла тақинчоқларни иккинчи хотинига сарфлаб юборди. Бундан ортиқ айёрлик ва қабихлик борми?.." деган. Бунинг учун бир йилча вақт керак бўлган. Зумрад енгилтак аёл эмас, унинг садоқат сарҳадларини ёриб ўтиш учун Собитга кўп вақт ва кучли баҳоналар зарур эди.

Нихоят қалби аламу зардага тўлган Зумрад Насимнинг юзига барча ҳақиқатларни тўкиб солгач, дўстим оёри олти, қўли етти бўлиб, ҳузуримга чопган. Нима қилсам ҳам, боскинчиликни

Зумрад ва Собитнинг бўйнига қўйишим кераклигини менга топширган. Йўкса, тухматга колиши муқаррар эди. Бирок...

Диктофондаги ёзувни эшитиб, кузатувни тўхтатишимни бежиз буюрмади. Зеро далиллар барибир Насимнинг бўҳтонга учрашига хизмат қила бошлаганди: учинчи одам бу сафар ҳам устун чиқди. Боскинчилар олиб кетган тилла узук ва занжир жар ёкасидаги Насимга сўнгги пуфлаш эди.

– Лаънати, – деб сўкидим. – Шу Собитнинг кавушчасини бир тўғирлаб қўйсаммикан?

Ўйинга хотинимни аралаштиришга қарор қилдим. Муносабатлари изга тушаётганда, нега хотинини можароли ишга қўшаяпти, оқибатидан нега чўчимайди, деманг. Хотинимнинг роли жуда кичик. Шу баҳонада тишини ҳам даволатаман. Тиш ошқозондан ҳам кўра калбга кўпроқ хизмат қилади.

## V

Хотиним кечагидек хаддан ташқари меҳрибон бўлмаса-да, ҳар ҳолда ширин сўзлар ёмғири ила ивитишда давом этарди. Бошдан-охир ширин сўз сохталиқдан бошқа нарсасиз, сохталиқ кимга ҳам ёқарди?!

– Менга қара, – дедим унга, – севмайсан, деб кўп нолийсан, лекин севмасам, бир кун ҳам бирга яшамасдим. Шунинг учун...

– Вой, дадажониси, нахотки мени севсангиз?! Умуман, сезилмайди-я?!

– Севги ҳар хил бўлади. Мажнунчасига, Фарходчасига, Отабекчасига, Баҳодирчасига...

– Баҳодирча севги қанақа экан?

– Ҳовлиқмасдан, ўпкани босиб олиб, тежаб-тежаб севиш! Ахир муҳаббатни бир умрга етказишим керак. Ҳадеб мушукка ўхшаб ялайверсам, товонингни ўпаверсам, тугаб колиши мумкин. Хўш, стоматологияга борасанми?

– Тавба, стоматологиянинг нима алоқаси бор?

– Стоматология – оғиздан бўртиб чиққан суяклар билан шуғулланадиган соҳа. Худди ўша суяклар қанчалик мустаҳкам, оқ ва бутун бўлса, кампирлик шунчалик узоклашади. Борасанми, йўқми?

– Майли, борганим бўлсин.

– Фақат мен айтган жойга.

Уни поликлиника кўчасидаги стоматология шифохонасига, Собитнинг хонасига олиб кирдим. Собит негадир менга ажабланиб кўз ташлади. "Бургомистр"да ўтирганимда киёфамни эслаб қолдимикан? Йўқ, у қанчалик тулқак бўлмасин, ўқитилган жосусдек тажрибали эмас эди.

Шубҳа уйротмаслик учун кўп гаплашмадим. Кўчага чиқдим-да, вокзал томон йўл олдим. Бироқ энди кўчада чипта сотиш ёқмаётган эди. Ҳалол меҳнат билан шуғулланишни, хотиним билан тинч-тотув, бахтиёр ҳаёт кечиришни истаётгандим. Насимнинг турмуши ҳам турмуши? Зумрад кўз очиб кўргани эди. Шукр қилиб яшаса, шунча ғавро, шўришлар ҳам бўлмасди.

Кўприк устида тўхтаб, вокзалга, келаётган-кетаётган одамларга тикилдим. Дунё ўтқинчилиги кўз олдимда шунчалик аниқ-тиниқ ғавдаландики, беш кунлик умримда ўз бошимга ўзим савдолар солмоқчи бўлаётганимни англадим. Хотинимдан ҳаловат топмас эмишман! Ҳаловат "ма" деб бериладими, лотереяга чиқадими ё осмондан ёриладими? Ахир ўз кўлимда эмасми? Насим каби мен ҳам хотинимдан кечишим ва эрсиз юрган бирор қизга уйланишим керакми? Шу билан ҳаловат топаманми?

– Йўқ, – деб жавоб бердим кўзимдаги қора кўзойнақни олиб, – йўқ. Насим тополмаган ҳаловатни бу юришда мен ҳам тополмайман...

Уйга қайтдим. Энди фақат бахтли яшаш ҳақидагина ўйлаётган эдим. Бахтни узоқдан эмас, шу оиламдан топишим лозим. Хотиним ёқмаётган бўлса, тарбиялайман. Қадди-коматини, либосини, пардоз-андозини ҳам ўзгартираман, ўзгартирмагунча қўймайман.

Кечки пайт Насим кўнғирок қилди.

– Ишни йириштирдингизми, дўст? – сўради у тўнг оҳангда.

Жаҳлим чиқиб:

– Қанақа иш? – дедим.

– Вокзал олдида кўринмай қолдингиз?

– Бошқа иш ахтараяпман. Ўзимга ярашадиган, ҳалол меҳнат...

– Қанақа иш топишингиз ўз ихтиёрингиз. Лекин Зумраднинг орқасидан юришни бас қилинг! Бугун Собитнинг ишхонасига ҳам борибсиз! Бўлди-да энди, дўст, тўхтатинг, дедим, тўхтатинг-да! Бу ёри шахсий ишим, ҳеч қимни аралаштирмай, муаммомни ўзим

хал қиламан. Зумрад билан Собитнинг аввалдан алоқаси борлигини аниқлаб берганингиз учун бир умр сиздан хурсандман.

– Миннатдорман, демоқчимисиз? Мен ҳеч қандай...

Насим алоқани узишни раво кўрди. “Ўзсанг узавер”, дедим. Унинг йўриғига юриш хато эди. Хотинимни чакириб, тиш шифокори қандай даволаётганини, навбат олиб қўйиш тартибини сўрадим.

– Телефон рақамини бердим, униқини ҳам ёзиб олдим, – деди хотиним. – Ҳозир ҳеч ким стоматологияга бориб навбатда турмайди, гали келганда, кўнғирок қилиб чакиришади.

Менга шу керак эди. Кейинги кун Собитнинг изига тушдим. Телефонини қўлга киритишим керак эди. Кечки соат ўн, кўчада одам сийрак, боз устига у қаҳвахонадан икки юз грамм ароқ ичиб чиқди, оёқлари сезиларли даражада чалкашди. Ён кўчага бурилган жойда орқасидан шошилдим ва рақамларини тердим. Телефонни чўнтагидан ўзи чиқаргани маъкул эди. Рақамларимни эслаб қолса, кўнғирок қилганимни тан оламан, аммо “тиш даволаш нархини бир оз туширишни сўрамоқчи эдим”, дейман. Баайни ундан етти-саккиз қадам наридан рақам терганимни сезиб ўтирибдим.

Мана, кутганимдек пайпаслаб телефонни олди.

– Сиз “зубной”мисиз? – дедим. “Ҳа, ким бу?” деган эди, етиб бориб, телефонини юлқиб олдим-да, оёғидан чалиб, гурсиллатиб йиқитдим. Ўзини ўнглаб олгунча мактаб ортидаги қоронғи кўчага чопиб кирдим. Бечора аламдан бўғриқиб сўкинганча қолаверди. “Кечир, ўзга чорам йўқ... Лекин бу ҳали ҳолваси...” – дедим ичимда.

Таксида бир танишимникига бордим ва телефонни бериб, режамни обдон тушунтирдим. Ҳар қандай рақамдан бўлган кўнғирокни кўтармасликни, бир соатдан сўнг хотинимга телефон қилиб, шилқимона гаплар гапиришни тайинладим. У айтганимни уддалади. Бу вақтда мен уйда ўтирардим. Телефон сирли ва айёрона мусиқа чалди. Дастлаб хотиним хайрон ҳолда сўзлаша бошлади, ошхонага чиқди, сўнг асабийлашганча телефонини ўчириб қўйди. Ҳеч нима билмагандек, нима гаплигини сўрадим. Эртасига Собит билан юзма-юз гаплашиб қўйиш учун замин тайёр эди чори.

– Жинни-пинни бўлганми? – тўнриллади у.

– Ким?

– Биттаси адашиб тушган, минғир-минғир қилади... Газанда!  
– Телефонингни бер, ўзим гаплашаман.  
– Нима кераги бор рижиллашиб! – хотинимнинг кўзлари безовта ўйнади. – Ундан кўра ўчириб қўяйлик, кечаси одамларнинг тинчини бузадиганлар кўпайиб кетди, эрмак бўлманг уларга.

– Ўша жинни кимлигини билмоқчиман! – шубҳаомуз сўзладим.  
– Д... дадаси, бу билан нима демоқчисиз?  
– Кечаси хотинимга ким телефон қилганини билишим керакми, йўқми?!

Жаҳлим чиққанини кўрган аёлим телефонни узатиб, деди:

– Бу тиш дўхтир Собит ака... Менимча, адашди. Ичган шекилли.

Ўзимни баттар ғазабланган қилиб кўрсатдим ва дархол қайтиб алоқага чиқдим. Танишим кўрслик билан "Ҳа, нима дейсан? Гапнинг борми?" деб жавоб берди.

– "Зубной", сизмисиз? – сўрадим босиклик билан. – Бу мен – Баҳодирман. Бугун хотинимни олиб боргандим, танидингизми? Албатта, танидингиз, ҳозиргина телефон қилдингиз!

– Таниганда қандоқ, орайни!.. Гапнинг борми, деяпман?

– Сизни яхшигина тиш дўхтир деб макташганди, нима, мастмисиз? Ким билан гаплашаётганингизни биласизми? Мен тишини даволатаётган аёлнинг эриман!

– Кимлигининг фарқи йўқ. Ичишимга хўжайинмисан? – деди танишим.

– Тушунмадим? Сени "зубочистка" ҳам дейишганди, бу... бошқа жойларни ҳам тозалайсан шекилли.

– Ҳей...

– Ўв, менга қара, ок халат! Сен билан эртага гаплашаман! Терингни шилиб, куёшда қуришиб, сарғимтил халат тикиб бераман...

Кулгидан ўзимни зўрға тийдим, танишим ҳам қаҳқаҳ уриб юбормаганига шукр қилдим. Хогинимга бурилиб караганимда, мурдадай оқариб кетганини кўрдим. Аёл кишига бундан ортиқ ҳақорат борми? Эри унга шилқимлик қилган шифокор билан гап таллашиб ўтирибди, мавзу – покдомон хотинни йўлдан уриш.

– Борманг! Ўзим кунини кўрсатаман! – деди хотиним телефони пар ёстикка улоқтираркан. – Шунақа мияси айниган

дўхтирни ўзингиз топгансиз, менга олайиб қарашни бас қилинг!.. Ифлос! Қандай ҳадди сирди бунақа муомала қилишга?!

Эрталаб хотинимдан аввал кийиниб, тайёр турдим.

– Қаёкка? – қошини чимирди у.

– Кечаси билан ухлолмадим, тиш дўхтирнинг тишини синдиришим керак! Қонига шундай ташнаманки, ўлай агар, умуман чидолмаяпман!

Хотиним ўзи ҳал қилмоқчи бўлди, лекин оёқ тираб олганимдан сўнг уйдан бирга чикдик. Ишга жўнатиб юбормоқчи эдим, кўнмади. Телефон ўчириб қўйилган эди, Собитнинг ишхонада бор-йўқлигини билолмадик. Поликлиника кўчасига етганимизда, дедим:

– Бўпти, уни чертмайман... Ишингга бор, бизни ёлғиз қўй. Эркакчасига, босиклик билан гаплашишнинг ҳам йўли йўқ эмас. Хотини билан келиб, жанжаллашибди деган гап яхшимас, ахир.

– Жинингиз тутиб, муштлашишингизни афт-ангорингиз айтиб турибди. Қамалиб кетишингиз етмай турганди!.. Мен – бечора нима орзуларда сизга турмушга чиққандим. Ақалли ўнтасидан биттаси ҳам ушалмади.

– Ҳозир ушалтираман, – дедим ахийри ростакамига алам билан, – кам қолди, етайлик! Орзуларинг ушалмаганини сал аввалроқ айтмабсан-да, қанча шансни қўлдан ўтказиб юбордим.

– Шу феълингиз асаб касал қилиб қўймаса эди... Ундан кўра ажрашинг-да, бошқа хотин олинг! Тинчийман...

– Таниш цитата! – дедим бўғриқиб.

Иккинчи хотин – кимгадир бахт, кимгадир бахтсизлик келтириши ҳақида охири кунларда етарлича ўйлаб кўргандим. Хотинимнинг оғзидан монанд гапни эшитаётганим бир оз ралати, бир оз хайратомуз эди. Бироқ иккинчи хотин гўёки кўзагарнинг иккинчи кўзаси. Бу кўза қанчалик нафис, кимматбаҳо бўлмасин, атрофида ҳамиша биринчи кўзанинг синиклари сочилиб ётади ва ҳеч қачон бениҳоя гўзал манзара касб этмайди, муҳзунлик, кемгиклик, бир парча бўлса-да, армон аломатлари ҳеч аримайди.

Хотиним олдинга ўтиб олди. Стоматология хонасига ҳам аввал у бостириб кирди. Бироқ Собит ишга келмаган экан. “Кутиб туринглар”, – дейишди ҳамкасблари. Иши чиқиб қолганмиш.

Хотиним қанақа ишлигини билиши шарт эканини важоҳат билан сўраган эди, телефон компаниясига кетган, деган жавобни айтишди. Ташқарига чикдик. Мен ўриндикда ўтирдим, хотиним у ёқдан-бу ёққа юриб, дам-бадам йўлга кўз тикар эди. Бечора, шу тобда ҳам ҳамон орзулари ҳақида ўйлаётган бўлса керак.

Мана, шифокоримиз ҳам қорасини кўрсатди. Телефонда берилиб гаплашиб келар, пешонасидаги жароҳатга малҳам ёпиштириб олганди. Хотиним тўладан келган, оппоқ аёл эмасми, разабдан бир кизарган эди, бўғирсоққа ўхшаб қолди.

– Мақсадингиз оиламни бузишми? – ўдағайлади ул шўрликни.  
– Кеча нега майнавозчилик қилганингизни тушунтириб беринг. Эрим ҳам ёнимда! Эшитсин!..

– Нима гап ўзи? – Собит капалаги учиб, иккимизга аланг-жалаңг боқди.

– Кечаси менга телефон қилиб...

– Сен аралашма! – деб хотинимнинг гапини бўлдим-да, Собитга дўк урдим. – Кеча наша чекиб олганмидинг ё асли ўзи шунақа хўрозмисан? – Ёқасидан ғиппа бўғдим. – Сен ҳақингда эшитдим, ўтириб чиққан экансан! Шу ёшга киришингга қарамай уйланмабсан! Одатда сор эркак ажрашса, узоғи билан бир йилда...

– Қўйвор! Бу қанақа тухмат?!

– Хотиним ёкиб қолдим ҳали? – енгилроқ бир мушт урдим. – Ўйнаш қилиб олмоқчимисан?! Эгнингга оқ халат кийиб, ўз беморларингга телефон қилишни кўрсатиб қўяман сенга! Ҳали у телефон экан, юзма-юз келганда нималар дегансан?! Ўлдираман сени!..

Хотиним бизни ажратиш ташвишида жон куйдирар, ёрдамга одам чақирар, мен эса худди ўлдириб қўядигандек юзимга даҳшатли тус бериб, чиранар эдим. Стоматологиядан ҳам бир неча киши чиқди. Собит "кеча телефонимни ўғирлаб кетишди, ҳозир ўша сим-картамини ўчиртириб, янгисини олиб келаяпман, хотинингга ўша ўғри қўнғироқ қилган", деб уктирар, мен қайсарлик қилиб, тушунишни истамасдим. Роса томоша қўйдим. Бировнинг хотинига гап отиб юрган одам чиндан ҳам худди шундай бўҳтонга қолди.

Ниҳоят, кўлидаги янги сим-карта қорозини кўриб, "жаҳл отидан тушдим". Хотиним Собитдан бирийўла уч-тўрт марта уэр

сўради, ҳатто хижолатпазликдан қон босими ошиб кетаёзди.

– Чаток иш бўлдию... – дедим мен жўрттага. – Узр, дўхтир, мутлақо одам ишонади-да, худди овози ҳам сизники эди...

Собит пешонасидаги жароҳатни силади. “Эсимни ебманми?” – деди.

– Ҳа, ўша атрофда спорт мактаби бор, – дедим гапни айлантириб. – Узоқдан келган айрим талабалар пул учун телефон ўғирлашади, хирсдай бақувватлари кўп... Ёмон урибди, етмаганига мен ҳам... Яна бир марта узр.

Собит гапимни эшитишни ҳам хоҳламас, қанчалар хафа бўлгани кўриниб турарди. Кеча уриб, телефонини олиб қўйишди, бугун чошгоҳданок эр-хотин оч бўридек ташланишди. Ишхонасига ҳам шарманда бўлгани-чи?

– Кечкурун келаман, айбимни юваман, – деб қўлимни кўксимга қўйганча хотинимни етаклаб, кўзидан йўқолдим. “Энди қандай қилиб бу дўхтирга қатнайман?” – йиғламсиради хотиним. “Бошқа дўхтир топ”, дедим қолибона. Бироқ қувонишимга жуда эрта эди. Кечкурун Собит мени кўриши билан ўрнидан туриб, илик сўрашди.

– Қайси ресторанда ювмоқчисиз? – дея қўлимни анча вақт қисиб турди.

– Фарқи йўқ. Очиғи, ресторанларни унчалик фарқламайман.

– Одатда мен “Бургомистр”нинг мижозиман. Яхши жой. Сизга ҳам маъқулми?

– “Бургомистр”? Қаерда у? – елка қисдим. Айни дамда душман отган ўқ қулоғим тагидан ғувиллаб ўтган, ичим шув этиб кетган эди. Худди ҳаммасини билувчидек гапиради-я.

– Ўзим кўрсатаман. Кетдикми?

У ким биландир телефонда гаплашиб, икки-уч дақиқа куттириб қўйди. Таксига ўтирганимизда:

– Кечирасизлар, хотиним билан гаплашдим, – деди. – Аслида, Баҳодир ака, олдингизда гуноҳкорман. Кун бўйи ўйладим. Ўрнингизда мен ҳам шундай қилардим. Хотинингизни шифокорга олиб борсангизу кечаси лаънати шифокор севги изҳор этса!.. Тавба, яхшиям, бошқа рақамларга телефон қилмабди. Биласизми, кимларнинг рақамлари бор?! Казо-казоларнинг сингиллари, опалари, хотинлари, қизлари... Ўлиб кетишим мумкин эди-я!

– Сизни уйланмаган дейишганди-ку?

– Тўғри, ҳозирча уйланмаганман. Хотиним деб бўлажагини назарда тутдим. Тўйимиз аниқ, демак, у хотиним.

"Бургомистр" юрагимга рулу солишда давом этарди. Назаримда, Собит ҳаммасини билиши аниқ, ҳар қандай вазиятга тайёр туришим лозим. Атайин "Бургомистр"га таклиф этиб, ака-ука официантларни хизматга чакирар. Зумрад иккисини суриштирганим фош бўлар, шунда Собит "илтимос, оптимиздан ортиқ пойламанг, бемаъни томошаларни ҳам йириштиринг, пул десангиз пул, телефон керак бўлса телефон берамиз", деб довда қолдирадигандек эди.

– Уйланаётганингизни танишларингиз билмас экан, – дедим ўзимни қўлга олиб. – Лекин тилла билан тушганингизни билмаган одам йўқ ҳисоби.

– Ёмон гапнинг уруғи кўп. Нима ҳам дердим, ҳар ким ўз тарихига чидайди.

Йўқотилган йиллар, инсон тақдири, ҳали ҳеч ким сирини ечолмаган қисмат битиклари қачон, қандай ёзиладию нега инсон пешонасидаги ёзувлар учун жавобгар эканлиги – барчаси ҳақида сафсата сўқиб бордик.

– Бизни тасодиф учраштирди, – дедим мен.

– Тасодиф йўқ нарсаси, – жавоб берди Собит, – Танишувимизнинг бир неча сабаби бор. Масалан, қамалганимни, ишга янги келганини била туриб нега хотинингизни менга олиб келдингиз?

– Қамалганингизнинг нима алоқаси бор? Вокзалда биттаси мақтади. Ишхонам сизникидан узоқ эмас, оғайни, темирйўлнинг нариги томонида.

– Милициядан бўшаб, чиптафурушлик қилишингизга қойил эмасман, – деди Собит.

– Орқаваротдан суриштирдингизми?

– Нега суриштирарканман? – У ярасини силаб, деди: – Нима, исковуч итманми?

Ҳазабланганим сезилди шекилли, Собит кулди.

– Ҳайрон бўлманг, хотинингиз айтди... Ўша чиптафурушлар орасида танишим бор.

– Сир бўлмаса, ким экан? – деб сўрадим.

Собит кимнингдир исмини айтди. Танимадим ва енгил

тортдим. Эҳтимол, чиптафурушлар сафига кўшилмасимдан бурун у даф бўлгандир? Ҳозир шундай аҳволда эдимки, гўёки Собит билан рингга чикиб, очик жангни бошлаб юборгандим. Эҳтиётсизлик оқибатида иккимиздан биримиз ҳар сонияда марлубият тузини ялашимиз муқаррар эди.

## VI

Худди ўша ресторан, ўша жой. Қопконга тушганимни тан олдим. Собит айтганидек, бунда тасодиф йўқ эди.

– Хўш, нега айнан бу ерни тавсия қилдингиз? – дедим сигарет тутатиб. – Ақллилик яхши нарсас, лекин ҳадеб яхшиликка олиб келавермайди.

– Баҳодир ака, ақллилик даъво қилмайман. – деди Собит. – Бу хотинимнинг... бўлажак хотинимнинг илтимоси. Сиз уни танийсиз – Зумрад... Ана ўзи!

Ортимга ўгирилганимда, Зумрад бизга етишига ўн қадам қолган эди. Мендан изкувар чиқмади, чув тушдим. Бирок изкуварликдан бўшатилаганимни, эркин одам эканимни ўйлаб, ўрнимдан туриб, қулимсирадим.

– Салом, Зумрад!

– Салом, Шерлок Холмснинг омадсизи! – деди у қўл бериб кўришар экан.

Ўша кунги официант патнис кўтариб келди.

– Бу йигитчани танидингизми? – қулиб имо қилди Зумрад.

– Ҳа, Ваҳобиддиннинг укаси.

– Эҳ, сиз, сиз-а! – бош чайкади Зумрад ликобчаларни шахсан ўзи олдимга қўяр экан. – Бошимга кулфат тушган кунлари “синглим, ҳолинг не?” деб сўраш ўрнига жосуслик қилиб юрибсиз-а? Бундай олиб караганда, бойқуш сизнинг ҳам бошингизга қўнмоқчи, ҳечқиси йўқ...

– Қанака бойқуш?

– Насимнинг навбатдаги ўлжаси сизнинг хотинингиз! Наҳотки, ҳеч вақони сезмадингиз? Ишонмасангиз, телефонини текшириб кўринг. “Принятий” ёки “непринятий” да албатта унинг рақамлари сақланиб қолган.

Зумраддан ҳамма гапни қутган эдим, фақат буни эмас. Изидан тушганимдан бери гоҳ у, гоҳ Насим, гоҳ Собит хиёнаткор бўлиб

чикди, энди эса... Назаримда, ҳозир Зумрад бир далил айтади-ю, хогинимдан аллакачон жудо қилинганим ошкор бўладигандек эди. Сониялар ичида миямда миллионлаб ўй-хаёллар коришиб кетди. Гарчи ажрашишни орзу қилган бўлсам ҳам, шу тобда хотиним ўз хиёлати билан менга даҳшатли сабаб тухфа этишини асло истамасдим.

– Бунақа нарсалар билан ҳазиллашманг, – дедим.

– Насим дўстингиз бизнинг орқамиздан зимдан иш қилиб юрганида, қараб турмадик, – деди Собит. – Ҳатто кеча у таҳририятга ҳам борган, хотинингиз билан таҳририят орқасида гаплашган. Мана, Зумраддан сўранг. Насим ва оилангиз ўртасида борди-келди йўқ, тўғрими? Нега хотинингиз билан яширинча гаплашиб юрибди?..

– Бас! – деб столни муштладим. – Ҳозирок телефон қилиб, ҳаммасига аниқлик киритаман...

– Тўхтанг, Баҳодир ака, қўнғирок қилишга шошилманг! – бош чайқади Зумрад. – Аввал ҳаммасини гаплашиб олайлик. Қолаверса, биз ҳали хотинингиз Насим билан юради, демадик, бойқуш уйингиз устига қўнмоқчи, холос. Бунинг олдини олиш керак.

– Балки гапингиз бутунлай ёлғон бўлиб чикса-чи?! – дедим разабимни жиловлай олмай. – Аламингиздан шундай деётгандирсиз? Чунки нима қилиб бўлса ҳам Насимни айбдор қилмоқчисиз! Бир зумда мени Насимга қарши қайраб ташлаётгандирсиз? Менда ҳам Собит икковингиз ҳақингизда далиллар қаппайиб бўлган. Айниқса, Собит ҳақида!

– Нега "қарши қайраб ташлаётгандирсиз" деяпсиз? Майли, ишонмасангиз, хотинингизга телефон қилинг, лекин шу ердаёқ гаплашиб, шошгандан кўра секин-аста сездирмасдан баъзи нарсаларни аниқлаб олганингиз маъқул. Бирдан гавро кўтарган эр ҳамиша ютқазади, сизни алдаш йўллариини ўйлаб олишлари мумкин. Хотинингиз билан Насим гаплашганидан хабарингиз бормиди? Албатта, йўқ.

– Ҳа, хабарим йўқ эди, – дедим. – Лекин буни қаёқдан била қолдингиз?

– Шунинг учун ишонч билан айтаяпманки, хотинингиз "у киши", яъни сиз ҳеч нима билмаслигингизни Насимга гапираётганини эшитган гувоҳ бор. Агар шу гапни

билмаганимда, бундай ишонч билан даъво қилмасдим.

– Ичасизми, Баҳодир ака, менимча, юз-юз отиб олинса, яхши бўларди, – деди Собит.

– Ароққа бало борми шу пайтда?! – Унга ўшқириб бердим. Сўнг Зумраддан сўрадим: – Оиламни бузишга нима мажбурлаётган бўлиши мумкин? Бунисини ҳам биларсиз?

– Хотинбозлик, – жўнгина жавоб берди Зумрад.

– Хотинбоз бўлса хотинбоздир, лекин бошқа хотин куриб кетганмикан?!

– Ўйлаб кўрсам, Насим авваллари бир-икки марта сизлар ҳақингизда гапирганди. “Милицияда ишлайдиган Баҳодир деган танишимга хотини умуман мос эмас, ҳаёт ўзи шунақа: бир чиройлига бир хунук, бир яхшига бир ёмон”, деб сизни ёмонлаганди. Наҳотки, шундай тузуккина одам бўла туриб, Насим сизга караганда хотинингиз билан кўпроқ таниш эканини сезмаган бўлсангиз?

Сигарет ёкиб, тутун пуфладим. Зумрад нишонга аник мўлжаллаб ўқ узаётган эди. Насимдан топширик олиб, жума куни 6-кварталга борганимда, кечкурун хотиним у ерда нима қилиб юрганимни сўраган эди. Мабодо Насим билан гаплашган бўлса, буюртмачининг ўзидан эшитганмикан? Шунчалик калака бўлиб қолдимми? Айтгандай, ўтган куни стоматологияга борганимни ҳам Насим билди, дарров хабар топиб, минғир-минғир гап қилди. Буни хотиним етказган бўлиб чиқадими? Хотинининг бирдан меҳрибонлиги тутиб қолгани, ётган жойимга қаҳва келтирганичи? Воҳ, наҳотки у... Шоир танишим айтгандики, агар эр ёки хотин хиёнат йўлига кирса, баъзи ҳолларда оилада ўзини қўлдан келганча юмшоқ тутаркан. Хиёнатдан қонган кўнгил “истаган ишимни қилиб, боғлаяпман, энди машмашаларга чидашим керак”, деркан. Хотиним шундайлар тоифасиданми? Йўқ-йўқ, шошилмаслигим керак, бу – ифво ва тухмат. Илойим, шундай бўлиб чиқсин.

– Зумрад, тусмоллаб гапириб, одамни ўйлантириб қўйиш пихини ёрган тулкиларга кўпроқ ярашади, – дедим унга. – Кечирасиз-ку, сиздан тулки чикмайди.

– Собит акамни кеча сиз уриб, талаб кетдингизми? – деди Зумрад. – Тан олинг! Эракчасига бўйнингизга олсангиз, судга бермаймиз.

– Ҳа, шу одам... Бошқа ҳеч ким эмас... – пўнғиллади Собит.

Лаънати борган сайин ўзини голибдек тутаётгани. Зумрад ҳам еб қўйгудек тикилиб ўтирарди.

– Ҳа, мен урдим! – дедим. – Нега урганимни билиб бўлибсизлар чоғи.

– Кечаги қароқчи сиз эканингизга шубҳам бор эди, – Зумрад бокалга қўл чўзгани, Собит хушомад уриб, лимонад куйди. – Лекин стоматология олдидаги эрталабки жанжални эшитиб, билдимки, у – сиз! Ҳаммаси олдиндан ўйланган содда бир ўйин! Ўзимни тўхтатиб туролмадим, Собит акамга ҳаммасини очик-ошкор айтиб ташладим! Собит акам ҳам сизни шу ерда – "Бургомистр"да пайқаб, "орқамиздан одам тушганга ўхшайди" деб мени огоҳлантиргани, лекин кимлигингизни менчалик билмасди, бошида айтмагандим бу кишига.

– Ҳақиқатан кўп нарсани биларкансиз, – мийиғимда кулдим.

– Қойил!.. Иккингизни кузатган бўлсам, бирор ёмонликни ўйламаганман...

– Кечаги қароқчилик ва бугунги жанжални ҳисобга олмаса, албатта, – лукма ташлади Собит талтайиб. Салат кавшаши рижинимни келтирди.

– Сиз бу одам ҳақида нима биласиз ўзи? – дедим Собит томонга бош ирғаб. – Мен билан кўп андармон бўлибсиз, уни ҳам унутманг.

– Биз очик гаплашаяпмиз, сиз ҳам, – Зумрадинг тим қора кўзларидаги ўт янада гуриллади. – Адашмасам, Баҳодир ака, баъзи нарсаларни, яъни охириги гапларингизни айтмоқчисиз. Қулоғим сизда.

– Ўтган йили шанбадан якшанбага ўтар кечаси уйингизга иккита боскинчи кирган...

– Бу ҳақда бошидаёқ тўхталишим керак эди, – деди Зумрад киприк қокмай. – Қани, Насим қанақа ёлғон-яшиқ тўкиган экан?

– Улардан бири Собит, яъни ёнингизда ўтирган мана шу шахс.

– Бошқача гап кутмагандим, – Собит лимонад куйиб, даст кўтарди.

– Боскинчиликдан анча аввал, саккизинчи март куни шу ерда ўтиргансиз, – дедим Зумрадга дона-дона қилиб. – Официант менга айтган гапидан тониши учун, эҳтимол, унга пул-мул бериб қўйгандирсиз, лекин кўрган чораларингиз энди

аҳамиятсиз! Мен ҳам сизни судга бермоқчи эмасман! Қамалса, қамалгулик одам манави Собит! У Насимни сизга ёмон кўрсатиш учун уйингизга қўлингиздаги манави тилла узукни ташлаб қўйган. Ахир, мақсади ўша боскинчиликни Насим уюштирган қилиб кўрсатса, эрингиздан баттар кўнглингиз қолиб, бу одамга турмушга чиқишингиз осонлашарди-да! Бу билан Насимга ён босиб, Собитга тухмат қилмоқчи эмасман. Икковига ҳам тулурдим!

Тиш дўхтир ҳақоратларга зўрға чидаб ўтирарди: лаблари чўччайиб, четга олайиб қаради ва чуқур ух тортиб, бош чайқади.

– Ҳақоратсиз гапиришингизнинг иложи борми? – деди Зумрад.

– Улар шунга лойик!.. Мени яхшилаб эшитинг, Зумрад! Сизни Насим ҳам алдаган, Собит ҳам! Шунчаки бир қурбонсиз, холос. Собитнинг кўз олдида айтаяпманми, Насимнинг олдида ҳам айта оламан! Насим бошқа хотин олишни ўйлаб яшагани учун ҳам душманингиз, Собит эса уни худди шу ниятда ўзига имкон яратган қилиб кўрсатгани учун ҳам нафратга лойик.

– Қандай имкон яратибди? – ажабланди Зумрад.

– Насим яна бир хотин олиш дардида юрганини, лекин қонуний хотинини кўзи қиймаётганини Собит билгач, боскинчи бўлиб келган ва... сизни буллаган. Кейин “Бу боскинчиликни эрингиз уюштирган, чунки ҳамкасб қизга уйланиш учун баҳона керак эди”, деб кўнглингизга ғулғула солган. Далил керак эди. Шунда у ўзи олиб кетган тилла узукни уйингизга ташлаб қўйган. Сўнгра тилла занжирни ҳам. Эримдан бошқа кимнинг ҳам чўнтагидан тушиб қолиши мумкин, деб ўйлагансиз. Ахир, қайси аҳмоқ боскинчи тилла буюмларнинг бирортасини қайтариб келади! Бу фикрда қатъий тўхталгансиз, яъни Собитнинг найрангларига чув тушгансиз...

– Ичмасам бўлмайди, – Собит стаканчага ароқ куйди ва қалтираганча ичди. – Ҳаяжонни қаранг-а, Зумрад! Ҳақиқатни очик айтиб қўя қолинг, бўлмаса мени инфаркт қилиб қўяди у.

– Кўнглимдагидек гаплашиб олаяпмиз, энди орани очик қилсак ҳам бўлар, – деди Зумрад менга, – Эшитинг. Борчага, ўғлимни кўришга борганида қўлимда тилла узукни кўрган Насим хайратини яшириб ҳам ўтирмади. Чунки якшанбага ўтар кечаси – ўн бешинчи майда уйимга келган боскинчилардан бири Насимнинг ўзи эди. Ва у узукни олиб кетганмиз, деб ўйларди. Ахир, уни минг марта

ишонтирганман. Қўлимга қайтганини эса ҳеч тушунолмади. Тилла узукни яшириб юрганимга келсак, онамнинг операциясига пул керак эди, курумсоқ Насим эса "бизнесим учун кредит олганман, бировга бир тийин беролмайман", деб кўнглимни чил-чил синдирди. Шунда тилла узукни сотишга қарор қилганман. Бир аёл Собит ака билан учраштирди. Шундай қилиб, биз танишдик. Қасам ичиб айтишим мумкин, мен эридан бошқа эркакни ўйлайдиган хотин эмасдим. Собит акам турли баҳоналар билан мени уч марта чақиртирди. Гоҳ икки баравар нарх тўлайдиган тиллафуруш билан учраштираман, гоҳ "бу узугингизни текширадиган эксперт келади, узук оддий, тилла эмас" ва ҳоказо. Мен ҳам овсар эмасман. Учинчи гал: "Нега устимдан кулаяпсиз? Сиз ўйлаган аёллардан эмасман!" дедим. Собит акам узр сўраб, сумкасини очди ва пул чиқарди. "Пулни бераман, лекин узук ўзингизда туради", деди. Сабабини сўрасам, тилла буюмлар учун қамалганман, деб қўя қолди. Бегона эркак билан бунақа олди-берди қилолмасдим. Бир неча марта кўнғирок қилиб, узукни қайтиб олишини талаб қилдим. Шу орада онам операциядан яхши чиқди. Бироқ эрим ўғлим билан ошнасиникига зиёфатга кетган кеча боскинчилик рўй берди, яъни Насимнинг найранги... У ўз уйига боскинчиликка келди. Телевизор кўриб, мудраб ўтирардим. Эшик қулфлари шиқирлагандек туюлди. Ўрнимдан турганимни биламан, қора ниқобли кимсалар... Тузукрок эслаб қололмасин, деб устма-уста арок ичиришди. Кейин бири, яъни ўз эрим ётоқхонага судради. Узукни ортиқ тақиб юришга виждоним чидамай бекитиб қўйгандим. Биласиз, ўртоқингизнинг кўзлари кўкимтир... Маст қилинган бўлсам-да, танидим. Танидим бу одам эрим бўлиб кўринаяпти, алаҳсираяпман, дедим. Ҳатто оғзининг бир чеккасидаги тилла тишларни ҳам кўрдим...

Зумрад ҳикоясидан тўхтаб, лимонадни култ-култ ютди. Собит бошини ҳам қилиб ўтирарди.

– Етар, Зумрад, – деди у. – Мени бу ерга Баҳодир ака "яраш оши" учун таклиф этиб, сиримни билмоқчи эди, ўз ихтиёримиз билан бор ҳақиқатни гапирдик. Энди қандай йўл тутади, виждонига, ақлига ҳавола. Келинглари, "иш"ни ёпиб, маза қилиб "ужин" қилайлик-да, кетайлик. Иложи бўлса, Баҳодир ака билан қайтиб кўришмайлик.

– Узоқ ўйладим... ойлар ўйладим... Насим устимга хотин олгач, гумонларим кўпроқ илдиз отди, – давом этди Зумрад овози калтираб. – Зиёфат бўлган хонадон эгаларидан яқинда яхшилаб сўраб-суриштирганимда, айнан босқинчилик содир бўлган соатда, Насим Муроджон ўғлимни ухлатиш учун хоналардан бирига кириб, бир соат ҳеч ким безовта қилмасликни тайинлаган экан. Шу орада ўзининг қабих режасини амалга оширган... Ниҳоят, ажрашишга қарор қилдим! Бадном қилган, устимга ифлос йўл билан хотин олган эр билан ўлсам ҳам яшолмасдим...

– Тилла занжир-чи? – сўрадим ундан. – Қандай қилиб янги уйдан топилди?

– Сантехник келган эди. Уни Насим юборгани аниқ. Зўр бериб, бу босқинчиликни Собит акамнинг бўйнига қўймоқчи. Биздан ташқари милиция ҳам гумонсираб юрибди, бизсиз ҳам куни битади ношукрнинг! Тиллафуруш билан учрашганимда, кўрдингиз, у ҳам бошида тан олмади. Кейин ўзи қўнғирок қилди. Кеча Собит акам билан бориб, учаламиз очик гаплашдик, худди сиз билан гаплашгандек.

Ўзимни ўйиндан чиққандек ҳис этдим. Аслида бу ўйин менга зиғирча керак эмасди. Икковини кечки дастурхон олдида холи қолдириб, уйга жўнайман. Менинг ишим – аввало хотинимни эплаб олиш, агар хиёнат сўқмоғига бурилган бўлса, ажрашиш, Насимни муносиб жазолаш!..

– Тиллафуруш билан учрашганингизда мени танимасангиз керак, деб ўйлагандим, – дедим ўрнимдан туриб.

• Майкачан қўшнимнинг анча ёрдами тегди, – Зумрад ҳам оёққа қалқди. – Яна бир пиёниста амаки бор, у ҳам ёрдамлашди. Қурилиш бўлаётган бинода йиқитиб юбориб, тирсагини лат едиргансиз бечоранинг.

Улар билан хайрлашдим.

– Айтгандек, телефонимни қайтариб берасизми? – деб Собит ҳам ўрнимдан турди. – Унда кизчамнинг суратлари бор... Биласизми, қизим онаси билан кетган...

Мен бош силкидим. Собит ғариб ва бахтсиз эканини энди пайқадим.

## VII

Зумрад кўп нарасада адашмаган эди. Бирок хотиним масаласидаги тахмини ёлрон бўлиб чиқди. Насим гулдек хотини бўла туриб, бир қиз ишқида ўз бошига савдолар солгани учун яширинча хотиним билан гаплашиб, оиламизни сақлаб қолиш йўлида саъй-ҳаракат қилган экан. Менга меҳрибон бўлиш кераклигини, акс ҳолда тез орада ўзимизга ўзимиз бахтсизлик сотиб олишимизни айтибди.

Стоматологияга борганимни Насим каердан билганини аниқлашга улгурмадим, 6-кварталда юрганимни эса хотинимнинг бир дугонаси кўрган экан. Эртасига Насим билан гаплашолмадим. Уни ўтган йили ўн бешинчи май – якшанбага ўтар кечаси ўз уйига босқинчилик уюштирганликда айблаб, камокка олишди. Терговга Зумрад, Собит, мен, тиллафуруш, яна аллақимлар чақирилиши маълум эди. Энг даҳшати, тунов куни истироҳат бори ёнидаги йўлакдан ўтиб бораётсам, светофорда тўхтаган машина ойнасидан бир ширакайф жувон бош чиқариб, менга қичқирди:

– Милвокат! Қалайсиз? Юрибсизми?

"Милвокат" дейишидан танидим: у Гулфира эди. Балки машинадаги эркак қариндошидир, балки хушторидир, билмадим. Бировнинг ҳаётини титкилаб кўрганимдан кўра ўз хотинимни севишни ўрганганим минг марта арзонроқ ва охири бахайрроқ эди.

*Тамом*

## УЧИНЧИ ҚАРТА СИРИ

(кисса)

Бу воқеа ёмғир шаррос куйган кечадан бошланди. Кимлардир зътироз билдириб, инсон ҳаётидаги ҳар бир ҳодисанинг илдири минг ёшга тенг, деб даъво қилар. Тўғрисиям шу, агар қачонлардир жосуслар пайдо бўлмаганида, кимор отлик балои азим турилмаганида, одамлар ўзга юртларга бойлик ва бахт илинжида жўнамаганида тепалик ёнидаги уйда ҳеч нарса юз бермас эди.

– Дили ухладими? – шивирлаб сўради эркак.  
 – Ҳа, – аёлнинг уйкусираган товуши эшитилди.  
 – Суяржон-чи?  
 – Ухлади, дадаси, ух-х... ла... ди...  
 – Бунча тошдай котдинг, Фарида, кўзингни оч. Сенда гапим бор.  
 – Ит ҳам ухлади, пишак ҳам, сиз ҳам ётинг-да энди. Белим оғриди деб баҳона қилдингиз, сабзи-картошканинг ҳаммасини ўзим ташидим. Бола эмиз, овқат қил, молга қара... Шунча ишлар бор экан, кечаси уйротманг мени!

Эрнинг жahl инган товуши ўрриларникидай шивир аралаш хаваго ёйилди:

– Хотиниммисан?  
 – Хотинингиз бўлганим учун шу оғир ишларни килиб юрибман.

Шунда эрнинг истаги бошқа нарса эканлиги маълум бўлди:

– Тур, молхона эшигини ёпиш эсингдан чикибди, қара, шамол кучайди.

Ҳақиқатан ҳам шу пайт гувиллаган овоз, тасир-тусир ва эшикнинг бостирма устунига қарсиллаб урилиши эшитилди. Томдан нимадир тарақлаб тушгач, эр-хотин беихтиёр дераза тагига тиззалаб бориб, пардани кўтардилар. Бўрон кўтарилганига қарамай ёмғир ҳам ёрмоқда эди.

– Нега фақат мен чиқарканман? – Фарида тўзриган сочларини тузатди. – Нега фақат эркакларнинг ишини буюрасиз-а?

– Бор дедим, Фари!

– Бормайман.

Шу лаҳзада дераза ойнасига алланималар ёпишиб қолди. Эр-

хотин чўчиб тушишди. Кимдир зулмат кўйнидан уларга карата бир даста парча қоғозни улоктирган эди. Бу хазон барглариими, пулми, йиртилган китобми, билиб бўлмасди.

– Нима бало бу? – сўради эри.

Фарида энгашиб чирокчали ёндиргични олди. Бўрон аллақасқлардан карта доналарини учуриб келиб, ёмғир этагини силкитиб ётган деразага ёпиштириб кўйганди.

– Нечта? – деди Аскар ойнага бармок теккизиб.

– Шўрим курсин, нечталигини санаб тентак бўлибманми?

Фарида аламдан бўғриқиб халатини кия бошлади. Бундай об-хавода Аскарни трактор билан тортиб ҳам уйдан чиқариш мушкул эди.

– Ишингни чала қилгансан, – ғудранди эр, – узокрокка супуриб кўмиб ташлаганингда шамол "мусор"ни уйга учирмасди.

Халат белбоғини бўғиб, рўмолини ўраб бўлган хотин шиддатла эрига каради, чирок нурида тунд юзи бир лахза оқариб кўринди. Дунёдаги ҳеч қайси эркак бундайин норози қиёфани аёл кишида, хусусан, хотинида кўришни истамасди. Аскар уйқусираётган кизи томон судралди.

– Уйдан бунақа чиқинди чикмаганини билиш учун катта калла керакмас, дадаси, – деди Фарида. – Бир-икки марта уйда карта кўрганмидингиз?

Табиат разаб отига минган, хатто у ҳам сокин яшолмас эди. Хотин молхона эшигини зўр-базўр ёпди, очикда қолган тоғора, кетмон, обдасталарни йиғиштирди. Ёмғир учун ҳамма баравар: аёлгинани савалаб ташлади. Тойғониб йиқилди боякиш. Шунда негадир отаси сўзлаб берган бир воқеа лип этиб хаёлидан ўтди. Бир зобит шаҳардан ҳарбий қисмга қайтаётган экан. Маст эмасми, йўлдан адашиб дўнгликлар билан ўралган майдончага бориб қолибди. Шу пайт ёмғир кучайгандан кучайиб дўнгликлардан сув шовиллаб оқаверибди. Зобит қай томонга юрмасин, дўнглик эмиш. Қани юқорига чиқолса! Лой аралаш тойғониб йиқилаверибди. Аксига олиб майдонча сувга тўла бошлаб, зобит ғарк бўлиш қисматига ёзилганини сезибди. Ўлим дахшати мастлигидан асар ҳам қолдирмай бор овози билан

одамларни ёрдамга чақирибди. Кимсасиз дўнгликлар, ёмғир, алламаҳал... Ким ҳам эшитарди дейсиз!.. Бирок зобит ҳарбий қисмга тирик қайтибди. (Фариданинг отаси ўшанда соқчиликда турган экан.) "Биринчи дуч келган одам сенсан!" деб аскарни кучоклаб олибди. Соқчи эса уни душман гумон қилиб отиб қўймагани учун хурсанд бўлибди. Эртасига капитан юзма-юз келганда, аскар нима учун биринчи дуч келган одам деганининг маъносини сўрабди. Маст деб ҳаммасини валдирашга чегириб ташлаш нотўғри бўлур эди-да. Зобит ғалати ишшайиб, аскарнинг елкасига қўл ташлаб, "Сенмидинг? – дебди. – Афсус, қисмат борасида омадсиз экансан, менга теккан жоду сенга ўтиб кетди. Биласанми, кеча қандай воқеа юз берди? Бировга чурк этсанг, калланг кетади – мен муқаррар ўлимдан қолдим. Бутун атроф сув, лойқа эди! Наҳот йўли йўк! Шунда дўнглик устида бир кампир кўринди. Қўлидан нима ҳам келарди, десам, кўз очиб-юмгунча тепага чиқариб қўйди. Қандай чиқарди, эслолмайман. Шуниси эсимдаки, у "Балои казодан қутулишинг учун биринчи дуч келган одамни кучоклашинг керак, – деди. – Аммо у отиб ташламаса..." Оббо, аскар-ей, ҳали отиб қўймаганинг учун хурсанд бўлаётгандирсан? Отишинг керак эди. Мен кеча махлук эдим, танамга ёпишган қора кучларни бекорга ўзингга олдинг, бу ҳақда диний китобларингга ҳам огоҳлантирган шекилли, эслаб кўр..." Бирок Фариданинг отаси ўз уйида, неваралар куршовида бандаликни бажо келтирди. Шунинг учун олис ёшлигида юз берган воқеани шунчаки бир афсонага йўйишарди. Афсона бўлмаганда отаси сувга ғарқ бўлибми, бошқа бирон ҳалокатга йўликибми, аянчли тарзда ўларди-да.

Ёмғирли тунда зрининг ўрнига ташқарига чиққан жувон шу тобда ёмон сесканди. Жаёлида анави бостирма томондан ўша кампир чиқиб келадигандай эди. Бирок қанчалик шошилмасин, Фарида уйга киришдан аввал дераза томон юрди. Қарталарни ойнадан бирин-сирин сидириб олди. Эшикка юрганида эса уй ёнидан молхона томонга бузоқдай шарпа ўқдай чопиб ўтди, кўзлари ялт этгандай бўлди. Фарида кичкириб юборди ва шалоп этиб йиқилди. Уйга кира солиб эридан аламини олди:

– Одам эмас экансиз... Чиксангиз бўлмасмиди! Уйнинг оркасида итми, бўрими бор экан, ховлидан чопиб ўтиб, молхона

оркасига ўтиб кетди.

Эри ноилож хемараниб қўйди. Кейин йирламоқдан бери бўлиб ўтирган Фаридага тикилди.

– Сен ҳам кизиксан. Ярим кечаси нега бакирасан? Тавба, кўзингга қараб юрсанг-чи, бунча ховликма бўлмасанг! – деб гўлдиради у.

– Пешонам шўр-да ўзи! Эрдан ёлчимадим! Бу кетишда пул топишга ҳам ўзим чиқаман. Болаларга қараб, овқат пишириб уйда ўтирасиз.

– Кўп миннат қилаверма. Ҳозир кишлоқда нима иш бор? Баҳор келсин.

– Россияга кетинг, заводлар кўп дейишади-ку. Лекин молхона эшигини ёполмаган одам Россияга боролармиди? Шаҳарлик хотинларга қўшилиб ўзим кетмасам бир умр йиртиқ калиш судраб юраман.

– Бер қўлингдагини. Нима у?

Фарида отиб юборган эди, Асқарнинг оёғи тагига уч дона бужмайган қарта тушди. Эринмай оча бошлади. Бу вақт ичида хотин юз-қўлини ювиб, кийимларини алмаштирди-да, кўрпага кириб, тескари ўгирилиб ётиб олди. Асқар лойга беланган карталарга кизикмаётганини пайқаш кийин эмасди. У ҳар сафар хотинидан гап эшитганда, шу қўйи аразлаб, мик этмай ўтирар, ҳар замонда аламли сўкиниб кўярди.

Ахийри унинг бор кучи билан "Пуф!" дегани эшитилди. Чирок ўчди. Ёмғир ҳам шаштидан тушган, хонадон осуда коронғилик ичра дам оларди. Бир пайт аллақандай товуш эшитилгандай туюлди. Такрорланавергач, Фарида кўрпадан бош чиқариб, чирокчали ёндиргични пайпаслаб топди.

– Дадаси, эшитаяпсизми?

– Яна нима?

– Томчи, шекилли.

Фарида болаларининг оёк томонидан судралиб ўтиб, чирокча ёруғини уй бурчагига тутди ва инграб юборди. Шуниси етмай турганди: шифтдан сизиб, девордан оқиб тушган сув бурчақда халқоб ҳосил этган, энди кўрпа-тўшак сари оқиб келмоқда эди.

– Бу уйда кишдан чиқолмаймиз, – деди Фарида бўшашиб.

Асқар касби чирок ёқувчиликдангина иборат хизматкордай

ўз вазифасини бажариб, мойчирок ёнида индамай кузатиб ўтирарди. Хотинидан нажот кутиши билан бирга янада аччиқ гаплар эшитишга-да тайёр эканлиги юз-кўзидан аён эди.

Кутилмаганда Фарида қўлини узатди:

– Бояги карталарни беринг. Манави кўлмакча менга бир воқеани эслатапти.

– Қанака воқеа?

– Худо раҳматли отам сўзлаб берган. Армияда, Сибирь томонларда бўлган... Хаёлимда карталарнинг бирида кампир сурати бордай эди.

– Мен ҳам шунга хайрон бўлдим, "дама" ўрнида аллақандай кампирнинг сурати бормиди-ей. – Хотинининг чалғигани Аскарга хуш ёқди. Унга колса Фарида "Томдан сув ўтса ўтибди-да, эртага бирон чорасини топамиз" деса, маза килиб уйқуни давом эттирса.

Эр-хотин карталарни текислаб бирма-бир синчиклаб қарай бошлашди. Биринчиси "2" эди, нишони эса "чиллик". Иккинчиси "3" бўлиб, бир неча юракчалар кўзга ташланар, "таппон" эди бу. Учинчиси хийла хиралашиб колган, бир қарашда кампирни пайкаш мушкул, лекин "қарға" белгиси яхши сақланганди.

– Бунақа "дама-қарға"ни биринчи кўришим, – деди Аскар. – Дераза олдида яна бормикан?

– Қўлимга илинганларини олдим, – Фарида қизиксиниш ила текширар эди. – Кўзлари ўйиб олинган. Мушук тирнаганми, нега чизиклар кўп? Бу аниқ тирноқ изи... Дадаси, боя уй орқасидан молхона томон чопиб ўтган бузокқа ўхшаш ҳайвонни кўрдим десам нега индамайсиз? У на ит эди, на бузок. Бу ёқда деразага уч дона карта ёпишиб колган, биттасида кампир сурати... Булардан ниманидир сезаяписизми?

– Менми? Ёйўк, – кўзларини ола-кула қилди эр. – Сен-чи?

Фарида индамади. У дам карталарга, дам ҳалқоб сувга қарар, сеҳрланиб колгандай мик этиб оғиз очмас, кўзларида Аскарга бегона нигоҳ зоҳир эди. Ва ниҳоят, у эшик кулфини яна бир бор текшириб, кўрпага кирди. Болаларининг устини ёпгач, эрига шивирлади:

– Нега анқайиб турибсиз?

– Сув...

– Ёмғир тинди, ётинг. Сувга тега кўрманг, у ўша ҳолида сингиб кетсин, тушундингизми? Ер қаърига сингиб, йўқолиб кетсин.

Асқар гурс этиб ағдарилди ва устига кўрпа тортди. Хотини билан зардали мулоқот хотимаси ҳар гал ҳузур бағишларди. Кўзларини юмиши биланок ухлади-қолди.

Уйқудан кўз очганлариданок эр ҳам, хотин ҳам тунги машмашани эслади, факат ҳалиги уч дона карта неғадир хотирадан кўтарилган эди. Қарталар худди оёқ чиқариб юриб кетгандай ҳеч қаерда кўринмаслиги ҳам бунга сабаб бўлгандир. Фарида тўнғиллаб-тўнғиллаб уйни йиғиштирди. Шиферсиз томнинг бурчагига тунука қўйилган бўлиб, бўрон уни ҳовлига учуриб тушгач, ёмғирга худо берганди.

– Қўрган уйингиз шу, – деди хотин, – ёмғир ёрса юрак ҳовучлаб ўтирамиз, вой, ишқилиб томчи ўтмасин, шамол учуриб кетмасин.

– Нима қил дейсан? – гижинди Асқар. – Эрталабдан бошлайсан-а?!

– Ҳеч нарсa қилманг. Сиз факат ухланг!

Асқар бурчакка кўз ташлади. Боя кўзини бир очганида хотини халқоб ўрнига кул сепиб қуритаётганди, ҳозир клеёнка тўшаб, устига палос тортмоқда эди. Шовқин-сурондан уйғонган Дилрабо онасига ҳавотирланиб тикилди. Одатда, она кеч турганларни, эриниб ўтирганларни, иккиланаётганларни жинидан ортиқ ёмон кўрарди. Бугун болаларига индамай аламини эргинасига сочишни афзал деб билганди чоғи, кизидан меҳр билан сўради:

– Совкотмадингми, кизим?

Қиз ҳадиксираб бош чайқади. Фариданинг шиддатли ҳаракатларини кўрганлар орқаворатдан уни "солдат хотин" дейишарди. Асқарга бу феъл бутунлай тесқари. Унинг учун ҳаммаси секин-аста, кимнингдир меҳрибончилиги ёки тақдирнинг инояти билан битгани маъқул. Кўп чираниш, ўзини ўтга-чўкка уриш одамни ҳолдан тойдиради, касал қилади, ажалидан бурун ўлдиради. Яхши яшаётганлар омад кулиб боққан, қийинчилик нима – билмайдиганлар эди, назарида.

Ҳозир у хотинининг битта заиф томонини кўриб турарди: кеча

бахайбат бир итни бузокка ўхшаш гаройиб махлук, деб ваҳима қилди. Ҳеч бўлмаса шу жойидан ушлаш керак, тили сал кисилади.

– Ўв, – деди Аскар, – бир қарасам том ўпирилди дейсан, бир қарасам уйнинг орқасидан махлук чиқди, деб кўзингни олайтирасан, негадир охирги вақтларда кўп жигимга тегаяпсанда. Шу аҳвол бўлса оиланиям йўқ қиласан.

– Бунга нима сабаб? – Фарида дик этиб турди. – Ишламаётганингиз эмасми?! Ишланг, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

– Топиб бер, ториб бер, ишлайман!

Шу он ташқарида от кишнади ва кимнингдир чакиргани эшитилди.

– Вой, амакимга ўхшайди! – Фарида шоша-пиша кўрпатўшакка ёпишди. – Туринг, шарманда! Ҳали бет-қўл ҳам юлмагансиз-а? Уф-ф... бунча имилладингиз?

– Эрталабдан бало бормиди? – Аскар тўкқиз гапни тўнқайтириб, эшикка чиққунча Фарида тахмонни кад кўтариб, деразани шараклатиб очди.

– Ассалому алайкум, – деди қўлини кўксига қўйиб, – ака, вой, сиз-ку... Келинг, келаверинг. Бемалол ўтирганимизни қаранг.

Эр-хотин олдинма-кетин чиқишди. Амаки юз-қўлини ювиш учун офтобани ахтараётган куёвга норизо назар ташлаб, мўйловини буради.

– Шошиб турибман, – деди қаддини роз тутиб, – сенга, Фарида, бир гап айтиб ўтай дедим. Иш сўрагандай бўлувдинг-а? Аслида иш деганлари шу ердаям тикилиб ётибди-ю, майли, узокдан истаган экансан, ноилоҳ.

– Ака, – кўзлари порлаб кетди Фариданинг, – четдан топдингизми?

Отлиқ бошини тасдиқ маъносида қимирлатиб, куёвга маъноли қараб қўйди.

– Чечаннинг жиянлари жўнаб кетаяпти, хотинлари билан, – деди Фаридага. – Шуларга Аскарни ҳам қўшиб юборамиз. Аскарбой, борасанми?

– Қаерда экан?

– Камчатка.

– Камчаткаси қаер экан? Яқинми?

Амаки мийирида кулиб қўйди. Бир гап келди шекилли, аммо Аскарни аяди, харқалай куёв деган номи бор.

– Боради, ака, – деди Фариди, – ойлиги яхши бўлса бас. Бу ердаги ишларга қизикмаяпти. Нима иш қилишини, қанча ойлик беришини билмайсизми?

– Темир кесади, яъни катта-катта кемаларни ўтин қилиб, металл омга топширади. Ойлигига битта сигир олиш мумкин.

– Яхши, ака, жуда яхши. Хотинлари ҳам бораётган экан, улар нима иш қилади?

– Балиқ тозалайди, Фариди, – деб амаки эгар ортига ишора қилди, – мана шу жонивордай балиқлар бор.

Аскар отга ҳадиксираб қараб қўйди. Фариди эса ҳамон кўзларини чакнатиб, қувонганидан қўлларини кўксидан туширмасди. Ичкаридан Суяржоннинг йириси эшитилди.

– Мен жўнадим, – отни ниқтади амаки, – агар борадиган бўлсанг, Аскарбой, бугун кечкурун бизникига ўт, хотиннинг жиянлари пулга келади, учрашасан. Қара, хатто кишлоқ подасини боқаётган одамнинг ҳам шифер олишга қурби етади, фақат сенинг уйинг... Ҳа, майли, ёмғир ўтмадими ишқилиб?

– Йўқ, янги уй-ку, нега ўтади, – деди Фариди.

– Бўпти. Кеча йўлда зоопаркнинг машинаси ағдарилиб, Америка кўк бўриси қочибди...

– Э, айтдим-а! Кечаси кўрувдим, ака, манави томонга ўтиб кетди, бузоқдай эди.

– Қамаб қўймабсан-да, жиян, мен – аҳмоқ ўзимизнинг бўрилардан деб отиб қўйибман. Мана у.

Амаки эгар ортига ўнгарилган қопга урди.

– Энди узр сўраб, топшириб келаман, бошқа илож йўқ. Бечорани иззат-икром билан дафн этишса керак.

Одам, от ва бўри томоркани кесиб ўтиб, дўнглик биқинидан кўздан йўқолди. Кечкурун Фариди Суяржонни кўтариб амакисиникида ҳозир у нозир бўлганда, меҳмонларга эндигина овқат сузилаётганди.

– Қайнонанинг яхши кўраркан, овқатнинг устига келдингиз, – жилмайди чеча, – куёв қани? Бола билан ёлғиз келишга қўрқмадингизми, киз?

– Бор бўриниям акамга отғизиб қўйиб, яна қўрқмадингизми,

дейсиз-а? Зоопаркнинг эгалари йиғламабдими?

– Йиғлабди, зўрға кутулибди акангиз. Бу дейман, куёв ишга жўнайдиган бўлдим?

– Кўндиргунимча энамни кўрсатди, жуда бўш-да, биласиз-ку.

– Қандай кўндирдингиз? Балосиз. Қани, ичкарига кираверинг, мен ҳозир.

– Йўк, сизга ёрдамлашаман, Суяржон манави ерда ўйнаб ўтира қолади. – Кейин Фарида эрини кўндириш воқеасини изоҳлади: – Икковимиз бирга жўнаймиз, дедим. Жиянларингизнинг хотинлари борганда мен ҳам борсам нима қилибди? Бўридай-бўридай балиқларни тозалаш керак экан, ойлиги бир сигир пули эмиш. Жон-жон деймиз, чеча, бизга ҳозир осон эмас. Дадаси бу йил ҳам ишга ўтмайди.

Аммо чеча бу қарордан қайтармоқчи бўлди. Амаки буткул нохуш тинглади. Жиянлар ҳам хушламагани сезилгач, Фарида деди:

– Болаларимга энам қараб туришга ваъда берди, сингилларим уйда, ёрдамлашади. Бир йил ишлайман, қайтаман. Куёвингиз мендан кейин ҳам бир йил юрса, шу билан ўзимизни анча тиклаб олардик. Ҳаммадан орқада қолиб кетганмиз, ака, кўрдингиз-ку...

– Нега орқада коласан? Мусофирчиликнинг нонини ейиш осон эмас. Манави қайин иниларда ёш бола йўк. Сен оловсан, Фарида, лекин болаларингга оловингни ҳали кўрсатма. Улар ёш. Аскарбойни юборайлик, жўнатган пулларга мол оласан, семиртиб сотасан. Ишқилиб, кўлинг пул кўрса, эплаб кетишингга ишонаман.

– Куёвингиз менсиз бир қоп гўшт, – деган эди. ҳамма барабар қулиб юборди.

– Кўёв зўр одам, – деди амаки, – тўғри, соддалиги бор, сал дангасарок. Лекин ундан нолишингга, айниқса, орқасидан гапиришингга ҳеч ҳам беш кетмайман.

– Шу норасидани ташлаб кетиш менгаям осон эмас, – Фарида боласини кучоклади, – аммо-лекин келажагини ўйлайман. Отаси пул топмаса, ўзим бошида туришим керак, вақт орқага қайтмайди.

Амаки томоқ кирди, Фарида яна нотўғри гапирган эди. Ва хатосини шоша-пиша тузатди:

– Бошида турмасам ҳам ёнгинасида турсам бўлди. Ўзингиз

тушунаси, ака, ҳозирча менсиз ишлашига кўзим етмайди. Шунча харажатлардан кейин лоп этиб қайтиб келса! Одам кўркади! Ҳазилакам пулми.

Хуллас, Фарида аҳдидан қайтмади. Мол-ҳолини сотиб, сафар учун пул жамғаришга, уйини эса қўшниларга омонат қолдиришга қарор қилди. Аскар хотинидан шу қадар нафратландики, бўғиб ўлдиришга ҳам тайёр эди. Бирок дарди ичида қолди. Қачондир устунлик ўзига ўтишига астойдил ишонди ва пайти келганданок ўч олишни юрагининг орқа деворига ўйиб ёзди.

Онаси келиб роса ўшқирди:

– Сен эркакмисан ё жонсиз тўнқадан фаркинг йўқми? Хотининг қаёққа етакласа кетаверсанми? Балиқ тозалаш эмиш! Олдин ҳовлисини тозалаб олсин, ҳаммаёқ кўким, ифлос, ўйдим-чукур! Қара манавиларни! Қарталар ётибдими-ей! Мундоқ олиб қўйиш кийин эмас-ку! Ҳе ўргилдим дадил келиндан! Бутун кишлоқ мактайди, гўри дадилми?! Бузғунчи!

– Борайлик деб қўймаяпти. Қани, борайлик-чи. Агар айтган натижаси бўлмаса, келинингизни нима қилишни ўзим биламан.

Фарида ҳаммасини эшитди, миқ этмай чидади. Қайнонасини биринчи кўришими. Нима бўлгандаям ишга жўнашни уддаласа, шу ҳисоб.

Гаплари таъсир қилмаётган қайнона тақдири азалдан сўз олди:

– Ҳой, – деди келинига, – Худойим таоло ҳар бандасига ризқини ўлчаб, пешонасига килограмм, граммгача ёзиб қўйган, билдингми? Ўғлим ўқимаган, касби йўқ, чунки суяйдиган отаси эрта ўлган-кетган, бўлмаса битта мансабни аллақачон эгалларди. Шундай йигит сенинг эрингми, чидайсан! Рўзворни чидаганга чиқарган! Ўзингча ризқингдан ортиқ ейман деб қай гўрларга кетмоқчисан? Уйинг нима бўлади, болаларинг-чи? Энанг зна бўлармиди, ўзбилармон?! Мени айтди дерсан, шу кетишинг билан аниқ расво бўласан! Расво бўласан сен шум келин! Мана шу қарталарга ўхшаб бужмайиб, лойга беланиб, оёқ остида ётасан.

– Оқ фотиҳа беринг, зна. Ҳеч бўлмаса невараларингиз ҳаққи...

– Оқ фотиҳамни ҳеч кимдан қизганмайман, сендан бошқа! – деб қайнона қарталардан бирини – кампир сурати акс этганини кавуши билан эзгилаб ўтди.

Фариданинг онасигина рози эди. "Майли, болам, каерда юрсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин", деб узундан-узоқ дуо қилди. Шу куни эр-хотин шаҳар вокзалидан поездга чиқди. Айтилган манзилга Москвадан самолётга ўтиришлари керак эди. Чечанинг жиянлари икки йўналишга ҳам самолёт чипталари олиб қўйган бўлиб, буларни кемалар калашиб ётган Петропавловскда кутиб олишга ваъдалашиб, аввалроқ жўнаб кетгандилар.

Поезд жилишдан бурун узун-узун хуштак чалди. Сафарга отланганлар чуқур хаяжон оғушида бидиллаб гаплаша бошлашди. Айримлар темир қарвон лип этиб ўзга юртда пайдо бўлиб қоладигандай деразаларга ёпишиб, кадрдон замин жамолига тикилардилар. Фариданинг ҳам юраги дукиллаб урди, аммо у бир сўз котмади, деразага ҳам қарамади.

Кўзлари эрида эди. Нега бу қадар хумрайиб олди?

– Уйқунгиз келаяптими?

Аскар танглайини тақиллатиб, юзини четга бурди. "Манзилга етгунимча хуноб қилиб ўлдирмасе эди, бунча латта-я", хаёлидан ўтказди Фарида. Мусофирчилик ҳар иккисига ҳам қийин кечиши аниқ эди. Шу тобда Фарида полни тепиб, эрига ўшқириб бергиси келди.

– Акам ухлайвериб безор бўлади ҳали, – деди юқори полкадаги гапдон йигит. – Йўл узоқ, менинг эса жарим тинмайдиган одатим бор, ҳеч ташлолмайман.

Фарида ҳамсухбатим шу бўларкан-да, деди. Бирок айна дамда эшик очилиб, ўттиз беш ёшлардаги қоматдор рус хотин кириб келди. Йўқ, рус эмас эди. Сочларини сарикқа бўяб, спорт либоси кийиб, елкасига сумка ташлаб туриши кўзи кўникмаган қишлоқ аёлига бошқача кўрсатарди. Нима бўлгандаям, нотаниш хотин бир қарашда Фаридага ёқиб тушди.

– Ҳаммангларга салом, – деди у купе эшигини ёпиб бўлганидан кейин. – Биз охиригача бирга борадиганлармизми?

– Насиб қилса, – тиржайди йигит, афтидан ажойиб ҳамроҳ топилганидан севиниб кетганди.

– Билмайсизларми, вольфрам очик хавода неча сония ёнади? – сўради аёл Фариданинг ёнига ўтириб.

– Вольфрамнингиз нима эди? – Йигит бошини осилтирди.

– Ассалому алайкум, шуни ҳам билмасанг, юрган экансан-да елкамда каллам бор деб.

Йигитча маймундай чакконлик билан Аскарнинг ёнига тушди-да, лаб-лунжини йиғиштиролмай шаҳарлик хотинга юзланди. Ёшлари ўртасида камида ўн беш йиллик фарқ бор эди, шунда ҳам йигит суюлиб кузатарди спортчи хотинни.

– Кўп нарсаларни биламан, лекин вольфрамни эмас, – деди йигит илжайиб. – Шу ёшимда сафарга учинчи марта чиқишим.

– Жойингга чикиб ёт, сен билан гаплашадиган гапим йўқ.

– Қизик экансиз...

– Ё тепага ўзим чиқариб қўяйми?

Аёл унинг ёкасидан шундай чангалладик, йигит бўғилиб қолаёзди ва бирпасда юкорига ўрмалаб, кўздан йўқолди. Ҳуштак билан қўшиқ куйини маромига етказётгани эгардан тушмаганини англатарди унинг. Оргикча сўз котишга юраги дов бермаганини Фарида ҳам сизди. Эри-ку буткул саросима ичида қўлларини ковуштирар, ишкалар, кўзини каёкка олиб кочишни билмай чуқур-чуқур нафас оларди.

Нотаниш хотин эркалардай бақувват эди. Самбо ёки каратэ билан шуғулланиши, чемпион бўлмаса-да, камида мураббий эканлиги сезилиб турарди.

– Сарвараман, – деди хотин. – Сиз бу кишининг аёлимисиз?

– Ҳа, топдингиз, – жилмайди Фарида.

– Сиздан каттаман, Фаридахон. – У сумкасини юкорига жойлаштириб, устки кийимини ечди. – Сенлаб гапирсам хафа бўлмайсиз.

– Хўп.

– Теннис ўйнаётгандим, бирдан чакириб қолишди, шошилинчда ҳеч нима ололмадим.

– Ёйишгами?

– Зийрак экансан. Лекин бу зийракликка ҳам кирмайди, шунчаки оддий фаҳм-фаросат. – Сарвара елкаси-ла Фаридани охиста туртиб қўйиб, Аскарга ишора қилди. – Касблари нима?

– Касби йўқ.

– Қора меҳнат қилгани кетаётган экан-да?

Фарида бор гапни айтди, Аскар томок кириб қўйишдан нари ўтмади. Сарвара эса столча устидаги олмани олиб, қарсиллатиб ея бошлади. Уят, андиша, тортиниш нима, билмасди. Албатта, ўзбек аёли учун бу даҳшатли ҳулосалар чиқаришга етарли эди.

Гапига қараганда, тўсатдан қўнғирок қилишгану вокзалга чопган, ҳайё-хуйт деб олисларга жўнаб кетаяпти. У ёлғиз эмас. Хорижга йўл олган содда одамларни талаб кун кечирадиган шайканинг вакиласи бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Бир оздан сўнг Фариданинг юрагида кўрқув уйғонди. Эридан нажот кутиш ҳаёлига-да келмади. Яхшиликдан мужда эшитмок ниятида ғалати хотиндан таваккалига сўради:

- Кечирасиз, Сарвара опа, болаларингиз борми?
- Менингми?.. Болали аёлга ўхшайманми? Э-э, болам бўлганида уйда ўтирмасмидим. Хўш, ўзингда-чи?
- Иккита.
- Иккита? Сал экан-ку. Нега уларни ташлаб кетаяпсан?
- Онам қараб туради, биз... ўзаро бир қарорга келиб...
- Бахт ва омад ахтариб чиқдингларми? Умуман олганда, ёмон эмас.

Поезд шаҳар канорасидаги уйларни ҳам ортда қолдириб, шувиллаб олға интилди. Аскар шу дамгача Сарварага миқ этиб оғиз очмади, норозилик уфураётган нигоҳлари деразада, ковок-тумшуғи сония сайин осилиб бормокда эди.

- Мен тепада ётаман, – юқорига тирмашди Аскар.
- Бирон нима ейсизми? – Фарида Сарварага ул-бул бермокчи бўлди.

– Қорним очса ресторанга бораман. Эринг рухсат берса сени ҳам олиб чиқишим мумкин, – қош қокди Сарвара. – Поезд ресторанида умрингда бир мартаям ўтирмагансан-ку, кизик эмасми?

- Йўқ, – кескин бош чайқади Фарида.
- Ўзинг биласан, – дея у бўшаган жойга ўтиб чўзилди; оппоқ футболкаси ичида таранг сийналари хийла кўтарилиб турарди.
- Эркинлик яхши-я? Одам озодликдан ҳам чарчайдими? Тўядими хур бўлиб юришга? Ҳеч!

– Вольфрам неча сонияда ёниб тугаши ҳақида нега сўрадингиз?

Сарвара учун бу ажиб савол бўлди чоғи, бошини илкис кўтарди. Шунда Фарида аёлнинг кўзлари оч жигарранг эканини, қоши яқинда терилганини, пешонасига сезилар-сезилмас ажинлар тушганини яққол кўрди. Эрта қарий бошлаган терига

ёр билан обдон ишлов берилган эдики, ҳечам теннис ўйнаб келаётган аёлга ўхшамасди.

– Билсанг айт, неча сонияда ёниб тугайди? – тирсагига суянди "теннисчи".

– Тушунишимча, вольфрам деганда фақат лампочкага ишлатиладиганини назарда тутаяпсиз?

Сарвара хайратомуз ориз очиб, кўзлари чакнаб бокди Фаридага. Юқори полкадаги йигитчанинг уни ўчди. Аскар купе девори томон ўгирилиб ётаркан, Фаридага ўша-ўша – абадий ялқовлик ва бокиберамлики боз-боз эслатди.

– Уч сонияда ёниб тугайди.

– Гап йўқ, – деди Сарвара бошини ёстикқа гашлаб, кўзларини юмаркан. – Лекин буни қандай билдинг? Адашмасам, сен ҳеч қаерда ўқимагансан, уста ёки кимёгар ҳам эмассан.

– Лампочка ичидаги сим вольфрамдан эканлигини мактабда ўқиб юрганымда эшитганман. Шишаси синса, тўк қўшилиши билан пов этиб ёниб кетади. Буни кўрганман.

– Яхши. Ўзим ҳам шундай ўйлагандим.

– Меними?

– Купе эшигини очган заҳотим сенга кўзим тушди. Жуда тетик, синчков, гайратли хотин экан, деган хаёлга бордим. Эркаклардан ҳам ақлли экансан.

Улар дўстона пикиллаб кулишди. Фарида ҳадиксирашдан қутулиб, бемалол сўзлашиб ўтирарди. Сарвара асли тошкентлик эканини айтди, аммо охириги йиллари муқим яшаш жойи йўқ эмиш. Бир вақтлар университетнинг физика факультетида ўқиган экан, бир йигитни ўласи қилиб дўппослагани учун ўқишдан ҳайдалибди. Тақдир такозоси билан биринчи турмуши бузилиб, ўзидан анча ёш катта эркакка иккинчи хотин бўлибди. Ҳозир эри Россияда экан, поездга чиқ деса, чикибди – бор гап шу эмиш.

– Теннис майдончасидан югуриб келиб поездга чиқиб олдингизми? Хужжатлар, билет дегандай... – ишонмади Фарида.

– Эрим темирйўлда ишларди, юқори лавозимда. Бепул билет бор, фалон одамдан оласан, фалон поездда, деди. Зўр-а?

Фарида елка қисди. Аскарнинг ҳузурида бировнинг эри ҳақида илиқ гап гапиришни истамасди. Сарвара шу ондаёқ сезиб қўйди ва шивирлади:

– Эрингни ҳурмат қиласанми? Лекин у ҳурматингни қайтарадиганга ўхшамайди. Сендай жувонга хайф, ишонавер.

Фариданинг юзига кизиллик югурди, ҳақиқатан ҳам Аскарга нисбатан юрагида муз пайдо бўлаётганини анча вақтдан бери хис этарди, аммо юраги бутунлай музлайдиганлар хилидан эмаслигини ҳам яхши тушунарди. Эр ўз хотинининг устидан зар сочолмаса-да, эрлигича қолади, хотин ҳам бойликдан баҳраманд бўлмаса-да, хотинлигича яшайверади, ўртада юз минглаб бошқа оилаларники каби пуллик шартлашув йўқ эди.

– Битта жумбок айтайми? – деди Сарвара овкатланиб келганидан сўнг.

– Жумбоғимиз чикиб ётибди, – терс гапирди Аскар ҳамон ахтаринар экан, негаки уларнинг иккинчи сумкаси ўз-ўзидан йўқолиб қолганди.

– Нима бўлди?

– Йўлга егуликлар олгандик, ўша сумка йўқ, – жавоб берди Фариди.

– Хужжатлар жойидами? Демак, ташвишланмасаям бўлади, мен билан ресторанга чиқаркансизлар-да.

– Болаларимнинг сурати бор эди...

– Ўҳ, буниси ёмон... Ҳой “мужикчок”! – Сарвара юкори полкадаги йигитни – Норималини каттик туртди. – Қани, тур, сумкани ким олди?

– Норимали билмайди, у ўғри эмас, – деди Аскар.

– Норимали? Бу унинг исмими? Лекин “нормалний”га ўхшамайди-ку!

– У ўғри эмас, – такрорлади Аскар ух тортиб.

– Бекор айтибсан, ўғри ҳамиша орадан чиқади, – чўрт кесди Сарвара.

– Аёл бўлсангиз ҳам эркакдан қўпол экансиз, – Норимали ғазабини ичига ютаётгани эндигина сал-пал сезилди, – сайрайверинг, сайранг, сайранг! Нимаям килардик, акахонларингизга ишонадиганга ўхшайсиз... – Кейин Аскарга юзланди. – Киприк қокмай тухмат қилишини кўринг, ака. Бирга нон-туз еб ўғирлик қиламанми? Ўзбекчиликни тушунмайди бу опам... Лекин қўпол гапирган бўлсам узр, Сарвара опа, ўзингиз бошладингиз. Тўшагимда ётгандим, бу кишилар беш дақиқага

хожатга чиқишди. Аник биламанки, эшикни ҳеч ким очгани йўқ.

– Аник шундайми?

– Қасам ичишим мумкин.

– Қасам уришини кутгунимизча Москвага етамиз. Гап бундай, жойингга ёт, худди ўғирлик содир этилган дамдагидай. Бу ёғини менга қўйиб бер.

Йигит ётиши билан Сарвара эшикни очиб-ёпди. Кейин Фариданинг ёнига ўтиргач, қўлларини чалиштириб:

– Полвон, – деди юкорига, – ҳеч ким салом бермадимми?

Норимали кўрпадан бошини кўтармай бўрилган товушда:

– Мендан сўраяпсизми? – деди.

– Албатта, сендан... Жавоб берасанми ё яна кутайликми?

Фарида канақа томоша, деб эри билан кўз уриштирди, Аскарнинг чарчоқ мусаввирлари тинмай ишлов бераётган башарасига ғайрат оти ўхшатиб тепмаса ҳаливери одам бўлгулик сиёғи йўқ эди. Фаридага таниш ўша-ўша ўлимтик кўзларида ялт этган нур сезилмай, оғир ботди аёлгинага.

– Якин-ўртада бирон ит салом берган эмас мен бечорага, – деди йигит.

– Бўлди, кўрпангдан чик, – Сарвара дам Фаридага, дам Аскарга кўз қисаркан, кулгиси тошиб кела бошлади. – Ҳурматли осиелик эр-хотинлар, бу овсар бугун сумкангизни еган бўлса, эртага бошингизни ейди. – Тиззасига уриб кулиб юборди у. – Нега кулмаяпсизлар? Кулинглар сизлар ҳам! Кулинглар... Кўриб қўйинглар олис жойга кетаётган Норималибойнинг ахволини! На фаҳм бор, на фаросат! Ваҳ-хаҳ-ха-а...

– Бунинг нимаси кулгили? – эътироз билдирди Аскар. – Укамизнинг устидан кулганингиз билан сумка топилиб қолармиди?

– Нега топилмасин, албатта топилади. Сизга айтсам, ўртқ эртўра, бу бола эшик очилиб-ёпилганини эшитмади. Демак, ўрри купе эшигини очган ва ўриндикда турган озиқ-овқат сумкасини бемалол юлган-кетган. Ҳатто у саволим каёққа қараб кетаётганини тушунмади ҳам... Балки билиб туриб билмаганликка олаётгандирсан, хўв?

– Эй опа, мен йигитман, шунинг ўзи етарли нима демокчи бўлганим! – деди ўғирликда гумон қилинувчи.

– Йигитга йигитликнинг ўзи кифоя эмас, ўрлон, – деди Сарвара.

– Бўлди, етар, – Аскар ўрнига чиқиб ётиб олди. – Сумкани ҳам, сумкани ўғирлаганни ҳам... – сўкинди у.

Эркаклар Сарвара билан гаплашишни шундай истамай қолишдики, Фаридага уни йўқотиш калити деб қарай бошлашди. Бирок Фарида олов хотинни бошқа купега чиқариб юборишга уриниб ҳам кўрмаслигини айтди.

Кейинги кунни сумка ҳақида сўзлашмасдан ўтказдилар, бироқ Сарвара пешин маҳал купега болаларнинг суратлари билан қайтиб, ҳаммани анг-танг қолдирди. Шимолга ўрлаб бораётган поезд тасанно дегандай маррурона ўкириб қўйди.

– Раҳмат сизга, – суратларни ўпди Фарида, – буниси кизим Дилрабо, бу ўрлим – Суяржон. Ҳалитдан шундай соғиндимки, расмлари йўқолгани бошимга тўқмоқдай урилганини билдирмай ўтиргандим.

– Сумка иккинчи вагонда, – деди Сарвара бамайлихотир, – келинлар, ахтармайлик. Сезишимча, ўғрилар сардорининг қўли бор. Лаънатига ўчакишиш яхшимас. Лекин, Фарида, ҳақиқий аёл экансан, ўзингни кўрсатдинг. Четга кетаётган одам, ҳоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, туйғуларини ошкор этавермаслик керак.

– Худога солдим, – деб Аскар кўзларини юмди.

– Чакки вариантмас, – елка кисиб қўйди Сарвара, сўнгра Фаридага пичирлади: – Нимани худога солди шўри курғур эринг?

– Ўғриларни.

– Қизиқ экан... Бир умр бирга яшамоқчимисан?

– Ризқимиз қўшилган бўлса... ҳм... – ноилоҳ кулимсиради Фарида.

– Ўзини худога ишонгандай тутса, кулгили туюларкан.

– Бу киши ишонадилар, Сарвара опа.

– Сен-чи?

– Тавба денг, ҳаммамиз ишонамиз. Бир кун келиб борар жойимизни қайси ориз билан йўқ деймиз.

– Тақдири азалга ҳам ишонасанми?

– Пешонага ёзилганигами? Ишонаман.

– Яхши, – деди Сарвара ва шўх бир куйни Норимали каби чалиб, кўзларини юмди.

Фарида эридан зўрра жавоб олгач, Сарварага эргашиб купедан чиқди. Эшик ёпилиши билан йигит тўнриллади:

– Бекор рухсат бердингиз, Аскар ака, бу аёл соғга ўхшамайди. Энағар ё ўғри, ё тунги капалак. Замон кўтарганда кеча ўлдириб ташлаган бўлардим, афсус...

– Бир нимани сезсам, замон кўтарса, кўтармаса, икковиниям ўлдираман, энди менга барибир. – Аскар бир оз ўтиб хасрат билан кўшиб кўйди: – Уй курдик, мол-ҳолимиз бор эди, болачақамиз ёш, бу тентак кетамиз-кетамиз деб миямни еди. Тўррисини айтсам, ука, баҳона қидираяпман... Ўзим биламан нима қилишни!..

Шу тариқа темир излардан туну кун чопиб бораётган ажиб махлук яхшию ёмонни бирдай манзилга етказиб, вазифасини хиссиз адо этаётгандай кўринарди. Бошқа вагонга ўтишда Сарвара шифтдаги алақандай ёзув хусусида гапираётиб оёғини уриб олдию "вой" дея деворга суянди.

– Оёғим қонади шекилли.

Фарида жароҳатни синчиклаб кузатди. "Ёмонни шу поезд ҳам билади", деб ўйлади. Ҳақиқатан, Сарвара ким: ўқитувчими, дайдами, ўғрими – ҳамма учун жумбоқ эди. Фақат Фаридагагина баъзи сирлари англашила бошлаган бўлиб, ҳозирча тўлик ишонч ҳосил қилмагани боис лом-мим демай турарди.

Тўпикдан юқориси шилинган, қонталаш бўлиб қолган экан.

– Нима қилсам бўлади? Бинт топилармикан? – деди Сарвара.

Фарида тубсиз сирлар қоришган кўзларга гикилди. Бу кўзлар нимадир демокчи, бу кўзлар макр, ёвузлик, даҳрийлик ҳисларини борган сайин ошқора акс эттираётган шиша сурат... бу кўзлар... "Ундан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди!"

– Проводниклардан албатта бинт топилади, – деди Фарида.

Бинт топиш қийин эмасди. Жароҳатни атайин Фаридага борлатган Сарвара шимининг почасини туширгач, кўлини узатди:

– Раҳмат, сингилжон, укувли аёл эканингга вокзалдаёқ ишонч ҳосил қилгандим?

Фарида уни биринчи марта кўраётгандай анграйиб қолди. "Купе эшигини очган захотим сенга кўзим тушди, тетик, синчков,

ғайратли хотин экан, деган хаёлга бордим”, демаганмиди? Энди вокзалда кўрганини эътироф этаяпти, қайси бирига ишониш керак?

Сарвара ҳеч нима бўлмагандай вагон-ресторанга бошлади. Ўнг томондаги столлардан бирини банд этишгач, бир-бирига кулимсираб боқишди. Бироқ Фариданинг нигоҳида зўрма-зўракилик яққол намоён эди.

- Тортинаяпсанми? – сўради Сарвара.
- Йўк, халиги гапингиз ўйлантриб қўйди.
- Қайси? – ўзини соддаликка солди аёл.
- Мени вокзалда кўрганмидингиз?

Сарвара одатини канда қилмай шарақлаб кулиб юборди, лекин ресторанда ярашмас экан, Фаридани уят-андишага ўхшаш ҳислар чулғаб олди. Одамлар қарайди, ахир. Икковиям сатанг ойимкиз экан, деб бурчакни банд этган анави эркаклар шилқимлик қилиб колса борми!

– Вокзалда кўргандай бўлгандим, – Сарвара гапни олиб қочишга уринди.

- Лекин жуда ҳам шошиб келдим, дегандингиз, опа.
- Юриб кетаётган поездга осилдим, дебмидим?
- Йўк.

– Ундай бўлса тортишмасдан овқат ейлик. Нима буюрамиз? Фаридага фарқи йўк эди. Буни нигоҳидан уқиб олган Сарвара шўрва, нон, чой, салат, ширинликлар айтди.

- Бўладими?

Фарида ийманиб елка қисди.

– Бир нима етишмаяпти, – деди Сарвара кўнгли тўлмай. – Вино! Топдим-а?

- Йўғ-е, вино ичасизми?

– Сен ҳам ичасан, – Сарвара ёлғондакам пўписа қилди. – Қишлоқда, ўтиришларда, тўйларда ичмаганмисан? Исботлаб берайми? Шампанский аччиқми, арокми? Аниқ ва қуттирмай жавоб бер.

- Арок, – деди Фарида кулимсираб.

– Кўрдингми, сен ҳаммасини биласан! Чунки татиб кўргансан, умрингда бир марта бўлса ҳам!

Фарида ўйлаган ҳодиса содир бўлди: дастурхонга вино

келтирилиши билан бурчакдаги эркаклар янада синчков қарай бошлашди. "Чаккимас" дегандай лаб буришлар, ўзаро кулиб қўйишлар яхшиликдан далолат эмаслигини англаб:

– Таъвиш қилиш шартмиди, Сарвара опа? – деди Фариди. – Овқат еб, дарров турсак бўларди. Эримни биласиз, факат овқатланишга рухсат берган, беш минутдан сўнг оркамдан келмаса, айтинг.

– Нега кўрқасан? Келсин, мен жавоб бераман.

Бу вақтда эркаклар хужум бошлашни жоиз топишди, бири ўрнидан туриб икковининг қошига келди. Поезднинг чайқалишиданми ё бир оз отиб олганми, у тик оёқда тебранарди.

– Биздан алангалик саломлар, – деб шапкасини бошдан олди ва шу заҳоти шериги томонга имлаб қўйди.

Фариданинг димоғига бегона эркак ҳиди гуп этиб урилди. Бегона эркак ҳиди – либос ва баданнинг қоришмаси – аввалдан кўнглини айнитар эди. Чайнаётган луқмаси бўғзига тикилиб, ютишни ҳам, ютмасликни ҳам билмай бўғилиб қолди. Боз устига Сарвара:

– Иби, Эрийгит, ўзингмисан? – деб Фаридани буткул гангитиб қўйди.

"Булар таниш экан-да!"

– Шундай, хоним, ўзимман, – у шапкасини кийгач, ўтиргани жой кўзлади. – Оқидан букюраман, ернинг остидан бўлса ҳам топишади... Бу ким?

Фарида ўқчиб йўталганча ўрнидан сапчиб турганди, суқланиб боқаётган эркакка тўкнашиб кетди. Эркак Фаридага осилиб олмаганида, йиқилиши тайин эди.

– Қўлингизни тортинг! – бақирди кишлоқ аёли.

Сарвара уларга кўз остидан қараб, асабий бош чайқади.

– Атайлаб танишларингизнинг олдига олиб келдингизми? – нафрат ила сўради Фариди.

– Мен танишманми шу сўтакка?! – Сарвара бирдан бўзарди.

– Фариди, нега бундай деяпсан? Хотинларга хиралик қиладиганларнинг ҳаммасига Эрийгит деб лақаб қўйганман. Бунақа эрийгитчалар ҳаммавақт атрофимда айланишади. Шунинг учун бошида яхши гапираман, кейин эса...

Шундай дея чакмок хотин ўтирган жойида мушт отиб, бутун

гавдаси билан зарбнинг ортидан учди. Шилқим иягидан зарб еб, ясама тишлари оғзидан отилиб, полга кулади.

Чопиб келган ресторан хизматчиларига карата Сарвара иккита гап айтди:

– Мен аёлман! Буни йиғиштириб кетинглар!

Улар Сарварани яхши танир эканларми, мушт егани ва шеригини эргаштириб чикиб кетишди. Нариги вагондан русча сўқинишлар эшитилиб турди: “с...”, “п...”, “г...”

Бамайлихотир ўтирган Сарвара мирикиб жилмаяр, эркаларнинг бўкириб сўқинишларидан карахт бўлиб ўтирган Фаридага кўз кисиб кўярди.

– Опа, эрим кутиб қолди, мен борай.

– Ўтир. Овқатингни ичмасанг, жавоб йўқ.

Фарида шунда ҳам ўрнидан турмоқчи эди, Сарвара билагидан тутди.

– Ростдан ҳам сени вокзалда кўргандим, – деди у. – Тўғриси айтсам, поездга илиниш учун жудаям шошиб келмагандим... Давомини эшитишни истайсанми?

Фарида омонат чўқди. Қаршисидаги аёлга ишончи йўқолган эса-да, ҳозирги гаплари ҳақ-рост эканига имони комил эди.

– Менга қара, – деди Сарвара, – энди қишлоғингда эмассан, ўзингни қўлга оливол-да, гапимга яхшилаб кулок сол.

– Аввал айтинг, кимсиз?

– Сарвараман! Яна ким бўлишим керак? – кулди аёл.

– Жиддий сўраяпман, – жаҳли чиққан Фарида қўлини мушт қилган эди, вагон-ресторанга кирган хўрандалар ҳалиги эркани урган шу аёлмикан, деган гумонга боришди.

– Майли, айта қолай. Камина Жеймс Бонднинг хотини ҳам, инглиз резведкасидан ҳам... эмас. Шунингдек, одам савдосидан даромад кўрадиган янги кулфуруш ҳам эмас. Тағин енгилтак деб ўйлаётган бўлма, ўлдираман... Хуллас, фохиша ҳам эмас. (Ҳой, нега оғизларинг очилади? – деди Сарвара гапи орасида янги кирган хўрандаларга. – Ўтиринглар, буюртма беринглар. Нима, одам кўрмаганмисизлар?!)... Ростдан ҳам эримнинг ёнига кетаяпман. Фарида, гарчи у қари бўлсаям! Касбим – мураббийлик, теннис бўйича. Эркин куш ҳолимда яшашга ўрганганман. Эр. рўзгор, бола-чака одамни бу дунёга чирмаб ташлашини ўн

саккиз ёшимда тушунганим учун ўзгача йўл танлаганман. Шиорим – ҳеч нарсадан қайтмасляк! Ва лекин ҳақиқий аёл бўлиб қолиш! Яъни аждодларимга ўхшаб!.. Айтгандай, аждодларим деганда ўрта асрлардаги момоларимни назарда тутмаяпман, улардан аввалгиларни... мисол учун Тўмарис замонларидагиларни! Қалай, зўрми?

Ҳарҳолда Фарида овкатга қўл урди. Лекин юз-кўзидан афсусланиш кетмади.

– Вокзалда нега айнан мени кузатдингиз? – деб. сўради у. – Энди айтарсиз?

– Менми? Кузатганим йўқ, – тан олишни истамади Сарвара. – Шунчаки кўзим тушгач, анча вақт қараб қолдим. Сендан кўз узолмадим, сингилжоним. Раҳм дейдими, меҳр дейдими, нимадир уйғонди кўксимда.

– Купемиз ҳам тасодифан бир бўлиб қолмаган. Гапларингизга ишонмайман, Сарвара опа!

– Ҳаддингдан ошмагин, сингилжон, ҳаддингдан ошмагин. Ҳамманинг олдида тортишмайлик, илтимос. Борадиган маконимиз бир бўлса. Қолаверса, у ёқдаги эрим, танишларим – ҳаммасининг сенга ёрдами тегади ҳали. Кузатиш масаласига келсак, кузатдим, нима қилибди? – У ҳозиргина айтган гапидан бир зумда тониб, буқаламундай ўзгарарди. – "Бечора ўткиргина келин экан, шу ёшида овир ишларга жўнаяпти, нима зарил-а?" дедим. Кўнглинг тўлдими? Ахир, феълимни биласан-ку, қизиқувчанман.

– Биз Камчаткага кетаяпмиз, – деди Фарида.

Ўша куни ўзлари ҳақида сўзлаб берган бўлса-да, Ер шарининг юқори худудидagi чекка маконни кўзлаб йўлга тушганларини айтмай қўя қолган эди.

– Вой, жиннимисан, бу поезд Камчаткага бормаиди-ю! – деди Сарвара кулгиси қистаб.

– Москвадан учамиз, мазах қилманг.

– Ҳа, майли. – Фарида нонни шошиб чайнарган, жағи бирдан тўхтади. – Менга ёқдингми, демак, мен билан Москвада қоласан. Ишни ўзим топиб бераман. Маоши ўтгиз минг рублдан кам бўлмайди.

– Эрим ҳал қилади...

– Эринггаям Камчаткада бало борми?! Тавба килдим, хамманг ўзингча!..

Шундай қилиб, улар яқинроқ танишиб олишди. Бироқ танишиш йўлида қанчалик яқинлашгани сайин аслида шунчалик узоклашиб борардилар.

\* \* \*

Эрталабки силкиниш хаммани уйғотиб юборди. Поезд бора-бора секинлашиб, ахийри яна бир силтаниб тўхтади. Проводник икки юз чақиримда бирон марта нафас ростламасликни кечагина гап орасида кистириб ўтганди. Бу нимаси? Атроф саҳрои биёбон бўлса!

Аскар ётган жойида ойнага ёпишиб, бир нималар деб ўлдираган эди, Фарида кулоғини динг килди.

– Менга гапираяпсизми, дадаси? – деди синик товушда.

– Бу ер Қозоғистон... Қароқчилар бор деб эшитганман... Энди ўзингдан кўрасан...

– Ака, ваҳима килманг-е! – дея Норимали гавдасини кўтарди. Кейин Сарваранинг бўш ўрнига кўзи тушиб, сўқинди: – Манжалақи қайси вагонда сандироклаб юрган экан?

Улар саросима исканжасида бир нафас тургач, йўлакка чиқишди. Йўлак деразаларидан ҳарқалай бир неча бино кўринди, лекин одам яшайдиганга ўхшамасди.

– Нима бўлдийкин? – суриштирди Фарида кўшни купелардагидан.

Ҳеч ким аниғини билмас, проводникларнинг эса қорасиям кўринмас эди. Сарвара тамбурдан хотиржам чиқиб келганида, хамманинг нигоҳи унга кадалди.

– Омадни қаранглар, ковоқхона олдида гўхтаб қолибмиз-ку, – деди у бўйнидаги сочик учларидан ушлаб, ёш қизлардай қилпанглаганча. – Нонуштанинг ништягини тайёрлаб беришади. Қозоклар меҳмондўст халқ. Битта-иккита йўлтўсар ҳеч қачон бутун бир миллатнинг обрўйини тўколмайди. А, нима дединглар? Тушамизми пастга?

Ниҳоят проводниклар кўшни вагондан чиқиб, наригисига ўтиб кетишди. Сўраган одамларга темирйўл устида “К-700” трактори бузилиб қолганини айтишди.

– Ў-ў, урди худо, – деди Норимали, – "Ка-семь сот" қароқчиларнинг ҳийласи-ку! Чакирилмаган меҳмонларни кутинглар, ҳозир вагонга бостириб кириб, пул талаб қилишади. Энг яқин полиция бўлими юз километр нарида.

Бирок бу курук ваҳима бўлиб чиқди. Ҳадеганда биронта йўлгўсарнинг қораси кўринмади.

– Мен бор эканман, ҳеч ким сизларни хафа қилолмайди, – деди Сарвара.

Буни кўпчилик ҳазилга йўйди. Орадан ваҳимали ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, чўлда енгил шамол кўтарилди. Борлик чанг пардасидан хира тортиб, туякоринлар думалаб ўтганда, ўртадаги бинодан бир неча киши чиқиб, вагон сари кела бошлашди.

Улар ёз бўйи козоқ чўлида қорайган кишиларга асло ўхшамасдилар. Поезддан кўз узмаётганларига қараганда муродлари ҳосил бўлган, ҳализамон дағдағасини бошламоқчидай эди. Уч қадам қолганда, поезднинг бошидан куйруғигача қолибона кузатиб чиқдилар. Ораларида дарозрок киши:

– Нима бўлди, хўв оғайнилар? – деб сўради.

Проводниклардан бири "К-700" трактори ҳақида гапиргандай бўлди чоғи, улар бош томонга қўлларини айвон қилиб қарай бошлашди. Кейин ўзларича алланималар деб қулишиб турдилар.

– Нимаси қулгили? – деди Сарвара купедошларига. – Чиқиб бери болайми?

– Эркалингизни она шахрингиз кўтаради, – дея Норимали лип этиб кўздан йўқолди.

Сарвара сочиғини кўлига ўраб, мушт солмокчи бўлди, аммо йигитчанинг қорасини ҳам тополмай аланглаганча қолаверди. Фаридага кўзи тушса, ўзини ўн минг эркакдан ҳам жасур тутадиган одати яна хуруж қилди.

– Фарижон, юр, пастга тушиб, улардан ул-бул сўраймиз, ҳарҳолда аёллардан қизғанмас, – деди.

Хотинини жодугар тортиб олаётгандай Асқарнинг ранги гезариб кетди ва:

– Опа, – деб кўлини силтаб юборди, – поездга чиққанингиздан бери одамнинг жиғига тегасиз! Биз сизга нима?.. Тўғриси, юриш-туришингиз бўғзимга келди. Москвадан иш топиб беришингизни

миннат қилмоқчимисиз? Керакмас ишингиз! Бизнинг борадиган жойимиз бор! Тинч қўйинг дедимми, тинч қўйинг!

Йўлакдаги йўловчилар уларни индамай кузатиб туришарди.

– Кир купега! – ўшқирди Асқар хотинига. – Бугундан бошлаб бу билан гаплашмайсан! Ё биз турамиз купеда, ё у! Проводник кани?.. Норимали, қай гўрга кетиб қолдинг? Проводникни чақир!..

– Вой-бў, чақмаган, тишламаган, кемирмаган жойингиз қолмади-ку! – билакларини ишқалади Сарвара. – Заҳарингизни роса тўплаб юрган экансиз-да, а? Бирон ёмонлик қилган бўлсам, айтинг!

“Бор-э” дегандай хотинини судраб кетмоқчи эди, Сарвара Асқарнинг қўлидан шартта ушлади. Аёлнинг кўзларида ғазаб ва нафрат, ҳеч ким ўчиролмайдиган қасос ўти ловиллаб турарди. Фарида билдики, эри энди Сарварадан осонликча қутулолмайди.

– Сарвара опа, эркак кишига тенг келиб нима қиласиз? – жон ҳолатда ялинишга тушди. – Эрим ўзи шунақа! Феъли сал оғир!

Асқар ва Сарвара йўлакда тортишиб-судрашиб одамларни йиқитиб юбораёзди. Кексарок рус кишиси сўкиб берди:

– Тентаклар! Эркак ҳам аёл билан уришадими? Йўқолинглар бу вагондан!.. Худди ит каби-я!..

Фарида ортик чидаёлмай, Сарварага кичкирди:

– Тортинг қўлингизни!.. Аёл бўла туриб уялмайсизми бировнинг эри билан тортишишга?! Сизга айтаялман-э-э!..

Фаридада киши билмас куч бор эди. У рўзгор қилгандан буён ер чопадиган, лой гувалаклайдиган, сабзи ўра казийдиган пишик хотинга айланган эмасми, билагини чиндан ишга солган эди, бошидан рўмоли учиб кетганига қарамай иккаласини айириб қўйди.

– Хотинингнинг олдида индамадим, – деди Сарвара ғазаб билан, – чунки уни синглим деганман. – Кейин Фаридага юзланди. – Узр, гоҳида эринг эканлигини унутиб қўяман, менга бунақа гувалаклар ёқмаса нима қилай?!

– Ким гувалак? Оғзингизга қаранг, опа! – Асқар хансираб қолди: кўрқаётгани ҳам шундок билиниб турарди.

– Жа ориятлисан, мардсан, ҳақиқий эркаксан, лекин ўзингчасан! Ҳақиқий эркаклар хотинларига нималар қилиб бераётганини биласанми ўзи?! Ё факат кишлоғингдаги спиртхўр, носкаш, кемшик жулдурвоқиларнинг гердаийб юришидан андоза олганмисан? Ориятли бўлсанг, нега хотингни етаклаб

малайликка жўнадинг? Бир ўзинг боришга кўрқдингми? А, гапир! Сен болаларга қараб ўтир, мен пул топиб келай, демадингми? Демайсан! Деёлмайсан ҳам! Ўзингча мени ёмон кўрасан, енгилтак деб ўйлайсан. Сенга ўхшаган эрим бўлганида ўзимни осардим, тушундингми?

– Ўзингизни осинг, ушлаб турибманми?

Аскар купе эшигини шахд билан очиб, йўлакдан қорасини ўчирди, Сарвара эса Фаридани ушлаб қоларкан, гап бор, дегандай узрхоҳ жилмайди. Бу вақтда чўл одамлари рўпарадаги вагонда жанжал кўпганини сезишди шекилли, яқинроқ келиб, мешкориндай дўнгликдан вагон деразасига илжайиш-ла қарай бошлашди. Поезд ва улар орасидаги масофа энди икки қадамни ҳам ташкил этмасди.

Йўловчилардан бири, сочларига оқ оралаган арман аёл, кия дарчага тумшурини сукиб, мутелик ва ялинчоклик билан ташқаридагилардан русчалаб сўради:

– Кечирасизлар, айтолмайсизларми, биз қаерда тўхтадик?

Сичконмўйлов, қисик кўз, серажин кимса баланд овозда:

– Момойли чўлида! – деб жавоб берди. Сўнгра бели тор сув парисининг шаклини ҳавода чизиб, хитоб қилди: – Бир кеча тунаб кетадиган қизлардан йўқми, бабуля? Эртанги поездга миндириб юборардик! Ўзиям хурсанд бўларди, ҳе-хе-хе...

Армани аёл тўнриллаганча деразадан узоқлашди. Сарвара Фаридадан узр сўраётган жойида сичконмўйловнинг гапини эшитиб, бирдан ойнага ўгирилди.

– Ҳаддидан ошишаяпти... – Шундай деб тамбурга отилиб кирди, вагоннинг ташқари эшиги очилгани эшитилди. Бир сониядан сўнг овози янгради: – Ҳей, ораларингда биронта мард борми?

– Бор, – дейишди сахро одамлари.

– Ишонсам бўладими?

Улар қўлларини белга тирашди ва бизни ҳақорат қиляапсиз, қабилида бир қанча гапни қалаштираётганида Аскар купедан чиқиб, Фаридани чақирди.

– Қўшилма деганмидим?... Нега серрайиб турибсан, кир!

Қўшни купелардан бирига яширинган Норимали қайтиб келаётган эди, ташқарига ишора қилди.

– Аскар ака, шайтоннинг урочисидан қутулдикми ё ҳамтовоқларими? Қаранг, бемалол гаплашаяпти. Агар ҳамтовоқ

бўлса, кимга кийин – икковимизга кийин. Қочишга жой топиб қўйганмисиз?

– Э, бошимни котирма сен ҳам! Финг десин сўйиб ташлайман, ўлай агар!

Эриники бир тутса, ёмон тутишидан кўрккан Фарида купе эшигини ёпиб, деди:

– Поезд бекорга тўхтамади, дадаси, бир гап бор бу ерда. Йўлтўсарлар келадими, Сарвара опаи, гап қайтармайсиз, пичок кўтармайсиз.

– Ишинг бўлмасин!.. Ҳаммасини сен бошладинг, доллар ишлайман, ҳар ойда битта сигир оламан деб! Мана, энди текин томоша кўрасан.

– Пичок кўтарсангиз сизни ҳам сор қўйишмайди-ку, ахир! Мени, болаларингизни, ота-энангизни ўйланг. Нега бунча қизишасиз? Айтган пуллариини йиғиб берамиз, тамом, поезд юради, кетамиз. Сарвара опани бошқа купега ўзим кўчириб юбораман.

– Одам эмас... ифлос...

– Қишлорингизнинг одамимиди, бунча гирғаласиз? Бунакалар ҳамма жойда тикилиб ётибди! Кўчага чиқмаганингиз учун мендан бошқасини кўрмай қўйгансиз!

Купе эшиги сурилиб, Норимали кути учган ҳолда кирди. Тили зўрға калимага келди:

– Ҳаммалари вагонга чиқишаяпги!.. Поездни ҳам аслида шу аёл тўхтатган! Олд томонда "Ка-семьсот" йўк дейишди. Бари ёлрон, бизни тузокка туширишди!

– Шунча одам бор-ку, нимадан кўрқамиз, – юпатган бўлди Фарида.

Гурс-гурс кадам товушлари, козоқча, русча аралаш хитоблар, бўрик овозлар кулоққа чалинди.

– Мен бир кишини танийман, – деди Норимали шоша-пиша юқори полкага осиларкан, – исми Шакен, Еттисойда яшайди. Бир замонлар Тошкентдаги жисмоний тарбия институтида ўқиганда Иттифок бўйича танилган! Агар ғинг дейишса, ўшани айтамыз, чунки булар ҳам барибир танишади Шакен акани!

– Бу ер Момойли чўли бўлса, Еттисой каерларда қолиб кетди, – рижинди Асқар. – Палончини таниш-танимаслигинг рэкетчиларга бир тийинлик кизиқмас... Э, бало бормиди... Битта эшакнинг гапига кириб...

– Барибир фойда беради, – шивирлади йигит, негаки талончилар эшикни очишга улгуришган эди.

– Салом, – деди сичконмўйлов, – кайси биринг Аскар?

Фарида эрининг оёк-кўли, хатто ияги ҳам қалтираётганини яккол кўрди. Раҳми келиб кетди бояқишга.

Айни дамда Фарида юрагидаги кўркув йўқолиб қолганини, кимдир (эхтимол, Сарвара бўлса керак) унинг учун суянчик эканлигини ҳис этди.

– Мен... – дедию Аскарнинг уни ўчди. Бошқа сўз айтолмаслигини тушунишди. Ва ҳақиқатан ҳам аҳволи бу экан, қишлоғидан четга чиқмагани минг марта маъқул эмасмиди.

– Бу ёкка юр, гап бор.

Аскар ўрнидан туришга турдию юролмади. Талончилар ортик қутолмасди. Давангирдай кимса қўл чўзган эди. Аскарнинг ёқасигача етиб борди. Албатта, сичконмўйлов ҳам қараб турмади, иккинчи ёқага чанг солиб, биргаликда купедан судраб чиқардилар. Тамбурга ўтаётганларида Аскар проводниклар хонасига умид илинжида кўз ташлади. Афсуски, у ерда ҳам бир боскинчи формали ходимларга алланимани уқтирарди.

Вагон зинасидан тушаётганида Аскарнинг оёғи тойиб кетди, давангир эғнидан тортиб қолмаганида, юзтубан йиқилиши тайин эди.

– Астарок, нега шошасан? Поездинг жўнашига ҳали беш дақиқа бор, – дейишди унга.

Поезд жўнаб кетса нима бўлишини ақлига сиғдиролмаган Аскар кўрқканидан бақириб, юлкиниб қочди ва ўзини вагон эшигига отди. Нима бўлганда ҳам вагонга чиқиб олиши, одамлардан нажот сўраши лозим эди. Бирок зинада Сарвара туриб олганди, унинг ортида эса худди шундай хотиржам киёфада хотини... Фарида! Икки аёлнинг нигоҳида ҳам бир маъно балкигандай туюлди: "Бизнинг панамизга қочаяпсанми, эй эркак?"

Номусданми ё хотинларнинг хотиржамлигини кўрибми, Аскар тахтадай қотди. Аввал Сарвара кумга сакради, кейин қўлини узатиб, Фариданинг тушишига ёрдамлашди. Бақир-чақирни эшитган проводникларга Сарвара:

– Ҳеч гап бўлгани йўқ, – деб қулди, – мени билмайсизларми? Уч дақиқада қайтамиз! Озрок "разборка"миз бор эди... Ие, ана, моможоним!..

Четдаги кулба олдида эртакларда тасвирланган ялморизларни эслатувчи, пакана, хунукдан-да хунук, маймоқ кампир кўринди. У бурни ерга теккудай энкайиб, пилдираб келаверди. Сичконмўйлов кимса Сарварадан хушомадли кўзларини узмай шундай деди:

– Уч дона қартадан фол очади деганим шу чечамиз! Башорати хамиша тўрри чиккан.

Сарвара чапак чалиб, олқишлаб кутиб олди кампирни. Ҳақиқатан, фолбин момо ялморизларга куйиб кўйгандай ўхшарди. Хавотир инган юракнинг безовтасини бир сония унутган Фарида ҳам қизиксиниб қараб қолди. Аскар ҳам одамга ўхшаб ўзини бир оз босиб олган эди. Кўзлари аланг-жалаң боқиб, ўлим ва шармандалик хавф солмаётганини тушуна бошлади. Гарчи чўлдан тинимсиз кум-тўзон учиб келса-да, темирйўл атрофи хадеб мой тўкилаверишидан катрон бўлиб қолганини, иси бурқсиб турганини, барзангнинг мой теккан кийимдалигини эндигина пайқаб турган жойи эди. Буни яхшиликка йўйди. Негаки, ноқонуний солярка савдоси билан шуғуллунадиганлар поезд хайдовчилари билан келишган ҳолда чўл ичкарасида ёқилғи сотиб олишини Фаридадан бир вақтлар эшитганди. Ва улар ҳеч қачон одам ўрирлаш билан шуғулланмаслиги, сердаромад ёқилғи савдосини хавф остига қўймаслиги ҳам ҳикоя қилинган эди хотини томонидан.

– Ассалому алайкум, моможоним, – кучоқ очди Сарвара.

Бироқ кампир уни хушламаганини қахрли нигоҳидан сездириб, ғазаб билан тамшанди. Оғушига миттигина бўлиб сингиб кетган эса-да, бир амаллаб бошини чикарди. Киртайган кўзлари Фаридага кадалгач, Сарварага деди:

– Қучорингдан бўшатасанми? Ё сенга куёв топгунча шундай тураверамизми?

Фарида рус тилини яхши тушунар, бинойидай сўзлаша оларди ҳам. Фолбин момо нима демоқчи эканлигини бир лаҳзада фаҳмлади: у Сарваранинг боши очиклигини шаъма қилаяпти. Ва бу ростга айланса, эрининг ёнига йўл олгани ҳақидаги гаплари ёлғон эканлиги ошкор бўлади. Ёлғоннинг тагида эса шунчаки бетайинлик эмас, фирибгарлик ётганини исботлашга ҳожат йўқ эди.

Фарида назокат билан, худди келинлардай салом берди.

Кампирнинг нигоҳида илонни эслатиб юборадиган нимадир сезиларди. Бироқ анчайин меҳрибон товушда:

– Кел, сен билан ҳам кўришай, – деди.

Фарида билан кучоклашган фурсатда сичконмўйлов дарҳол Сарваранинг қуловига шивирлашга улгурди:

– Дуня чеча уни кўпроқ ёктирди, сулув.

– Кампирчаларга ҳамиша ёкмаганман, – деди Сарвара кўз кисиб, – чунки менда бор нарсани ўзларидан топишолмай ичиқоралик қилишади.

– Бўлиши мумкинмас. Бу кампирда ҳамма нарса бор. Истаса, бир думалаб ўн саккиз ёшли кизга айланади. Ишонмайсизми? Ҳозир бу ерда-я, кўряпсиз-а? Э, бир неча лаҳзадан сўнг дунёнинг нариги чеккасида пайдо бўлиб қолмаса, олган соляркам сувга айлансин! Айтишларича, кубаликлар уни даволатмоқчи бўлишган.

– Нима бало, касалми?

– Қанақасига! Ахир, у ўлимнинг устидан қолиб келган-ку!

– Кубаликларни назарда тутаяпман, тоға.

Иккови хиринг-хиринг кулишди. Сичконмўйлов кулгидан шарт тўхтаркан, қисик кўзларини олайтириб пичирлади:

– Лаънати келиб-келиб муштдайгина қароргоҳимизда жон бермоқчи. Бир замонлар онаси шу ерда тукқан экан... Ортик яшашни истамас эмиш.

Бу вақтда Дуня момо ва Фарида ҳам икки оғиз гаплашишга улгуришган эди:

– Эринг аёллардан таълим олавериб, бўшанг бўлиб ўсган. Умида биринчи марта сафарга чиқаяпти. Сен ҳам! Лекин қарға билан чилликча фарқларинг кўринаяпти. Бу – яхши.

– Қарталарни назарда тутаяпсизми? Чиллик, қарға... деб момо?

– сўради Фарида ўз тилида.

Кампир борган-сайин букчайиб бораётгандек бошини кийналиб кўтарди.

– Ҳа, – деди у яна бир тамшаниб кўяркан, – ўшаларни айгаяпман... Мен юборган қарталарни олгандирсан?

– Сиз... – дедию Фарида шамол ва ёмғир ҳукм сурган тунда деразага урилган қарталарни эслади.

Дарҳақиқат, "Дама-қарға" ўрнида кампир сурати акс эттирилган битта ғаройибини ҳам кўрганди-ку. Нахотки, сувратдаги у бўлса?..

Сир-синаот олдида лол бўлиб қолди. Во ажаб! Дуня момо “отанг армияда хизмат қилган чоғларида зобитга дуч келган сирли кампир ҳам менман”, деганида, ишонмасди. Бироқ ёмғиру шамол карталарни деразага учуриб келганини айтиб ўз кудратини, шубҳасиз, намоёниш этган эди.

– Умримни поёнига етказиш ўз кўлимга топширилган, қоқиндик, – кампир секин ортига қайирилди. – Бу жуда ёмон, жуда ёмон... Қани, юринглар. Поезд жўнашига уч юз сония қолди, бошлаган ишимни охирига етказиш учун адашганлар авлодининг охириги вақидига қисмат битигини айтишим керак. Ҳой кўрқок болам, – у қоксуяк бармоғи ила Аскарни чақирди, – сен ҳам кел. Эр киши хотинини ташлаб қочса, киёматда меникидан ҳам оғир гуноҳга жавобгар бўлгай.

– Юр, юравер, – деди сичконмўйлов Аскарга масҳараомуз оҳангда. – Хотинлар билан жанжаллашасану, биз билан уришмайсан, ҳе-е, сени!.. Қанийди ўрнингда бўлганимда! Афсус, башарамни кўрган бирон кимса яқин йўламайди-да... Носинг борми?

Аскар бош чайкаган эди, сичконмўйлов гарданига қўл ташлади.

– Кўкайингдаги юрак бужмайиб, эланиб носга айланиб кетмаганини қара!

Купеда можаро кўпганда Сарвара Фариданинг кулоғига шипшиган эди: “Эрингням, сениям биттаси чертмайди, булар оддий мойфурушлар... Пастга тушмай, қаршилиқ қилсанг, чиндан жанжал чиқаргизаман! Юр!..”

Фарида эри энди кечирмаслиги ҳақида ўйларди. Вагондан тушгани учун бир умрга фақат ўзи айбдор. Уйига қайтиб кетиш ва гина-кудурат билан ўч олиш ягона орзусига айланганини Фаридадай зийрак хотиннинг сезмаслиги ҳам мумкин эмасди.

Шу пайт эр-хотиннинг нигоҳи тўқнашди. Аскар омонат кўприкдан ўтаётган инсон мисоли оёқ тагига қараёлмай ҳамроҳининг кўзларидан нажот истаб турарди.

– Ҳозир поездга қайтамиз, дадаси, – деди Фарида юпатишга уриниб.

Эр эса миқ этиб оғиз очмади. Афтидан, ўзига келиб олиш учун бир ой вақт керак эди.

Кулба тошдан бунёд этилганини Фарида сал кейинрок, Сарвара турткилаганда пайқади. Ҳақиқатан ҳам андавасиз сувалган девордан туртиб чиккан оқ тошлар унда-бунда кўзга ташланарди.

– Чўлнинг ўртасига тошни қандай олиб келишган экан-а? – сўради Сарвара.

Фарида оғиз очишга улгурмади, кампир тўрга ўтириб, кафтларини қарсиллатиб урди.

– Йўқ, – деди у бош чайқаб, – сен тошларнинг қандай келиб қолганидан эмас, тошлар орасига ўзинг қандай келиб қолганингдан кўпроқ ҳайратлан!

Сарвара лабининг бир чети билан кулимсиради. Фарида эса боядан бери қуловига алланима ғалати туюлаётганини сезган бўлса-да, нима эканлигини эндигина англади. Англадию, қувониб кетди. Ахир, Дуня момо фақат Сарварага, шунда ҳам бир марта, русча сўзлади, кейин эса фақат ўзбекча гапираётибди-ку.

Фаридага ғойибдан сас келгандай туюлди: "Дуня – татар кампир... Юз йил яшаган... Ҳамма тилларни билади..."

– Сизлар, – деди кампир мойфурушларга, – чиқиб кетинглар, ҳимматларингга сикқунича буларни меҳмон қилишга гайёргарлик кўриб турсанглар, тез орада Худодан қайтади. Чунки сен, сен... сен ҳам... яқин кунларда тор жойга тушиб қоласизлар.

– Эй, оғзингизга қараб гапиринг! – ғазабланди барзанги. – Биз учун ҳамма жой бепоён...

– Бепоён ҳудудлар бор экан, деворлар ҳам бор, – деди кампир.

– Сизга ишонмайман. Нега энди ўзингизча фолбинлик қиласиз? Кофирсиз! Дўзахийсиз!.. Қамокқа тушишимни истаяпти-я бу! Нима ёмонлик қилдим унга?!

Шериклари торткилашди, туртиниб-суртиниб кулбани тарк этишгач, Дуня момо деди:

– Аввало, узр... Поезд менинг сабабимдан тўхтади. Сехргар экан, деб хайрон қолманглар, сехр-жоду энди менга ёт!.. Одамлар бу дунёда нималарни тўхтатмаяпти, дейсан... – У бир нафас тин олиб, Фаридага тикилди. – Отанг аждодлар сарҳадини бузган одам эди. Тўғри, унинг замондошлари ҳам олис ўлкаларда ҳарбийда бўлиб қайтган ва улар ҳам улур бир мувозанат

сахнининг сўл томонига ўзлари билан иллат тошларини олиб қайтгани айтилган ҳақиқат. Аммо бугун фақат сени учратишим керак эди, зероки, сўнгги уч дона қарта фақат сенга... сенга аталган.

– Ў-ў, – деб кўйди Сарвара.

Аскарнинг сабр косаси тўлиб, жон-жаҳди билан ташқарига кулок солар, поезднинг жойидан кўзгалганини эшитса, йиғлаб юбориши муқаррар эди.

– Эътибор берганмисан, дунёда оломоннинг асл киёфаси йўқ. Тақдир йўлларида нукул дўстлар, душманлар, ҳамроҳлар якка-якка учрайди. Қарғиш олганлар ҳам битта одамдан олади, раҳмат айтган ҳам бир киши. Ўнта одамга яхшилик қилдинг, лекин ўнтаси жўр овозда, бир хил киёфада раҳмат айтишмайди-ку! Эртақларда-чи? Жодугарга, сеҳргарга, бирон ғариб кимсага дуч келинади. Бир нечтасига дучор бўлса-да, аслида битта-битта эканлигини ҳис этасан! Бунда катта ҳикмат бор. Дунёда ўзингни ва Яратганни кўрасан, шундай эмасми? Учинчи нарса аслида мавжуд эмас... Еру кўк, эрингу болаларинг, дўстлару душманларинг – барчаси охир-оқибат йўқ бўлиб чиқади. Сендан қилган савобинг сўралади, гуноҳларинг айтилади, тушунаёсанми? Буни файласуфлар тушунтирмоқчи бўлишган, лекин ҳеч кимни ишонтиролмаганлар... Менга диққат билан кулок сол-да, учинчи қартани бер...

– Учинчи қартани сўраяпсизми? Мен... биронтасини ҳам олиб келганим йўқ... – Фарида эрига кўрка-писа кўз ташлаб олгач, давом этди: – Қайнонам оёғи билан эзғилаб ташлаганини кўрувдим. Кераксиз, деб ўйлабмиз.

Дуня момо буни ҳам олдиндан билган эди, индамади. Тош уй ичида келиннинг изохи янгради:

– Болаларимни ташлаб, четга бориб ишлашимдан қайнонам каттиқ норози эди. Уйингни тоза тутолмайсану бировникини тозалайсанми, деб ҳалиги қарталарни жаҳл билан... Лекин у кишини айби йўқ! Кечиринг, момо.

– Қайнонам мен учун мавжуд эмас, – деб Дуня момо келинни тинчлантирди, – унга на ёмонлик қила оламан, на яхшилик. Ўлимим олдиндан сен билан юзма-юз учрашиш тақдири азал ҳукми экан, нега энди ёмонлик билан ўз руҳимни дўзахга чуқурроқ ботиришим керак? Ўрнингдан тур, тош орасидан уч

дона картани топ. Уларни мерос қолдириб кетмоқчи эдим, начора. Отангдан қолган ўша тавқи лаънатни олиб ташлаш учун ҳар нарсага розиман. Буларни ўзимиз бошлаганмиз, тугатиш ҳам бўйнимизда.

Фарида қилт этмай ўтирарди.

– Турмайсанми?

– Қарталарни қўя туринг, момо, худо раҳматли отамга нега лаънат ёрилганини тушунтириб беринг... Тавқи лаънатни олиб ташлайман, деясиз, отам қандай гуноҳ қилганки, ўлганидан кейин ҳам лаънатдан қутулмаса?

– Буни биласан.

– Бир афсона сўзлаб берганди, шуни назарда тутаяпсизми, момо? Кечаси ҳарбий қисмга ширакайф қайтаётган офицер чуқурликка тушиб кетади, ёмғир қуйиб турган эмасми, тез орада чўкиб ўлиши аниқ эди. Шу пайт бир кампир келиб қутқаради, лекин жодулайди. Агар қалби тоза инсонга шу жодуни ўтказмаса, кўп ўтмай офицер аянчли ўлим топиши мумкин эди. Биринчи учраган одамни кучокласа, ичишга, суюкоёқ хотинларга ва бошқа маишатларга даъват этса бас, жоду ўшанга ўтади-кетади. Отам сокчиликда тургани учун биринчи дуч келган одам эди. Эртасига офицер: "Мени нега отиб ташламадинг, ахир ўрмондан чиқаётганимда кимлигимни билмагандинг-ку", дейди. Бир қанча аччиқ гапларни айтади, мазах қилади ва "мендаги балои қазолар сенга ўтди, уруғ-аймоғинг билан айниб, қирилиб-битасан", дейди. Орадан бир неча ўн йил ўтса ҳам, отам ҳеч қандай қарғишдан, балои қазодан азият чеккани йўқ. Бахтли яшади, оиласи даврасида ҳаммадан, ўз ҳаётидан ҳам рози бўлиб вафот этди. Бугун сиздан эшитиб турибман тавқи лаънат борлигини. Буларнинг бари маст офицернинг ёш аскарга тўкиган афсонаси эмасмиди?

– Афсуски, афсона эмас. Ўзимиз бошладик, ўзимиз тугатамиз, деб бекорга жавраяпманми? Қанчалик пок инсон бўлгани менга қоронғи, лекин отанг, унинг тенгдошлари, олис юртларда ҳарбий хизмат қилиб қайтган бошқа минглаб йигитлар – ҳулласи қалом, кўпчилик юртига қайтгач, зоҳири бошқа, ботини бошқа эканлигини яқинлари билишмаган. Мана, сен ҳам отангнинг юрагига тамға босилганини сезмабсан-ку!

– Қандай тамга, моможон?

– Отанг ароқ ичармиди? – гапга аралашди Сарвара кўлини чалиштириб, деворга суянар экан. – Ўша замонларни кўмсармиди? Байрам дастурхонлари бошқа халқниқига ўхшаб кетармиди, йўқми? Чўчкадан тайёрланган колбаса ҳам егансан, топдимми? Ҳар замонда русча сўқинишлар эшитгансан, укаларингнинг тили ҳам ўшанақа сўзлар билан чиққан. Биронта кишлоққа бор-да, болаларнинг гапига кулок сол, оталаридан, акаларидан эшитган русча сўқинишларни бемалол ишлатишади, маъносига тушунса-тушунмаса!.. Отанг намоз ўқирмиди? Пенсияга чиқсам тавба-тазарру киламан, дермиди? Лекин шунда ҳам тўй-пўйларда чойнакларда яширинча сузиб келинар, пана-пана қилиб жирилдонга куйиворишармиди?

– Ҳақорат... – жаҳлнинг кизғиш тусига кирди Фарида.

– Йўқ, сингилжон, момом нима демоқчилигини изохлади, холос, – деди Сарвара.

– Адашган зобит тушиб кетган жой оддий чуқурлик эмасди, – деди кампир, – у амфитеатр эди, бизнинг ва сизнинг амфитеатрингиз. Балки гапларим тўлиқ тушунарли эмасдир, манавинга ўхшаш... – Дуня момо Сарварага ишора килди. – ...ўзидан кўркканлар турлича шархлаши, гоҳида тўғри, гоҳида бузиб талқин этиши мумкин... Онам билан ўн мамлакат кезиб, минг театрни кўрдик. Охир-окибат козок чўлида, бир замонлар кора поезддан тушириб қолдирилган онамнинг кўзи ёриган жойда ўлаётганимдан шукронадаман.

– Мен ўзимдан кўрқаманми? – чимирилди Сарвара.

Бирок бун шунчаки айтгани маълум эди, ҳеч нима ўзгармади.

– Кечирасиз, момо, карталар қайси тошнинг орасида? – Фарида оғир кўзгалди.

– Охирги фолга ўтирган кампир ўрнидан турмайди, – деди Дуня момо, – Ўзинг топ. Келажанинг – тошлар орасидан ҳаёт паттасини ахтариб топиш.

Сарвара Аскарга зимдан қараб қўйди, аммо ўзини йўқотган эркакдан маънили нигоҳ тополмай вижини келди. Тўсатдан хавотир чулғаб, Дуня момога деди:

– Моможон, балки керакмасдир, а? Майли, уч картангиз девор орасида қолаверсин, биз кетамиз.

Кампир киё бокмади, гапига-да парво килмади. Аслида кимлиги фош этилишидан ташвишга тушаётганини сезган Фарида сувок кўчган жойдан қарталарни суғуриб оларкан, аввало, унга ғолибона қаради.

– Сарвара опа, топдим... – Сўнгра кампирга ўгирилди. – Момо, мана шуларми?

– Бахтингдан очади ҳозир, – деди Сарвара алам билан. Ва шу заҳоти момони огоҳлантирди: – Мен ҳақимда лом-мим деманг, тушундингиз-а? Бу ерлардан поездда кўп ўтганман. Юзга кирган фолбин момо яшайди, қарталар билан башорат килса, ҳеч қачон нотўғри чикмайди, деб эшитгандим. Боя козоқлар сизни гапирганда, қани, бир зиёрат қилай, дедиму буларни ҳам эргаштириб тушдим... Эрийгитнинг бурнини ишқайман деб бўлмағур тухматларга қолиб юрмай, моможон.

– Кўркма, ҳамроҳингнинг қайнонаси каби мен учун йўксан, – деди момо.

– Лекин Фариданинг келажagini башорат қилиб, авлодларига оғирлик солаётган лаънатни олиб ташламоқчисиз, шундайми?

Кампир қийналиб бўлса-да, қайирилиб боқди.

– Ўзингни ўзинг қарғаяпсан. Яхшиси, поездингга чиқ, манзилинг аниқ, яна нима керак сенга?

Совук гапдан кўра совук оҳанг кўркинчли эди, аммо Сарвара кампирнинг нигоҳи узилган маҳал кўз қисиб қўйди ва кўрсаткич бармоғини чаккасига калит қилиб буради. Эр-хотин енгил сесканиб, бир-бирига қарадилар. Одамзот цивилизация оламига киргани сайин имон-этикодини йўқотиб боргандай туюларди уларга. Фол, қарғиш, жоду кабилар юксак тараққий этган илм-фан олдида эндигина ожиз қолган пайтда, кутилмаганда замонавийлашади, одамзот худди тош асридаги ғорда яшаётгандек кўркувни ҳис этади. Сарвара учун Дуня момо цирк сахнидаги фокусчи кабидир эҳтимол, бироқ Аскар билан Фарида кўринмас салобат олдида котиб туришарди. Наҳотки, кароматгўй момонинг устидан шу қилиқни қилиш мумкин? Касри урмасмикан шохидларга ҳам? Қарғишдан химоя қиладиган бирон бино, бирон кашфиёт мавжудми бу дунёда?

Қарталар беҳосият ёмғирли кечадаги каби ғалати эмас, фабрикада босилган, қизғиш тўрли, жўн ва эскириб кетганди.

Биринчиси, “Қирол-таппон”, иккинчиси, “дама-карға”, учинчиси, “Етти-чиллик” эди. Кампир уларни шошилмасдан чийлади, кейин тирикликнинг сўнгги дамларидаги нафасини теккизиб, ёйиб қўйди. Фаридага ўткир нигоҳ отиб, буюрди:

– Ўтир.

– Факат тезлаштиринг, поезд кетиб қолмасин, – деди Сарвара.

– Қимиз-пимиз ичишга ҳам вақт топилар дегандим-а!

– Бу сенсан. – Дуня момо карталардан бирини очди, “дама-карға” эди у. – Ғайратли, зехнли, кўркмас аёлсан, лекин ҳаёт йўлингда отангнинг оҳакка ботган излари узок давом этган... Уни имон ёмғири ювиб кетиши керак эди... Иккита боланг бор... Болаларингнинг ҳаёт йўлига ҳам излар тушаяпти... Эркакнинг эмас, аёлнинг... сенинг... сенинг...

Шу пайт поезд гудоги эшитилди. Кампир сўнгги кучини тўплаб, иккинчи картани очди.

– Аёл бўлиб турилганлар эркакларнинг ишини бажаради... Сен ҳам!.. Бу ҳамманинг қисмати эмас... Бу оталардан кейингиларники... Гапиришда, кийинишда, ейиш-ичишда, касб ва замона ҳунарини танлашда, пул топишда...

Поезд мотори гуриллаб, яна гудок берди. Аскар оргик кутолмас эди. Эшикни шарақлатиб очганча, остонада туриб қолди. Вагонлар силтаниб, бир қўзғалдию тўхтади.

– Кетдик, Фарида! – бакирди у.

Илло, хотинининг ўрнига Сарвара отилиб чикди. Тезрок жўнасанглар-чи, дегандай шамол темирйўл бўйлаб дардисар ва ғазабнок кезинарди. Мойфурушлар поезд юришидан огоҳ этмок ниятида чопиб келишмоқда эди. Улар ўғирликни касб қилишган бўлса-да, фақат қорамойнигина ўғирлашимиз жоиз, деб ўйлашарди.

Дуня момо учинчи картани очишга умри етмаслигини билди. Сониялар йўқлик қаърига тўкилиб борар, эртақлардаги ёвузлик тимсолига жо-бажо этилган руҳга сўнгги гуноҳ осиб қўйилса, тақдири азалнинг ҳам иши битарди.

Эҳ, шу пайт мотор кучлироқ гуриллади ва поезд секин қўзғалди. Аскар, Сарвара ва мойфурушлар кулба остонасида тикилиб туришар, биронтаси сизмасди ичкарига.

– “Чиллик”нинг учта боши бор, мана, қарғадан биринчи фарки,

– деди кампир. – Поезд сени тескари томонга олиб кетаяпти... Сен

"чиллик"сан!.. "Етти" эса янги касбнинг яширин раками... Ундан... хамрохингдан... эҳтиёт бўл... У сенинг иккинчи қотилинг...

– Кимдан? – деб сўради Фарида. – Аниқроқ айтсангиз-чи? Эримданми, Сарвараданми? Ёки...

Дуня момо тош деворга суяниб қолди, энди рухга бу тана керак эмасди. Шунда ҳам жари сўнгги бор кимиради. Бироқ Фарида эшитолмади... Уни судраб чиқишди-да, қумли қияликда тортқилаб кетишди. Темирийўлнинг тошлари богди оёрига. Қизил чироқлари ёниб, охирги вагон ҳам кетиб борарди.

Бир эркак ва икки аёлнинг тошларга қоқиниб-суришиб поезд ортидан чопиши бўронга эрмак бўлди шекилли, тобора гувраниб, қум-тупроқни тўзғитиб, уларнинг устига сочди. Ҳар бирининг орасига уч қадамлик худбинлик масофаси тушган эди: Асқар биринчи, Сарвара ундан кейин... Фарида эса аросат ҳаёлидан иккиланиб, югуришни ҳам, югурмасликни ҳам билмай шамол ҳайдаб бораётгандай зўрма-зўраки чопарди. Чиндан-да, бу поезд тақдир йўлидаги айролик нуктасининг иккинчиси эди, биринчиси... шу ердан ортга қайтиб қўя қолиш. Зеро, Дуня момо поезднинг асл манзилга тескари томонга кетаётганини башорат этди.

Дарҳақиқат, хорижда пул ишлаб топиш учун амаллаб сўнгги вагонга етиб олишни эмас, уйига, болалари хузурига қайтиб кетишни авло кўрмоғи даркор эди бу хотин.

– Ҳой гаранг... овсарлар! Биронтанг "стопкран"ни бос!.. Тўхтат!.. – қичқирди Сарвара, сўнгга ортига ўгирилди. – Тезрок, Фарида! Ё мойфурушларнинг кўлида қолмокчимисан? Эрингнинг чопишига қара... Куёнюррак у!.. Сахрога ташлаб кетишдан тоймайди бу эшак!..

Охирги вагон эшигида аввал бир бош, кейин иккинчиси кўринди. Улар Момойли чўлига ташлаб кетилаётган уч йўловчининг ночор ҳолидан ташвишда эканидан, поездни гўхтатишга уришиб кўришлари мумкинлигидан умид қилса бўларди. Шунга қарамай Асқар ўпкаси бўғзига тикилганча гўхтади ва бор овози билан ёввойиларча бўкириб, темирийўл устида тиз чўкиб қолди.

– Туринг, дадаси! – ёлворди Фарида. Кейин яна башоратни эслаб, дам поездга, дам сахро ўртасидаги кулбаларга қараркан, ихтиёрсиз сўйлади: – Ўлсин ҳаммаси! Паспортларимиз ўзимизда бўлганида қайтиб кетардик...

Асқар бўралиб сўкинганча хотинининг юзига тарсаки тортиб юборди. Шу хотин бошламаганмиди жарақ-жарақ пул топиш учун уйни ҳам, болаларни ҳам вақтинча ташлаб кетиш мумкинлигини?!

Икковини ҳам ўтирган ҳолда кўрган Сарвара тўхтаб:

– Ўв тентаклар! – деди. – Поезд секинлашмаяпти, чопинглар... Кейинги бекат Россия!

Теннисчи хотин алдамаётганини кўриб, эр-хотин ноилож ўрнидан туришди. Тормозлар ғийқиллаб, мўрконда тутун камайиб қолди.

Вагон эшигини очиб, уларни олға ундаётганлардан бири проводник, иккинчиси Норимали эди.

Охири бўлиб Сарварани тортиб олишди. Проводник жаҳл билан сўкиниб, эшикни ёпаётганда, Сарвара ёқасига чанг солиб, сал бўлмаса, ташқарига итариб юбораёзди. Бирок иккисини вақтида ажратиб кўйишди.

– Бу ерда биз учун жон куйдирган асосий шахс Норимали, – деб Сарвара қозоклар сийлаган куртдан икки дона берди. – Агар у бўлмаганида проводниклар поездни тўхтатмасдилар. Ҳаёт фақат топқирликни эмас, одамгарчиликни ҳам ёқтиради, ҳурматли ҳамроҳлар. Қани, кетдик! Бу аёл поезддан қолиб кетмагани учун ҳозир юз грамм ичади, деб ўйлаяпсизларми? Йўқ, Дуня момо учун дуои фотиҳа қилишимиз керак. Ҳаммамиз ҳам бир кун ўламиз, шундай эмасми? Лекин у ўз вақтида ўлган буюк кампир.

★ ★ ★

Москвага кечаси кириб келишди. Ёмғирдан ивиган шаҳарнинг сон-саноксиз чироқлари эврилар, узаяр, милтирар, худди олам-жаҳонни сайр қилиб, яна ўша вокзалга келиб қолишгандай тасаввур уйғотарди кишида. Хорижда одам ўзини бутунлай ўзгача ҳис этса керак, деб ўйлаган Фарида лоқайд боқиб ўтирарди. Учта ходисадан бири содир бўлишини кутаяпти: эри жаҳл отидан тушмаса, ортга қайтадиган поездга чипта кидиради, инсоф қиёфасидаги туйғуларга қулок солса, Камчатка ҳақида ўйлаб, аэропортга етаклайди, янада кенгфёъллилик қилса, Сарварага ишониб, шу ерда қолади.

“Ишқилиб қишлоққа шарманда бўлиб қайтмасак бас, – деди

ичида. – Шунча кўргиликлар ҳам етади... Ким деган одам бўламан? Четга бориб ишлаш фикри сендан чиқди, деб бу ҳам, онаси ҳам еб-битирази-ку мени..."

– Хўш, ойимқиз, – деди Сарвара жилмайганча унинг рўпарасига ўтираркан, – бир қарорга келдингларми?

– Ҳали гаплашганимизча йўқ, у киши аразда.

– Аразлаган очдан ўлар, аразламаган очдан, – деди Сарвара ва Аскарни ахтариб чиқиб кетди.

Нихоят, поезд тўхтади. Ҳамма ўзининг юки билан овора эди. Нормали хайрлашиш учун Аскарни сўради, Фарида ўгирилиб қарадию йўлда йўқотган озиқ-овқат сумкаси бурчакда турганини кўриб, бир муддат қотиб қолди. Шоша-пиша очдию ақалли бир дона олмага ҳам тегинилмаганини пайқади.

– Бу... қизиқ бўлди-ку, – деди Фарида ажабсиниб.

– Нега хайрон бўлаяпсиз?

– Йўқолган сумкам...

Нормали кувонганидан:

– Хайрият-е! – деб юборди. – Сал бўлмаса, Сарвара опа бўйнимга илиб қўйди-я! Виждоним ичимдан кемириб ётганди. Мана, бор экан-ку!.. Ҳеч нарсага тегинилмаган дейсизми? Ичини текширинг, опа, тагин наша-паша солиб қўйган бўлишмасин.

Икковлашиб сумкани ағдар-тўнтар қилишди. Кўриниб турардики, ўғри кавлаштириб ўтирмаган, қандоқ олган бўлса, шундоқ қайтариб келганди. Мақсади нима бўлган, нима наф кўрган – ақлга сирмасди.

Сумканинг қайтиб қилиши Аскарни ўйлантириб қўйди. Борган сайин юзи ёришаётгани важдан Фарида хийла енгил тортиб, шу ерда қолишдан умидвор тикилди.

– Ўғирланган сумканинг ичида кетиб қолган суратни топиб келганимга қараганда, ўғри менман, шундайми? – деди Сарвара.

– Лекин кимда-ким шу фикрда бўлса, бу – тухмат! Нега десанглар, суратни фикр-заковатим, тап тортмас феълимнинг шарофати билан топдим.

– Айнан қандай қилиб? – Фарида хиёл аччиқланиб сўради. – Сир бўлмаса, айтолмайсизми?

– Иктисодчиларда бир масала бор, – аниқ жавобдан қочди Сарвара. – Мазмуни шундай: ўртага товар қўйилади ва икки

рақобатчи киши чакирилади. Учинчи одамга, яъни сенга айтишадики, икки рақобатчидан биттасини танлайсан, у товарни ўзига ҳам, рақобатчисига ҳам тенг таксимласин. Рақобатчилардан қай бирига товарни ишониб топширасан? У ўзига кўп улуш олиб, ракибига камрок колдириши аниқ-ку. Гапир, қандай чора кўллардинг, Фарида?

– Бунинг нима алоқаси бор?

– Муаммо шундаки, раҳбарлик одам танлашдан кўра иш усулини тўғри ташкил этишга боғлиқ. Рақиблардан бирига товарни таксимлашни, иккинчисига эса қайси бирини танлашни топшириш керак, шунда муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади-қўяди. Ахир, товарни таксимлаётган одам ракиби қайси бирини ўзига олишни билмайди ва албатта тенг иккига бўлади. Ўғирланган сумкани топишда мен ҳам ўғрини аниқлашдан эмас, иш усулидан иш бошладим. Натижада, сумка топилмаса ҳам харкалай болаларнинг суратлари кўлимга тегди.

– Майли, – деди Фарида нарсаларини йиғиштиришга тушиб, – ким ўғирлаган бўлса ҳам ўз жойига ташлаб кетибди-ку... Дадаси, нима қилдик? Қоламизми?

– Тўхта, ахир ўғри нима бўлади? – Сарваранинг кўзлари чакнади. – Мендан бошқада гумонинг йўқми? Масалани кизирди ечиш керак! Тухматга қолмай дейман-да.

Фарида бир нафас ўйланиб қолди. Сўнг эрига, Норималига, охирида Сарварага тикилди.

– Менимча, поездда ўғри йўқ, – деди у, – сиз айтгандай, Сарвара опа, ўша одамга сумка эмас, иш усули керак бўлганга ўхшайди. Яъни сумкам унинг қайсидир иши учун асқотган. Ҳозир сумкани кўтариб, буни кимнинг қўлида кўргандиларинг, деб ҳаммага бир-бир кўрсатиб чиқишим мумкин. Кимдир албатта эслайди, фалон эркак ёки фалон хотин кўтариб юрганди деб. Лекин бундай қилмайман. Сумка топилди-ку!

Улар вокзалнинг шаҳарга чиқиш эшигига етганларида, Норимали ҳамроҳлари билан хайрлашишга тушди.

– Қаерда ишламоқчисан, “нормалний”? – сўради Сарвара.

– Мебель заводида.

– Худо-ё тавба, Войтинской кўчасидагими?

– Ҳа.

– Мен ҳам ўша ерга бораяпман, эримнинг ўртоғига учрашишим

керак. – Сарвара тўсатдан эр-хотинга очилиб-сочилив каради. – Гапни эшитинглар, ниятим холис экан. Иш топиб бераман, деганимда мебель заводини назарда тутгандим. Тасодифни карангларки, Норимали ҳам, мен ҳам – ҳаммамизнинг манзилимиз битта бўлиб чиқди. Кетдикми? Ётоқхона ҳам ичкарисиди, бундан ортиқ омад борми, дўстларим!

Аскар хотинига ўғринча каради ва ғудраниб нимадир деди. Журъат этиб-этмай рози бўлган эди шекилли.

\* \* \*

Сарвара чиндан ҳам валлават чиқиб қолди. Аскар билан Фаридани бир кун ичида ишга жойлаб қўйди-да, эрининг ёнига, шаҳарнинг бошқа бир чеккасига жўнаб кетди.

Аскар яқинларига сим қоқиб, каерда ишлаётганларини маълум қилди. Унинг олдида кичик бир муаммо кўндаланг турарди: завод ётоқхонасида эр-хотинлар учун хона йўқ эди, Фариди қизлар ётоқхонасига жойлашди. Рашкчи ва одамови эрининг назарида хотини кечалари ҳамхоналари билан бўлмағур мавзуларда гап сотадиган, бегона эркак ҳазилига жавоб қайтарадиган, ҳатто янги дугоналарининг қистовида шаҳарга ҳам чиқиб келадигандай туюлди. Бирок гумонларни исботлаш учун далил керак эди. Бир куни Аскар Норималини бир четга чакириб, кўзларига тик қараёлмай, шундай деди:

– Сир сақлаш қўлингдан келадими, ука? Битта муҳим иш бор.

Норимали бош кашиб, атрофга боқди. Афтидан у кўп нарсадан хабардор эди ва ҳозир айтилажак илтимос мазмунини ҳам билиб турарди.

– Пул сақлаш бўлса майли, – деб ҳазилга буриб қутулмоқчи эди, Аскар депсиниб, унга тик каради.

– Тумшуғингнинг тагидан сумка ўғирлатдинг у яна пул сақлайман, дейсанми?

– Ҳазиллашдим-е!

Норимали елимхалтали носдонини ишқалаб, охирги отимни тўпламоқчи бўлганди, Аскар тортиб олиб, қўлмакка улоқтирди.

– Сенга одам деб гапираяпман.

– Сиз ҳам ўзингизни одамдай тутинг-да, – деди Норимали. – Поездда нима дегансиз? Ўлдираман, сўяман, қамаламан...

Ҳозир янгамни суриштирмоқчисиз, тўғрими? Мақсад – жанжал чиқариш. Боринг, ўзига айтинг. Ёқмаса, уйга жўнатворинг! Мени аралашгириб нима қилсиз, ака?!

Аскар бирпасда шаштидан тушди. Нима демоқчи эканлигини шу йигитча ҳам фаҳмладими, демак, атрофдагилар оркаваротдан пичинг қилиб юришибди. “Вуй, манави эр-хотинни қаранглар, хотини ишчи қизлар ётоғида, ўзи эса эркаклар бўлмасида ётади, битта хона топса бўлмасмикан-а? Эри латта. Аҳвол шу бўлса, хотинини биронтаси илиб кетади. Ким кўп – хотинбоз эркак кўп...”

– Менга далил-исбот керак, – деди Аскар.

– Янгамнинг оёқ олишиданми?

– Йигит бўлсанг, гапимиз ўртамизда қолсин. Бир ҳафтадан бери ундан гумонсираяпман. Қисқаси, ойлиги яхши бўлса ҳам бу ер ёқмаяпти. “Ишга жойлашдим, энди сен кет, болаларга қара”, десам, эшитишнйам истамайди. Тагин бир гап чикса, хотинини сўйиб кўяди, деб кўрқма. Битта хотин учун ким камокда ётишни истайди!.. Келишдикми? Айбини бўйнига қўйиб, уйга қеткизвораман. Биронта турк биланми, тожикистонлик биланми кулишиб турганини кўрсанг бўлди, жўра... Урмайман ҳам, сўкмайман ҳам. Менга баҳона керак, холос.

Норимали оғзини бир томонга қийшайтириб, ўйланиб турдида, кўлини чўзди.

– Беш ташланг, ака, битта чертмасдан уйга жўнатворасизми? Янгам яхши, сизга ўлса ҳам хиёнат қилмайди.

– Ким хиёнат қилади, деяпти! Атрофида айланишаётган битта-яримтанинг ҳазил-хузулига жавоб қайтарганини, ҳамхоналари билан хиринглашиб... Балки кечаси йўлакка чиқиб, гап соғиб ўтиришар?

– Бўлди-бўлди, тушундим, – дея Норимали кўл силтаб нари кетди. – Шу феълингиз бор экан, қишлоғингиздан чиқиб нима қилардингиз?.. Хуфялигимни умрбод айтмайсиз лекин.

Шу кундан бошлаб Аскар тез-тез Норималини сўроклаб турадиган бўлди; улар ишлайдиган ёғоч қириқдилари омборхонаси билан пресслаш бўлими ёнма-ён эди. Ҳар гал йигитча бош чайқаб кўярди. Ҳафта охирида Аскарнинг тоқати тоқ бўлди.

– Фақат кузатишдан иш чикмайди, – деди лаби гезариб. – Ён-

верингдагилар нимани гаплашаётганига кулок сол. Қизлардан гапни айлантириб сўра. Қийинми шу?

У хотинидан ҳам кўра яхши кўрган синфдош кизни кузатишни илтимос қилаётган мактаб боласига ўхшарди.

– Далил-исбот эмас, узун-кулок гап керак, демайсизми мундок.

– Бирон гап эшитдингми дейман?

– Утган кунни бир одам интернет сайтиданман деб келибди, янгамни зимдан кузатибди, одамлардан баъзи нарсаларни сўраб олибди.

– Ким экан у?

– Айтсам ишонмайсиз. Мен ҳам чўпчак деб ўйладим, чунки... биласизми, бу ғирт ёлгон, бўлмағур гапга ўхшайди. Нега деганда хавфсизлик хизмати ходимининг завод ҳудудидан чиқмайдиган оддий гастербайтер аёл билан нима иши бор?

– Қанақа хавфсизлик хизмати?

– Федерел-да, ака, осмондан тушганмисиз!

– "ФСБ" ходими эканини аёллар каёқдан билишибди? – кўркиб кетди Аскар.

У Сарвара ҳақида ҳалигача ёмон хаёлда бўлиб, "Фарида иккимизга бирон касри урмасайди" деб чўчиб юарди.

– Цехга келган одам беш йил аввал ошпаз қиз Катя бору, ўша билан Ивановадаги дала ховлида учрашиб юраркан. Ўшанда ошпазимиз "заправка"да ишлаган, ойна тозаловчи бўлиб. Биласиз-ку, ўлгудай синчков, эркакбоз. Учратганларим ичида ўша офицердан аълоси йўқ, деб кўп гапираркан. Не кўз билан кўрсинки, шунча йил ўтиб, шу ерда – мебель заводида дуч келибди. Ўзини сайт мухбири деб таништирганини эшитиб, бир четдан кузатибди. Тарин яширинча текширишга келганини ошкор қилиб, балога қолмай, дебди.

Аскар ишонқирамай сўради:

– Жазманининг асл касбини барибир ҳаммага ёйибди-ку?

Норимали томорини чертиб, қош қокди.

– Ишини тугатиб, ҳар кунни манавиндан отиб олади. Кайфда роса мактанибди безтак. "Хушторим заводни текширишга келмаган. Ўзбекистонлик Фаридани кўз остига олгани аниқ, бу ерда ишлашим тушига ҳам кирмаган-да", деганмиш... Мана шунақа гаплар, ака.

Аскарга бу маълумот етиб ортарди, дарҳол хотинини

ахтаришга тушди. Уни ошхонадан – Сарвара билан чақчаклашиб ўтирган жойидан топди. Куймаланиб юрган суюқоёқ ошпазни ҳам кўрди. Демак, ҳамма жамулжам.

– Сиз нима иш билан шуғулланасиз ўзи? – деди Аскар овозини баланд қўйиб. – Нима учун Фаридани қандайдир одамлар суриштириб келаяпти?

– Салом-алик йўк, нималар деяпсан? – ўгирилиб каради Сарвара.

Аскар ҳаммага аланг-жалаңг бокди. Улар маймун томоша қилаётгандай ҳайратланиб тикилардилар. Аскар уйдан минглаб чақирим олисда нақадар нотовон ҳис этди ўзини. Ва ҳеч қачон бирон нимани исботлаёлмаслигини англаб, хотинини қазаб билан сўка бошлади:

– Ҳаммаси сенинг дастингдан бўлди, калтафаҳм! Ўласан бирон ишга аралашиб! Эртагаёқ қури бу ердан! Агар уйга кетмасанг, талок қўяман! Менга барибир, тушундингми? Тушундингми деяпман?! Нега бакрайиб қолдинг?

– Ўв! Ҳа-а!.. – Сарвара ўрнидан турди. – Қутурдингми дейман? Нега чинқирасан? Эркакка ўхшаб гапир, ўзингни босиб, ётири билан.

– Сиз аралашманг, энди бизни боғлайдиган ҳеч нима йўк. Кетдик, Фариди!

Сарвара ҳурпайиб ҳужумга чорланган эди, Аскар муштини дўлайтириб, оғзидан тупук сачратганча деди:

– Ҳурматингизни билинг, аяб ўтирмайман бу сафар! Ана, Катядан сўранг, изингиздан “ФСБ” тушган.

– Вой, жинни! – Сарвара шарақлаб кулиб юборди. – Нашадан тортиб олмаганмисан мабодо?.. Катя! Аҳмоқ! – Русча сўзлашга ўтди у. – Қайси биринг Катя? Сенми? Балки тушунтириб берарсан, нима қилиб бошини айлантирдинг бу ёввойининг?

Ошпаз индамай қараб тураверди. Афтидан у фавкулудда зийрак жувон эди. Бир қарашдаёқ осийлик Сарвара анча-мунча ишларга алоқадор эканлигини сизди. Қолаверса, чет элда ҳам ўзини уйдагидек ҳис этадиган аёллар билан ўчакишини яхшиликка олиб бормаслигини бинойидай тушунарди.

– Билмасам, – дедию ишини давом эттираверди.

– Хизматга тухматми бу?! – дея Сарвара стулларни суриб,

Аскарнинг устига бостириб борди. – Урмоқчимисан? Сен-а? Россиядан ўлигинг кетмаса, отимни бошқа кўяман! Ким деб ўйлаялсан мени? Афтингга қараб, хотинчалиш эканингни бир қарашда билгандим, қишлоқи!

– Сени огохлантирдим! – Аскар ҳадиксираб турган Фаридага яна бир бор, аммо йиғламсираб заҳар сочи-да, шарт бурилганча ошхонани тарк этди. Қадам товушлари анча вақт акс-садо бергандай туюлди Фаридага.

Бир қоши кўтарилган Сарвара ошпазга шундай ўқрайдики, эрининг ортидан кетмоқчи бўлган Фарида ҳозир мавриди эмас, деган ўйда тўхтади. Бирок дардини ёришга ҳадди етди:

– Сарвара опа, эрим билан гаплашиб олишим керак...

– Талок сўзини эшитганидан кейин ҳам шу ердამисан? Бор, мурса қил довдиринг билан.

Эр-хотин жанжали кечгача давом этса керак, деб ўйлаганлар янглишди. Орадан кўп ўтмай Фарида ҳам, Аскар ҳам ўз бўлимларига қайтишди. Ён-атрофдагиларга дам хафа, дам хурсанд кўринишар эди.

– Тинчликми? – сўради Норимали.

– Оилавий ётоқхона, – жавоб берди Аскар.

Кечкурун эр-хотинга қизлар ётоғининг сўл канотидан битта хона ажратиб беришди. Гарчи каталакдай эса-да, ҳарҳолда икки киши сифарди.

Жанжал оқибати – уйга қайгиш бўлганида йўлкирага олинган қарзларни тўлаш учун сотишга мол-ҳоллари ҳам йўқ, хонавайрон бўлишарди. Мухбир киёфасидаги жосус масаласи эса иқтисод олдида ортиқчалик қилиб қолгани важдан ошпазнинг алжирашига йўйилди.

\* \* \*

Маош берилган кун ўзида йўқ севиниб, қишлоқда шунча пул тушганида нима қилган бўлишлари хусусида бош қотираётганларида, эшик тақиллаб қолди. Аскар хавотир билан очган эди, фаррош мунғайиб турганини кўриб енгил тортди.

– Хотинингизни бир дақиқага мумкинми? – деди у.

Фарида нега мени сўраб келган экан, деб хайрон бўлди. Қани дардини айта қолса. То йўлак бошигача эргаштириб келгач, шивирлади:

– Завод дарвозасида қора “мерс” турибди, дугонанг кутаяпти. Ҳеч кимга билдирмасдан чиқаркансан, бир-икки дақиқага, холос.

Сарвара эканлигини билса-да, Фарида ҳайронликдан сўради:

– Қайси дугонам келибди шу маҳалда?

– Дугоналарингни танимасам, – елка қисди фаррош. – Лекин битта гапданок тушуниб олади, деди сени. – Кейин у мижровлик билан қўшиб қўйди: – Эрингга сездирма. У ёмон.

Фарида хонаси томон бир қадам ташлаб, тўхтади. Аскарни нима деб алдаши мумкин? Сарвара бир-икки дақиқага деяпти. Эри билан шу яқин-атрофдан ўтаётган бўлса, поездда бирга келган ҳамюртларини кўрсатиш фикри турилгандир? Сарвара бор жойда мактанчоқлик, телба-тескарилик юз бериши оддий хол-ку. Қора “мерс”... Бошқа кимники бўлиши мумкин?

Ёш қизлардай чолиб тушди зинадан. Ҳақиқатан, дарвозадан сал нарида орқа чироклари ёник қора машина кутаётган эди. Кузатиб туришган эканми, эшик очилиб, катта юбкали аёл – шакшубхасиз, Сарвара кўринди. Иккиси бир-бири томон юришди.

– Тинчликми? – ҳаяжонини яширолмади Фарида.

– Мен билан бир жойга боришинг керак.

– Менми? Қаерга? Ахир...

– Буни кўчада айтолмайман, машинага ўтир.

– Боролмайман... – деб Фарида катъий бош чайқади.

– Борасан!

– Сарвара опа, биламан, мен ҳақимда бошқача фикрдасиз. Лекин сиз ўйлаган аёл эмаслигимни тушунинг. Агар яхшилигингизни у ёқ-бу ёққа етаклаш билан ўлчасангиз, топиб берган ишингизни қайтиб олинг, розиман.

– Мени ким деб ўйлаяпсан?

– Бунақа гапларнинг нима кераги бор? Йиғиштирайлик, илтимос...

Сарвара яқинроқ келиб, бир муддат тикилиб турди-да, деди:

– Бизга керак бўлиб қолдинг, Фарида, сингилжоним. Агар мени бузуки деб ўйласанг, Россиядаги нечанчидир бой-бадавлат эрининг ёнига келиб, анавинақа машинада эркаклар билан сайр қилади десанг, адашасан. Ё қўшмачи деб кўркаяпсанми? Мен-а?!

– Ҳеч нарса деб ўйлаганим йўқ.

– Унда нега тортишиб турибмиз? Юр.

Фарида чукур ух тортди.

– Анкара якинидаги йўл бўйида бундан олти ой аввал асли туркиялик бўлган чет эллик киз ўлган, – деди Сарвара. – Яширмайман, уни отиб кетишган. Исми Элиф эди бечоранинг.

Фарида ҳеч нимага тушунмагандек индамай караб турди. Унга аён бўлгани шу эдики, мархума Элифга борлик иш таклиф этишади ва бунинг учун каттагина пул тўлашади, ўйлаганидан ҳам катта. Бирок Элифга қандай алоқаси бор экан?

– Ҳозир бир одам билан учрашасан, – давом этди Сарвара, – сен билан икки оғиз гаплашади, холос.

– Туркияда ўлган киз масаласидами?

– Шундай десак ҳам бўлади.

– Москвага тўппа-тўғри кишлоғимдан келганман. Оддий аёлман, сизлар ўйлаган ишларга алоқам йўқ. Буни, Сарвара опа, жуда яхши биласиз. Нима учун менга ёпишиб олгансиз ўзи? Балки энди айтарсиз?

– Сени вокзалда кўриб ҳайкалдай қотиб қолдим. Ўшандан бери ахтарилётган аёлни топганимга шукр қилдим. Чунки сен Элифга жуда-жуда ўхшаб кетасан, Фарида. Юр, у сен билан гаплашиб кўрсин. Эҳтимол, рад этиб, бошқа аёл топишимни буюрар.

– Рад этмаса, нима қиламан? Тушунмадим, опа, бировларнинг қўлида қўғирчоқ қилмоқчимисиз?

– Яна ўша гап, яна ўша!.. – Сарваранинг жиғибийрони чиқди.

– Юрасанми, йўқми? Ахир, ҳозир латта эринг чакириб қолади. Беш минутда келамиз, деяпман-ку! Мен сенга айтсам, ўша одам юзини ҳам кўрсатмайди. Қоронғида туриб гаплашади. Маъкул тушсанг, таклиф айтади. Бу таклиф фоҳишалик, ўғирлик, террорчилик, хиёнат эмас. Ёкмаса рад этишинг мумкин. Мажбурлаш йўқ. Мажбурланадиган иш ҳам эмас, билдинг!.. Э, сен машинада шубҳали бирон кимса бор деб ўйлаяпсанми? Бунчалар ҳадиксирайверасан-а? Тойчоқни ўзим ҳайдаб келдим. Йигитини кутаётган аёл сифатида ён ўриндикда ўтиргандим, шунчаки. Ишонмасанг, кара, рулда ҳеч ким йўқ.

Сарвара хиралик қилиб, Аскарнинг хотинини етаклаб кетди ва "мерс"нинг рул томонига олиб борди. Хиёл очик ойнадан майин мусика сизиб чиқарди. Ҳақиқатан, ҳеч ким йўқ эди.

– Кўрдингми? Нариги томондан ўтир, келамиз... Илтимосим

шуки, сингилжон, мени уялтириб қўйма! Сени биров чертса, соғ қўймайман! Иш ўз йўлига, биз қиёматли опа-сингил бўлишимиз керак.

Фарида ўтирган захоти мотор ўт олди ва машина кирғокдан оҳиста итариб юборилган қайиқ каби Москва кўчаларида сузиб кетди.

– Элиф деган киз ўлдириб кетилган, ташки кўринишидан унга ўхшайман. Ўрнига мени кимларгадир Элиф деб таништирмайсизларми? Айтиб қўяй, ёлғон гапиролмайман.

– Жуда зийраксан-да, Фарида. Очиги, шу феъл-атворинг ёкди менга. Лекин битта нарсани эслатиб ўтай: Элифнинг ўлдирилгани ҳақидаги аниқ далил фақат бизда бор. Уни баъзилар тирик деб ўйлашади. Шунинг учун тахмининг тўғри.

– Барибир ёлғон гапиролмайман.

– Қўйсанг-чи, ҳадеб бир гапни такрорлайверма. Шу гапингнинг ўзи ёлғон эканлигини билсанг керак. Нега деганда, сени йўл бўйи синаб келдим. Баъзи гапларинг ёлғондан бошқа нарса эмасди. Сир сақлашинг ҳам ёмон эмас. Мисол учун, Камчатка...

– Бекорга олиб бораёпсиз, – деди Фарида; энди у машинага ўтирганидан афсус чека бошлаганди, – икки болам, эрим бор, шубҳали ишларга барибир аралашмайман.

– Оиланг, аниқ манзилинг... умуман, нозик томонларинг ҳақида мендан сўрашганда, уларга айтиб қўйганман, афсус. Энди... узр, икки боланг, томи кетган эринг бу ишга аралашмаслигингга эмас, тескарисига хизмат қилади. Яъни агар сен бўйинг товлайдиган бўлсанг...

– Бўйин товлайдиган бўлсам, нима?! – Фариданинг ранги бўздай оқариб кетди.

– Тушуниб олавер, – деди Сарвара совукконлик билан. – Лекин бу менинг шартим эмас, сингилжон, дунёда биздан катта кучлар кўп.

Бу Фаридага ўлим ҳукми каби жаранглади. Олдинда қандай таҳдид кутаётганини энди у биларди. Омади келса, нотаниш кимсага ёкмай, Фаридани ўз ҳолига қўйиши мумкин, омад эса ҳамиша ҳам кулиб бокавермайди-да.

"Мерс" муюлишдан бурилаётганда, йўл устида турган икки кампирга дуч келишди. Вахоланки, пиёдалар учун кизил чирок

аллақачон ёнган эди. Сарвара устма-уст сигнал чалиб, жеркинган бўлди.

– Кўрдингми? – деди беписандлик билан. – Одам ёшлигида пул ишлаб колмаса, қариганда кўчада мана шуларга ўхшаб сандироклашига тўғри келади.

Энди Фарида "бунинг менга нима алоқаси бор?" деёлмади. Жамики мавжудоту моддият Сарвара ва унинг шубҳали танишлари манфаатига хизмат қилаётганди. Фолбин кампир ҳам бежиз огоҳлантирмаган экан.

"Мерс" темир қозик ва занжир билан тўсиб қўйилган тор кўча бошида тўхтади. Иккови шошилинич ичкарилашди. Кўп юрмадилар. Сарвара сўлдаги пастаккина темир эшикни (бирон омборхонанинг орқа эшиги бўлса керак) тақиллатди.

– Саволларига ўйлаб, тезда жавоб бер, эшитаяпсанми?

Фарида бош силкиди. У остонада индамай туриб қолиши мумкин эди, Сарвара судрагудай тортиб киргизар экан:

– Бизларни ҳеч ким кўрмаслиги керак, имиллама? – деди. – Боядан бериб танбур чертаяпман-а!

Улар нимқоронғи хонанинг ўртасида тўхташди, оёқлари тагида шиша синиғи қирсиллади. Фарида бурчакла ўтирган қора кийимли шарпани пайқаб, чўчиб тушди. Бирок оиласининг тақдири қўлида экан, кўркқанини сездирмаслиги керак эди.

– Лампочкани синдирдим, – деди эркак рус тилида. – Зерикканимдан эмас. Сарвара тугмани адашиб босиб қўйса, юзимни кўриб қўйишинг мумкин.

Фарида нотаниш кимсанинг гапи ўзига қаратилганини тушуниб, томоғига нимадир тиқилиб, ютинди.

– Элифга ўхшар экансан, – деди у. – Лекин аввал аклихушингни синаб кўришим керак. Келишдикми?

– Ҳа, – деди Фарида тилига бошқа сўз келмай.

– Айтишларича, жуда иктидорли экансан, зийраклик бобида, албатта. Иктидор – бугунги дунёда одамни ҳар нимадан асрайди.

– Савол берсам бўладими? – Фариданинг овозида титрок сезилди.

– Кейин. Ҳозир эса жавобингни эшитишим керак. Айт-чи, биринчи гапимда қандай хатога йўл қўйдим?

– Кўрмаган бўлсангиз, Элифга ўхшашимни қандай билдингиз?

– деди Фариди. – Мен расмимдагидан бошқача бўлишим ҳам мумкин-ку.

– Тўрри айтасан, синглим. Шу жавобинг билан ўрлинг Суяржоннинг ҳаётини саклаб қолдинг. Дарвоқе, болаларинг ҳақида поездда бизнинг ходимга батафсил сўзлаб бергансан.

Фарида юрак уришини аниқ-тиник эшита бошлади. Қўллари мушт бўлиб тугилганини, дир-дир қалтираётганини ўзи ҳам сезмай, деди:

– Сизларга нима ёмонлик қилдим?! Оиламни бу ишларга аралаштирманг!.. Нега Элифга айнан мен ўхшар эканман? Айбим нима? Сизларнинг бемаъни ўхшатишларингиздами?

– Иқтидордан келган ғалвани иқтидор билан ювиш керак, – деди кимса. – Танишайлик. Мен Иванкоман. Касбимни сир тутаман... Хўш, бу гапимда қандай хатога йўл қўйдим?

– Исмингиз ҳеч ҳам Иванко эмас! – деди Фариди ғазабдан ўзини босолмай.

Шарпа жимгина кузата бошлади. У нималар ҳақида ўйлаб қолди? Эҳтимол, рўпарасидаги гастербайтер аёлнинг ақл-заковати ташқи киёфасидан ҳам устувор чиқиб қолгани ҳақидадир? Марҳума Элифга зоҳиран ўхшаши важидан бор-йўри бир марта, Туркиядаги заргар билан учрашувда керак эди. Сўнгра каттагина ҳақ тўлаб, уйига жавоб бериб юборишни, шу билан темир дафтарида “Элиф” ва “Фарида” деган исмларни абадий ўчириб ташлашни кўнглига тугиб қўйганди. Бу аёлни кейинчалик Марказий Осиёнинг чекка қишлоғига, ғанимлар етти йил ҳам тополмайдиган она маконига юбориш керакми ёки яна асқотадими? Ўнлаб саволлар исқанжага олгани тайин эди уни.

– Исмим Иванко эмаслиги ҳам рост, – деди жимликни бузиб. – Ҳозирча сенга бошқа савол бермайман. Кўряпманки, ёр аёл эмассан, албатта бизга ёрдамнинг тетади.

У фонарь ёққан эди, Фариданинг кўзи қамашди, аммо тик қараш мажбуриятини англаб, қўлини туширди. Нотаниш кимса ўлгудек синчков эди, хийла вақт тутиб турди.

– Шунга айтиб қўйишим лозимки, бир неча кундан сўнг ресторанда, юзма-юз учрашамиз, – деди Иванко. – Яна бир одамдан маслаҳат сўрашимга, аниқроғи, сени унга кўрсатишимга тўрри келади.

– Савол берсам бўладими? – сўрашга журъат этди Фарида.  
 – Майли, – деди нотаниш киши фонарни ўчириб.  
 – Федерал хавфсизлик хизмати ходимларимисиз?  
 – Бизлар ФХХ ходимларимизми? Ўхшаш жиҳатимиз борлигини билмаган эканман. Лекин болаларинг, эринг, шаънинг хақида савол беришингни кутгандим.

Сарвара гап кўшди:

– Бу – ҳаммасини тушунган аёл. – Кейин Фаридага юзланди. – Саволингга келсак, давлат одамлари эмасмиз, сингилжоним. Шунчаки бир иш юзасидан келишиб оламиз, холос. Ҳақингни берамиз, бошқа ҳеч гап йўқ. Қолаверса, ёрдаминга муҳтож эканлигимизни айтиб, илтимос қилганимни ҳам инobatга оларсан.

– Демак, мафия одами экансизлар-да? Мен... мени аралаштириб, ўзларингиз балога қоласизлар... Агар милиция ушласа, ҳаммасини айтиб қўяман... Улардан сир саклаш виждонимга тўғри келмайди.

– Бу ҳақда аллақачон ўйлаб қўйганмиз, – Иванко жойидан жилиб, эшик сари юрди. – Сен ҳеч қачон қўлга тушмайсан.

– Ошпазимизнинг айтишича, хавфсизлик хизмати ходими мени кузатиб юрибди.

– У ишдан ҳайдалган ўз одамимиз. Саволлар борми?

– Оиламни, ор-номусимни аралаштирмайлик, битта ўтинчим шу, – деди Фарида улкан тузук домида эканлигини теран англаган.

– Бир-биримизни тушундик шекилли, – деб шарпа кўздан бутунлай ғойиб бўлди, каердадир темир эшик очилиб-ёпилди.

Омборхонага оғир сукунат чўкди. Сарвара оҳиста яқинлашганда, Фарида ҳамон гарангсиб турарди.

– Мени кимларга сотдингиз? – сўради алам-изтиробдан овози бўғилиб.

– Ўзим ёрдам бераман, сенга жин ҳам урмайди. Факат Туркияга бориб келишинг масаласида эрингни кўндиришинг керак. Қачонгача пулга зорикиб юрасан? Аслида сенинг омадинг чолди, Фарида! Элиф ким бўлганини биласанми? Уч миллион доллар пули, Европанинг иккита мамлакатиди шахсий уйи, Лондонда тилла тақинчоқлар дўкони бор ишбилармон аёл эди. Ҳаммасини хизматчилари бошқарарди, ўзи эса жаҳон кезиб,

ялло қилиб юрарди. У билан бир ишимизни битириб олмоқчи эдик, афсуски, ўртага телба гиёхванд бурнини сукди. Кўрма, котил ёлланма эмасди, фожиа тасодифан юз берди.

– Сиз ҳам ўша ердямидингиз?

– Мен эмас, Иванко бирга эди. Полицияга хабар бериш ўрнига мурдани яширган, сўнг заргарга кўнғироқ қилиб, Элиф шошилинич жўнаб кетганини айтган. Шуни билиб қўйки, туркиялик бир заргар Элифдан бошқа билан учрашмайди. Элифнинг дом-дараксиз бўлиб кетиши ажаблантирмайдими, десанг янгилишасан. Бир гал Римга кетган кўйи нақ ўн ой деганда топилган. Сайёх йигит билан танишиб, меҳмонхоналарда саргузашт қилиб юрган экан.

– Мени туркча гапиролади, деб ўйлаяпсизми?

– Валақлашасан, деб ким айтаяпти сенга?! Тайинланган махсус одамлар билан борасан-келасан, уқдингми? Сен эса аллақандай фохишалик, террорчилик, жосуслик ҳақида ўйлаб ўтирибсан. Айтаяпман-ку, омадлisan, Фарида, жудаям омадли! Менимча, қилган арзимас хизматинг учун камида эллик-олтмиш миллион сўм беришса кераг-ов.

Бу гаплар пичирлаб айтилиб бўлинганда, Иванко лақабли сирли кимсанинг изини ҳам топиб бўлмасди. Иккови соядай сассиз чиқиб, “мерс” томон шошилишди. Ҳаял ўтмай мебель заводи ётоқхонасига келиб, хайрлашдилар.

– Эрингни кўндиришинг керак, деганим бор гапни айтишингни англатмайди, тушундинг-а? – деди Сарвара. – Бир оғиз гуллаб қўйишинг билан, ўз бошингга ўзинг бахтсизлик сотиб оласан. Сен учун бошқа йўл йўқ.

Ётоқхона эшикбони Фаридага кўзи тушган захоти:

– Қаерларда юрибсиз? – деб ўрнидан сапчиб турди. – Қанақа эр, қанақа эр-а!.. – Бош чайқади у. – Тинмай изрийди, хотинини ахтаради. Қўлида пичоқ йўқ, холос. Кўзлари одамкушникидай ёнган, вой-вой-вой...

Фарида йўлакка бурилгани он эрини кўрди. Бир-бирига минг йиллик ракиблар мисоли тикилиб қолишди. Шунда Аскар эшикни бир тепиб, хонасига кирди ва қарсиллатиб ёпди. Қўшни хоналардан “ўв, аста-а!”, “қайси куёнчикники тутаяпти!” деган хитоблар эшитилди. Шўрлик жувоннинг йўлида эри билан муроса қилишдек янада катта машаққат кўндаланг турарди.

Бўсағада эрига бўзариб каради-да, хавотир билан деди:

– Дадаси, мусофир жойдасиз, шу ишингиз тўғрими?

– Сенинг ишинг тўғрими, хайвон?! Қаерда юрибсан? Охирги марта сўраяпман!

– Биринчи марта сўраяпсиз-ку! Нима бўлди ўзи? Беш минутга пастга тушганимга шунчами?

– Россияга келганимиздан бери охирги марта сўраяпман, деяпман! Тушунгандирсан? Ё тушунтириб қўяйми? Тўғриси айтсам, жонимга тегдинг! Ҳамма устимдан кулаяпти! Ҳатто молдован, хахоллар ҳам! Сен эса қилигинги давом эттираяпсан!.. Айт, қайси ўйнашинг билан учрашдинг?

– Секинроқ, дадаси, ётоқхонада ўзимизнинг "район"дан келганлар ҳам бор, нима деб ўйлашади, ахир? Шунча йил тинч-тотув яшаб, Москвага келиб жанжаллашамизми?

– Ким биринчи қилик бошлади? Тиригингдан ўлигинг қиммат сен итнинг, бўлмаса...

– Ҳақорат қилманг! Икки болангизнинг онасиман!

– Икки болани ўйласанг, ростини айт, қаерда эдинг?

– Сарвара опа завод кўчасидан ўтиб бораётган экан, чақиртирди...

– Кечаси бало бормикан Войтинскойда?! Айтмасдан нега индамай чикиб кетдинг?

– Пастда турибди, дегандан кейин шундок тушдим...

– Ўн марта қарадим, лекин қорангни кўрмадим-ку! Қоровул қора машина ёнида иккита аёл турганини кўрдим, деди...

Фарида эрининг дарғазаб киефасига тикилгани сайин иззат-хурмат, кўркув, садокат, ростгўйлик каби аслида бир бутун хислар галасидан мосуво бўлаётганини сезиб турарди. Лапашанг, бадгумон, кўрс одамнинг кўполликларидан тўйдими, оиласи хавф остида эканини ўйладими, балки элик миллион сўм онг остида қуртдек ғимирлаб қолдими, у эрига норизо бокди.

– Нега ўшшаясан? – қўлини баланд кўтарди Аскар. – Ҳали бузуқилик йўлига қираяпман, дегин!..

Фарида урмаса керак, деб ўйлаганди, баногоҳ юзига қучли зарб тушиб, қалқиб кетди. Бир қараса, қўшни хонадаги мурмансклик гастербайтер хотинлар парвона, ҳаммаси Аскарни қарғамокда, ҳатто милиция чақирмоқчи. Нормалининг башараси

ҳам кўрингандай бўлдию дарҳол туман пардасига сингиб кетди.

– Ҳеч кимни чақирманглар... керакмас... керакмас... – деди Фарида ялиниб.

Кўкариб чиққан коворига муз босишди, бири кўярда-кўямай коньяк ичириб, шokolод тутказди. Шунда ҳам кўнгиллари таскин топмай, ношуд эрни суд килмокчи бўлишди. Бирок саъй-ҳаракатлар Аскарнинг оилавий ишлар маҳдудлигида бефойда, бесамара эди.

– Нима килсанглар қилинглар, буни эртагаёк уйга жўнатвораман, – деди Аскар ва ёлгончи хотин билан тунашни ор қилиб, эркаклар ёторига чикиб кетди.

– Кўрдингларми, у кип-кизил тентак, – деб фаррош кирди, – хотинини ёлғиз ташлаб кетаётганини қаранглар! Шуми рашк? Ўргилдим сендака гурурдидан!

Ҳар ким оғзига келганини гапирди. Алалокибат, чарчоқ ва уйку енгиб, бирин-кетин тарқала бошлашди. Ниҳоят, Фарида ёлғиз қолгач, кичкина кўзгуни олиб, тўшагига қўнишибгина ўтирди. Ўзини кузатаркан, Дуња момонинг башоратини эслади: “Ундан... ҳамроҳингдан... эҳтиёт бўл... У сенинг иккинчи қотилинг... иккинчи қотилинг...”

★ ★ ★

Гарчи Иванко бир неча кундан сўнг учрашишни айтган бўлса-да, бу воқеа эртасига юз берди. Аскар поездга чипта олиш учун микроавтобусда метрогача, метродан “Қозон” вокзалигача бормокчи эди. Бирок завод худудида иккита милиция ходимининг қораси кўринди. Иккови ҳам ботинан такасалтангларга ўхшар, ҳаётдан зериккандек эриниб, афтларини бужмайтириб кадам ташлар, ҳар замонда ижирганиб туфлаб кўярди. Сигарет тутатишгач, хўжалик ишлари мудирини имлаб чақириб, калондимовлик билан дейишди:

– Ваҳобов Аскарни, “вобчик”ни топиб кел. Агар нарма кўрсатадиган бўлса, ўласи қилиб дўппослаймиз, сўнг қаршилиқ кўрсатишда айблаб, камокка тикамиз. Кўпга эмас, уч-тўрт ойга!

Мудир кўркқанидан оёғи олти, қўли етти бўлиб чопиб кетди.

У Аскарни ҳайдаб чикканида, икки ходим ҳамон сигарет тутатиб, бўлмағур бир мавзуда гап сотиб туришарди. Беписанд қараб қўйишдию гапларида давом этишди:

– Дугонасининг онаси билан-а?

– Мен каёқдан билай? Нима, фолбинманми? Кейин... башарасига тикилиб ўтирадиган вақт эмасди.

– Башоратчи эмассану, лекин милиция ходимисан. Зийраклик шарт! Қара, форма қандай ярашган...

Бир-бирига пўписа қилган бўлишди-да, сигаретларини оёқ тагига ташлаб, эзгилашди. Сўнг мудирга "жўна" деб ишора беришгач, бири Аскарни имлаб чақирди.

– Борн деганлари сенмисан?

– Борн? Йў-ўқ, адашяпсиз.

– Аҳмоқ! – муштини дўлайтирди иккинчиси. – Биз адашмаймиз, эшитдингми? Борн, бу – Жейсон Борн – сенинг лақабинг! Асл фамилия ва исминг Вахобов Аскар. Хўш, нима дейсан бунга? Манзил тўғрими? Бум!.. Снайпер! Ҳи-хи-ху-у...

– "Қозон" вокзалига бординг. Вокзал осийлик рэкетчиларнинг қўлида эканлигини биласан... Биласанми, деб сўраяпман сендан?!

– дўк урди шериги.

Аскар юрак ютиб, зўрға тик қараб турарди. Унга қолса кечанинг ўзида хотинини етаклаб, юртига жўнаб қолиш керак эди. Бу ерда ўтадиган ҳар сонияси фалокат чақирадиганга ўхшайди.

– Паспорт?

– Ўзимда эмас, биттасига бериб қўйганман, – жавоб берди Аскар зўрға.

– Яхши... Паспортгингни ахтариб ҳам ўтирмаймиз. Кетдик!

Аскар уларга ихтиёрсиз эргашиб, кўчага чиқди. Ойнаси қорайтирилган шахсий машина учаласини ҳам ҳазм қилиб, дудбуронидан оқиш тутун пуркаб, филдираклари чийиллаганча жойидан қўзғалди. Кўздан ғойиб бўлгач, икки юз кадам наридаги таксофон ёнида турган "Мерс" секин юриб, завод дарвозаси томон ўтиб олди. Бугун рулда эркак киши эди.

Негадир одмирок кийинган Сарвара машинадан тушиб, дарвоза сари ҳорғин одимлади-да, қуймаланиб юрган фаррошга кечагидек беш юз рубл тутқазиб, деди:

– Чақир.

– Ўшаними? – мижғовланди фаррош.

– Телба! – ўшқириб берди Сарвара.

Фаррош беш юз рублдан ажралиб қолишидан кўркиб, мебель

ортилган “Газел”лар оралаб жўнади. Хаял ўтмай Фарида кўринди. У эрини олиб кетишганидан беҳабар эди, шу ваздан дарров қайтиб кетмоқчидек тараддудланиб тўхтади.

– Эрим мени уйга жўнатиб юбормоқчи. – деди у.

– Бунинг ҳеч иложи йўқ, Фари, машина кутаяпти.

– Чиндан...

– Кечирасан, эрингни қамаб қўйишганини айтишни унутибман. – деб Сарвара ортига бурилди.

Фарида унга етиб олиб, ҳайратланиб сўради:

– Ҳозиргина кўргандим-ку. Қачон қамашга улгуришди?

– Вактни ҳисоблашни ёқтирмайман, сингилжон! Лекин жуда қизиқаётган бўлсанг, айтишим мумкин, юз эллик секундлар бурун!

– Мен...

– Менга қара, кел, шуларнинг айтганини бекаму кўст бажарайлик-да, пулни қуртдай санаб олиб, уй-уйимизга кетайлик. Ортикча гап-сўз нима керак? Бир сирни айтайми, ўша Элиф Анкарадаги заргарнинг ҳузурига бориб, бир дона қарта кўрсатиши керак эди. Бу қарта оддий қарта эмас, қимматбаҳо тошлар билан шуғулланувчиларнинг визит карточкаси! Биласанми, сумкада саккиз юз минг долларлик мол бор. Вакт борида сумкани олиш учун сени тезроқ жўнатиш керак.

Машинада қирк ёшлар атрофидаги, пўрим қийинган, қизил бадан қимса ўтирарди. У ортига ним ўгирилиб, саломлашди. Сўнг машинани бир зумда серкатнов оқимга қўшиб юбораркан, ниманидир эслаб қолди.

– Нега бунча Элифга ўхшайсан? – сўради пешойнадан боқиб.

– Мабодо отанг турклардан уйланмаганми? Ростини айтсам, уни синглинг деб бемалол қасам ичишим мумкин.

Фарида ўз дардидан оғиз очди:

– Эримни қийнаманглар. Келишувни ўзларингиз бузаяпсиз.

– Халакит бераётгани учун бир оз дам олади, чертмаймиз ҳам. Умуман олганда, яхши иш топдинг, Фарида. Ҳаётинг бирдан ўзгаради, зўр яшайсан. Эринг ҳам хурсанд бўлади, ҳали машина минсин!.. Эрингнинг тоифасидаги одамларга машина гўёки “брэнд”, биз учун эса шунчаки хизматчи арава.

– Кўзимга ҳеч нарса кўринмаяпти, – деб Фарида бошини эгди; кутилмаганда кўзига ёш қуйилиб келди. – Ҳаммаси тезроқ тугаса, болаларимни кўрсам...

Сарвара елкасига кўл ташлаб, юпатар экан, эркакка гап котди:

– Урушга бораётгандай хаяжонланаяпти. Уйдан чиқмай ёмон ўрганиб қолган.

– Тушунаман, – деди эркак. – Одатий ҳаётга шунчалик кўниқиб кетганки, ҳатто бир дипломат пул ҳам кўзига кўринмаяпти. Бунинг ёшида аёллар қалъа деворларида мурулларга қарши жанг қилишган, фашист печларида тириклайин ёнишган, террорчилар бомбасидан ҳалок бўлишган. У эса бошимга кулфат тушди, уйимда тинчгина ўтирганимда шу кунларни кўрмасдим, деб ўзини қарғаяпти. Эҳ!..

Бу гал машина кўп юрди. Муҳташам бинолар, ойнаванд дўконлар, темирйўл устидаги кўприк, хиёбон... Ахийри, қатор тизилган машиналар қаторига кириб, тўхтади.

– Тамадди қиламиз, – деди Иванко.

Кеча эслатилган киши шу ерда кутаётган эди. Йўл-йўлакай гардеробга кириб ўтишди, кейин кенг ва осуда залнинг бурчида, гуллар ортида ўтириб овқатни паккос тушираётган кал одамнинг қошига боришди. Мечкай бошини-да кўтармади. Шунга карамай, Фарида бу қас пихини ёрган туллак эканлигини, ҳаммасини сезиб-билиб ўтирганини фаҳмлади.

– Влад, биз келдик, – деди Иванко.

Хўранда семизликдан қисилиб кетган кўкиш кўзларини ўйнағиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди, ўтиришга изн берди. Официантлар эҳтиром билан хизматни бошлашди. Россияда бундайин мулойим хизматчилар борлиги Фаридага алланечук эриш туюлди, назарида Европадаги камида қироллик хизматчиларидан таҳсил олиб қайтишган эди улар.

Фарида овқат еган киши бўлиб, агрофга син солиб ўтирганини кўрган Владнинг жағи тинди, сўнгги лукма ошқозон сари равона бўлгач, оғзини артди.

– Иванко, бунинг бирор давлатнинг разведкасида ишламайдими?

– Худо сақласин, у оддий кишлоқ аёли.

– Сен қаяқдан биласан?

– Поездда ҳаммасини сўзлаб берган.

– Демак, кафолат берувчи сен экансан-да? – деб Влад

Сарварага кахрли нигоҳ ташлади.

– Разведка органлари тугул умрида ҳеч қаерда ишламаганига ишончим комил, – деди Сарвара тап тортмасдан. – Каллам билан жавоб бераман.

Влад бошини асабий силтаб, ликобчадан кўз узмай ўтирди. Сўнгра Фаридага еб қўйгудек тикилиб:

– Кўзимга қараб, атрофга алангламасдан жавоб бер. – деди, – олдингдаги пичокнинг тири қайси томонда?

– Ўнгда, – деди Фарида ва бирдан кўзини дераза пардалари сари олиб кочди. Махлукка тикилиб ўтириш осон эмас эди.

– Қаёқдан билдинг?

Фарида хайрон бўлди. У стулга ўтираётганда, санчки ва пичоклар тартибига кизиқсиниб кўз югуртирган эди. Пичоклар хўранданинг ўнг томонига тири ҳам ўнгга қаратиб қўйилишини газетада ўқиган ва ҳозиргина бунинг исботини кўрганди. Владни бунча ажаблантирмаса?!

– Жавоб бер, кутаяпман!

– Нега сўраётганингизга тушунмадим, – деди Фарида. – Агар бу кишиларга ўхшаб мени синаётган бўлсангиз, синовдан ўтмайман. Негаки, пичокнинг тири ўнг томонга қараб тургани хақида ўйлаётгандим, жавобим ҳам шу сабаб тез ва аниқ бўлди. Бу – тасодиф.

– Шундайми? Унда айт-чи, пальтом қанақа рангда? Хато килсанг, кўнғирок киламан, эрингни ўласи қилиб дўппослашади. Каллакесарларим шафқат нима, билишмайди, айникса, гастербайтерларга!

Фарида ноҳақлик олдида бир зум довдираб, дам Иванкога, дам Сарварага мўлтиради. “Бундай келишмаганмиз-ку”, демоқчи, ёрдам бермоқликдан мосуво нигоҳларга топинмоқчи эди. Бироқ Владнинг саволига жавоб топиш мушкул эмаслигини ўйлаб, қаддини кўгарди. Гардеробга пальтосини бераётганда қимматбаҳо пальто ва пўстинларга кўзи тушганди. Иккита пўстин ва уч пальто эркаларники эди. Влад – баданини ёр босган кимса, у изғирин бошланмасдан пўстин киймайди. Пальтолардан иккитаси узун бўлиб, залнинг ўртаровида ўтирган кора костюмдаги эркаларнинг бўй-бастига мос. Гардеробда битта пальто қолди: энлироқ ва калтароқ. Унинг ранги...

– Малла, – деди Фарида.

Влад кимдир биқинига ниқтагандек чўчиб тушди. Кўзлари янада қисилиб, олдинга энгашди-да, қошини чимириб:

– Қанча сўрайсан? – деди.

– Нимани... қанча сўрайман? – тушунмади Фарида.

Иванко ва Сарвара хавотирга тушиб, сирли кўз уриштириб олишди. Фарида уларнинг бир-бирига қараганини шарбат шишасида акс этган тасвирдан кўриб, Владга айтиладиган жавоби ҳукм бўлиб жаранглашини англади. Бу ҳукм ўзининг нарҳини бекиёс ошириб, Иванко ва Сарварани курук қолдириши мумкин эди.

– У турк тилини билмайди, Влад, – деди Иванко ошқора саросима билан.

Влад бефаросатлик билан тишини қовлаб, Иванкога ўқрайди.

– Турк тилини биласанми, деб сўраётганим йўқ... Э, унга нарх белгилаб қўйганмисан, дейман? Гап бу ёқда экан-да! Қани, эшитайлик, қанчага кўндирдинг?

– Ким нарх ҳақида гапирди? Турк тилини билмайди, дедим, холос, Влад.

– Унда нима гап? – ҳеч вакога тушунмади қал. – Нега бирдан турк тили ҳақида вайсаб қолдинг? Билмаслигини аввал айтгандиларинг-ку?

Сарвара хомуш тортиб ўтирарди, Иванко эса асабийлик билан столни черта бошлади.

– Хўш? – Влад Фаридага саволомуз боқди.

– Юз минг доллар берсангиз ҳам кўнмасдим, – деди Фарида.

– Мажбур қилганингиз учун хозир бу ердман.

– Демак, "Элиф иши"дан кейин биз билан ишлашинга ҳеч қандай умид йўқ?

– Ҳа, – деди Фарида.

– Бўпти, бизни ёмон деб ўйладинг, ёмонлигимизча қоламиз, – Влад телефон тугмасини босди. – "Номер"ни тайёрлаб қўйинглар, биз кетаямиз. – Шундай деб яна Фаридага гап қотди: – Булар айтгандан ҳам яхши тўлайман. Охирги ҳисоб-китоб фақат мен билан! Тушунарли-я? Хиёнат, бу – ўлим. Учаланга ҳам тааллуқли. Кетдик!

Ресторан оғзида Владнинг машинаси биқинини очиб кутарди.

– Бугун дам олиш кунинг, – пичирлади Сарвара Фариданинг енгидан тортиб. – Эртадан бошлаб, машғулоти бошлайсан. Эринг масаласини ҳам тез орада ҳал қилишади. Қўрқма, сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайди.

Фарида бунинг иложи йўқлигини яхши тушунарди. Наҳотки, ғойиб бўлган хотинини Асқар очилиб-сочишиб кутиб олса, бирга яшайверса? Кечаги ва бугунги воқеаларнинг ўзиёқ тўфонга айланиб, оила кемасини ғарқ қилиб юбормаса эди.

– У тўғри айтди, – деди Влад.

Хусусий меҳмонхонанинг иккинчи қаватига – деразалари бокка қараган кенг, ҳашаматли хонага кириб боришди. Каминда олов лангиллаб ёниб турарди.

– Бу ерда бемалол гаплаша олишим мумкин, – деди Влад, – ресторан ҳамиша айғоқчилар макони бўлган. Шундай қилиб...

Иванко ингичка, нафис рюмкаларга қизғиш ичимлик қуйишга киришди, кал култиллаётган оби шайтондан бир нафас кўз узмай қолди. Сўнгра кутилмаган жилмайиш ила Фаридага боқди.

– Сен ўз қадрингни билмайдиган аёлсан. “Гастербайтер” деган ном остида қора ишларни қилиб, эрингдан сўкиш эшитиб яшайсан. Нима истайсан ҳаётдан? Ола-ғовур оилада умрни ташвишга ботиб ўтказишними? Тўғри, аждодлар қонун-қоидаларига садокатинг қучли, буни менталитет деб атайсан. Биласанми, князлар замонасида бизда ҳам узун кўйлак кийиб, рўмол ўрашган. Бироқ янги замонлар қайчиси негадир аёлларга ёпишади, Осиёми. Европами, фарқи йўқ. Аввал кўйлак ёқаларини, сўнг елкасини, бир оз ўтиб этагини қирқиб ташлайди. Хўш, кўкраги, елкаси очик, тиззалари кўриниб юрадиган мусулмон аёллардан нечтасини биласан? Мингтами, юз мингтами? Шахсан мен миллионта кўрсатиб беришим мумкин. Миллионта! Шундай экан, ҳаёт бировлардан қолган эътиқодни эмас, ўзингникини сўрайди. Фарида, ўйлаб кўр, биз билан ишлашинг гуноҳ эмас. Менинг ҳам, Иванконинг ҳам жазманлари тикилиб ётибди. сенга қўлимизни ҳам теккизмаймиз. Хоҳласанг ҳижобга киришинг мумкин, бизнинг монах аёлларимизга ўхшаб.

– Гап қийимда эмас, – деди Фарида жавобан.

Иванко рюмкаларни бир-бир узатгач, қўл қовуштириб, хўжайинининг оғзини пойлади. Сарваранинг қовоқ-тумшури

осилиб, алланедан норозилиги сезилар, Фариданинг назарида, у эшикка илҳақ караб қўймоқда эди.

– Гап нимада? Гапир! – жажли кўзиди Владнинг. – Нега бунча қайсарлик қиласан? Аҳволингга кара, мен эмас аслида сен ялинишинг керак. – Ўпкаси чиқиб, кизарди у.

– Туркиядаги заргарда бир сумка бор, – деди Фарида ҳам асабийлашиб, – у Элиф келиши билан қўлидаги картасига қарайди, мос келдими, бир сўз демасдан қимматбаҳо сумкани бериб юборади. Мархума Элифга ўхшаганим учун шу ишга мажбур қиялпсиз. Гапингизга караганда, бундан кейин ҳам сиз билан ишлашим керак. Яъни ўз ҳаётимни, номимни унутиб, умрбод Элиф бўлиб қоламан. Шундайми?

– Йўқ.

– Ташқи киёфам учун мендан фойдаланялпсиз-ку, ахир! Сиз билан доимий ишлашим учун яна қандай фойдам тегиши мумкин? Айтдим, қўлимдан айёрлик, товламачилик, ўғирлик, котиллик келмайди. Бировларни қақшатгунча, ўзимни милиция қўлига топшириб, қамоқда ўтирганим яхши. Бу аёл Россияга пул учун келган, ҳар нимага рози бўлади, деб ўйлайсиз. Узр, мен уйимга ор-номусимни, ақлимни ташлаб келганим йўқ. Улар ҳаммавақт мен билан. Буни сиз ҳеч қачон тушунолмайсиз, китобий гаплар деб ўйлайсиз.

– Хўп, умидсиз қолдирганинг учун нима ҳам дея олардим. Ўз кадрингни билмайсан деганимда, ақл-заковатингни назарда тутдим. Ташқи киёфа бир марта ишлатиладиган шприц, қайта-қайта фойдаланишга ярамайди. Ақлим бирга келган, дейсану кулларнинг ишини бажариб, сариқ чакага хурсанд бўлиб юрибсан. Сен, – Влад бармоғини нуқиди, – баъзи бир "курс"ларни ўтасанг, ажойиб ходимга айланасан, жарак-жарак пуллар ишлайсан. Бугунги дунёда қўп нарса пулга борлик.

– Ҳа, қўп нарса, лекин ҳамма нарса эмас, – деди Фарида қатъият билан. У шуни англай бошлаган эдики, тузокқа туширган кимсаларнинг жамики шартларини мик этмасдан қабул қилавермаслик лозим. Ҳар қандай зўравоннинг ожиз томонлари бор.

– Иванко, нега бизни ичишга даъват этмаялпсан? – Влад ястланиб ўтирди. – Олдик. Ҳеч қачон сўнмайдиган ғалаба нашидаси учун!

Фаридани ҳам ичишга мажбур этишди. Коньяк эмаслигини

хидидан билган бўлса-да, бу қадар ўткирлигини кутмаган эди, томоғини куйдириб ўтди, бир зумда боши айланиб, атрофга жавдираб қаради. “Яна битта ичсам, ўчаман... Шармандамни чиқаришади...” деб ўйлади. Энг дахшати, Элиф қиёфасида Туркияга юборилиш уйдирма бўлиб чикса-чи? Мақсад – олис юртлардан ноқонуний келган аёлларни ҳўрлаш, номини булғаш...

“Камера!” – деган ўй лип этиб ўтди кўнглидан ва хонага кўз югуртирди. Бирок кўзни қамаштириб юборадиган ҳашамат ичидан миттигина видеокамерани топиш учун камида беш йиллик тажрибага эга жосус бўлиши даркор эди.

– Мени тўнризга ўхшатаяпсан-а? – деди Влад лабини ялаб. – Бир вақтлар сен каби эдим, яъниким, қобилият бору, пули йўқ банда. Эътибор берганмисан, қадимда донишмандлар ақл-фаросати билан подшоларни, бойларни, козиларни лол қолдириб, вазиятдан чикиб кетишган, ақлни сарфлаб кун кўришган. Бугун қаерда донишманд кўрдинг? Ҳеч қаерда. Лекин ақлли одамлар бор. Донишмандлар йигирманчи асрдан бошлаб, айғокчи, қаллоб, изкувар каби касбларни танлашди. Фантомас, Штирлиц, Жеймс Бонд – кино қаҳрамонлари, аммо ҳақиқий ҳаётда ҳам йўқ эмас. Бор! Гуноҳга ботган дунёда яхши яшашинг учун сени ақлинггина қутқаради. Нима керак одам ўлдириш, жанжаллар, асаббузарликлар, нима керак секталар, партиялар? Дунёни ақлингга бўйсиндир ва маза қилиб яша.

– Шунинг ўзи ҳам жиноят эмасми?

Влад мазах қилиб кулган эди, Иванко билан Сарвара ҳам қўшилишди.

– Эй, – деди кал уларга, – яна биттадан ичамиз, сўнг бу хонадан кораларингни ўчиринглар-да, буюрилган ишни охиригача етказишга киришинглар. Фаридага айтадиган гапим ҳали-вери тугамайдиганга ўхшайди.

Ичдилар.

– Бир кимёгар бор экан, – деди Влад икки малайи кетгач, – адашмасам, йигирманчи аср бошларида яшаган. У қўшни давлатга саёҳатга бориб, пробиркалар харид қилибди. Бирок мамлакатдан шиша идишларни олиб кетмасликлари учун катта бож белгиланган экан. Олим ҳисоблаб кўрса, пули етмайди. Шунда у “ҳаво” деган ёрлиқ ёпиштириб, идишларнинг оғзини бекитибди. Чегарада

божхоначиларга рўпара келгач, "Мен фалончи олимман, тажриба ўтказиш учун мамлакатинглардан ҳаво олиб кетаяпман, қарангларчи, қанча бож тўлашим керак экан?" – дебди. Божхоначилар дафтарга қарашса, ҳаво учун бож белгиланмаган экан. Олим бир пул бермасдан ўтказибди молини. Бу-ку бир олимнинг ақлли чораси. Бугун шунақа одамлар керак, фан учун демоқчи эмасман, албатта.

– Мендан шунча нарсa умид қилаяпсизми? – хайронлигини яширмади Фарида. – Зийрак бўлсам, зийракдирман, лекин сиз ўйлаган...

– Туркия сафаридан кейин ҳам ёнимда қолсанг, демоқчи эдим. "Калила ва Димна" қачон ёзилган, биласанми? Бир ҳовузчада учта балиқ яшар экан. Қунларнинг бирида овчи ўтиб қолибди ва баликларни кўриб: "Ўйдан тўр олиб келаман", дебди. Буни эшитган биринчи балиқ шу заҳотиёқ жилғадан сузиб, бошқа ҳовузга қочиб кетибди. Иккита балиқ нима қилишни билмай, бошлари қотибди. Аммо овчи келганда, иккинчиси ўзини ўликка солишни уddалабди. Овчи уни жилға четидаги кўлмакка ташлаб, учинчи балиқни овлаш билан овора бўлганда, ҳалиги балиқ жилғага типирчилаб ўтиб олибди-да, кўздан йўқолибди. Учинчиси эса ҳовузнинг у четидан бунисига қочиб, овчининг баттар завқини келтирибди. Маза қилиб овлабди ва... – Влад кўлини арра қилиб, томоғини кўрсатди.

Хона кема мисоли оҳиста чайқалаётгандек гуюларди. Фарида шифтга қаради, қандилнинг биллур тақинчоқлари қилт этмай осилиб турибди. "Кема ҳам эмас, зилзила ҳам, – деб ўйлади у. – Ахир, меҳмонхона қандай қилиб кемага айланиб қолсин? Москвада зилзила бўлмаса керак... – Кейин фалсафа сўқиди: – Бу – тақдир кемаси, ҳаётимда эса зилзилалар бошланди..."

– Қандил қизиқтириб қўйдими? Менга шунақалари ёқади, Шарк подшоҳининг хотини қиядиган тожга ўхшатаман, – деди Влад лабини чўччайтириб. – Одамлар дунёни Европа маданияти эгаллаб олди, деб бонг уришади. Лекин Шарк ҳам қолишаётгани йўқ... Умуман олганда, эраизмнинг бошида ҳаммамиз деярли бир хил маданият соҳиблари эдик. Ёйиш-ичиш, юриш-туриш, қийинишда Европа ҳаёти ҳаммани асоратга солди, десалар асло ишонмайман. Осиёда шунчаки минг йиллик маданият дарз кетди, улар ҳам аждодлари қилган ишни

килишяпти, холос. Тўмарис афсонасини биласанми?... Ҳа, майли, жавоб бермай кўя қол. Қаерда тўхтаган эдим?

Фарида ҳам Влад қаби қўлини томоғига арра қилди.

– Ҳа, ҳа, шундай қилиб, овчи ношуд баликнинг қалласини олиб, қовуриб ебди, – дея Влад тиши орасидан гўшт бўлақчасини топиб, ютиб юборди. – Биринчи балик қим, айтайми? У – Жеймс Бонд. Тез ва таваккал чора кўра олади. Иккинчисининг иши ҳам қўлингдан келиши керак. Учинчиси эса аллақандай ҳақ-ҳуқуқларга, тақдирга, аллақимларга ишониб ўтирадиган миллиард-миллиард инсонлар! Сенда биринчининг сифатларини кўрдим, Фарида. Тарин бу одам эртақчи экан, деб ўйлама. Минг-минг йиллар муқаддам биз эртақ ва афсоналар орқали огоҳлантирилганмиз. Уқдингми?

Аллақачон боши айланиб қолган жувон:

– Ҳа... тушундим... – деб гўлдиради. – Энди уйга кетсам бўладими? Уй... ётоқхонага демокчиман?... Чарчадим...

Влад ўрнидан туриб, унинг ёнига ўтирди.

– Нега анавиларни чиқариб юборганимни топ-чи? – деди дарал оҳангда.

– Сумкани олган заҳотим... сирли равишда йўқолиб қолишимни истаяпсиз... Чунки сумкага... сумкага шериклик қиладиган одамлар кўп... Сиз биттасиз!..

– Яъни...

– Сиз ва мен.

– Тасанно! – Влад Фариданинг елкасига қўл ташлаб, бўса олмоқчидек энгашди. – Менинг қушчам, ҳали ҳаммаси олдинда. Фурсатдан фойдаланиб, сенга айтмоқчиманки, биз...

Шу пайт эшик қарсиллаб очилди, абжағи чиққан бурнининг қони уст-бошига сачраган афтодаҳол қимса отилиб кирди. Бу – Асқар эди! У хотинини бегона эркакнинг пинжида кўриб, кўзлари олайиб кетди. Аксига олиб Фарида ҳам жойидан тура қолмас, ичимлик ва кўрқув бутунлай қарахт қолга солган эди.

– Бу қанака сурбетлик? – деди Влад ҳамон оғушидан Фаридани қўймай.

Асқар чопиб келиб, хотинини қўшқўллаб шундай тортдики, Влад бўлажак хуфяси нариги бурчакка умбалок ошиб тушганини кўришга зўрға улгурди.

– Мана сенга! Мана!.. Мана... – Асқар хотинини аямасдан устма-уст тепди. – Шу керакмиди? Қамалиб, чириб-ириб кетишимни истаганмидинг? Ҳозир кўрасан!..

Хотинини ўлдириб қўйиши ҳам мумкин эди. Бирок милиция либосидаги ҳалиги икки гумашта пайдо бўлиб, Асқарга ташланишди. Қутурган эрни жиловлаш мушкул кўринса-да, улар осон эплашди: нозик жойига тушган тепкидан сўнг бояқиш эр ружанак ҳолда оғриқдан кўкариб, инграй бошлади.

– Ну-у, ёмон томоша қўймадинглар, – деди Влад. – Лекин сал қисқа бўлди-да. Ҳатто Тайсон ҳам бирон дақиқа жанг қиларди чоғи.

– Влад, – деди тепган йигит хансираб, – буни билмас экансан. Бир дақиқа кечиксак, ҳозир гиламдан ичак-чавоқларингни йиғиштиргани полтаёқ билан латта ахтараётган бўлардик.

– Клёнка ҳам! – луқма ташлади иккинчиси.

– Нима, мен гўнг тўлдирилган қопманми индамай турадиган! – захрини сочи Влад.

Иванко бамайлихотир кириб, Фариданинг тирсагидан ушлаб турғазди.

– Юр, бу ерда қиладиган ишинг қолмади. Ҳозир эринг ўзига келса, яна гўполон кўтаради. Биз янги иркчилармиз. Ҳарқалай скинхед деб эшитган бўлсанг керак. Тагин бирон жойга шикоят қилиб юрманглар, яхши одамлар эканликларингни билиб, соппасоғ қўйиб юборяпмиз.

– Бахтларинг бор экан, раҳмдил скинхедларга учрадинглар, – кулди Влад сохта милиционерларни сўкишдан тўхтаб, Фарида қарамасдан.

Аёлнинг тили айланмади. Иванко уни судраб таксига олиб борди-да, орқа эшикни очди.

– Эрим... – деди Фарида меҳмонхонага илтижо билан тикилиб.

– Албатта, қанча калтакласа ҳам сенларга барибир эр керак! Тушунаман, тушунаман.

То Асқарни икки ёнидан суяб, орқадаги таксига текиб қўймагунарича Фарида чўр устида ўгирди. Таксилар Войтинской кўчасига кириб, мебель заводи дарвозасида тўхтади.

Фарида:

– Ҳаммасини тушунтириб бераман, мен... – деган эди, таксидан отилиб чиккан эри битта залворли тарсаки туширди, йўлакка ўтириб колди хотини шўрлик.

– Сен, – деди кўлини бигиз қилиб, – шу феъл-атворинг билан, жиртиллашинг билан ниятингга етдинг! Икки боланинг уволи урсин! Ҳозирок билет олиб, уйга кетаман. Шу ерда қолиб, ўзингни ўлдирасан. Лекин бузукчилик қилганингни кишлоқда биттаси эшитмасин! Сирингни нариги дунёга олиб кет! Эшитяпсанми?! Мен... мен хотини фохиша, деган гапни кўтаролмайман! Болаларингнинг ҳам келажагини ўйла! Онаси бузук эди, деган битта гап билан қизим умрбод бахтсиз бўлиши мумкин, тушундингми?!

– Дадаси, гапимга кулок солинг, – Фарида эрининг орқасидан бўзлаб эргашиди, етиб олганида эри силтаб ташлар, бўралаб сўкинади, ҳеч қачон кечирмаслиги турк-тароватидан кўриниб турарди. – Нега кулок солмас экансиз?! Бузукчилик қилганим йўк! Мени ҳам эшитинг, ахир!.. Улар Дилрабо билан Суяржонни ўлдирабиз деб дўк уришди...

– Дўк уришса, рози бўлдингми ўйнашчиликка?! Йўқол! Эртагингни энангга айтасан! Худди биз яшаётган жой бедарвоза! Ўша куниёқ ушлайди-ку милиция!

– Болаларингиз ўлиб кетса, қотилни ушлаганидан нима фойда?! – чинқирди Фарида. – Кейин қандай яшардик? Қанда-а-а-й?!

– Энди қандай яшайсан? Ўз кўзим билан кўрдим-ку! Болаларим ўлгунча мен ўлай демадингми? Нега дарров кучоғига кирдинг ифлосларнинг? Чунки асли сен... шунакасан! Пул топмайди, латта, балои баттар деб пичинг қилиб юришингдан билгандим! Бор йўқол деяпман! Эргашма менга!..

Асқар уни итариб юборди. Из-из йиғлаганча дарвоза тагида гарангсиб туриб колди аёлгина. Оғзидан нукул "бузукчилик қилганим йўк... нон урсин..." деган сўзлар чиқарди. Аскарнинг ахволини кўрган ишчилар дарров тўпланишди. Норимали Фаридани ичкарига киритиб, аёлларга рўпара қилди. Бирпасдан сўнг заводда мишмиш тарқалди: безорилар эр-хотинни дўппослаб кетганмиш.

Қаердадир аввал ҳам шунга ўхшаш ҳол юз бергани учун кўпчилик ишонди. Фариданинг ўзи ҳам ишона бошлади.

Сарвара, Иванко, Влад лакабли нусхалардан иборат тўданинг мақсади нима эди? Безориликми? Ё "Формат-18" номли янги фашизм ташкилоғи аъзоларимиди? У ҳолда фашистлар орасида Сарвара нима қилиб юрибди? Разведка органларидан бири ёки хавфсизлик хизмати уюштирган томоша деган ҳаёл ҳам Фаридага мантиксизлик бўлиб туюлди.

Бу жумбокнинг тагига эртасига етди. Йиллайвериб ковоклари шишиб кетган ҳолда у эри тунаган эркаклар хонасига борганида, бир соат аввал чикиб кетганини айтишди. Эридан айрилганини, оиласи рostaкам бузилиб бўлганини ақлига сиғдиролмай тошдек котиб қолди. Сўнг ҳужжатларини олди-да, вокзалга чопди. Бирок Москвада вокзаллар кўп эди.

"Қозон" вокзалига етиб келганида, Тошкентга икки кундан кейин рейс борлигини хабар қилишди. Айримларнинг Москва-Саратов йўналишидан кетишини биларди. Саратовга жўнайдиган поездни ахтариб, атрофга аланглади. Кутилмаганда Фарида одамлар орасида ўзига тикилиб турган бировга кўзи тушди. Ўзини интернет сайти мухбири деб таништирган, аммо ошпаз Катя беш йил бурун унинг Федерал хавфсизлик хизматида ишлаганини айтган, бир оз ўтиб, Иванко "ишдан ҳайдалган ўз одамимиз" деб таърифлаган кимса эди. Фарида хотираси алдамаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, бирдан йўлини ўзгартириб, метрога шошилди. Мана, Владнинг ўйлаб топган томошаси! У ресторанда ўтирганида, кимгадир кўнғирок қилиб, "номер"ни тайёрлаб қўйишни буюрганди. Меҳмонхонага боришганида, "шу номерни айтган экан-да", деб ўйлаганди Фарида. Ҳозир эса "номер" деб меҳмонхонадаги хонани эмас, томошани назарда тутганини ва бу томоша ҳали ниҳоясига етмаганини, Аскарни атайин раҳки кўзийдиган вазиятга дуч қилишганини тушунди. Ва буларнинг барчасидан мақсад – ёлғиз ва дардини ҳеч ким тингламайдиган Фарида, яъники Элифнинг қиёфадoshiга эга бўлмоқ эди. "Калила ва Димна"даги баликлар ҳақидаги эртaкни Влад шунчаки айтгандир, аммо Фарида баликларнинг биридан ўрнак олиш кераклигини тушунди. Биринчи балик кетиб бўлган, у иккинчи балик бўла олиши лозим эди.

Вокзал ичидаги йўлдан метрога тушганида, жини суймайдиган бир манзара кўз олдида жонланди.

Бу манзара кино оламига тааллуқли эди. Яъники жосуслик хақидаги фильмларда таъкиб килувчилардан қочаётган киши гуйкус қадамини тезлатади, ортига кўп қарайди, ойнага ўзини солган бўлиб, орқани кузатади. Нега энди шундай тутиш керак экан? Айниқса, шляпани бостириб кийишларию “мени таниб ол” дегандек қора кўзойнакда юришлари-чи?

Фарида оддий кишлок аёли эди, аммо фильм қаҳрамониникидан қолишмайдиган кўргиликлар тушганди бошига. Жосус ҳеч қачон қора кўзойнак тақмаслиги керак, соатга қарамаслиги шарт, телефонни ушламасин, қўлқопни-ку умуман киймасин, ёпинчик ёпинмасин қабилидаги асосий шартларни ҳеч ким ўргатмаган эса-да, илҳоми жўшган бастакор сингари ажиб бир мусиқа басталади, гўё. Руҳи енгил тортиб, одамлар орасига сингиб кетди. Биров кузатаётганидан, изига тушганидан мутаассир бўлмайдиган ким бор? Бирок Фарида яқин-орада бу қадар енгил ҳис этмаган эди ўзини.

“Уйим куйди, хор бўлдим, эримга ўласи қилиб тепкилатишди, энди эса ортимдан кузатиб, томоша қилишайоти, нағмасига барибир ўйнатишмоқчи, ярамаслар, – ўйларди у аламангиз илҳомланиб. – Мақсад битта, яъни эрим билан ажрашсам, юртимга кетолмасам ва уларнинг хизматини қилсам... Аввал ташқи кўринишимни ваз қилишди, кейин фаросатим керак бўлиб қолди... Нима ҳам дердим? Одам билганини одам билади... Ноилоҳ!”

Москва метросида ёши катталар кўп учрагувчи эди. Вокзал бекати бўлгани боисми, Фарида ёшлар тўдасига дуч келди. Вагон кунжагида ҳам уч-тўрттаси бир-бирига термулиб ўтиришарди. Уларнинг ёнига – вагон тўрига бориб, қутди. Дарҳол атрофга кўз югургириш хавfli эди.

Йигитлардан бири бошдан-оёқ кузатиб:

– Террорчи хоним, – деб тўнғиллади. Ёнидаги қизлар пик-пик қулишди. Йигит янада ялпайиб ўтириб, маъшуқасининг елкасига қўл ташлади ва Фаридага масҳараомуз қараб қўйди.

– Бировнинг устидан қўлма, Миш, – эътироз билдирди мовий кўзли қиз. – У сенга бегона эмас. Бегона бўлганда ҳам қулишга ҳақкинг йўқ.

– Бегона эмас? Нима, менинг холамм?

– Балки бобоси сенинг бобонгни ўлимдан сақлаб қолгандир?

- Жин урсин, қаерда?
- Сталинград жангида ёки Берлинда.

Қиз жиддий гапирган бўлса-да, ҳамроҳларининг кулгисига қолди. Бу вақтда Фарида вагонни кузатишга улгурди. Таъқибчи нариги вагонда кичрайиб, қўнғир сочлари қорайиб, аммо қарашлари янада таҳдидли қўринар эди.

– Эй, нарирок тур, – деди маъшуқасини кучоклаб ўтирган йигит Фаридага яна тирғалиб. – Ким билади, балки ростдан камикадзедирсан? Портлаб ўлишни истамайман.

– Кечирасан, – деб Фарида унга тик боқди, – эс-хушим жойида. Қолаверса, сен учун бебаҳо жонимни ҳеч қачон қурбон қилмасдим.

Мовий кўзли қиз Фаридага қизиқиб қолди чоғи, ҳамроҳларини қойиб бергач, ёнидан жой бериб, сўради:

– Булардан хафа бўлманг. Исмин Маргарита, журналистикада ўқийман. Хурсанд бўлиб айгишим мумкинки, сизни Худо етказди. Чунки бир мақола устида ишлаётгандим: террорчи аёллар ҳақида.

Фарида ажабланиб:

– Уларга нима алоқам бор? – деди. – Кимлар биландир адаштиряпсиз шекилли?

– Тушунмадингиз, мусулмон аёлининг фикрини билмоқчиман. Ҳарқалай қизғанмассиз?

Маргарита тиниб-тинчимайдиган, қизиқувчан талабаларга ҳос ёниб-жўшар, дунёни унутиб, бутун борлиғи билан савол ёрдирадди. Фарида айни дамда шу қиз унга сув ва ҳаводек зарурлигини тушунди. Нима бўлганда ҳам, уни авраши керак эди.

– Синглим, – деди Фарида ахийри, – дин ва террорчилик бошқа нарса эканини тушунмасдан мақола ёзманг. Келинг, сизга жинойтчиларнинг бир режаси ҳақида сўзлаб бераман.

– Детектив ёзмоқчи эмасман, – эътироз билдирди Маргарита. Ҳамроҳлари гапини маъқуллаб, кулишди.

– Кузатув камераси овоз ёзади, деб ўйлайсизми? – тўсатдан савол берди Фарида.

– Ўйлаб қўрмаган эканман, – деди Маргарита.

– Қуртқангизни ечинг, шапқангизни ҳам. Сиз меникини қиясиз.

– Кейин-чи? – Жиддий тортди Маргарита.

– Маколангиз қизиқарли чиқиши учун бир тадбир ўтказамиз. Метрога тушаётганимда бошқа кийимда эдим, чиқаётганимда бошқа. Хўш, ажойибми?

– Кузатув камерасининг овоз ёзиш-ёзмаслигига бунинг нима алоқаси бор? – тушунмади Маргарита. – Ҳар куни минглаб одамлар метрога тушиб-чиқади, қайси бирининг кийими ўзгариб қолганини ким билиб ўгирибди.

– Товламачи деб ўйлаяпсизми? Мана, паспортим. – Фарида унга паспортини узатди. – Метродан чиққанимиздан сўнг кўришамиз, телефон рақамингизни ёзиб беринг. Фақат эътиборни жалб этмасдан кийим алмаштиришимиз лозим. Ўзим ишора бераман. Бахтимизга вагонда одамлар кўп.

Маргаританинг кўзлари чакнаб кетди. Ҳамроҳлари эса илжайиб, беписанд томоша қилишарди.

– Орқангиздан кимдир тушганми? Қизик!.. Бироқ менга хавфли эмасми? – сўради Маргарита.

Ҳамроҳлари мазах қилишган эди, киз шундай ўкрайдик, улар оғиз юмишга мажбур бўлишди.

– Кузатув камераси ҳеч қачон овоз ёзмайди, минорада битта соқчи туради, – деди Фарида жилмайиб. – Лекин бизда бир мақол бор: “Ит қопмайди, от тепмайди, дема”. Бундан чиқди, баъзи кузатув камералари овоз ёзиши мумкин, баъзи соқчи минораларида иккинчи одам ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Айтмоқчиманки, ҳеч бир нарсга бир хил томондан ёндашманг. Менга ярим соат вақт ажратсангиз, яхшигина мақола ёзасиз. Изимдан тушган одам террорчиларнинг малайи бўлса керак, деб ўйлаяпман. – Овозини пасайтириб, деди: – Улар мени метрога қандайдир сумка олиб тушишга мажбурлашмоқчи.

Маргаританинг кўзлари ола-кула бўлди, сўнг хайрат ифодаланди.

– Метродан чиқиш жойида одам кўп бўлган хавфсиз бекатни танланг, – шивирлади Фарида. – Бирон дўконга кириб, кўчани кузатсангиз, уни ўз кўзингиз билан кўрасиз. Бошқа киз эканлигингизни билгач, бизга тузоқ қўйишибди, деб қочиб қолишади. Сизга ҳеч нарса хавф солмайди. Кейин жиноятчиларнинг режасини батафсил сўзлаб бераман. Бу детектив эмас... Хўш, розимисиз? Журналист учун бундай имконият ўн йилда бир келади.

Кейинги бекатгача пальто ва куртка, жун рўмол ва шапка алмаштирилди. Ҳамроҳлари ҳам кизиқиб қолишди чоғи, тушишга тараддудлангандек ўринларидан туриб, пана қилишди. Шунга қарамай, таъқибчи ниманидир сезиб, поезд тўхтаган захоти уларнинг вагонига ўтиб олиб, нариги бурчакка жойлашди. Эшиклар ёпилаётганда Фарида вагондан ғойиб бўлганди. Албатта, Маргаритада паспорти қолди.

Фарида ортига қарамасдан, худди ишга шошилаётган каби арчазор йўлагидан хотиржам юриб кетди. Дорихонага кириб "Ревит" витаминидан бир кути сўради. Йўқ экан. Агар бор бўлганда, ҳеч қанча қимматга тушмасди. Ҳозиргина келган изидан юз қадамча юриб, рўпарадагиларни кузатди. Ортидан тушган одам кўринмади, аммо унинг шериги бўлиши ҳам мумкин эди. Автобус бекати сари юриб, таъқибчиларнинг иккинчисини кута бошлади. "Маргаритадан паспортимни оламан, кейин қаерга бораман? – ўйлади у. – Ишқилиб эрим эсон-омон кетган бўлсин... Заводга қайтмайман! Влад мени шаҳар бўйлаб уч кун ахтаради, мен эса, ҳатто, эримдан аввал уйга етиб олишим керак... Сарвара ўзимиздан. У ҳақда милицияга маълумот берсам, шахсини аниқлаб, чора кўришади. Мана, улкан балиқнинг думи! Секин-аста бутун бошли наҳангни денгиздан тортиб олишади..."

Автобус йўлига қараган бўлиб, бекатдагиларни кўздан кечирди. Йўловчилар орасида шубҳалилар кўринмасди. Шу пайт бир автобус тўхтади. Нечанчилигининг фарқи йўқ эди, чиқди-да, гўё бир нуктага тикилиб тургандек бекатдан кўз узмади. Ундан кейин ҳеч ким шошилишга чиқмади салонга. "Яхши, – деди Фарида ичида. – Энди Маргаритага кийимларини топшираман, паспортимни оламан. Домадедова қаердасан, деб ўқдай учаман. Раҳмат сенга, Маргарита – очиккўнгил, кизиқувчан киз! Бобом урушда пастдарғомлик Шойзок деган одамни қутқарган экан, балки Шойзок жангчи сенинг бобонгни ҳалос этгандир? Ахир, бу дунёда ҳеч бир воқеа бесабаб рўёбга чиқмайди-ку! Барча тасодифларнинг онаси – тақдири азал!..."

Икки бекат нарида тушиб, ойнаванд "Сапон" дўконига кирди. Бирок бу ерга кириб хато қилганини англади. Фотоаппарат, видеокамера, компьютерлар сотиладиган дўконда икки

кишигина бор эди. Деразасини моллар тахланган токчалар тўсиб қўйган. Фарида бирпас ўйлаб, баҳона топди.

– Телефонингизни бериб туроласизми? – сўради сотувчидан.  
– Бир танишим фотоаппарат олмоқчи эди, сотувда қанақалари борлигини айтмоқчиман.

Эркак беписанд назар солди. Қизил куртка ва шапка иш берди чоғи, телефонини истар-истамай суриб қўйди. Маргарита хаяжон оғушида эди. Образцовадаги гул дўконида эканини айтиб, тезроқ етиб келишни илтимос қилди.

– Дўкондан чиқманг, қаерга боришингизни бошқа телефондан тушунтираман, – деди Фарида.

Образцова одам гавжум майдоннинг Николай замонида қурилган ғиштин иморат томонидаги осуда кўча эди. Фарида шошиб кетаётган уч кизга кўзи тушди ва ортда қолган ҳамроҳдек тутди ўзини. Кўчани кузатиб турганлар қалғиши мумкин-да. Бирок юрганда олдиндаги қизлар каби шундай билангладики, бунақа олифта хотинни Москвада учратиш амри маҳол эди.

Ойна ортида қўл силтаётган Маргарита кўринди. Фарида гулсаватларни томоша қилиб турди-да, ҳеч ким кузатмаётганига ишонч уйғонгач, ичкарига кирди.

– У осиёлик ҳам, кавказлик ҳам эмасди, – шошиб сўзлай бошлади Маргарита, – у рус... Ишонасизми, ортимдан очик-ошкор эргашиб келаверди, худди кўрикчимдек. Ўгирилиб, кимлигини сўрасам, анграйиб қолди, кейин кулиб юборди. Мабодо ҳаммаларингиз телевидения актёрлари эмасмисизлар? Яширин камера қаерда? Реалистик-шоуга тушиб қолмадимми ишқилиб?

– Нега гапирдингиз унга? – жаҳли чикди Фариданинг. – Яширин камера эмиш! Кийим алмаштирганимизни ҳам айтиб қўйдингизми?

Маргарита ҳам анойи эмас эди, кўзларида ажабланиш зоҳир бўлди.

– Бу нима деганингиз? Айтмасам-да таниб турибди-ку пальтонгиз ва рўмолингизни.

– Ҳа-я... Лекин бу ерни бекорга танламагандирсиз? – деразадан аланглади Фарида.

– Орқада йўл борлигини билганим учун.

– Демак, қопконда эмасмиз? Мана, курткангиз, шапкангиз...

У каерга даф бўлди-я? Нега кўринмаяпти?

Маргарита паспортни бериб, қўлларини чалиштирди.

– Мени чув тушган деб ҳисобладую жўнаб қолди. Лекин маколамда унинг ўзини лакма қилиб тасвирлайман. Ахир, чув тушган ким?

– Кетганига аминмисиз?

– Албатта. Сизни бошқа жойдан ахтармокчидир-да?

– Барибир бу дўконда бир соатдан бери бемалол турганингиз хайрон қолдираяпти?

– Сотувчи танишим, илтимос қилдим.

– Айвқочи кетганига ишонган одам кўчада ҳам кутиши мумкин эди. Майли, эҳтиёткорлик зарар қилмайди... Йўл бошланг, кетишимиз керак.

Маргарита сотувчига ташаккур билдирди-да, Фаридани эргаштириб, дўкон орқасига чиқди. Негадир севинчини ичига сиғдирилмасди. Биноларнинг орқа ҳовлилари туташган жойда катта йўлга элтадиган йўлак бор экан, илдамладилар.

– Фарида, – деди у тўхтаб, – москвалик қизларнинг ҳаммаси салга илакишиб кетади, деб ўйламанг. Бахтингизга тақдир мени учраштирди, йўкса, "кийим алмаштириш операцияси" тугул сўраган саволингизга ҳам жавоб ололмасдингиз. Жиноятчиларнинг режаси хақида сўзлаб бермокчи эдингиз, айтинг энди.

– Кимнингдир киёфодоши бўлишимга мажбурлашмокчи.

– Сизними? – Маргарита кимга ўхшар экан, деб тикилиб қолди, аммо дунёда олти миллиард одам яшарди, қайси бирига ўхшатсин? Билағонлик билан кўшиб кўйди: – Террорчилардан чиққан фикрга ўхшамаяпти.

Фарида бу кизда бир сир борлигини шундагина пайқади, аммо кечиқиб бўлган эди: йўлак бошида Иванко, охирида эса метродан чиққан таъқибчи турарди.

– Ана шунақа, – деди талаба киз.

Фарида каеридир чимиллаб оғриётгандек лабини тишлаб, инграб юборди. Қочишга уриниш, қичкириш, қаршилик кўрсатиш – бари бефойда эди.

– Шуларнинг гапига ишондингизми, Маргарита? – деди Фарида. – Мен эмас, улар жиноятчи-ку, ахир!

– Гувоҳномасини кўрсатди, гап-сўзлари ҳам далолат бериб турибди. Нега энди сизга ишонишим керак экан?

– Хўп, бораверинг... – деди Фарида хотиржам сўзлашга уриниб. – Лекин халиги мақолани албатта ёзинг, майлими? Менга ишонмасангиз ҳам худога ишонинг, кам бўлмайсиз. Бир тўда бўлиб валаклашиб юришни кучукларга чиқарган.

– Ҳақорат қилинмасин! Улар сизни ростдан ҳам идораларига олиб боришадими, йўқми, аввал ўз кўзим билан кўраман, жуда овсар эмасман, саргузашт ихлосмандиман, холос. Кейин...

Маргарита гапини тугатолмади: Иванко унинг оғиз-бурнига рўмолча босиб, хушидан кеткизди.

– Сенга шарт эмас-а? – дея дориди дастрўмолни пеш қилди.

Фарида йўлакда чўзилиб ётган талаба қизга қараб, соддалик ҳақиқатан панд бериши мумкин экан, деган хаёлга борди. Қизни шу ерда қолдириб, катта кўчага чиқишди. Машина эшиги очилди, уловдан яна бурунгидек жой олишди.

– Хўш, охирги йигирма тўрт соат ичида нима хақида ўйладинг? – сўради Иванко.

– Айтганингизча бўла қолсин... Фақат Сарвара опа ҳам мен билан боради.

– Қаерга?

– Туркияга.

– Бу бошқа гап!.. Гапнинг пўсткалласини айтсак, сени анча тайёрламоқчи эдик. Бўлмадинг. Қўйиб юбормоқчи эдик, яна бир муаммо чиқди. Буни тўлик гапириб ўтирмайман. Қисқа қилиб айтсам, эртага охирги кун. Элифнинг сумкасини заргардан олсак олдик, бўлмаса... – Иванко хуштак чалди.

Машина супермаркет ёнида тўхтади. Фариданинг ёнида ўтирган спортчилардек бақувват кимса – жаноб таъқибчи Иванко билан хайрлашмасдан лип этиб тушиб қолди. Шу фурсатнинг ўзида аллақаяқдан Сарвара пайдо бўлиб, ўзини ичкарига урди.

– Учовимиз яна биргамиз, – кичкирди у, – газни босинг, Иванко! Самолёт бизни кутиб турмайди. – Кейин Фаридага ўзбекча сўйлади: – Бойиб кетамиз, бойиб!.. Ие, кайфиятни зўр қилсанг-чи! Эрингдан ташвиш чекма, дугон, у ҳозир Москвадан юз километр жанубда. Тарака-турук, тарака-турук кетиб боряпти уйига. Ўша-ўша муштқовок! Лекин башарасини

тасаввур ҳам қилолмайсан! Нега дейсанми? Хотинидан ажралди-да! Ҳали кадрингга етади, мени айтди дерсан.

Фарида юзини четга бурди. Бошқа вақт бўлганда, кўз ёшларига ғарк бўлгунча йиғларди. Ҳозир қандай йиғласин? Қўйиб юборинглар, деб ялинадими? Айюҳаннос солиб, одамларни ёрдамга чорлайдими? Балки ўз жонига қасд қилиши керакдир? Эри айтгандек, икки боласи учун!..

– Аблах экан, – деди Сарвара. – Эрингни айтаман-да. Ташлади кетди-я! Негадир кеча тушимга чўлда учраган фолбин момо кирибди. Қўлида уч дона қарта эмиш. "Инсон фожиаси шуки, – деди у, – учликни билмайди..." Бу нима дегани экан-а?

– Аслида улар қарта эмас, рамз, – изохлади Фарида.

– Қанақа рамз?

– Яратувчи, Ҳаёт ва Инсон.

– Файласуф бўлиб кет-е!.. Ҳозир Владнинг ўзи самолётга кузатиб кўяди. Қўлингга қарта беради, ҳеч қанақа рамзсиз.

Иванконинг телефони куй таратди. Кўп гаплашмади, тугмани босиб ўчирди-да, Сарварага узатди.

– Яқинларидан бирига улаб бер, бошқа ишга ўтганини айтсин, – деди у, – Туркияда ушланиб қолса, бўридай увлашгани Босфоргача эшитилиб юрмасин... Аммо Туркиянинг "Т" харфини ҳам тилга олма, эшигдингми, ҳой?

Бир неча рақамнинг факат биттасига – амакисиникига боғлана олди.

– Э, Фарида, сенмисан? – деди меҳрибон овоз. – Қалай, яхши ишлаб юрибсанми? Куёв қандай? Долларни қуртдай санаб олаётган бўлсаларинг керак?.. Бу ёқда тинчлик. Кеча ҳамсояларингникида тўй бўлганди, Дилрабо билан Суяржонни кўрдим, дикиллаб ўйнаб юришибди.

Фарида бошига тушган кулфатни дарҳол айтолмас эди. Икки дақиқа чайналгач:

– Ака-а, – деди чўзиб, – куёвингиз билан уришиб қолди-и-м...!

– Нега уришасан? Мусофирчиликдаям уришадими одам?! Телефонни бер, гаплашиб кўяй. Қалласи жойидами ўзи?

Сухбатга қулоқ солаётган Сарвара дур тишларини кўрсатиб, қулди.

– Қалласи жойида, ўзи жойида эмас, – деб шивирлади масҳараомуз ва Иванкони туртди. Бирок Иванко ҳўмрайиб олди.

нега деганда йўл четида Владнинг машинаси кўринган эди.

– Поездга чиқиб жўнаб қолди, уч кунда етиб боради, – дардини ёрарди Фарида. – Ҳеч нарсa қилганим йўқ, бир тушунмовчилик бўлди, шунга... Феълини биласиз-ку, жини тутди. Уйдагиларга тушунтиринг, илтимос... Тепамда худо бор, мен... мен ўзимга тўғрима... Факат бир одам билан бирга ўтиргандик, ҳамюрт аёл меҳмонга чақирганди, нима қилай?.. Куёвингиз "хиёнатчисан", "бузуксан" деб энди мен билан ажарашмоқчи...

– Сен ҳам йўлга чиқ! – деди амаки. – Самолётга ўтириб, ундан аввал етиб кел! Гапларимни тушундинг-а?! Эрингсиз Россияда бир кун ҳам қолма, бир соат ҳам!.. Нима бўлганини келганларингда гаплашамиз.

Шундан сўнг Сарвара бошқа рақамни териб, кулоғига тутди.

– Бу мен – опангиз... Қалай, жиянчалар яхши юришибдими? Кеча тўйга боришган эмиш... Ҳа, шунақами? Бугун дўконда кўрдингми? Ўзлари шokolодга чиқишаяптими?.. Яхши.

Фариданинг кулоғи динг бўлди. Сарвара "жиянчалар" деб атаган болалар, шубҳасиз, кизи Дилрабо ва ўғли Суяржон эди.

– Менга қара, – деди Сарвара тўсатдан Фаридага пўписа қилиб, – Влад тўнғиз нима деса, ҳозирча рози бўласан. Режамизни сездириб қўйма! Истамбулда эса биз қаёққа қойиб бўламиз, сен қаёққа, келишиб олаверамиз! Аниқроғи, сумкани бизга олиб келганингдан кейин пул бераман, самолётга чиқиб, эрингдан аввал уйингга бўласан. Иванкога қолса...

– Минг лаънат, Владга дегин! – ғазабланди Иванко.

– Узр, адашибман. Владга қолса, сени бир умр, бир умр ҳам эмас, то ишлари битгунча бир неча йил олиб қолмоқчи... Истасанг, ўзинг вариант танла, Фарида. Иккитадан бирини! Менга фарқи йўқ.

"Бўри есинми, кашкирми?" деб сўраётганга ўхшади. Бирок Фарида вариант танлай олмаслигини билиб турарди. Болалари устидан ҳукм ўқиш Сарваранинг қўлида эди-да, ахир.

– Сарвара опа қаерда бўлса, мен ҳам... – деди. Сўнгра маъноли оҳангда сўради: – Қизим билан ўрилчамни қузатиб юрган аёл Владни танийдими?

– Нега аёл деб ўйлаяпсан?.. – Иванко бирдан сўкиниб юборди ва йўл четида кўринган Владни кўрсатди. – Чўқканинг туришига

кара... Билиб қўй, бу Влад бақалок шунчаки буюртмачи. Уйингни топиб бориш тугул, Москванинг қаерида ишлаганингни ҳам билмайди. Ҳамма гап бизда! Шунинг учун ким билан ишлашни билишинг керак.

– Тушундим, – деди Фариди ноилоҳ.

Айни дамда Владнинг кечаги таклифи хусусида ҳам бош котиради. Агар жиддий айтган бўлса, у Иванко ва Сарвара учун Истанбулда чоҳ казиб қўйган эди. Фариданинг икки ҳамроҳи даф бўлганидан сўнг узоқ кишлоқдаги болаларига қандай хавф таҳдид солиши мумкин? Влад танимайди-билмайди, топиб ҳам боролмайди. Шундай экан, балки Владни танлаган маъқулдир? Бирок у Россияда олиб колмокчи, Фариданинг эса вақти кам. Барча қариндошлар йиғилиб, муҳокама бошлайдиган, алалхусус, тақдир ҳал бўладиган йиғин уч кундан сўнг.

Шу тобда учинчи йўл ҳам йўқ эмаслиги маълум бўлди: кимматбаҳо сумка, сумкадан ҳам аълоси – ўз озодлигини қўлга киритгач (Сарвара ва Иванкодан қутулган сонияда), жиноят харитасидан ғойиб бўлиш эди.

Шунда Фариди ўзи ва Владдан кейин учинчи одам – Федерал хавфсизлик хизматининг собиқ ходими, метродаги таъкибчиси борлигини ўйлаб, иш барибир мураккаблигича қолишини фахмлади. Ҳайрон бўлгани – бутун умри "уч" ракамига боғланган эди. Дуня момо ҳам уч сония яшаганида ҳаёт жумбоғининг тўғри жавобини айтар, эҳтимол, Фариди поездга чикмай, ўз уйига, болалари даврасига қайтиб кетар эди. Туркияга ҳам уч киши бўлиб жўнашмоқда. Йўллар ҳам учта. Ҳатто эри ҳам уч кунда уйда бўлади. Уч кун кечикса, оиласини саклаб қолиши даргумон.

– У кимнинг одами? – деб сўради Иванкодан.

– Владнинг қўриқчиси-ку.

– Ҳозир машинадан тушган кимсани айтаяпман. Россияга келганимдан бери изимдан колмаяпти. Заводга ҳам борган. Сиз эса Влад ҳеч вако билмайди, деяпсиз.

– Э, уми?... У ҳеч ким... Билиб қўй, бу дунёда ўйинда қатнашмаётган киши ҳеч ким ҳисобланади. Ўйин ичидаги ўйинда қатнашмаса ҳам ҳеч ким. Тушунарлидир, а?

Иванко машинани четга буриб, секин тўхтатди. Влад кулочини

кенг ёзиб қийшанглаб пешвоз чиқди. Кал боши ёвузрок, янада айёррок кўрсатиб турарди уни.

– Такдир яна учраштирганидан хурсандман, – деди Фариданинг елкасидан тутиб. – Менинг хазинам!.. Томошамиздан роса хафа бўлгандирсан? Узр, шу усул билан синаб кўришим керак эди. Эринг масаласини ҳам яхшигина ҳал қилдик, шундай эмасми? Битта тобут кам бўлди... Булар сени йўқотиб қўйганини, зўра топганини айтишдими?

– Бир талаба қиз чалғитди, – ҳисобот берди Иванко.

– Талаба қиз... Эҳ, кимларга ишониб жўнатаяпман-а Туркияга?! Лекин метро воқеаси, ўйлайманки, охиригиси... Мана, Элифнинг паспорти, ўзингникини менга бер. Хўш, бир соат вақтинг бор экан, овқатланасан, кийимларингни ҳам алмаштирасан. Сумкани қаердан, қандай олишингни эса Истамбулда Сарвара тушунтиради.

Иванко билан Сарварага ҳам бошқа кийим кийишни буюриб, сал наридаги дўконга жўнатди. Иккиси холи қолишгач, деди:

– Улардан шубҳам бор, Фарида. Мабодо бирон таклиф айтмадими сенга?

“Йўқ, айтишмади” деб жавоб берса, тилидан илинишини билди. Шу боис:

– Қанақа таклиф? – деб кўзларини пирпиратди.

– Сен ҳам бирон нима истарсан, ахир?

– Болаларимни соғинганман, холос, – жавоб берди Фарида. – Сумкани сизга олиб бериб, ўша куниёқ юртимга учиб кетишим керак. Эрим билан бир вақтда етиб бормасам, мени мурда деб ўйлайверинг.

– Шунақа де. Майли, имкон борича... Хуллас, меҳмонхонадаги гапим ёдингда бўлсин. Сумкани олишинг билан йўлингни ўзгартирасан. Мана, иккита қарта. Бунисини заргарга берасан, иккинчисини мана бу манзилдаги, – Влад букланган қороз тутқазди, – кишига кўрсатасан. У сени Анталияга жўнатади. Эсингда бўлсин, қартани кўрсатишинг билан у ҳам қарта беради: “етти” чиллик. Биласан-а, чилликнинг учта боши бор. Аммо диққат қилсанг, биттасининг бир боши йўқ. Шундай қартагина ҳақиқий. Акс ҳолда ишонма.

Фарида илк дафъа бойлик хиссини туйди. Бу туйғунинг канотлари хар силтанганда, сохибасини чоҳ лабидан тобора узокка, тубсизликнинг ўртароғига учириб келар, ортга кайтмок борган сари мушкуллаша бошларди.

– Сумкадаги нима ўзи? – деб сўради – Пулми ё?..

– Қимматбаҳо араб тошлари.

Фарида хақиқатан бошига бахт куши қўнгандек хис этди ўзини. Бир донасини Истамбулдаги бирон заргарга пулласа, бир зумда бой-бадавлат бўлади-қолади. Бошқаларини эса нима қилишни ўйлаб қўйиши керак? "Хўш, сумкани қаерга яширишим мумкин? Кейинчалик келиб битта-битта сотиб кетавераман..."

– Россияда қолсам-да, кўзларим хар бир изингни кўришга кодир, – деди Влад худди нима ўйлаганини уқиб олгандек. – Айтганларимни тўлиқ бажаролсанг, бир тола сочинг ҳам тўкилмайди. Фақат карталарни йўқотма... Айтгандай, сумкани вокзал юкхонасигами, бирон квартирагами, яшираман деган ният ҳам бўлмасин.

– Бундай қилолмайман... мен... – кўзларини олиб қочди Фарида.

– Манзилдаги одамнинг олдига сумка билан бор, демокчиман. Бир шумлик содир бўлса, сени ҳам, бошқаларни ҳам соғ қўймайман. Элиф билан шерик эдим, у ўлди. Энди шеригим йўқ. Шериклик даъво қилганлар Элифдан рухсат сўрашлари керак. Албатта, нариги дунёга бориб...



Туркия заминига қадамлари етган он Иванко ва Сарвара қутилмаганда ўзгариб қолишди.

– Элиф, – жилмайди Сарвара, – кўриб турганларинг туш эмас, хақиқий Туркия. Маза қилиб шаҳар айлантирардим, теннис кордларига олиб борардим, афсуски, вақтимиз зик-да.

– Кўмир исини айтмаганда, ажойиб! – деб Иванко ҳам хушомадомуз қулимсиради.

Заргар деганлари одам сийрак, аллақандай камёб буюмлар билан савдо қиладиган дўконнинг юқорисида, иккинчи қаватда яшар экан. Иванко Элифнинг услуби бўйича тиззадан баланд қўйлак кийишни, кўзойнақ тақишни ва сумкачани қўлтирига

кестириб олишни буюрди. Шаҳдам кадамлар билан кириб боргач, “бонжур, мсье” деб, бармоқ учида картани узатиши лозим эди.

Салондан пардоз-андоз килиб чиққанида Иванко мамнун бош силкиди. Заргарнинг кўчасига етганларида, деди:

– Эрталаб Влад унга Россиядан сим коққан, бугун Элиф келади деб. Энди Влад бизга керакмас. У ўзини-ўзи ўйиндан чиқарди.

Фарида индамади. Бошланган ўйиннинг жилови кимнинг кўлида эканлиги ҳеч кимга маълум эмас. Озрок чакқонлик килса, бас, кўлида.

Санокли сониялардан сўнг иккинчи қават эшигини тақиллатди. Эшик очилди.

– Бонжур, мсье.

Заргар калин кўзойнак такқан, олтмиш ёшлардаги француз эди. Қалтирок кўллари билан картани олгач, синчиклаб кузатди-да, кўнгли тўлди шекилли, сумкани узатаётиб, худди Иванко каби кулимсиради.

Шу пайт, ким билади, Владнинг топшириғи биланми, кимдир полицияга қўнғирок қилган шекилли, Иванко ва Сарвара ўтирган машина ёнига турк полициячилари келишди. Кейин эса уларни ўзлари билан олиб кетишди. Фарида зинапоя деразасидан бир дақиқа кузатиб тургач, чўнтагидаги қорозга қаради. Ҳар қандай таксичи тўппа-тўғри олиб бориши мумкин...

– Сен Элиф эмассан, – деди заргар турк тилида. – Энг машҳур қаллобларнинг нағмасига ўйнаяпсан, холос... Лекин Элифга шу қадар ўхшар экансанки... мен билан кетишингни истардим! Элифнинг пуллари кўп, уларга эғалик қилишимиз керак...

Бу учинчи таклиф эди. Ва буларнинг барчасидан халос бўлмоқ учун инсоннинг ўзи ҳеч қачон учинчи бўлмаслик кераклигини тушунди. Мен ва Худо, Мен ва Ватан, Мен ва Оила, Мен ва... ва...

Сумкани зинага қўйиб, кўчага чопиб чиқди.

– Полиция! Полиция! – деб кичқирган аёлни ўша кўчадагилар ҳалигача эсласа керак.

Дуня момо башорат қилган учинчи қарта – “етти” чиллик ҳақиқатан унинг касбига айланишга бир баҳя қолган эди.



Тепалик ёнидаги ўша уй. Қиш. Бирок қор ўрнига ёмғир ёрмоқда. Қариндошлар ҳўмрайиб ўтиришибди. Амакини кутишаяпти шекилли. Шу вақт от кишнаб, амаки келгани маълум бўлди. У эшикдан кира солиб, ивиган телпагини бошидан олиб, илжайди:

– Америка кўк бўриси тирик экан, – деди у. – Адашиб ўзимизнинг бўрини отиб кўйибман. Зоопаркчилар терисига сирмай хурсанд. Лекин бўри бечора умрининг охиригача кафасда томоша бўлишини сездими, роса қаршилиқ қилди...

Мавзу бўриларга бурилиб кетди. Фарида билан Асқарга муаммоси унутилгандек эди.

– Балки иккинчи бўри ҳам ўзимизникидир, – деди Фарида. Ҳамма унга анграйиб қаради. Бундан чиқди учинчи бўри – зоопаркдан қочгани қаерда бўлса?

Ош ейилди. Насихатлар қилинди. Фарида эрига ер остидан қараб кўйди. Шунча ёмғир ёрса ҳам томдан чакки ўтмаяпти. Тузатибди-да шўрлик эр!

Демак, энди саргардонликлар йўқ. Аразлар унутилади. Ва бу оилада янги ҳаёт бошланади. Ўртада эр-хотинга бегона учинчи одам бўлмаган оила ҳамиша гуллаб-яшнаган.

## ЙИГИТ БАХТИ

(қисса)

*Ушбу қисса реал воқеаларга асосланган бўлиб, ўша йигит ҳақида ҳикоя қилиб берган таксичи Салим Оқбўтаевга миннатдорчилик билдираман.*

*Муаллиф.*

### *Дебоҳа ёхуд болаликдан бир лавҳа*

Бу кечмишлар бошланмасдан ўн йиллар муқаддам, киш чоғида бир воқеа юз берган. Айтарли кизиклик жиҳати ҳам йўқ. Бирок эрталабки ўшал сеҳрваш дам Тиллабойнинг калбида ҳақиқатан бир умрлик ўчмас из қолдирди. Чирокчи даштларини қоплаган кишнинг узун туни печка атрофида ҳангома қизиди. Меҳнатбой хотинию болаларига бошидан ўтган ғаройиб воқеаларни, шу қишлоқда яшаб ўтган кексаларни, ўз болалигини – барчасини озиб-ёзиб умрида илк бор ҳикоя қилиб берди. Тиллабой Меҳнатбойнинг тўнғичи, кизларининг исмлари эса уйкаш – Раҳима, Салима, Жамила, Комила ва бешиқдаги Наима.

Эрталаб қалин жун рўмол ўраган аёл – Энагул хонага бир тоғора таппи келтириб, печкага гуриллатиб ўт ёқди, уй яна исий бошлади. Тунда ҳикоя тинглаган болалар ҳаливери турадиганга ўхшамасди. Оила бошлиғи кеча от сотиб олган эди, неча йиллик орзуси ушалди, баджаҳл, герс одам мумдай эриб, ажойиб ҳикоянависга айланди-қолди. Аслида отнинг шарофатига маза қилиб ўтиргандилар жўжабирдай жонлар.

– Вой, эна, қор ёрдими? – сўради Тиллабой кўрпадан бош чиқариб.

Энагул таппига ёпишган қорни клёнкага қоқиб, печкага тикаркан, деди:

– Ётавер, барибир чикмайсан, калишингни яшириб бўлдим, ойна.

Бу – она ўйлаб топган зўр чора эди, “ойна” дегани эса “айланай” деб эркалагани эди. Ўтган йили қишда калишни яшириб қўйиш усули билан Тиллабойни неча бор остона ҳатлатмади. Ўзи битта ўрил бўлса, шуниям касалманд қилиб қўйишдан ҳадиксирарди у. Тиллабой ҳам ерга урса кўкка сапчийдиган мойи қайнаган бола эди-да ўзиям.

Онаси кетишини кутди, кейин нариги хона эшиги ёпилишига кулок солиб ётди. Ва ўрнидан сакраб туриб, айвонга чиқди-да, кутиларга, маккажўхори қоплари орқасига, ҳатто куви ичига ҳам кўз ташлади, аммо калиши йўқ эди. Отасининг хонасидаги печка тагига қўйган, демак олиб бўлмайди. Шундай эса-да, у интизор кутилган лаҳза олдида иложсиз қолишни истамас эди. Тўпикларигача корга ботиб, ҳовли ўртасига ялангоёқ чопиб борди-да, кўлмакка етди. Товони билан бир тепиб музни ўйди ва ўйикка кўлини тикиб, катта бўлакни синдириб олди. Қачонлардан бери муз ейишга интиқ эди. Оғзига олиб борди... олиб бордию, во ажаб, ҳайратдан донг қотди. Муз шундай бир шаклда эдики, кеча отаси сотиб олган отнинг қуйиб қўйгандек шакл-шамойили эди.

Нафсини тийиб, завк билан тикилди, туман босган қиш куёшига тутиб, жилоланишини ҳам томоша қилди. Шу пайт кўча томондан шараклаган кулги эшитилди. Синфдоши Озода узрхоҳ жилмайиб турар, кўлидан етаклаган онаси ҳар доимгидек масхараомуз ва хиёл бепарда оҳангда куларди. Доимо посонг кийиниб юрадиган, тилла тишларини мақтаниб хохолаверадиған, каттазанг, шу билан бирга ниҳоятда гўзал аёл Тиллабойга ёқмас эди. Бирок Озодага пинҳона ишки тушгач, онасини кўрганда, алланечук хаяжон босадиган бўлди. Ҳозир ҳам ўзини йўқотиб, индамай қараб қолди. Ҳақкига кўчганда хайрон ҳам эди: не сабаб бой хотин бунча қах-қах урмоқда?

– Ҳой, – деди аёл, – оёрингга бирор нима кийсанг-чи? Нима, жинни-пинни бўлганмисан? Буям етмагандай муз ўйиб, емокчимисан, дейман? Эрталабдан? Шундай совуқда-я?! Биз шу кийимларда дийдираб юрибмиз!..

Она-бола бир-бирининг кийимига – қишлоқда ҳеч кимда йўқ этик ва оқ мўйнали пальтоларига кўз ташлаб қўйишгач, йўлида давом этишди. Қизнинг кўнгли борлигидан Тиллабой катта умидда эди, онасининг кўлини сезилар-сезилмас силтаб қўйганини, жаҳлланганини кўриб, баданига ажиб илиқлик югурди. Масхара қиладиган бўлса, онасига қўшилиб куларди-да.

Ҳовли этагида иккинчи кулги жаранглади. Ёкимсиз, бузук кулги эгасини Тиллабой қарамасданок таниди: қўшниси Сафаркул аканинг нариги қишлоқлик жияни Жўракул эди у. Шу бола меҳмонга келса, доимо кимнидир масхара қилишга, пастга уришга чиранарди, ҳатто турки ҳам қишлоқда ҳеч қайси болага ёқмасди.

– Нега куласан? – ўдағайлади Тиллабой. – Борсам, тумшурингни конга бўйяман!

Сафаркул ҳозиргина хожатхонадан чиққан шекилли, чопонининг олдини очиб, қайишини қадамоқда эди.

– Мени шундай қорда ялангоёқ қувмоқчимисан? Озоданинг энаси рост айтди, сен жиннисан, томинг кетган! Уйингга кириб, этик-петик кийиб чик! Ўласан оёғингни совук уриб, тентак! Ё этикка ҳам пулларинг йўкми? Отанг от олгунча кийим олиб берса бўлмайдими?!

– Ўшшакчи хотин! Биз билан нима ишинг бор?!

– Ҳеч курмаса уйлариңгнинг сиртини суvasаларинг-чи! – кулишда давом этди Жўракул. – Одам яшайдиганга ўхшамайди, кара, ришtlари чиқиб ётибди. Шиферларинг ҳам синик. Ҳойнахой томчи томадиган жойларга туваклар қўйиб чиккандирсанлар? Отанг от олгандан кўра, яхшиси, газ учун кувур сотиб олиш керак эди. Одамни от иситадими, э дабдала!

Тиллабой боплаб сўкиб бермоқчи эди, ён қўшни томондаги шарпани пайқади. Кичкина Хурсандой онасининг сигир соғишини томоша қилишга чиққан шекилли, шовқинни эшитиб, пичан ғарами ёнида Тиллабойга мўралаб, кулимсирарди. Қалин жун рўмоли орасидан кўриниб турган муштдай юзи ҳозиргина тандирдан узиб олинган кулчатойдай кизарган эди.

Шу кизчанинг ҳурматига Тиллабой сўкинмади. От шаклидаги музни кўтарганча уйига чопиб кирди. Кира солиб оёқларини печкага тутди-да, музга термулди. Энди уни емаса ҳам барибир бекорга эриб кетарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Озода шамоллаб, мактабга бир неча кун келолмади. Тиллабой уни мактаб йўлақларида учратишни ич-ичидан зор кутиб юрган кунлари бир гап эшитди. Озоданинг онаси шундай деганмиш:

– Қизимни қанча авайласак ҳам грипп бўл қолди. Анови Мехнат аканинг болаларидан эса совук-повук ўтмайди-ей. Қишда ҳам ялангоёқ юриб, муз еганини ўз кўзим билан кўрдим. Бизнинг болаларга эса, Худо паноҳ берсин, газ ёниб турган уйда яшаб, қалин жун носки, “импортний” этик кийиб ҳам касал-ов. тавба, тавба...

Кўз тегди чоғи, шу гапни эшитганнинг эртасига уй чордоғи устуни синиб, томнинг бир чети ўпирилиб тушди ва ёғоч бўлағи Тиллабойнинг қўлини синдириб юборди. Шу-шу унинг бир қўли эгри бўлиб қолди.

*Айрилик азоби*

Эрталаб уйидан чопиб чикиб, музлаган кўлмак музидан синдириб олгани, шаффоф от шакли, жилмайиб турган Озода, кўшни қизчанинг мўралаши – у тез-тез эслаб гурадиган ажойиб лавҳа эди. Мана, мактабни ҳам битирди. Тиллабой жонини жабборга бериб ўкиди. Уйку қолиб келганда бошини муздек сувга тикар, кўлига таяниб ётиб-турар ёки оёғини осмонга қилиб, деворга суюнганча машқ бажарар эди. Бироқ шунда ҳам омад юз ўғирди, ўқишдан йиқилди. Озодани эса ога-онаси Тошкентга жойлаштириб келгандилар, махсус ўқитувчилар ёллашди, атрофида ўнлаб муаллимларни парвона қилишди. Қўтон-қўтон кўйи бор одамга бу нима деган гап! Алалоқибат қиз тест жавобларини бекаму кўст топшириб, августнинг нечанчидир кунни талаба бўлиб қайтди.

Сентябрдан бир неча кун бурун пойтахтга отланган Озодани кўрган Тиллабой кўча ўртасида ходадай қотди. Тушларида кўрганидан ўн чандон гўзал, шамолдек ҳарир, булоқдек тиник эди, эрталабки куёшдек ёқимли порлаб турарди. Ҳа, янада тўлишиб, сўтдай оқарибди, шахло кўзларини тимқорага бўяб, қовоғига сезилар-сезилмас кўк ранг тортганини-чи. Наҳот энди бу малакни шу кўчада, тўйларда, Наврўзларда энди кўрмайди? Наҳот у юзлаб чақирим олисларда ўз ўқишию ташвишларига фарк бўлиб, кишлоқ учун меҳмонга айланади? Унинг атрофида қимлардир парвона бўлади, пешонасида юлдуз чарақлаган йигитлар, ўзига тўқ хонадон фарзандлари...

– Кетяпсанми? – сўради Тиллабой. Оғзидан бир оғиз сўз эмас, хаяжон титраб чиқди.

– Ҳмм, кетяпман. Шундан энди Янги йилда келсам керак... Сен келгуси йил яна топширасанми? – Қизнинг гап оҳангида "энди қайтиб Тошкентга боролмайсан, шу кишлоқда қолиб кетасан" деган маъно зухурлангандек туюлиб, Тиллабой унинг юз-кўзига хавотир билан сер солди. Ҳақиқатан қиз ачиниб қараб турарди. Нима қилсин, бечора қиз уни ўзи билан олиб кетолмайди-ку.

Аслида иккисини ажралмас севишганлар деб ҳам бўлмасди. Тиллабой ишқ изҳор этмаган, Озода ҳам. Бироқ севгидан сармаст бўлган кезлари йигит кўксини ёриб чиқаётган хайкириқларни бир неча бор тилга чиқарган: "Озодани севаман! Озодасиз ҳаёт менга ҳаётмас!.. Озодага уйланаман! У меники!.. меники!.."

Мазкур хитобларни нафақат дашту далалар, балки қушлару

жониворлар билан бирга айрим кишилар ҳам эшитишган эди. Бирок Озода ўқишга ўтолмаганида ҳам Тиллабойнинг унга уйлана олиши даргумон эканлиги кун сайин ҳақиқатга йўрилиб борарди, энди эса нақадар олислаб кетаётганини, сўнгги имконият эшиклари тақа-тақ бекилаётганини хис этди. Билади, Озоданинг онаси қизини бадавлат хонадонга беришга аҳд қилган, бунинг устига яна бир шарт қўшилди: бўлажак куёв ўқимишли ҳам бўлмоғи лозим. Ўқиган келинга ўқиган куёв ярашади-да.

Хайрлашдилар. Тиллабой автобусгача кузатиб қўйишдан-да махрум эди. Озоданинг отаси машинада келди, ёнида танноз, бой хоним. Кейин улар ортидан чанг қолдириб, Қарши-Тошкент йўли сари жўнадилар. Йигит бояқишнинг ичида нимадир қуйиб-қуйиб узилди, зардоби бўғзига тикилди, култ этиб ютинди, лекин аччиқ алам томоридан кетмай, кўзлари ёшланди. Озоданинг ёнида бўлолмайди. Ким айбдор? Қўл учиди кун кечирадиган оилани ўзларига тенг кўрмас одамларми? Ёки отдан бошқа нарсига қизиқмайдиган, келажакни ўйламайдиган падарими? Балки ўқишга қиролмагани учун Тиллабойнинг ўзидан бўлак айбдор йўқдир?

Орадан уч ой ҳам ўтди, тарих вақтни паккос тушириб ейишда давом этмоқда эди. Қиличини даштлик узра сермаб-сермаб қахратон қиш келди. Қор ғупиллаб ёрди, аямади. Бу қиш ўн йил аввалги ўша сеҳрли фаслга жуда-жуда ўхшарди. Тиллабой ёлғиз қолди дегунча Озоданинг суратига термулиб, узун-узун хаёллар сулар, иккиси ёқтирган қўшиқларни хиргойи қилар, баъзан кўзлари ўз-ўзидан ёшланиб, қўллари мушт бўлиб тугилар эди. Сўнгга бир қиз учун нега йири-сири қилаётганига уялиб, аҳволи-рухиясига тушунолмай яна ўйга толарди: "Жуда қаттиқ севиб қолибман, Озода!..."

– Қўй боқасан, – деб қолди бир куни отаси.

– Тилаб олинган битта сизиримиз, сеvimли қирчанги отингиз бўлса, қайси қўйни боқаман, ота?

Сингиллари қулиб юборишди. Мехнатбой ёнбошлаб ётган жойида ўғли томон бурилиб қаради: кўзлари қизарган, ажинлари янада кўпайган, қиш бўлишига қарамай юзи қорайиб, мўйлови эса оқариб қолган эди. Қўлидаги кўк чойдан енгил бур кўтарилди.

– Кимга ўйин қилаяпсан?!

– Ҳеч кимга.

– Кўтар шара-барангни! Майли, қўлидан келса ўқишга ўтсин, деб ёзда индамадим, йиқилганингга тийрамоҳгача мунрайиб юрдинг, индамадим. Ёшинг йигирмага қараб кетаяпти! Нимангга хўрозлик қилмоқчисан? Одамларнинг болаларига ўхшаб, пул топиб келаётган жойинг борми?.. Билиб қўй, битта ўрил бўлсанг ҳам, гўрсўхтадай ҳолингга сени боқмайман! Нонингни ўзинг топ, тушундингми?.. Тушундингми, деяпман?!

Тиллабой бошини ҳам қилди, сингиллари нариги хонага лип-лип қочиб қолишди.

– Тушундим, – деди йигит зўрға.

– Кеча Алибойни кўрувдим, одам керак, деди...

Тиллабой Озоданинг отасими ё бошқамикан, деб сўради:

– Қайси?

– Нечта Алибой бор қишлоқда?! Ўғлинг бекор бўлса даштдаги кўтонга бориб ётсин, чўпонлардан бири касал, ўрнига ишга оламан, деди. Шара-барангни емоҳонага тахла-да, эртадан жўна... "Қайси" эмиш! Атайлаб одамнинг асабига ўйнайди бу!

– Боядан бери "шара-бара" деб китобларимни айтаяпсизми?

Меҳнатбой чойини хўпламоқчи эди, лабини тортди.

– Нимайди?

– Китобларим шара-бара эмас, буни ҳеч қачон унутманг, ота.

– Тиллабой ўрнидан туриб, эшикка йўналди. – Агар пулим бўлганида, кўпроқ китоб олиб, ўқишга ўтиб кетардим. Лекин энди ишла десангиз, ишлайман, иложим қанча! Алибой аканинг эса икки дунёдаям чўпони бўлмайман.

– Унинг песи борми? Ё моховми? Нега ёнашмайман, дейсан?

– Ишласам, пул топсам, бўлди-да. Кимнинг ишини қилишимнинг фарқи йўқ шекилли.

– Ўв, "шекилли"! Китоб отага маҳмадоналикка ўргатаётган бўлса, бугуноқ печкага тиктираман. Нега ўз-ўзингдан менга ўпка-гина қилиб қолдинг? Агар яна бир марта...

Хонага Энагул шошиб кирди, қўллари ун ва хамир йуқидан тирсаккача оқ эди.

– Вой шармандалар, нима шовкин? – деди ҳовлиқиб. – Ота-бола уришиб, не бўлди?

– Ишласин, десам, "иш йўқ", дединг! – хотинига захрини сочди Меҳнатбой. – Бунинг иш-пиш изламай хаёл суриб ёгаверди. Мана, Алибойдан иш топдим. Нима дейди де? Икки дунёдаям Алибойда ишламасмиш!

– Алибой ака қарз эвазига ишлаб берсин, дедими? –

Энагулнинг кўзлари чакнади.

– Э, нега қарз эвазига ишлаб беради?! Дўржи пул бердими, дўржи қилиб санаб олади-да! Гап орасида бунга иш топилиб қолди...

– У кишидан қарз сўрадингизми? Нега? Нима учун?! – Тиллабой йирлаб юбораёзди.

– Битта сен эмас, бутун қишлоқ отимнинг устидан қирчанғи деб қулаяпти. Ўрил бўлиб, пул топиб келсанг экан... – Ота пиёланинг тагида қолганини хўплаб, тўк этказиб хонтахтага қўйди, кўзлари хиёл олайди. – Э-э-э, гап бу ёқда де! Ор қилаяпсанми? Қизини... анави Тошкентда ўқийдиганининг оти нимайди, Озодами? Ўшани яхши кўраман, деб тентакка ўхшаб қирга чиқиб бақиргансан-да, а?! Катта кетганингдан сўнг отанг унинг отасидан пул сўраш уят, шундайми? Магазинда бир-иккитаси аския қилувди, ўрлингни жин чалган-ов, ўзига-ўзи бақириб юрибди, деб!

Тиллабой ялт этиб онасига, сўнг шундайин шиддат билан отасига кўз ташлади. Озодани севишини билишар экан-да. Куйиб-жизғанақ бўлаётган юраги ўз ота-онасига шунчаки бир аскиябоп нарсаси бўлиб қолдими?

Эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди. Келгуси шанба кун отаси иккита улфатини қаватига олиб, Чирокчи бозорига жўнади. Қирчанғини сотиб, катта қора от билан қайтди. Терисига сирмай қувонарди ота. Кўринган одам билан қучоқлашиб кўришар, хоҳлаб чарчамас, ҳатто дўпписини ерга уриб, "барибир шу отни олдим, йигитнинг нияти холис-да!" деб хитоб қиларди.

– Хафа бўлма, ўғлим, – деди Энагул эрининг улфатларига қулчатой пишириш учун ҳамир ийлаётиб. – Отангнинг қарз олганига ўйланма. Қўтонга ўзини жўнатамиз, отини миниб, бориб-келаверади. Ишқилиб, ишқивозлиги тутганда, сигирни сотиб қўймасин, деб кўрқдим. Шу жонивор сингилларингнинг оғзини оқартириб турибди, болам.

– Отам кўпқари чопмаса, чавандоз бўлмаса, чўпонлик қилмаса, отга нима бор? Қачон қараманг, вино, қозок спирти ичиб, сассик махоркани буруксигиб ўтиради. Улфатлари дейсиз, улфатми шулар? Одам қиёфасидаги махлуқлар-ку, эна? Бел оғритиб, охириги унга қулча қиласиз, қарзга спирт опкелтирасиз!

– Худо беради, бунча ёникасан-а?

– Нима қаромати учун? Винохўрликлари учунми ё... – Тиллабойнинг кўзларида ёш ҳалқаланиб, ўрнидан турди. "Ё

ишлаш ёкмагани учунми?" деса, ўзи ҳам ишламапти, нима қилсин шўрлик?

Ташқарига чиқиб, мусаффо окликка тикилди, сал юриб, қор олиб, юзига ишқалади. "Отам умр бўйи яхши яшашни, пул топишни ўйламади, энди қасри менга уриб, севгилимнинг висолига эришолмайман, – деди исёнкор овози. – Алибой акадай бўлганида, фарзандларининг келажагини ўйлаганида, яхши яшардик, Озода ҳам армонга айланмасди... – Кейин бир оз ўйлаб, кўнглига игнанинг тешигидай нур тушди. – Озода ҳали армонга айланмади-ку, нега ваҳима қиляпман? Ўқишни битиришга тўрт йил бор. Узоқда ўқийдиган кизни эрга бермай туришлари аниқ. Унгача ишлайман, пул топаман, уйни таъмирлатиб, тўйга ҳам пул йиғиб қўяман..."

У енгил тортди. Бирок шу заҳотиёқ лабидан бир сўз учди:

– Ўқишим-чи? Озодани барибир ўқимаган йигитга беришмайди.

Кўнгил дунёсини яна зулмат қоплади. Қишлоқдан ўзига муносиб иш тополмайди. Топганда ҳам маоши рўзворга кириб, мўридан тутун бўлиб чиқиб кетиши муқаррар эди.

Алибой ака кейинги ҳафтада янги чиққан машинадан харид қилди, қишга қарамай, Айритомдан уста чақириб, янги уй пойдеворига бетон қуйдира бошлади. Айтишларича, Озодага ҳар ойда бир қўйнинг пулини жўнатиб турармишлар. Бир қўйнинг пулига Тиллабойлар оиласи ярим йил кун кечириши ҳисобга олинса, ҳақиқатан ўртада жиддий нотенглик бор эди.

### *Қора отнинг ўлими*

Тиллабой шундан сўнг нажот йўлини қидира бошлади. У нариги қишлоқлик бир йигитни танирди, Тошкентдаги қайсидир бозорда арава судрайди, ҳар ойда уйига пул юборади. Ёнига борса, иш топиб бериши қийин эмас, аммо қиёфасини қандай ўзгартиради? Озодага дуч келса, дугоналари олдида шарманда бўлмоғи тайин. Айниқса, охириги дамларда қишлоқдаги синфдош қизлар Озоданинг шаҳарликка айлангани, орзулари осмон эканлиги, ўқишни тугатиб, ўша ерда қолиш режалари ҳусусида икки-уч марта оғиз кўпиртириб сўйладилар. Агар кўнгли алдамаган бўлса, бу гаплар кўпроқ бечора Тиллабойнинг юрагига аламли чўр ташлаш учун гапирилган эди.

Қишлоқ ахлидан барибир сир яшириб бўлмайди. Боз устига арава судраган билан орзулари ушалиб қолармиди?

Аравачининг топгани бир йилда уйни қайта қуриб, иккинчи-учинчи йили катта тўйга тайёргарлик кўришга, молхонани молга, кўйхонани кўйга тўлдириб, одамларда “ўзига тўк хонадон” деган фикр уйғотишга етадимми?

Алибой ака оиласи ҳам эшитади, “Тиллабой Тошкентда “тачкачи” эмиш”. Ҳақиқат ойдин: Озодани ҳар қандай ҳолатда ҳам унақа касб эгасига эрга беришмайди. Отаси эса кўйини бок дейди. Ўз чўпонини куёв қилармиди!

Яна гупиллаб қор ёрди. Бекорчи қишлоқ аҳли нафакат кечалари, кундузи ҳам қимникигадир йиғилишади, винохўрлик қиладилар, карта, нарда ўйнайдилар. Пул жонивор ҳамиша ҳам бўлавермайди. Шундай пайтда қимдир чўнтакдан чиқариб, зиёфат берса, сон-саноксиз мактовлар остида қолади. Тўй бўлсами, эҳ-хе, берди Худо. Шаҳардан ёки бошқа тузукрок қишлоқлардан келган меҳмонлар “нега бу ернинг тўйларида мастлар кўп?” деб ҳайрон.

Кундуз Меҳнатбойнинг улфатларидан бири кенжасига чупрон қилди. Меҳнатбой кечга яқин ширакайф ҳолда қайтди (аслида-ку ичмаган қуни йўқ эди).

– Бугун қўтонга бормайман, – деди у печкага қўлини тоблаб ўтирган Тиллабойга қараб. – Сен жўнайсан.

– Вой, бундай қорда даштга қандай чиқади? – дийдиё қилди Энагул. – Эртарок айтсангиз бўлмайдимми? Қун ҳам ботди. Ўзингиз борасиз энди.

– Ҳамсояннинг эшагини сўрайди, шу ҳам муаммоми? – Ота кўрпачага ўзини ташлади, қўланса спирт хиди тутди хонани. – Ўзи бир ишни эпюласанларми, йўқми?! Аҳволимизга қаранглар, том яна ўйилиб тушмаслигига қим қафолат беради, қим? Э, эзилиб, янчилиб ўлишни кутади булар...

– Бормайман, – деди Тиллабой паст, аммо катъий оҳангда.

– Баҳор келса, фермерларда ишламоқчи, – жанжал чиқишидан кўрққан Энагул типирчилаб гап қўшди.

– Ҳозир нега бормайман дейсан? – туфук сачратиб сўради Меҳнатбой. – Яна ўша телба ошиқлигу орийатми? Ошиқлигингаям, орийатингаям гупурдим! Агар фарзанд дегани шунақа бўлса, бундай фарзанднинг...

– Ичиб олиб, оғзингизга келганини вайсаманг! – Энагул гуруч тозалаётган косасини так этказиб қўйиб, эшикка юрди.

– Аҳволимизнинг бундайлигига мен айбдор эмасман, – барибир бўш келмади Тиллабой. – Ҳар қуни мастлик, жанжал...

Тинчгина яшаймизми. йўқми? Одамга ўхшаб яшамаётганимизга шу одатларингиз ҳам сабаб, ота!

– Тинч яшаяпмиз-ку. Ҳаммаёқ тинч! Жимжит... "Мен айбдор эмасман", дейсан, бўлмаса айбдор ким? Менми?! – олайди отаси кўксига муштлаб. – Ичиб, кўчада ётиб қолган жойим йўқ. Ичаманми, йўқми, вақтида топганман, иморат кўтарганман, мол-қўйларим ҳам кўп эди. Сен нима қилдинг?

– Мен эса мактабни яқинда тугатганман, ичмайман, чекмайман, – алам билан сўзлади Тиллабой. – Бирор касбни эгаллашимга ҳам, ўқишга ўтишимга ҳам ҳеч кимга ёрдам бермади. Бировнинг иши йўқ мен билан... Тўғри, йигит киши ҳаммасини ўзи эплаши, ўз кучига ишониши керак. Шунақа бўлгандан кейин йўлимни топиб олишим учун вақт ҳам керак-да! Сиз эса уйимиз вайрон, яшашимиз хароб, дейсиз. Бунимен энди ўйлаяпман, сиз нега йигирма йил ўйламадингиз? Мактабни битирганингиздан ҳисобласак, ўттиз йил ўйламагандисиз...

– Вў-ў, мен айбдор эканман-да? Текинхўрнинг гапини қаранглар!..

Энагул ташқарига чиққан эди, зум ўтмай эшикдан бош суқди.

– Тилла, тур, ойна! Ичган одам билан тортишма. Қўтонга ўзим ташлаб келаман.

– Ҳей-й, қайтишда бўрига ем бўлиб ўласан! – деди Мехнатбой ва негадир хохлаб қулиб, пўстакка чалқанча ётди. – Кап-катта болани даштга энаси ташлаб келармиш. Ё тавба, қандоқ кунларга қолдим-а! Шунақа боланинг отасиманки, шўрим бор... шўрим бор менгинанинг...

Тиллабой ҳовлига чиқиб, киш аёздан ҳам кўра бир ҳақиқатдан, яъники отасига тақдирини ишониб бўлмаслигидан, акс ҳолда Озоданинг васлига эришиш тугул ундан баттар кунлар бошига тушишидан яна бир бор бадани жунжикиб кетди. Нажот йўлини топиши шарт эди, югурик йиллар ўтади-кетди, Озодани ҳам эрга беришади ҳали, сўнг...

– Болам-ей, бунча ҳардамхаёл бўлмасанг-а! – койиди онаси. – Нариги уйга кир-да, кийин, нега серрайиб турибсан? Отни оғилдан ўзим чиқараман. Отанг шу ҳолида отидан хабар-пабар олмайди... Тилла, эшитяпсанми? Бўл, тез-тез бўл. Қўтонга ҳеч ким бормаса, бир фалокатга йўлиқиб, бошимиз балога қолмасин. Алибой акадан шусиз ҳам нақ бир хўкизнинг пулича қарзимиз бор. Ҳар кўрганда ер чизиб ўтаман, уялади одам...

Тиллабой онасининг амрини рад этмоқчи эмасди. Ўрлининг

ярасини билмасдан тирнаб-тирнаб кўндирди она. Тиллабой бир зумда қишлоқни ортида қолдириб, дашт йўлида от чоптириб кетди. Бийдай далада аёз чимчилаб оларди, аммо эгарда ўтирган йигит совукни ҳис этмас, кўзига на қорли йўл, на манзил кўринар, “пешонамда шу кунлар бор экан-да”, деб камчи устига камчи босарди.

Бир пайт камчи учиб кетди. Камчига қўшилиб, Тиллабой ҳам йиқилаёзди, лекин бахтли тасодиф билангина эгар устида қолди.

– Нега мункийсан?! – Тиллабой отга разаб билан бақирди. – Пиёнистага от бўлиш пешонангга ёзилганидан кейин оёғинг остидаги ердан ўпкалама! Булар даштнинг ўнқир-чўнқирлари эмас, гўрлар, икковимизнинг мазорларимиз...

От кичик жарликдан сакраб ўтди, лекин бунисида ёмон бўлди: зўрға уддалади. Шу чоғида ажалга учраши муқаррар эканини сезди чоғи, бирдан секинлашди. Тиллабой кирза этикнинг пошнаси билан отнинг биқинига никтаб, сарғисига шапатилади:

– Чў, жонивор!

От яна тезлашди, муз қотган ердан ҳосиятсиз дупурлаш эшитила бошлади. Гўёки орқадан қувиб келаётган бегона от туёқларидан чиқаётгандек эди бу садолар. Тиллабой ортига оний лаҳзада кўз ташлади. Шу пайт... ҳавога чалпак бўлиб учиб кетаётганини англашга улгурди...

Кўзини очганида, аъзои бадани даҳшатли ачишиб, лўкиллаб оғримокда эди. Бир вақтлар том ўпирилиб тушиб, қўли сингандаги каби қўлини ўша оғрик исканжага олган, афтидан иккинчи бор суяқлари майдаланиб кетган эди. Гавдасини зўр-базўр кўтариб қияликдан тирмашиб чиқди. Атрофга боқди. Қор кўрпасига бурканган дашт жимгина ухлар, осмонда катта-катта юлдузлар совук йилтирар, дунё мудҳиш бир воқеа содир бўлганидан беҳабар ўз билганича тин олар эди.

– От... – пичирлади Тиллабойнинг лаблари. – От қани?

Қордаги излар тўрт оёқли жонзотнинг ҳоли не кечганига ишора бериб турарди. Унинг олд оёқлари қайирилиб, йиқилганда Тиллабой дўнглик биқинига учиб тушиб, қияликдан думалаб чап ёнга, от эса ўнгдаги тик чуқурликка умбалок ошиб тушганди.

Шубҳасиз, отнинг жони узилган, мана кимир этмай қорайиб ётибди. Уни тирилтириб бўлмаганидек Тиллабойнинг отасига ҳам бахтсиз воқеани тушунтиришнинг иложи йўқ эди.

Судралган кўйи йўлга тушди. Оёғи ҳам лат еган, бу ҳолида қишлоққа етиб бoролмасди. Аксига олиб, ҳалокат шундай жойда

содир бўлгандики, на машина йўли, на бир коровулхона бор эди атрофда. Кўп ўтмай кўл-оёғи оғриқни ҳам, совуқни ҳам сезмай қолди. Бирок ҳушидан кетиш, ўлиш учун ҳали сабаблар етмас, йигитнинг кўзлари очик, қулоқлари эса олисда уввиллаган бўри овозини эшитаётган эди.

– Мени отам ўлдирди! – деди Тиллабой ўзига-ўзи ва юмшоқ қорға бош қўйди.

Тезроқ ўлса, ҳаммасидан бирийўла қутулишини ўйлаб, кўзларини оҳиста юмди. Юмдию ҳаёлига Озода келди. Озода!.. Унинг юз-кўзини мактабда ўқиб юрган чоғлардагидек тасаввур этди, овози ҳам қулоғига чалингандек бўлди. Ё тавба, парилардек сирли, эртақлардаги маликалардек гўзал, онаси каби маъсума эканини энди билди. Иболи, ҳаёли, энг муҳими, муҳаббати йўлида фақат севгилисини дейдиган иродали киз эди у.

– Озода... – шивирлади Тиллабой. – Кетяпман... Сен учун қишлоққа етиб бораман... Аҳволимга қара... Абгорлар бўлдим-ей, Озодажон... Лекин мен барибир қишлоққа, уйимгача етиб бораман... ўлмайман... Сени бировга бериб қўйиб, даштда ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ...

Сўнгги кучини тўплаб, оёққа калқди. Игналар суяк ичларига, етмиш икки томирига санчила бошлади. Ҳар оёқ узатганда, гўштлири узилиб тушаётгандек, суяқларига қоқилган михлар зиркиллаётгандек бўларди. Юз кадамлар юргач, яна йиқилди. Энди ўрнидан туриши даргумон эди. Хув анави қорайиб турган Жўломон тепалигига етишнинг ўзи бир афсона эди, қишлоқ эса дўнгликдан икки чақиримча нарида. Фалокат нуқтаси ва қишлоқ ўртасида қор қоплаган кимсасиз даштлик эмас, ўлим водийси ястланиб ётарди. Мажақланган вужуд билан бу масофани босиб ўтиш...

Йўқ, ўлиб қўя қолган маъқул экан.

– Озода, – пичирлади лаблари, – кечир... Мен аҳмоқман! Нима қилай, пешонамга аҳмоқ деб ёзилган бўлса... – Шундай деб йигит аччиқ қулимсираб қўйди. – Қара ҳолимга, ортиқ чидолмайман, суяқларим синиб ётибди, оёқ-қўлимни совуқ уриб бўлди. Уйга етиб борганимда ҳам барибир одам бўлмайман. Фалаж йигитни бошингга урасанми?! Шу ерда ўлиб, бўриларга ем бўлиш қисматим... Алвидо!.. Қачонлардир тўйинг бўлади, ўшанда мени эсламассан ҳам... Бахтли бўл. Тўйинг кунини сен тугул ўз отам ҳам эсламаса керак мени. Ичади, тўйиб-тўйиб... Озодани севган ўрлим бор эди менинг, демайди... Энамдан бошқа ким ҳам эсларди!.. Энам... энам-ей... Мен учун ҳали кўп қуяди...

У эшик бўёқлари аллазамонлар кўчиб тушган рангсиз эшикдан тобутини олиб чикишаётганини тасаввур этди. Ниҳоят, хўрлик ва аламдан йиғлаб юборди.

– Мингдан минг лаънат, – деб юзини корга босди, бевафо ва тўймас ерни муштлади. Қишлоқда кимнинг биттаю битта ўғли бўлса, ота зоти эркалатар, меросхўрим, кўмувчим, кариганда боқувчим деб еру кўкка ишонмас, Тиллабой эса “мен ҳам ёлғиз ўрилман-ку, лекин отам туфайли хор-зорликдан ўлаяпман” деб куймоқда эди.

Ҳаммасига қўл силтаб, хушидан айирилишни интизор кута бошлади. Бироқ ёш вужуди ҳаёт учун курашар, ўлим ёки беҳушлик келтирувчи хуружларга оғриқ билан жавоб қайтарар, бўрилар ғажийдиган онгача чидам ато этадиган қувват бор эди танида. Даҳшатли воқеагача тирик қолиш ҳам бир бахтсизлик эди-да ахир.

Кейин чалканча ётди ва:

– Ҳаммангни!.. – деб бор овозича сўкинди. – Ҳаммангни...

Бўрилар якинрокда уввиллай бошлади, сўнгра бирдан жимлик чўкди. Афтидан йиртқишлар тўпланиб бўлишган, тилларини осилтириб, ҳарсиллаб, кўзлари қонга тўлиб ўлжа сари очофатларча чоғиб келишарди. Тиллабой ажал шарпасини эшитгач, илкис бош кўтарди. Кўрди! Нафаси бўғзига тикилиб, судралиб қоча бошлади. Нима деб қичқирди, кимни сўқди, қаяққа қараб қочмоқда эди, ҳаёлидан не ўйлар кечди, эслаёлмайди.

Бир пайт бўрилар қуршаб олаётгандек ҳар икки томонда пайдо бўлди. Ғажиб, ямламай ютадигандек кўз узмас, аммо олға юролмас, айримлари бўйнини чўзиб, бетоқат бўлишар, айримлар чўнқайиб ўтириб олишган эди. Оралик масофа эллик-олтмиш кадам ҳам чиқмасди. Тиллабой нега улар хужум қилишмаётганига тушунолмай сергак тортди. Шундагина орқа тарафда кимдир борлигини пайкаб, ялт этиб қаради. Баҳайбат отлик қўлида фонарь тутиб, бўриларга ҳайқирди:

– Йўқол! Ҳай-я! Ҳуйт!

Бўрилар иккиланиб туравергач, отлик милтиқдан кетма-кет гумбурлатиб ўқ узди. Дашт қароқчилари бирин-кетин, аммо бир зумда дўнглик ортига ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Нотаниш отлик милтигини шошилмасдан ўқлар экан, деди:

– Отанг ҳам, сен ҳам бир гўрсан! Қўйларимни сенларга ишонган менда ҳам аслида калла йўк!.. Нега анграясан? Тўғри, сал бўлмаса, бўриларга кечки овқат бўлардинг. Бундай пайтда

юрагинг тўхтаб қолмаганига ҳам шуқр. Тур ўрнингдан!

– Қўлим синган, – йиғламсираб сўзлади Тиллабой.

– Оёғинг синмагандир? Қани, тур-да, сор қўлингни узат.

Тиллабой севгилисининг падарини – Алибой акани энди таниди ва хода ютгандек бир зум тик оёқда котиб қолди. "Қўйларимни сенларга ишонган менда ҳам аслида қалла йўқ" деган гапидан-да, овозидан-да танимаган эди, авваламбор, бўрилар тахликасидан гаранг эди, иккинчидан, бу одамни умри бино бўлиб от устида кўрмаганди. Демак, инсон яхши яшаса, нафақат машинада, отда ҳам юриши, милтиқ отиши, кизини Тошкентда ўқитиши, иссиқ уйларда яшаши, ҳатто бечора-чорасизни ўлимдан халос этиши ҳам мумкин экан-да.

– Ҳа-а, – дея далда берди қуролини қайтадан ўқлаган Алибой ака қўлини узатиб, – бўл, имиллама!

Тиллабой бир амаллаб отга мингади.

– Сор қўлинг билан белимдан маҳкам ушла, – амр этди Алибой ака. – Кўркма, бўрилар қувмайди, уларга ҳозирча отангинг оти ҳам етади.

Йўл бўйи Тиллабой қишлоқда кутаётган қора кунларини ўйлаб ҳам кўрмади. Озоданинг отаси бўрилардан халос этиши, уйига олиб келиши, иссиқ ошхонасига ётқизиши ҳаётини эртаққа айлангириб юборганди. Ҳатто, фожиа юз берганидан кўнглининг бир четида мамнунлик ҳисси туйди.

Озоданинг оила аҳли ўраб олиб, ачишиб қарай бошлашди.

– Эй қахрамон, – деди Алибой ака жароҳатига назар солиб, – дабдаланг чикканга ўхшайди. Машинага юр, касалхонага кетамиз. Қўлинг-ку тузалади, лекин отни ўлдириб қўйганинг учун отанг сени сўйиб ташлайдими, деб кўрқаяпман.

– Боласи тирик қолганига шуқр қилсин, – жеркиб берди Озоданинг онаси.

– Меҳнатбойми? Икки дунёда ҳам шуқр қилмайди.

– Тўғри, – деди Озоданинг онаси, – у киши аллақачон одамгарчиликдан чикиб бўлган.

Эртасига ҳамшира Тиллабойнинг уйидан одам келганини айтди. Ким экан, деб йигит шўрлик эшикка кўрқа-писа термулди. Шу пайт ранг-қути учган онаси кўринди.

– Вой болам-ей, шу палакат қаердан қараб турган экан-а! Сормисан ишқилиб? Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими, Тилла? Отни чоптирдингми? Нега чоптирасан? Нега?!

– Ўзи чопди, – тўнг жавоб берди Тиллабой. – Чопгиси

келгандан сўнг чопади-да, эна, уззу-кун молхонада гўнг искаб ётганидан кейин...

– Бас қил! Куюндай чоптириб кетаётганингни Алибой ака кўрибди. Йиқилган жойингга тасодифан бориб қолмаган!.. Отанг ҳам эшитди чоптирганингни...

Тиллабой ўйлагандики, "онаминг қайғуси менинг ўлишимга бир баҳя қолганимда", деб. Йўқ, ундай эмас экан. Отасининг жини тутиб, уйдаги бор идиш-товокларни синдириб, Энагулни ҳам, беш норасида кизни ҳам қиш совуғида кўчага қувибди. Бўққанча ичиб олиб, Тиллабойни бўралатиб сўкаётган эмиш, "қўлимга тушса ўлдираман", деётганмиш.

– Сингилларинг ҳозир товангникида, – йиғлади она.

Меҳнатбой касалхонага қорасини ҳам кўрсатмади. Гарчи ўпкасини бир оз босиб олган эса-да, "кечдим унака ўрилдан", дебди. "Аввалдан нияти бузук эди, ҳеч қаерда ишламай осмонга қараб хаёл суриб ётарди, тентак у", деб оғзига келган гапларни қўймабди. Яхшиям, Алибой ака сигирни олмабди, сотгани ҳам қўймабди, бўлмаса, Меҳнатбой овилидаги сўнгги жониворни бериб, қора отнинг қарзидан қутулиб, узоқларга бош олиб кетмоқчи экан.

– Шўри бор уларнинг, – дебди Алибой ака бир маъракада, – тоза Худо урган экан бечораларни! Ўғлининг аҳволи бу, отасиники расво. Бир ёқда беш қиз билан эна сарсон. Энди-и, одам деган мундай бўлмайди-да. Отга бало бормиди? Агар от олишини билганимда қарз-парз бермасдим. "Сигиримни сотиб, қарзингни бераман, мендан қутуласан!" деб ўдағайланиб гапиради алкаш. "Болаларингни ўйла, қарзни кейин ҳам олавераман", дедим.

Тиллабой нозик туйғуларига чирмалган хонадон соҳибининг бундай гапларини эшитиб, ҳеч қачон Озодага уйланолмаслигини ўнинчи марта тушуниб етди. Касалхонадан чикиб, отасини ҳам, уйини ҳам таниёлмади. Эшик синган, ойналар тўкилиб тушган, уй олдидаги қор босган уюмнинг бир четидан шкаф синиклари кўринади. Неча кундирки овқат қилинмаганини очик эшикдан кўзга ташланаётган қозон-товокнинг аҳволидан пайкаш мушкул эмас.

Отаси пахтаси чиққан эски қора чопонда оғил деворига суяниб, узун сарғиш сумалакдан томаётган томчига қўлини тутиб, телбавор ўтирарди. Тиллабойга ва хотинию кизларига маъносиз қараб қўйди. Балки ҳаётда отдан азиз нарсалар ҳам борлигини англаб етгандир, балки ўғли тоға билан қайтганидан

хайиккандир, харҳолда индаёлмади.

– Ўзим гаплашаман, – деди тоға. – Сенлар уйга кираверинглар.

Оила бир тўда бўлиб, худди кинолардаги фашист асирларидек калтираб, кўркиб, тугунчакларини бағрига босиб, чопонга ўралган гўдак Наима рингшиб, остона ҳатлашди. Сингиллари бурнини тортиб, уй ичига мунғайиб кўз югуртиришди. Отни авайламагани учун Тиллабой илк бор ўзини айбдор санаб, ичичидан хўрлиги келди. "Кетаман, – деган ўй лип этиб хаёлидан ўтди, – узоқ-узоқларга кетаман... Мен отамга керак эмасман, бундай ота... менга ҳам керак эмас!"

Бир сўз котмай жим ўтиришди. Улар ўзларининг устидан айтилажак ҳукми кутишарди. Оғил ёнидаги музокара бир оз чўзилди. Тоғанинг "элдан уялиш керак, бу нима юриш", "одамлар фарзандларини ўкитишга қизиқишади, сиз эса...", "ўзим иш топиб берсам, кўнглингиз кўпчийдими, Меҳнатбой?" деган гаплари баралла эшитилиб турди. Ота эса нукул мингиллар, хосиятсиз мингиллаш хонадон аҳлининг кўнглига рул-рула соларди.

Ёлғиз яшашни истамади шекилли, Меҳнатбой ҳеч кимни қувиб солмади. Совук сукунат совуклигича қолди.

– Қайноғалик ҳурматингиз бўлса, – деди Меҳнатбой фарзандлари тоғасига, – боринг, Раҳимагами, Жамилагами, пул беринг, бир шиша спирт опкелсин. Ичиб тўполон қилган номард! Энди ҳеч кимга индамайман. Отимга кўшилиб мен ҳам ўлганман.

– Ўлган одам спирт ичмайди, – тоға норизо ҳолда пул чиқариб, кизларнинг каттасига узатди.

Меҳнатбойни шундан ортирига кўндириб бўлмади. Ҳеч кимни уриб-сўкмайди, тарбияламайди, ишламайди, фақат ичади, ичади, ичади – бундан кейин у шундай яшармиш. Гўёки аввал шунақа яшамагандек.

– Ҳозирча индамайлик, – деди тоға тин олиб, – шунисига ҳам шукур. Секин-аста ҳаммаси изига тушиб кетади. Одам ўлдирганлар вақт ўтиб ярашиб кетишганда, битта от нима! Йигитга Худо ризқини бераман деса, ўшанақа отдан бир кунда ўнтасини беради. А, нима дединг, Тилла? Яхшироқ иш топсам ишлайсанми ё яна ноз қилишда давом этасанми? Отанг сени шифтга қараб хаёл суради, дейди, ўғил бола отанинг олдида ҳам хаёл сурадимиз, жиян!

Энди бу оиланинг ҳолига гадо ҳам ҳавас қилмасди.

*Йўл бўйидаги устахона*

Ота-бола бир оғиз гаплашмай, бир дастурхон атрофида ўтирмай, хонага бири кирса, иккинчиси чикиб, уч ҳафтача битта том остида яшашди. Тиллабойнинг жароҳатлари битиб, ишлайдиган бўлиб қолгач, тоғаси келди. У билардики, синглизининг уйида тез кунлар ичида барибир янги жанжал бошланади, уруш етилиб келмоқда. Нима қилиш керак? Аввало, куёви гина-кудурат саклар экан, Тиллабойни олиб кетиши, ҳар ойда ёки ҳафтада пул тушадиган ишга жойлаши лозим. Фарзанди пул жўнатаётганини кўрган ота албатта ўзгаради, ўғлини кечиради.

Тоға ўз фикрини айтганда, Энагул деди:

– Тиллажон ишлаб пул топса, яхши, ака, лекин отаси ўзгармайди-ёв. Қаранг, аввалги ичишлари йўлда қолиб кетди. Ҳадеб сигирни сотаман, уйдаги буюмларни сотаман, дейди. Маст бўп қолса, отини эслаб йиғлайди, кўпинча сомонхонада ухлаб қолади. Бир куни даштга кетаётганида амакиваччалари ярим йўлдан ушлаб келишди. Ишқилиб, ёмон бўлсаям, болаларимнинг бахтига омон юрсин шу пиёниста. Отасиз етимга осонмас, ака!

Тоға ух тортди.

– Тилла кийинсин, мен билан кетади. Унга Қарши-Тошкент йўлидаги устахонадан иш топиладиган бўлиб турибди. Топилса, ётиб ишлайди.

Тиллабой тоғасининг шалок “Москвич”ида қишлоғидан чикиб кетаркан, Жўломон тепалигига ўрлаб бораётган отасини кўрди. Онасининг гапи тўғримики? Балки ёмон бўлса ҳам норасида сингилларига ота керакдир? Худди Тиллабой ўқишдан йиқилган каби отаси ҳам бир вақтлар оталарни тайёрлайдиган институтга ўтолмай, саводсиз ҳолида уйланганга ўхшаб кетди. “Ота бўлдингми, боланг учун жавобгарсан! – деган нидо эшитилди. – Уни едириб-ичиришинг, кийинтиришинг, тарбиялашинг, тўйини қилишинг, ишга ўтишига, уй-жой қуришига ёрдамлашинг керак. Акс ҳолда сен номигагина отасан! Боланг сени қарғамайди, лекин болангнинг ихтиёрисиз, унинг кўз ёшларидан қарғиш пайдо бўлиши мумкин! Фарзанд кўрдим, деб қувонганингда, қарғиши урмаслигини ҳам ўйлаб қўй, эй банда!..”

Тоға ҳам тепалик томон кўз ташлаб қўйди. Рулни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга буриб турса-да, ўйдим-чуқурларга тушган машина жаҳл билан силкинар, лой, сув сачратиб олға интиларди.

– Ҳанов оғангми? – имо қилди тоға.

– Йўк, – деди Тиллабой.

– Отанг-ку, – тепаликка синчиклаб каради тоға, – танимадингми?

Кейин оғир ух тортиб, Тиллабойга кўз кирини ташлади. Жияни нега отасини танимас экан? Таниди. Бироқ "энди менга ота эмас" демокчи.

– Тўғри ... – деди тоға. – Садкаи ота кетсин, кўп куйдирди. Лекин хафа бўлма, сен йигитсан. Шундай ишлаки, бахтингни топ. Агар бахтингни топсанг, бошқалар ҳам бахтли бўлишади. Энанг, сингилларинг... демокчиман. Ҳатто отанг ҳам. Сен одам бўлсанг, отанг ҳам бир кун келиб қилмишларидан уялади, ташлайди ўша арокни.

Улар шу кетишда темирйўлни кесиб ўтиб, бепоён буғдойзорлар ёкалаб тушган асфальтдан Қарши йўлига чиқишди. Катта йўлдан кўп ҳам юрмай, чапдаги устахонага бурилдилар. Йўлнинг нариги томонидаги ошхонада балиқ сотилар экан чоғи, бир парча тахтага "Болик" деб ёзиб қўйилганди.

– Ёзувга кара, – деди тоға. – Шуни ҳам тўғри ёзолмабди, чаласаводлар. Сен, жиян, бирор ишга киришсанг, шундай киришки, чин устаси бўлиб етиш. Балиқ сотувчига тўғри ёзиш қоидалари нима керак, дема. Балиқ сотиш фақат балиқ сотишдангина иборат бўлмаганидек машина тузатиш ҳам фақат машина тузатишдан иборат эмас.

– Тушундим, – деди Тиллабой.

Тўсатдан йўлдаги махзунлик чекиниб, хаяжон ва ишга иштиёқ аломатлари кўзларига балкиб чиқди. Машиналар енгил таъмирланадиган устахонанинг тўртта бўлмасида усталар ишламокда, айрим машиналар кўтаргичда, айримларининг қопқоғи очилган, мотори текширилмокда эди. "Вулканизация", "Мой алмаштириш" каби ёзувлар пештоқларга илинган, турли идишлар, резина камерлар, филдираклар кўзга ташланарди. Тоғаси устахонанинг мойдан қорайган майдончасидан ўтиб, сўради:

– Ҳорманг, уста, Адхамбой келдими?

– Келди, – деб жавоб берди йигит.

Четдаги хона эшигини қоккан тоға салом бериб кирди. Тиллабой отаси қатори, лекин сочлари буткул оқарган, пишиқкина кишини кўрди. У қандайдир чизмаларга тикилиб ўтирган эди, меҳмонларни кўриб чехраси ёришди. Фотиҳа тортиб, хол-аҳвол сўраша бошлашди. "Бу жиян бўлади", деб таништирди тоға. Ишдан гап очилгач, Тиллабойнинг елкасига қокди.

– Шу йигитни ишга олсангиз, жуда хурсанд қилган бўлардингиз, Адхам жўра. Тиришқоқ, меҳнатдан кочмайдиган, ҳалол йигит. Менинг ҳам, сизнинг ҳам юзингизни ерга қаратмайди. Лекин ҳали машина минмаган, техникага кизиқиши бўлса-да, иши тушмаган.

– Ўрганувчига ўрин топса бўлади. Нега айнан устачиликка олиб келдингиз?

– Энди, ҳунар ўргансин, дедим-да. Университетда ўқитишга синглимнинг шароити тўғри келмайди, жўжабирдай жон. Тиллабой бир ишнинг бошини тутиб, шундан нон топиб, оиласига қарашсин, деяпман. Гийбат бўп қолмасину отаси ичкиликка берилган, фарзандларининг тақдири кизиқтирмайдиган, у дунёсини ҳам, бу дунёсини ҳам куйдираётган одам.

– Унақа деманг, яхши бўп кетади, – деди Адхам уста. – Жиянингизга иш топамиз. Ичмаслик, ҳалоллик, масъулият – ҳозирча мана шу уч нарсага ваъда берса бўлди, колган феъли билан келишиб кетармиз.

Кўп ўтирмадилар. Тоға кетаётганда Тиллабойга “бундай ишларга кизиқиб кетасан, деб олиб келдим, кўрдинг-ку, қишлоғингдаги ишлар ёкмади, энди бу касбни кўйма”, деди. Тоғанинг “Москвич”и йўлга тушгач, Адхам уста қўл чўзди.

– Қайтадан танишиб қўяйлик, мен Адхамман. Шундай қилиб, ишни бошлаймиз. Бу оддий устахона бўлиб кўринса-да, институт катори. Айт-чи, тоғаннинг машинаси кўпроқ тугун чиқараётганга ўхшамаяптими?

– Ўхшайди, – ийманиб жавоб берди Тиллабой.

– Сабаби нима экан?

– Эскирган, саксон биринчи йилнинг машинаси, – деди Тиллабой усталар тилида сўзлашга уришиб.

– Унутма, аслида бизнинг ишда машинанинг эски-янгиси бўлмайди. Ҳақиқий устанинг қўлига гушган машина яп-янгидай юравериши керак. Тутадими, айб бензиндами, мотордами, бир қарашда айтиб бера ол. Масалан, поршен ҳалқаси емирилганда, машина қай даражада туташини ўрганиш учун бир ой вақт сарфлаганман. Бир ойни фақат поршенлар учун йўқотганман, демоқчимасман. Ёнма-ён ҳолда бир қанча ишларни ўрганиб борганман. Мухими, ишингни сев, ука. – Кейин диққат ила тикилиб, сўради: – Агар мен қассоб бўлганимда ҳам ишлаб кетаверармидинг?

– Йўқ, мендан қассоб чиқмайди.

– Демак, уста чиқишига ишонасан?

Тиллабой бош кимирилатди.

– Иложсизликдан касб танлаш керакмас, – Адхам уста Тиллабой учун энди бир умрлик ишхона саналмиш бўлма сари бошлади. – Ота-онам математика муаллими бўлишимни хоҳларди, Самарқандда мажбуран ўқитишди. Йўк, барибир машина тузатадиган уста бўлдим. Ҳозир Адхам уста десанг, ҳамма танийди. Йўл бўйидаги бу устахонам енгилроқ хизмат кўрсатади, ямаш, мой алмаштириш, "балансировка", "контакт"лар, свеча дегандай. Маҳалламда эса яна бир устахонам бор: мотор қиламиз, бўйямиз, ҳатто машина ҳам ясаймиз. Китоб ўқиб турасанми?

– Ҳа, албатта.

– Ремаркнинг "Уч орайни"сини ўқиганмисан?

– Ремаркми? Ўқимаган эканман.

– Ўша романдаги усталарга тақлидан машина ясаймиз, демокчидан. Сен ҳам касбингни ривожлантириб, тадбиркорлар қаторига чиқишинг мумкин. Ният борми ўзи?

– Ният кўп, ака.

– Баракалла. Йигитнинг нияти ҳамиша кўп бўлсин... Ҳали хонамга кирганингда сочимга ғалати қараб қўйдинг. Ҳа, бу соч эрта оқарди, не-не қийинчиликларни кўрмадим. Кўзларингнинг тубидаги ғамга қараб, сенга айтиб қўяй: ўзингга ўзинг ғамни ўйлаб топма. Ёшсан, куч-қувватга тўлгансан, юрт тинч, бозор иктисодиёти. Бу деганим, чини билан ишласанг, миллионер бўлишинг ҳеч гап эмас, биров "нега бойияпсан?" деб ёқангдан олмайди, нимадан ўйланасан? Ҳўш, сирли одамга ўхшайманмикан?

– Йўр-е... Нега?

– Одамлар мени бобосининг олтин тангаларини топиб олган, дейишади. Икки устахонамни ҳам "нол"дан бошлаб, ўзим, мана шу кўлларим билан бунёд қилдим. Худо хоҳласа, устахоналарни бутунлай замонавийлаштираман, шунинг устида бош қотирыпман. Ўшанда ҳам баъзилар рийбатимни қилишади. Ҳеч қачон бировнинг чўнтагидаги пулни санама, ука.

Шу пайт уста йигитлардан бири машинадан бош кўтариб, рул тягаси ишдан чиққанини, бироқ бошқа тяга йўқлиги учун ўрнига гайка қўйишда ёрдамлашишни сўради. Сўрадию Тиллабойга тикилиб қолди.

– Тилла, ўзингмисан? – деди мойли юзида истеҳзоли кулимсираш пайдо бўлиб.

У қўшниси Сафаркул аканинг жияни Жўракул эди. Ҳув ўша

корга ялангоёк чоғиб чиқиб, муз синдирган дамда масхара қилган бола. Тиллабой ўзидан бир неча ёш катта Жўрақулни болалигидан бери қаерларда неча марталаб кўрган, гаплашган, уришган, ўйнаган бўлса, бирортасини эмас, айнан ўша кунни эслади. Озоданинг ойиси хоҳолаб кулгани, Озода эса хижолат чеккани, хожатхонадан чиққан Жўрақул шимининг қайишни қадаёғиб, отанг от олгунча шароитларингни яхшилаसा, оёғингга этик олиб берса бўлмайдим, дегани... Гарчи гапида жон бўлса-да, бола ғаламисларча сўзлаган эди. “Шунақа эди, шунақалигича қолибдими дейман”, – ўйлади Тиллабой.

– Таниш экансан-да? – деди Адҳам уста.

– Бир қарашда танимадим, чунки оёғида ботинка бор экан, – хиринглади Жўрақул. – Ўзи нима гап? Бу ерда нима қилаяпсан, Тилла? Мошин олдим деб одамни кўрқитмассан?

– Ишга келдим, – жавоб берди Тиллабой.

– Сенга ўхшаб у ҳам энди шогирдим, – машинани текшира бошлади уста. – Даштдан усталар чиқаётгани одамни хурсанд қилади. Сен, Жўрақул, меҳнаткаш, чакамур бўлмаганингда, маза-бемаза гапларинг учун аллақачон думинг тугилиб кетарди.

– Тўғри айтасиз, устоз, – Жўрақул кўкрак керди, – ушлаган жойини узиб оладиган мендек шогирдни ҳеч қаердан тополмайсиз. Шу феъл билан турилганман, шу феъл билан ўламан. Тиллага келсак, мени ҳайрон қолдирди, ундан ҳаётда уста чиқмайди. Кўриниши айтиб турибди, зўр чўпон бўлади лекин.

– Бас қилсанг-чи маҳмадоналикни, – қойиб берди Адҳам уста.

– Ҳазил, – дея Жўрақул Тиллабой билан қўл бериб кўришди.

– Чирокчи устахонасига хуш келибсан, дўстим!

Ҳақиқатан, тяга йўқлиги учун ўрнига гайка қўйдилар. Жўрақул бундай ишни мустақил қилиб кўрмагани учун бир неча бор аралашишга уринди. Адҳам уста жим кузатиб турган Тиллабойга тушунтирди:

– Бу дунёда гоҳида бировнинг ўрнини биров босиши мумкин, машина қисмлари ҳам шундай. Ярим йўлда бузилиб қолган машинанинг эгаси сенга тўлик таъмирлаб беришни илтимос қилавермайди. Унинг ўз устаси ёки уйда эҳтиёт қисми бўлиши мумкин. Аксига олиб сенда сўралган нарса йўқ, мижоз манзилга етиб олиши учун ўриндошдан фойдаланасан. Тяга ўрнига гайка қўйдик, гайка – ўриндош. Бирок одам ҳаминша ҳам ўриндош бўлолмайди. Одам барибир одам, ука. Буни ҳеч қачон унутма.

– Ўҳ! – маъқуллади Жўрақул. – Доно гаплар, устоз!.. Эй

Тиллабой, аслида сенинг эмас, устозимнинг исмлари Тилла бўлиши керак эди.

Жўракул уйидан велосипедда катнарни. Ҳартугул кишлоғи Тиллабойникига қараганда яқин эди. Баъзи кунларигина ётиб қолар, ўша кунлари Адҳам устанинг кўзини шамғалат қилиб, йўлнинг нариги томонидаги ошхонадан, ўзининг таърифи билан айтганда, "юзта-юзта уриб чиқарди".

– Ичмайсанми? – дерди у Тиллабойга сигарет тутунини пуфлаб. – Отангга ўхшамасан-да. Лекин ичмай яхши қиласан, "братишка". Бизнинг "пахан" ичмайди, мен ичаман.

– Балки овозингни ўчириб ўтирарсан-а? – сенсирарди Тиллабой.

– Нима, урасанми? Ур. Қани. юрагинг борми?

Тиллабой тошиб келаётган қазабини зўрға босар, яхшиямки, устахонадаги бошқа йигитлар одамшаванда, дилкаш эдилар. Жўракулни айтмаганда улар билганларини ўргатар, машиналар дунёсининг икир-чикирлари тобора очилиб борарди. Ишсиз юрганию оилани боқиш бир сабаб, Озоданинг васлига эришиш иккинчи ваз, Жўракулнинг керилиши учинчи туртки – Тиллабой ишга жон-жаҳди билан берилиб кетди. Йигитларни унча-мунчага мақтамайдиган Адҳам уста Янги йил арафасида шундай деди:

– Тилла бир-икки ой ишласин, агар ўрганиши шундай давом этса, маҳалламдаги устахонага, каватимга оламан. Бу ердаги енгил таъмирлашларни ўзларинг эплайверасантар. Тилла яхши бола, зийрак, укувли, масъулиятли. Ундан профессионал моторчи чиқиши мумкин.

Ўша кунга негандир Жўракул ошхонада ҳар доимгидан кўп ичиб, устахонада ҳар кимга осилиб, сўқиниб, ҳаммани безор қилди. Тиллабой ишлаган пулини онасига бериш учун уйига кетганди, акс ҳолда ёмон бир тўқнашув содир бўлиши турган гап эди.

### Тўхмат

Бироқ тўқнашувни ҳеч ким тўхтатиб қололмади. Уруш олови ёндими, бугун бўлмаса, эртага атрофни ўт олдиради. Тўқнашувдан аввал мазкур жараённинг узвий қисми бўлмиш бир воқеа бўлиб ўтган эди. Тиллабой кишлоғига бориб, кимни кўрди – Озодани! "Озода келибди" деб эшитганданок кўчасига бир иш баҳонасида боришдан ўзини тийолмади. Чақириб гаплашолмайди, ҳатто рўпара қелганда ҳам. Ё алҳазар, қиз бола

хам кишини шу қадар сеҳрлаб ташлайдими! “Сени севаман, Озода, севаман... севаман... Яна бир бор битта синфда ўқиш учун жонимни беришга тайёрман...” Жинни бўлиб қолаёзди бечора ошик.

Кейин барибир бўлмади: агар кўролмаса, тасодифни кутиб юраверадими? Журъатсизлик ҳам эви билан, ҳеч курмаса синфдошлик сабаби бор.

Ниҳоят, уни амакисиникига кетаётганда учратди. Ўша қалам қош, оҳанрабо кўзлар... Жилмайган эди, Тиллабойнинг бўлари бўлди.

– Отдан йиқилибсанми, Тиллабой? – сўради у. – Яхши бўлиб кетдингми?

– Ҳа. Ўзинг-чи?

– Мен ҳеч қаердан йиқилганим йўқ, – кулиб юборди қиз.

– Ёзда... яна бораман... ўқийман... – тутилиб бўлса-да, нима демоқчи эканлигига ишора қилди Тиллабой. Бироқ Озода бировларнинг орзу ва режаларини тинглаб ўрганиб қолгандек, “яхши”, дедию йўлида давом этаркан:

– Болларга салом деб қўй, – деди.

Тиллабой устахонага қушдай енгил қайтди. Янги йил кунлари Озода кишлоқда, у билан битта хаводан нафас олади, агар синфдошлар йиғилишса, бир дастурхон атрофида ҳам ўтиради.

– Ўв алюминий, бугун кечаси мен ҳам устахонада қоламан, зўр иш бор, – деди Жўракул ширин хаёлларини бузиб.

Тиллабой кўлидаги болтларни темир қутига ташлаб, ортига ўгирилди.

– Охирги вақтларда оғзингга ҳадеб эрк бераяпсан, – деди.

– Йўқ, нега ҳамма гапимга хафа бўлаверасан? – Жўракул ёнига ўтириб, елкасига қафт ташлади. – Қиз бола ҳам бундай тез хафа бўлмайди.

– Ўзингни кўп эркак санайверма.

– Хўп, ака, хўп, – кесатди Жўракул. – Бирор лақаб билан чақирсам, сен ҳам жавоб қайтар, хафа бўлган ит. Масалан, Кундош де.

Тиллабой ўрнидан туриб, бурун парраклари керилиб, лаблари қимтилди. Адҳам уста ва тоғасини юзхотир этиб, ўз қўлини ҳурмат устунига кишанламоғи лозим эди, акс ҳолда майнавознинг башарасига боплаб мушт соларди.

– Кечаси иш бор деганимга сабаб, – Жўракул ҳам ўрнидан туриб, дона-дона сўзлади, – анави “нўл ўн бир”ни эртага олиб кетишади,

демак, машина кечаси билан бизнинг хизматда. Шартта ўтирамизу кишлоғингга борамиз. Озодани чакириб берасан.

– Нима дединг?!

Тиллабой ниҳоят унинг ёқасидан тутди, ракиби эса сурбетларча давом этди:

– Аччиқланма, ўзингни бос. Яхши кўришга сенинг ҳам, менинг ҳам ҳаққим бор. Икковимиз ҳам уни севамиз. Шунинг учун "кундош" деб ҳазиллашяпман. Эшитишимча, Озоданинг кўлидан ҳам ушламаган экансан. Бу майли, муҳими, яқин ўн йил ичида уйланишингга "вопше" кафолат йўқ! Мен эса шу йил ёзда уйланаман, "мамашка"м касал, тўйимни кўриб кетиши керак.

– Яна бир марта Озода десанг...

– Ёқамни кўй. Муштлашсанг, муштлашавераман, лекин сен ишдан ҳайдаласан, биласанми шуни?! Озодага келсак, чакамурман, Озодага уйланаман дедимми, уйланаман! Мен бўлмасам, унга бошқа йигит уйланади, сенга нима фарқи бор! Мана расми. Ўзи берган.

Тиллабой севгилисининг суратини кўриб, Жўрақулни итариб юборди-да, ташқарига чиқиб кетди. Шу кетишда кишлоғига аразлаб кетса керак, деб ўйлаганлар янглишди, орадан кўп ўтмай устахонага қайтиб, индамай ишига шўнғиди.

– Бой бўлганингда бу муаммоларга дуч келмасдинг, – яна гапни кўзради Жўрақул. – Менда тўйга йирилган пуллар бор, сенда-чи? Ўзингча уста бўлмоқчисан, қачон Озодага ўхшаганларни устага бергану қачон устанинг кўли мўмайрок пул кўрган?! Адҳам ака бобосидан қолган тилла тангаларни топиб олган, мен эса бу ерда устачиликни эмас, устахона ишини юргизиш сирларини ўрганиш учун юрибман. Келажакда мен ҳам устахона, машина ювадиган жойлар очаман. "Катта ойликдан кўра кичик даромадли бизнесинг бўлсин", деган мақолни эшитганмисан? Озодага уйлансам, ўқишида ўқийверади, ўша ёқлардан ҳам битта устахона очиб қўяман, баҳонада хотинимдан ҳам хабар олиб тураман. Тўғри тушун, Тилла, сендан Озодани олиб қўяётганим йўқ. Марҳамат, кўлингдан келса, уйлан. Ўқиши учун пул ажратиб туроласанми? Пул бўлганида ўзинг ўқирдинг-да, ука.

– Эй Жўрақул ака, – деди йигитлардан бири, – Тиллабойни ерга ураверманг, балки ундаям пул бордир, сиз қаёқдан биласиз?!

– Гидиклигидан танийман-ку, опанг чечам бўлгур, ейишга нон топиш учун ишлаб юрибди!

– Пулим бор, сеникидан кўп, нима дейсан, дегин, Тилла, бунча кўркасан?! – хитоб қилди бошқаси.

– Ҳа, пулим бор, ҳамма нарсам бор, – деди Тиллабой ишини йиғиштириб. – Кўзим тўқ, нафсим тўқ. Йигитга аввало шу керак эмасми? – У Жўракулга қараб мийиғида кулди. – Сал бўлса ҳам эркақдай бўп юринг, мендан ёшингиз катта-ку, ака. Тулкилик билан эчкизмарлик ярашмайди сизга!

Устахона кулоқни коматга келтирувчи кулгига тўлди. Жўракул алланималар деб Тиллабойга хезланган чор “нўл ўн бир” – “Жигули”нинг эғаси билан Адҳам уста келиб қолди. Негадир иккови ҳам жиддий, қовоғи солиқ эди. Калитни Жўракулдан олиб, машина турган бўлмага кетишди ва бир оздан сўнг йигитларнинг ёнига қайтишди.

– Биз келгунча машинага ҳеч ким тегинмасин, – деди Адҳам уста. – Айритомга тўйга кетяпмиз, тушундинглар-а? Эртага корбюраторини ўзим кўриб бераман, кейин сен – Жўракул таъмирлайсан.

– Корбюраторини кўрдим, – деб Жўракул энди мактанишни бошлаган эди, Адҳам уста унга кулоқ солмай:

– Келишдикми, йигитлар? – деди ҳаммага бир-бир кўз ташлаб.

Бирок вақт ярим кечага етса-да, улардан дарак бўлмади. Шуниси аниқ эдики, тўй кечки ўн бирда тугайди, бундан чиқди, Адҳам уста ва машина эғаси устахонага кирмай, уй-уйларига жўнашган.

Устахонадаги бошқа йигитлар ҳам кетиб бўлишган эди.

– Энди Озодани чақиришнинг иложи йўқ, кеч бўлди, – деди Жўракул ошхонадан ичиб қайтгач. – Кел, шундаям уларнинг кўчасидан “Жигули”да ўтамиз. Қара, магнитофон ҳам бор, мусиқани тешиб юборгудек қўямиз. Кайф! Борасанми?

Тиллабойнинг ичи қизиди, аммо Адҳам устанинг сўзини икки қилиш... Икки ўт орасида қолди у.

– Бормайман.

– Бўлмаса, ўзим кетаман, – нафрат билан қўл силтади Жўракул.

– Адҳам акага чақимчилик қилган эркақ эмас, келишдикми?

– Тўхта!

– Ҳа, рашк кўзидими?

Иккиси бир-бирига ғазаб-ла тикилишди.

– Хўп, бораман, – деди Тиллабой, – лекин Озоданинг уйи орқасида машинани тўхтатмайсан, сигнал чалмайсан, мусиқани баландлатмайсан.

– О'кей, мистер, – дея честь берди Жўракул. – Ўтир... Йўк-йўк, аввал юкхонага "ключ"ларни сол. Бунн охиригача таъмирламаганман, бузилиб қолса, асқотади. – У хожатхона сари кетаркан, қўшиб қўйди: – Юкхонани ёпиш эсингдан чиқмасин, хаёлинг жойидамас сен боланинг!

"Тоғамга сўз бердим деб нега жим юравераман? – сўради Тиллабой ўзидан. – Шундок ҳам лафзимни бузаяпман, устоз тақиқлаган машинада йўлга чиқаяпман... Жўракулнинг хаёлига ҳам келгани йўк, нахотки ҳаёт шунақаларга кулиб бокса... Уни болалик давримдаёқ уриб ўлдиришим керак эди..."

Жўнадилар. Йўллар Тиллабойни кишлокка душмани ила бошлаб кетди. Ўзига ўзи бир қараса соткин, бир қараса даюъс, бир қараса Жўракулнинг малайи бўлиб кўринди. Бирок нафрат билан бирга ажиб сеҳрли тун бағрини очиб борар. магнитофондан таралаётган қўшиқ бутун оламни забт этиб, дунё улкан концертхонага айланган эди. Кишлок чироклари кўринди. Шу уйларнинг бирида Озода ширин тушлар кўриб ётибди. Яқинда у яна Тошкентга кетади, шундан сўнг қачонлардир... ёзда қайтади. Ишқдан сармаст йигитга тунда ёр ором олаётган уй орқасидан ўтиш алланечук ширин азоблар ваъда этмоқда эди.

Бир пайт машина мотори ўчиб қолди. Тушиб, текшира бошладилар.

– Юкхонадан "ключ"ларни ол, корбюратордаги касални бир муолажа қилиб қўяй, – деди Жўракул. – Ҳақиқатан устозимиз кўрмаса, бинойидай ишламайдими дейман.

Мотор тезда ўт олди. Улар кишлокни бир айланиб чиқишди. Эшакдек итлар томорқа четларига чопиб келиб, вовиллаганини айтмаса, тирик жонни кўрмадилар. Кўзлаган манзил томон бурилишди. Жўракул Озоданинг уйини беш қўлдаи билар экан, бир овиз сўрамади.

– Суратни ростдан ҳам у бердимн? – садо чикди Тиллабойдан.

– Ҳа. Нима, исмини айтсанг тилинг узилиб тушадими?

– Озодага барибир мен уйланаман, – деди Тиллабой катъий охангда.

– Ўлимимни тилаяпсанми? – ажабланиб қаради Жўракул.

– Сассиқ ўлигингга зор эмасман.

– Озода меники, Кундош, – заҳарханда қилди Жўракул сигарет тутатиб. – Ўлсам, кейинчалик бевамга уйланмоқчисан-да, тўғрими? Бошқа яна қанақа имкон бўлиши мумкин сенга? Қизлик пайтида уни ҳеч қачон ололмайсан, ука, қафолат бераман! Кимларнингдир

орзуси беваликда ушалар, деган мақолни эшитганмисан? Эшитмагансан. Ўзи бунақа мақол йўк-да! Хах-хах-ха-а!..

Кишлоқда кўп турмадилар. Уриш-жанжалсиз эсон-омон кайтиб келишди.

– “Ключ”ларни жойига чиқариб қўй. Эрталаб эгаси Адҳам ака билан келганда йиғламасин тагин. Минганимизни пишакнинг ўйнаши ҳам билмаслиги керак, “братишка”.

Эртасига худди Тиллабой хавфсираган воқеа юз берди. Адҳам уста ўз машинасига “Жигули”нинг эгасини ўтказиб, куёш чиқар-чиқмас шошилинич етиб келди, хонасидан калитларни олиб, бўлма дарвозасини ланг очди, сўнг...

– Кеча келолмай қолдик, – деб изох берди Тиллабойга. – Машинага ҳеч ким тегинмадими?

– Йўк, – жавоб берди Тиллабой, аммо овозини ўзи ҳам эшитмади.

Адҳам уста “Жигули” юкхонаси копқоғини кўтараётиб, деди:

– Балки айтсам ишонмассан, бу ерга биз бир сумка пул қўйиб кетганмиз, гала мингталиқ. Бу кишига “Газ-31” олмоқчимиз, кеча шунча пулни...

Адҳам устанинг гапи бўғзида қолиб, ранги қув ўчиб кетди.

– С... сумка қ... қани? – деб бир-бирига тикилишди. Кейин бараварига Тиллабойга кўз ташладилар.

– Ким тегинди мошинга?!

Тиллабойнинг рангидан аллақачон қон қочиб, тиззаларига қалтирок кирган, бўлари бўлган эди. Кечаси кишлоққа бориб келишгани шу ондаёқ фош этилди, аммо Жўракул қасам ичиб айтдики, юкхонага қўлини ҳам теккизмаган. Уч марта очилган бўлса, учовида ҳам Тиллабой очган.

Дастлабки сўроқлардан ҳеч бир натижа чиқмади. Икки шогирд ҳам пул кўрмаганликларини айтиб, қасам ичарди. “Демак, мен ўғирлаган эканман-да?!” – фикри фалакка ўрлади Адҳам устанинг. Одамлар хангомани кизитишди: “Машинанинг пулини ҳам устахонага ташлаб кетадими, аҳмоқ. Шогирд бола ўғрига ўхшамайди...” Бироқ тинтув вақтида Тиллабойнинг пиджаги чўнтагидан эллик олтита мингталиқ топилди.

– Бу менинг пулларим! – тасдиқлади “Жигули”нинг эгаси. – Рақами ёд бўлиб қолган!.. Мана, “ТW 8385331”. “83” – ўғлим, “85” – келиним, “3” – неварам уч ёшда дегани, “31” – ўғлимга олиб бермоқчи бўлган машинам. Кечагина шу рақамларга қараб, ҳаёл сургандим. Ишонмасанглар, сананглар, мингталиқдан

йигирматача бор: "TW 8385332", "...33", "...34"! – Оғзидан кўпик тошиб, тушунтира бошлади у.

– Тўрри, кеча пулдан гап чикиб колганди, – деди Жўракул, – Тилла ҳамманинг олдида пулим кўп, деб тан олди. Бу ерга фақат пул учун келган! Умрида мошин тузатишга кизикмаган ҳам! Нега энди битта кўли эгрини деб мен жабр тортаман?! Шундок ҳам кўли кийшик унинг! Худо кўрсатиб қўйибди-ку!

– Бу гапни у Адҳам акалар келмасдан аввал айтганди шекилли, – деди кимдир, аммо бу оклов халоскорлик кучига эга эмасди.

Тиллабой жирканч ўйирликка Жўракул қўл урганини энди фаҳмлади. Ҳатто кечаги сайрни ҳам Озоданинг кўчасидан ўтиш учунгина уюштирамаган, барчаси пишик ўйланган қабих режа ижроси эди. Устахона очиши, Озодага уйланиши, ошхоналарга тез-тез кириб туриши учун Жўракулга пул керак эди. Тиллабой жон-жаҳди билан унга ташланди, то иккисини ажратиб қўймагунларича каззобнинг оғзи-бурнини қонга бўяб ташлади. Жанжал устига бир одам пул тўла сумка кўтариб келдию ҳамма анграйди-колди. У йўлнинг нариги томонидаги ошхонада гўлаҳлик қиладиган ювошгина киши эди. Айтишича, кечаси бир шарпа устахонадан чикиб, ярим чакирим наридаги зовур бўйига тушибди. Гўлаҳ ўйирлик ҳақида эшитиб, бориб кўрса, қувур ичига сумка тикиб қўйилган эмиш. Шартта кўтариб, бу ерга келибди.

Пул санаб кўрилганда, чорвадорлар тилида айтганда, битта молнинг пули кам чикди. Ҳақиқатан, Тиллабойнинг этигида зовур лабидаги қора лойнинг юкини кўрдилар. Ёш умри увол бўлмасин, деб милиция чакириб ўтирмадилар. Ишдан бўшатилиб, молнинг пули бўйига қўйилди.

– Сутини сингилларим ичиб ўтирган биттаю битта сигиримизни сотганларингни кўргунча ўлганим маъкул, – деб йиғлаб юборди у.

Тораси ҳам чакиртирилган эди, чуқур ух тортиб, юзини терс бурди.

### *Умид шаҳри*

Шармандали мишмиш кишлокқа аллақачон ёйилиб бўлганди. Тиллабой "ўрри эмасман" деб минг бор онт ичса ҳам, мишмиш ролиб чикди. "Озода ҳам эшитган!.." Тиллабой уйига киргач, аламли инграб юборди. Сўнг зарур кийимларини йиғиштириб, сингиллари билан хайрлашиб, онасининг қошига борди.

– Эна, Тошкентга кетяпман, – деди тўсатдан. – “Тачка” судрайман, ойма-ой пул юбораман, сигир оласизлар... Отам қани?

– Отангни нима қиласан? – Энагул кўз ёшларини яшириш учун ўчоққа янада энгашиб, ўт пуфлади.

– Мен ўрри эмасман, – деди Тиллабой.

– Тухмат қилганни Яратганга солдим, – она бир нуктага тикилиб қолди. – Тагин Жўракулни сўйиб-пўйиб қўйма, жон болам. Тошкентга кетаётганинг рост бўлсин.

– Сиз учун ҳам уни ўлдирмадим, – деди Тиллабой.

Шундай деган эса-да, калбида манфур тухматчига нисбатан чексиз адоват, қасос, нафрат оловлари ловиллаб ёнмоқда эди. Қишлоқнинг кенг кўчаси қолиб, бекатга кимсасиз томорқалар оралаб жўнади. Унинг учун энди на Озода, на осуда хонадон бор эди. Ёлғиз Яратгандан умид қилар, яхшиликдан сачраган бир учкун иситарди музлаган, бўм-бўш юрагини.

Шу орада уни кўриб қўйишди.

– Хей, Тилла-а! – бақирди дашт томондан кимдир қўлини оғзига қарнай қилиб. – Бу ёққа ке-е-е! Сенга айтаяпман-ов, гарангмисан?!

– Боринг ханёққа! Мен кетяпман!

– Хе знангни!.. Бу ёққа ке дедим! Отанг Жўломон тепалигида маст бўп, думалаб ётибди! Совик котиб ўлади! Уйингга олиб бориб ташлайсанми, йўқми?!

Тиллабой тўхтади. Охирги марта отасига яхшилик қилиш ҳақида ўйлади шекилли, йўлини ўнгга буриб, Жўломон томон ўрлади.

– Битта от олиб берсанг бўлмайдами? – кесатди ҳамқишлоғи.

– Отга ишқибозлик қиёматли, шуни билиб қўй. Сен эса бор отни ҳам йўқ қилдинг. Тоза бетайин бола экансан-да!

– Отам қани?

– Ётибди деб қақшаяпман-ку!

Меҳнатбой совуқданми, кўп ичиб қўйганиданми, кўкариб кетган, аммо бурни шолғомдай кизил, кўзларини юмиб, алаҳсираб ётарди. Тиллабой қўлтиғидан кўтарган маҳал:

– Яшамайман... тўйдим... ҳеч нарса керакмас... – деди ва орқасидан қўланса сўзлар билан сўкинди.

Тиллабой илк бор отасининг кўзларида катта-катта, думалок ёшларни кўрди. Отига, ушалмаган орзуларига, барбод бўлмиш рўзғорига қуяр эди у. Ким билсин, балки номи ўғрига чиққан нотавон фарзанд ҳам укубат келтираётгандир? Бировнинг чўнтагидаги пулни билиб бўлади, аммо ҳислар маънисига йўл

каёқда дейсиз. Ё муносиб ота бўлолмагани учун ўзини ўзи сўкаётганмикан?

Кўни-қўшни болалар ёрдамлашди. Отани ўлиқдай кўтариб, иссиқ уйга ётқиздилар. Тиллабой уйдан чиқаётганда, падарининг аниқ-тиниқ айтган гапини эшитди:

– Отни ўлдиргунча мени ўлдирсанг бўлмайдами, нонсўғор?!

Тиллабой ҳеч ким билан хайрлашмади. Томоркалар оралаб эмас, кенг кўчадан кетаверди. Бировнинг бетига қарамади. Кўзлар ердан, ер эса кўзлардан нигоҳ узмади.

Қарши-Тошкент йўлига чиқди. Аксига олиб ярим соат ичида бирорта автобус тўхтамади. Катта бекатга бориши керак эди, пиёда йўл олди. Узоқда Адҳам ака устахонасининг оқиш биқини кўриниб, нохуш туйғулар кўнгил дунёсида ривирлаб қолди. Устахона ёнидан яёв ўтмаслик учун Тиллабой бекат элтиб қўядиган машина кутиб турди. Бир пайт "Нива" секинлаб, йўл четида тўхтади. Мотори ўчиб қолганига қараганда, бузилган эди. Ҳайдовчи бир иш чиқаролмагач, Тиллабой изига қайтиб, унга салом берди.

– Ука, яқин ўртада устахона борми? – сўради хайдовчи.

– Хув ана.

– Эҳ-ҳе, узоқда экан. Жон ука, итаришиб бор, ўша ёққа кетаётганга ўхшайсан.

– Қани, капотни очинг, менинг ҳам устачиликдан хабарим бор.

– Нима бўлганига тушунолмадим, бу эски арава жонга тегди, – деди хайдовчи қопқокни кўтарар экан.

Тиллабой мотор устига энгашаркан, устачиликка бекиёс боғланиб қолганини илк марта ҳис этди. Ижодга ташна, илҳоми қайнаб турган шоир қоғозга қандай ютоқиб ташланиб, шеърлар битса, у ҳам бутун вужуди билан моторга сингиб кетгудай ёпишиб, бузилган қисмни ахтарди. Орадан бир неча дақиқа ўтди, холос.

– "Мундштук" ишдан чиқибди, ака, – деди Тиллабой. – Устахонага олиб борсангиз, қўйиб беради, бу кетишингизда яна ўчиб қолади, "спирал"ига кафолат йўқ, қуймаган бўлса ҳам, тамом бўпти ҳисоб.

Икковлон машинани устахонага итариб келишди. Майдонга бурилгач, Тиллабой хайрлашди, бу ердагилар уни кўришни истамасди. Бироқ осмондан тушдими, ердан чиқдими, майдон ўртасида турган машина олдида қўлларини артаётган Жўракул пайдо бўлди. Ёнидаги уста йигитга Тиллабойни кўрсатиб, нимадир деб кулди. Тиллабой ўзи ҳам билмаган ҳолда тухматкашнинг устига бостириб борди.

– Яхши иш топибсан, – илжайди Жўракул. – Машина итариш ҳам ёмон касб эмас, “братишка”.

– Сени эркак эмас десам, одам ҳам эмас экансан. Ҳатто аёл тукқанига ишонмайман. – Тиллабой унинг кўкрак чўнтагидан Озоданинг суратини юлкиб олиб, майда-майда қилди. – Бунчалик ифлосликни қаердан ўргангансан-а?! Пулни ўғирладингми, тан ол, ит! Бировнинг бўйнига қўйиб... қон кусасан ҳали!

– Бўлдингми? – деди Жўракул лаби гезариб. – Ё яна нимадир деб сасийсанми?

Бу сафар Тиллабой ўзи ҳам кутмаган тарзда шу қадар зарб билан урдики, оёғи осмондан келиб, асфальтга чалпак бўлиб тушган Жўракулга бир зум ҳайрон қараб қолди. Рақибнинг оғзи қонга ғарк тўлди, туфлай олмай, ўрнидан гандираклаб турмоқликка уринди. кўзлари очик, аммо ҳуши ўзида эмас эди. Мувозанатини саклаёлмай, чалқанча йикилиб, шу қўйи буткул ҳушсиз қотди. Тиллабой катта йўл бўйлаб, боши оққан томонга жўнаб қолди. “Ўлиб қолмаган бўлсин-да, – деб ўйлади. – Палакатни нега урдим-а?! Лаънати, бошимга битган бало бўлди... бир камим қамалишим қолувди... Ўтган йили бир кишининг жағини синдиргани учун нариги қишлоқлик иккита бола ярим йилча қамокда ўтирганди. Жўракул ҳам судга беради, ўғирланган пулни ҳам аризага тиркаб қўяди, бунақа ишлар қўлидан келади унинг...”

Бекатга етиб, бир четга ўтирди. Кўп ўтмай “Нива” келиб тўхтади. Ҳайдовчи нос олишга тушиб, Тиллабойни кўриб, чехраси очилди.

– Сен ҳаммасидан зўр уста экансан-ей, – деди бошмалдорини кўрсатиб. – Отангга раҳмат! Улар “мундштук” қуйибди, деди. Мен эса ҳеч қанақа қуймаган, “спирал” айтганни қилмай қолаяпти, деб ташхисингни айтдим. Қуйиш билан ишдан чиқишнинг фарқига бормас экан... Лекин анавинисини ёмон урдинг-да, оғзи бузилди. Мелисага бераман, деди, кечирим сўрасанг бўлар-ов.

Қизил “Икарус” тўхтаб, одамлар йўл ҳақини савдолаша бошлашди. “Собир Раҳимов”, “Ипподром” деган овозалар қулоғига чалингач, Тиллабой автобусга чиқди, охирига бориб ўтирди ва кўзини юмди. Чирокчи даштлари, Нуробод тоғлари, лип-лип ортда қолаётган қишлоқлар, сўнг Самарқанд шаҳри, Чўпонота, Жомбой ун комбинати, Ғўбдин тоғи... Ҳар кўзини очганида, кўринган манзаралар унга олисларда қолаётган она қишлоғини, Озодани, йўлларига кўзи нигорон оиласини

эслатарди. У ўқишга ўтиш, ҳаётдан ўрнини топиш, ёр васлига эришиш учун ёзда бу йўллардан қанчалар бахтманд ўтган эди-я! Энди эса отасидан юз ўгирган, отаси эса ундан юз ўгирган, оиласини охирги сигирдан жудо қилган ва милиция ахтараётган жиноятчи... Буларнинг ҳаммаси бир бўлди, Озодадан айирилгани бир. Йирламасликка уринди, аммо хўрлиги келиб, кўзига ёш тўлиб келаверди. Ҳадемай бу йўлдан, худди у бораётган Тошкент шаҳрига Озода ҳам йўл олади, Озода билан битта шаҳарда яшайди, бир ҳаводан нафас олади. Бироқ уни ҳатто шу қиз ҳам тушунмайди. Тушунishi учун Тиллабой нима каромат кўрсатди? Дашту далаларда юз марталаб "Озодани севаман!" деб қичкиргани билан наҳотки бирор нима ўзгариб қолган бўлса?!

"Менга ишонмайди, – деди Тиллабой. – Нега ишониши керак?! Ўзимча яхшиман, бошқалар учун-чи?.. Балки ростдан ҳам отам хафа бўлса хафа бўлгулик феълим бордир? Бироқ менга отам қарашмаганини биламан, Жўракул тухмат қилганидан хабарим бор, Озода ўқишдан йиқилганим учун руйхушлик бермаяпти – мен англаган ҳақиқатлар шу. Бундан бошқа нима бор?!"

Тошкент Асрорни ютиб юборган эди. Яхшиям, бир қашқадарёлик аравакаш ўз юртдошини эслаб қолган экан, унинг бошқа бозорга ўтиб кетганини айтиб, манзилни тушунтирди. "Тополмасангиз, қайтинг, "зем", квартира бор", деб қорозчага манзилини ёзиб берди. Бошқа бозордан ҳам Асрорни тополмади, ярим кечаси минг машаққат билан қорозчадаги манзилни ахтариб келди.

– Ўрнимга ишга чиқинг, – таклиф айтди ўша йигит. – Менга вақтинча зўр иш топилиб турганди, аравамни бегонага бериб қўйгим йўқ, дўстим.

Тиллабой олти кун ишлади. Еттинчи кун Асрор сўроқлаб келди ва:

– Иш чатоқ, Тилла, – деб бир четга чакирди. – Сени иккитаси ахтариб юрибди, устахоналарни бир-бир текшириб чиқишяпти. "Тачкачилик" қилиб юрганингдан ҳам гумонлари бор, ҳадемай бу ергаям келишади. "Нима ишқал қилган?" десам, устахонадаги устанинг жарини, тўртта тишини синдириб қочган, дейди. Кимни ургандинг бунча?

– Жўракул тентакни-да, – деди Тиллабой ва бўлган воқеаларни сўзлаб берди.

Ғазабдан йигитларнинг кўзларидан ўт чакнаб, қўллари мушт бўлиб тугилди. Улар ҳали бундай номардликни эшитмаган эдилар. Қанийди Жўракул шу ерда ҳозир бўлсаю увадаси чиққунча тепкилашса.

– Қўркманг, сизни биз химоя қиламиз, – дейишди ижара уйдаги юртдошлар. – Улар ок-қорани ажартолмайдиган кўр бўлса, мана, бизнинг икки кўзимиз очиқ!

### Учрашув

Кунлар исиб қолди. Қиш тугашига вақт бор эса-да, Тошкентда баҳор ҳавоси эсиб юрар, бурчак-бурчаклардагина қиш қолдири – қорни кўриш мумкин эди. Тиллабой аравакашликдан топган пулларини Асрордан бериб юборган эди. Сонияма-сония йўл қарайди. Асрор тақдир хабарчиси ҳам эди.

– Жўрақулни урганингни тоғанг босди-босди қилибди, – деди Асрор қайтгач, бозор дарвозаси олдида учрашганларида. – Ҳамма жойда сени гапиришяпти. Бўлмағур, касофати, дарбадар чиқди, дейишяпти. Ўша Жўрақул кимларнингдир ёрдами билан ўзи устахона очибди, топиши зўрмиш. Камера ямаш, балансировка, яна алламбалолар қилаётганмиш, ишчилари бор экан ярамаснинг. Отанг эса... тамом бўлибди. Энанг ҳам. Яна бир хабар. Айтсам хафа бўлмайсанми?

– Хурсанд бўладиган бирон гап эшитдимми сендан?

– Жўрақул совчи жўнатибди.

Тиллабой юзини четга бурди.

– Озодага, – деди Асрор. – Одамларнинг гапига қараганда, берадиганга ўхшайди. Ҳозир фотиҳалаб кўйишса, келгуси йил иккинчи курсни тугатганда тўй қилишармиш. Ўқиш битгунча эр-хотин Тошкентда яшаб турармиш, Жўрақул "мойка" очаман, деб Мирободдан жой ҳам қидираётганмиш... Озода билан маҳкамроқ гаплашганмисан ўзи? Жўрақулнинг Тошкентда яшаб қоладиган шашти йўқ эмас, Тилла.

– Гаплашмайман, кўзи очиқ бўла туриб, одам билан ҳайвоннинг фарқига бормаган киз керакмас, – деб Тиллабой ўрнидан турди ва аравасини судраб, бозор ичкарасига жўнади. Кимдир "Ҳой, арава, бўшмисан, бу ёққа кел", деган эди, қайирилиб ҳам қарамади. Фурур уни ўша куни пулсиз қолдирди.

Устахоналар ёнидан бепарво ўтолмас эди. Бироқ иш сўрашга негадир журъат қилмас, ўзини ҳақиқатан ҳам ўрри, хатто хоин деб ҳис этарди. Адҳам устадан неки ўрганган бўлса, аввало устознинг ўзи самара кўриши керак, деб ўйларди. "Чала-чулпа ўрганган хунарни ишга солиб, чўнтагимни қаппайтирсам, ок фотиҳа олмаган шогирддан темир пирлари ҳам норизо бўлмайдиларми?" дерди ичида.

– Ҳой, бўшмисиз? – жарангдор овоз эшитилди бир куни.

Караса, бошдан-оёк пўрим киз турибди. иккала кўлида елимхалта.

– Соливолинг, – халталарни узатди у. – И оркамдан юринг, хали кўп нарса харид қилишим керак. Бугун турилган куним... Имилламасангиз-чи!

Шу пайт бир йигит кўлида машина калитини ўйнаб келиб қолди, киз у билан салкам ўпишиб кўришди. Қиз ва йигитнинг бунчалик қалин бўлишини Тиллабой фақат чет эл фильмларида кўрган эди.

– Озош кани? – сўради киз.

– Машинамда ўтирибди, кино жуда таъсир қилди шекилли, ҳеч ўзига келолмаяпти. Лекин "тачка"нинг зўридан танлабсан, бир тоннага етгудай бозорлик қилмоқчимисан, нима бало?

Икковлон киши билмас тарзда Тиллабойнинг ҳам, араванинг ҳам устидан кулиб, аравани энг сара маҳсулотларга тўлдиришди.

– Сен хафа бўлмагин, – йигит Тиллабойнинг елкасига қокди.

– Биз шунақа хазилкашмиз. Қайси вилоятдансан? Қашқадарё, Бухоро ё?..

– Қашқадарё, – деди Тиллабой.

– Озошнинг "зем"и, – узумни оғзига солган киз қулди.

Тиллабой Озош деганлари Озода эканини фахмлади, лекин шундай катта шаҳарда унга шу алфозда ўз Озодаси дуч келишига ишонмади. Қолаверса, Озодадай киз анави олифта билан машинада ёлғиз юрмаса, киноларга кирмаса керак. Наҳотки у... "Йўқ! Бўлиши мумкин эмас!.."

Хаёл билан бўлиб, машинага етишига уч-тўрт кадам қолганда ариқ лабини чўтлашда янгилишди. Ўнглаб қолишга қанчалик уринмасин, бўлмади, арава бир ёнга оғиб, ағанади. Елимхалталардан иккитасидаги қимматбаҳо конфетлару ширинликлар сочилиб, торт ҳам пачоқ бўлди.

– "Скотина"! – Қиз вазоҳатли тусга кириб, Тиллабойни сумкаси билан урди. – Кўзингга карасанг бўлмайдим, келгинди! Тўлайсан! Эллиқ минг сўмлик конфет, эллиқ минг сўмлик торт!.. Ие, гўштларга ҳам балчиқ сачрабдими?!

Олифта йигит ичаги қотиб қулар, киз Тиллабойни сўкар, савалар, нарсаларига ичи ачиб, тинмай чийиллар эди. Машина эшиги очилиб, хайратдан кўзларига ишонмаган бир сулув киз тушди. У шу қадар ясан-тусан қилган, ўзига зеб берган, сочини артистларникидай турмаклатган эдики, дастлаб Тиллабой танимади. Кейин эса...

Ха, у Озода эди!

– Озода, манами мишики “зем”инг... – деб яна алламбало ҳақоратларни ёғдирмоқчи эди, Тиллабой таннознинг кўлидан тортиб, силтади. Бундай қилмоқчи эмасди, барчаси ихтиёрсиз равишда оний лаҳзада содир бўлди.

Ва шундай деб ўшқирди:

– Ҳаммасини тўлайман! Қиз бола бошинг билан бунча кутурасан, бетарбия?!

– Қўйвор кўлимни! – Танноз бўш кўли билан Тиллабойга тарсаки туширмоқчи эди, уддалаёлмади.

– Аравани ағдардим, айбим бор! – Тиллабой иккинчи кўлидан ҳам маҳкам ушлади. – Лекин сендақа тарбиясизни биринчи кўришим! Ҳайф сенга қиз бола деган ном! Қанча сўрайсан, қанча?! Оғзингга сикканини айт, лекин... Яхшиям, қиз боласан!

Тиллабой уни итариб юбориб, аравага важоҳат билан тармашди, ариқдан юлқиб чиқарди. Озода дув кизарган, танноз эса гандираклаб кетганча аламдан анграйиб қолганди. Шунда олифта йигит: “Кимни ҳақорат қиляпсан, туршак?!” – деб Тиллабойнинг ёқасидан олди, урмоқчи бўлди.

– Сен аралашма, нари тур, – дея Тиллабой уни ҳам итариб юборди.

Катта жанжал чиқиши тайин эди, аммо шу дамда бозор дарвозасида турган аравакашлар етиб келиб, орага тушишди. “Сизни биз кўриймиз” деганларида фаришталар омин деган эканми, мана, Тиллабойни бир танноз ва олифтанинг чангалидан халос этишди: ўзаро пул йиғиб, шу заҳотиёқ тўлашди, ховурлар босилди...

Йўқ, ховурлар босилгандек туюлди. Тиллабойнинг ичидаги олов баттар лангилламоқда эди. Нега итга қарагандек қарашди унга? Аравакашликнинг айби борми?... Бу-ку майли, Озода нега мик этмади? Худди Тиллабойнинг ҳолидан уялгандек, жиркангандек шарт бурилдию жўнаворди. Тиллабой “Сенларнинг анави курсдошларинг менинг синфдошим, ҳамқишлоғим, севгилим”, демайди-ку, ахир. Бирок Озода дугонасига бир оғиз шипшиб қўйса, зари тўкилиб қолмасди:

“Кўйинглар, у менинг синфдошим...”

“Кўйинглар, у ҳамқишлоғим...”

“Кўйинглар, у севган йигит...”

Йўқ, бу гапларни Озода ўлса ҳам айтадиганга ўхшамасди. Бу Озода бутунлай бошқа эди, муштдайлигидан таниган, ўн йил бир синфда ўқиган, кечалари ўйлаб чиққан ҳуриликка эмасди у.

Озоданинг уч хил овози, уч хил нидоси Тиллабойнинг хаёлотида бир зум жаранглагандек туюлди, сўнг ҳеч қачон

мазкур сўзларни эшитмагани каби буткул ўчди-кетди. Шу кўйи ижара уйга келиб, ўзини уникқан тўшакка ташлаб, кўзларини чирт юмди. Ҳаққига кўчганда, у жанжал чоғида Озодадан заррача кўмак ёки шунчаки аралашувни кутмаган эди. Даҳшатли ҳақиқат воқе бўлгандек, бир нарсани ҳеч ҳазм қилолмасди: Озода, бу – бирор йигит кўчага чақирса ёлғиз чикмайдиган қишлоқнинг ҳаёли, иболи қизи эмасмиди? Наҳотки у қандайдир йигит билан машинада, кинода, бозорда ош-қатиқ! Балки буни йигит ва қиз ўртасидаги дўстлик деб ўз-ўзини алдаш керакдир? Унда Қашқадарё даштларида кезиб юрган, бепоеъ даштликни кучган, тўйларни оралаган, келинчакларнинг ёпинчикларини торткилаган, қарияларнинг юзига ажин туширган ғурур шамоли қаерда қолди? Қишлоқни улкан экскаваторда тағ-туби билан қазиб олиб, яримйаланғоч одамлар яшайдиган қайсидир қитъага элтиб ташлаш керак экан-да?!

– Унга уйлангунча юрагимни узиб, итларга едираман, – деди Тиллабой. – Келиб-келиб шу юргич қизга қуйдимми, эҳ, шўрим бор-а?!

Ижара уйда бошқа ҳеч ким йўқ эди, йигитнинг кўз ёшларидан ёстик хўл бўлди. У нима демасин, нима ўйламасин, қайсар юраги барибир Озодадан бошқасини демаслигини тушуниб етмоқда эди. Бир неча кун уйдан чикмай ётди. Касал бўлди, деб ҳамхоналари шифокор чақиришди.

– Сопла-соғ, – деди шифокор, – қаттиқ тушқунлик оқибатида одам кўпинча ўзини касал ҳис қилади. Қайфиятини кўтариб, ишга киришиб кетсин, масала ҳал, ўртоқ аравачи биродарлар.

Тиллабой яна ишга чиқа бошлади, лекин Озодани учратиб қоладигандек беихтиёр атрофга аланглар, гоҳида қизлар лип этиб Озода қиёфасига қирар, якин келгач, бегонага айланарди. Тиллабой аравакашлик касбини давом эттиролмаслигини юракдан сеза бошлади.

– Қаерда ишламоқчисан ўзи? – сўради Асрор. – Бирорта устахонага учрашдингми?

– Нега энди устахонага? – янада чўкди йигит.

– Устачиликни бошладингми, ташлаб қўйма, Тилла. Бу сенга энг тўғри маслаҳат. Озодага келсак, шароитингга қара-да, жўра, нима қиласан уни? Уйлангунингча ҳали Озодаларнинг ўнтасини кўрасан. Йигит йигирма бешдан кейин уйлангани маъқул, йигирмадаги хотин йигирилмаган бўлади.

– Мақолингни маъқуллаганга айт, мен кетдим... Ростини айтсам, аравани ҳозирок топшираман. Нолимайман, яхши иш экан, лекин мен... шу... сен айтгандай, ўз касбимни ташлаб

кўймаслигим керакка ўхшайди.

Тиллабой бозордан чикиб, ижара уйга пиёда йўл олди. Бугуннинг ўзида устахоналарни кезиб чиқмоқчи эмасди, ҳали ҳам иккиланарди у. Дорихона бекатига етгач, кўзига иссиқ кўринган кизга тикилиб қолди. Озода!.. Ё яна кўзига кўринаётганмикан? Йўқ, ўша. Ана, у ҳам қаради.

– Яхшимисан? – куруккина сўрашди киз. – Тошкентда ҳам тинч юрмайсан. Боладинг мени! Яхшиям, таништирмабман.

– Ўша куни...

– Илтимос, бўлди, эсламайлик, – гапни бўлди Озода. – Шарманда бўлишимга сал қолганини ўйласам, кўриб кетаман. Худо бир саклади.

– Мен шарманда қилдимми?! – илк марта Тиллабой унга разабнок бокди.

– Бўлди, гаплашмайлик шу ҳақда... Мен кетдим, автобусим келаяпти. Шу ерда квартирада тураман, тўрриси, сени бозорда бир неча марта кўриб, кўрмаганга олиб юргандим. Унутма, бу ер Чирокчи эмас, Тошкент. Сал у ёқ-бу ёққа қараб юр, илтимос.

– Сен ҳам унутма, – деди Тиллабой қизнинг орқасидан, – чирокчиликсан!.. Шу атрофда квартирада турар экансан, тушдан кейин қаерга кетаяпсан?

Озода тўхтади.

– Бирор ишинг борми? Менимча, биз сирдош ёки ака-сингил эмасмиз. Ўзингни тутишинг билан шундай аҳволга туширдингки, бундан кейин ҳам сени ҳамкишлорим ёки синфдошим дейишга ўлади одам.

– Ким? – деб сўради Тиллабой жавоб аниқ айтилган эса-да.

– Нима “ким”? – елка қисди Озода ва автобусга чикиб, устундан ушлаганча Тиллабойга қайирилди, кўз узмади йигитдан. Эшик ёпилиб, автобус мисоли қайиқдек сузиб кетди.

Тиллабой бекатда хийла вақт туриб қолди. Кейин бирдан бу ерларда ҳам яшагиси келмай кетди. Дунёда энг бахтсиз, омадсиз, шўрпешона банда бўлса, у ҳам Тиллабой эди гўё. Бирок беқарорликдан ҳам тўйган эканми, ўзидан ўзи рижинди. Дам бу ёқда, дам у ёқда улокиб юраверадими?

“Ишлайман! – деди у катъият билан. – Ҳеч қаёққа кетмайман...”

### Расул ака

Кўпқаватли уйлар оралаб, ижара уйга яқинлашгач, қапоти очик эски, ялтираб турган қора машинага кўзи тушди. Адашмаса, бу “Победа” русумлиси эди. Учраган бузук

транспортга тумшуғини суқишни ёқгирмасди, аммо яқинроқдаги йўлакдан ўгаётганида, моторга энгашган киши етмишларни қоралаб қўйганини, уринавериб ҳолдан тойганини кўрди. Шўрлик телефон ракамларини терди, устаси кўтармади шекилли, атрофга алам билан кўз югуртириб, депсинди.

– Ассалому алайкум, бова, – қўлини кўксига қўйди Тиллабой.

– Ёрдам-пордам керакмасми?

– Нима дейсан?

– Ҳалиги... – Тиллабой бурилиб, кичик майдончани кесиб ўтди-да, йўлга чикди. – ...мен сал-пал тушунаман, шунга ёрдам керакми дегандим... Узр лекин, бова.

– Ёрдам бермоқчисану яна узр сўрайсан. Кимсан ўзинг?

– Бозорда "тачка" судрайман... Аникроғи... судрардим, бугунгача.

– "Тачка"нгдан бунинг фарқи бордир, ука?

– Битта-иккита машинани тузатганман.

– Бу мошинга тишинг ўтмайди, энг катта усталарга қаратиб юрсам ҳам, кўраяпсан, ноз қилиб ўтирибди.

– Моторни бир қўшиб кўрасизми? – деди Тиллабой у ер-бу ерини кўздан кечиргач.

Мотор ўт олишни истамасди. Машина эгаси яна усталардан нолий бошлади. Бундок олиб қараганда, башанг кийинган кекса ҳайдовчи ғалати кўринарди кишига: оёғида қиммат туфли, оқиш шим, гулдор кўйлак; бошидаги шляпани ҳам ҳозирда унча-мунча одам киймайди. Соати ва бармоғидаги узук, шубҳасиз, тилла, катта кўзлиси. "Бой бўла туриб, "Победа" миниб зарил экан-да! – деди Тиллабой ичида. – Аксинча, усталар бундан нолиса арзийди..."

– Ўтган ҳафта минг сўмлик конденсатор учун юз минг сўмим кетди, – қўлини ҳавога бигиз қилди машина эгаси. – Конденсаторда айб борлигини билмай, у ёк-бу ёғини қовлаштириб, алмаштираверганидан усталарнинг ҳамёнлари семирди, холос.

– Симларнинг учқунланишига қараб, конденсатор ишламаётганини аниқлаш учун факат кўз эмас, мия ҳам яхши ишлаши керак, – деди Тиллабой.

– Виждон ҳам, – қўшиб қўйди Расул ака.

– Учқун айтарли даражада бўлмаса, билингки... Ие, жиклёрнинг ичи тўлиб қолибди-ку, бова. – Карбюратордан шубҳаланиб, текшира бошлаган Тиллабойнинг юзи ёришди. – Калитни бураганингиздаёқ учта жойдан гумоним бўлди, икковимизнинг ҳам омадимиз бор экан. Худога шукр, биринчи гумондан топилди.

Кўп ўтмай “Победа” мотори гуриллаб ишлади.

– Э, раҳмат-е! – машина эгаси кабинадан тушиб, Тиллабойни кучоқлади. – Сени бир гўл қишлоки бола десам, бу дейман, устаси фаранг экансан-ку! Яна бозорда “тачкачи”ман деб бошимни котирасан-а! Кел, танишайлик, исмим Расул. Сеники-чи? Хойнахой, ё Самарқанд, ё Жиззах, ё Қашқадарёдансан. Менинг ҳам учта гумонимдан бири тўғри чиқдими?

– Тўғри чиқди, бова, исмим Тиллабой, қашқадарёликман. – Тиллабой кўлини артаётиб, моторга ишора қилди. – Трамблёрнинг контакти яқинда кетади, албатта таъмирлатинг. Сув томчилаётганига қараганда, сув помпаси ҳам чарчаган. Шуларни бинойидай қилсангиз, машина отдай чопиб юради. Менга айтишганки, уста учун эски машина ҳам, янгиси ҳам бир.

– Отга яхши ўхшатдинг, – жилмайди Расул ака. – Қарсаклар! От ҳақида гапирганнинг отасига раҳмат дегим келади. Қойилман, сен болага! Хизмат ҳақингни сўра, канча берай?

– Керакмас.

– Боймисан?

– Ўхшайманми? – кулимсиради Тиллабой.

– Ўхшаш шартми?! Нима, мен ўхшайманми? Машинага ўтир, меникига бориб, бир пиёла чой ичасан. Ўзим уйингга “Жип”да ташлаб қўяман. Боядан бери бобо дейсан, момонгни ҳам бир кўр-да, хаҳ-хаҳ-ха-а!..

Тиллабой ҳам кўшилиб кулганди, Расул ака хитоб қилди:

– Қарсаклар!

Ғам-аламдан чалғиган Тиллабой вақт ўтказишга қарорга қилиб, Расул аканинг раъйини қайтармади. Расул ака йўл бўйи йигитдан пойтахтга қандай келиб қолгани, қайси касб билан шуғулланганию энди нима иш қилмоқчилиги – барчасини сўраб-суриштириб борди. Тиллабой отаси ва қора от ўлими, устакхонадаги воқеа, Озода ҳақида индамай қўя қолди.

– Лекин нега кетдинг устачиликдан? – дея Расул ака икки-уч қаватли серҳашам, кунгурадор уйлар кад ростлаган маҳаллага машинани бурди.

– Пул ўғирладинг, деб тухмат қилишди. Ҳеч қачон бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмаганман. Устозим ҳам мендан хафа, қаттиқ норози, шунинг учунми, устачилик соҳасида ишлашга журъат этолмай аравакашликка ҳам рози бўлиб юргандим.

– Сенбоп бир иш бор, – деди Расул ака. – Хоҳласанг, ишлайсан, хоҳламасанг, мажбурлаш йўқ.

– Нима иш экан?

– Ҳозир кўрасан, – шундай деб Расул ака икки қаватли уй

дарвозасида "Победа"ни тўхтатди. Ҳовлига киргач, Тиллабойнинг хайратдан оғзи очилиб қолди. Узун равок остида тўртта эски русумдаги машина қаторлашиб турарди, сал наридаги замонавий "Жип" ва оқ "Эпика" эса ҳашамдор ҳовлига янада кўпроқ ярашганди.

- Гараж бўп кетибди-ку! – хайратини яширолмади Тиллабой.
- Музей, – таъкидлади Расул ака.

Ҳовли бурчагидаги ойнаванд эшик очилиб, кекса аёл кўринди. У нотаниш йигитга бутун вужудини кўз қилиб тикилгач, алланима деб қўл силтаб, ғойиб бўлди. Тиллабой хонадон соҳибасига салом берганидан сўнг Расул акадан сўради:

- Момом шу кишими?

– Ҳа. Баъзан жаҳлим чиқса, машиналаримни сотиб юбораман, деб кўркітаман. Ҳозир сенга қарадию харидор эмаслигини англаб, Худога шукр қилди. Бу кирчанриларни қизиқ устида сотиб юборсам, касал бўлиб қолишимни, касал бўлдимми, бир ой ҳам яшамаслигимни билади. Энди қаридим, аввалги кучқувват қани дейсан! Лекин кирчанри деб зўр ўхшатдимми, қарсаклар!.. Бир вақтлар отга қизиққанман, бир кечада ҳамма отимдан – еттита арғумокдан айрилганман. Ўшанда одам бўлиб кетганим мўъжиза эди, дўхтирлар ҳам ўлади дейишган, ўлмадим. Эҳ, бўтам, ҳаёт учун курашганман-да! Ўрнимда бошқа бўлганида ё ўларди, ё аламини ароқдан олиб, алкашга айланарди. Кўзларингдаги мунгга қараганда, сен ҳам қийинчилик кўрганга ўхшайсан. Ҳеч қачон бўш келма! Синма! Доим енгинг шимарилган, юрагингда ўт ёнган, бўри бўлиб юр. Биз – ҳаммамиз кўк бўрилар авлодимиз. Бу дунёда ишдан, душмандан, таваккалдан кўрқадиган йигитларни йигит ҳисобламайман!.. Қарсаклар!

– Худо саклабди, бова, умрингиз узок бўлсин, – деди Тиллабой. – Момом хавотир олганига қараганда, бугун кўчага "Победа"ни аччиқ устида миниб чикиб кетганмисиз дейман?

– Сен аввал кўзингдаги мунгнинг сабабини айт, чалғитма мени. Нега отлар ҳақида гапирганимда мунг қуюклашди?

Тиллабой чап бериб кетолмаслигини тушунди, аммо бадавлат тошкентликка дардини дастурхон қилишни, ўзини янада бечорахол кўрсатишни истамасди. Шундок ҳам "бир-икки сўм топиш илинжида уйдан узокларда юрибди-да бу шўрлик", деб ўйлашлари ғурурига тегарди.

- Бизда ҳам бир от бўларди, – деб қўя қолди, холос.

Расул ака машиналарни бир-бир таништирди: 1960 йилда чиқарилган "Чайка", тошбақани эслатувчи "Волга-21", худди шу

"Волга-21"га ўхшаш, олд ўриндирги дивандек яхлит "Москвич-8", Америкадан келтирилган эски русумдаги "Кадиллак".

– Яп-янги "Жип" ва "Эпика"м бўла туриб шуларни мингим келади, антиквар жиннисиман, – жилмайди у. – Отлар эса армоним бўлиб қолди, қишлоққа ҳам бормай қўйганман, борсам, кўнглим бузилаверади. Биласанми, шаҳар вақт ўтганини билдирмайди, қишлоқ доим умрни, ўтган ҳар бир кунни ҳисоб-китоб қилади.

– Сиз ҳам қишлоқдан экансиз-да?

– Қуйи Чирчиқданман. Ота-боболаримиз бир замонлар Жиззахдан қўчиб келишган, шу сабаб шеванг билан бизники ўхшаш. Отларнинг энг зўрларини Қашқадарёдан топардим. Ҳозиргача бир отфуруш билан қадрдонман, ўзи Қаршидан. Туркманларнинг мард полвони Аваз ҳақида эшитганмисан?

– Йўқ, – Тиллабой ўз отасига от сотган киши ҳақида чиндан ҳам эшитмаган эди.

Қирқ-эллик йил бурун заводни тарк этган, инсон хизматида бели майишган, энди эса хон марҳаматига мушток канизаклардек ҳўжасини кутиб турган машиналар билан танишиб, янгиларининг олдига борди. Кекса хотин патнисда ул-бул кўтариб, дарвозахонага имиллаб кела бошлади.

– Дастёр болани қувиб юбордим, – деди Расул ака. – Ўшанинг устида кампир билан ҳам жанжаллашиб қолдик. Бошида яхши бола кўринди, кейин эса "Эпика"ни сўроқсиз минадиган одат чиқарди, қазноқдаги аккумуляторлардан бири ҳам изсиз йўқолди. Булар етмагандай ойлигини оширишни сўрайди, ҳар икки ҳафтада пул тиланади мендан. Сезишимча, пулдорларга ўхшаб яшамокчи. Пулдор бўлиб яшаш учун пул топиш керак, қарз сўраш, бировнинг машинасини миниш, кимнингдир чўнтагини ўмариш... Косаси оқарармиди, э-э!..

– Бу ҳам синалмаган бола, – Расул акага норизо бокди хотини ва чойнак-пиёла, канд-курсларни столга шошилмасдан қўйди.

– Ҳойнаҳой "прописка"си ҳам бўлмаса керак.

– "Прописка"си йўқлар бизнинг эмас, қизларнинг бошини айлантиради, – пичинг қилди Расул ака ва Тиллабойга кўз қисиб қўйди. – Тошкентлик қизга уйланса, "прописка", уй, машина – бирийўла уч муаммоси ҳал бўлади. Нима, бу йигитга берадиган қизимиз борми? Неварамизни ҳам ўтган йили куёвга узатган бўлсак!.. Агар кўнса, уч юз минг сўмга ишлайди, ош-нони, ётар жойи тайин. Хўш, Тилла бола, нима дейсан?

– Қаерда ишлайман? – сўради Тиллабой.

– Мана шу ерда, – чой ҳўплади уй соҳиби. – Уйимга

коровуллик қиласан, момонгни у ер-бу ерга олиб борасан, муҳими қирчанғиларни қирчиллама отдай қилиб, хизматимга шай қилиб турасан. Қайфиятимга қараб минаман.

– Кечирасиз, бова, мен машина ҳайдолмайман.

– Буни дарров сездим. Машина ҳайдашни билмайдиганлар уйдаги диванда ўтиргандек хотиржам, ялпайиб олади. Келакелгунча оёғинг бир марта ҳам хаёл билан бўлса-да, тормозни ахтармади. Яхши ишласанг, ўзим ўкитаман ҳайдовчиликка. Ишлайсанми?

Тиллабой бош қашиди. Нафсиламрини айтганда, таклиф унга ёқаётган, шу билан бирга ўзини худди хизматкорликка тушиб қолаётгандай ҳис этмоқда, яъниким ёқмаётган эди. Эртага уйини супуртиради, ойналарни ювиради, кип-кизил кулвачча. "Ўриллари, неваралари йўқмикан?"

– Фақат ўзларингизми?

– Ўрлим оиласи билан чет элда. Бу ердаги фирмани қизим бошқаради. Қизимнинг ўз шахсий ҳаёти бор, ҳар куни бир келиб кетади, холос. Умуман олганда, бизнинг сулоладан ўйланма, сен ўзингга қара, ишлайсанми, йўқми?

Тиллабой хотинга кўз ташлади, бойвучча хоним қариб қолган эса-да лабига ол ранг, кўзларига қора тортган, сочи хинага бўялган эди. Такаббурлик ила иягини хиёл кўтарган эди, нафрат сезилмагани боис ярашиб тушди.

– Ишлайман, – деди Тиллабой бекатдагидек, аммо бу гал сиртида айтди.

– Умид дунёсига хуш келибсан, – қулочини ёйди Расул ака. Сўнг иккови кучоклашди. – Сезаяпман, сен ўзимизга ўхшагансан, кўнглингда кир йўқ.

– Бўлган-турганим шу, бова, – Тиллабой шундай деган эди, бека соч турмагини оҳиста тартибга солиб, виқор билан гап қўшди:

– Аҳмоқларгина ўзини мақтайди. Бу ўша. Ундан сира ҳам фарқи йўқ. Лекин майли, қолсин, ишласин. Гараждан нимадир йўқолган, қарз сўраган ёки ойлигини оширишни илтимос қилган куни думини тугиб қўяман.

Расул ака Тиллабойга завқ билан кўз қисди. Афтидан унга эски машиналар ҳайдашдан кўра кекса хотинининг гаплари кўпроқ ҳузур бахш этарди.

### *Юлдузли кунлар*

Кечкурун Тиллабой ижара уйга ҳеч келавермагач, хонадошлари хавотир олиб, Асрорга сим қоқди. У "иш излаб

юрган бўлса керак”, деб мубҳам жавоб берди. Орадан кўп ўтмай Асрор ҳам илҳак бўлди шекилли, Тиллабойнинг ижара уйига кўнғирок қилиб, келган-келмаганлигини суриштирди.

– Ҳозиргина бир одам билан “Жип”да нарсаларини олиб кетди, – дейишди йигитлар. – Квартира ҳақини, бозорда ағдарилган аравадаги торт билан конфетларнинг пулини берди. Айтишига қараганда, бирга келган одам уни хизматга олганмиш. Ўша одам бизга ёкмади. Нега Тиллага бирдан бунча ишониб, ғамхўрлик қилиб қолди? Бир балога гирифтор этмасайди ишқилиб.

– Одамни аҳмоқ қилаяпсанларми? Хизмат деганларинг нимаси?! Ҳойнаҳой уй хизматкорлигидир-да?

– Билмадик. Лекин бизга машиналарига қараб туришим керак, ойлиги яхши, ўша ёқда, ховлисида яшайман, катта қаср, деди.

– Тентак! Барибир гўллигига борибди-да. Бир қарасанг аравақашлик, бир қарасанг мошин ювувчи, қоровул! Ахир у кўли гул уста бўлиб етишарди-я, афсус, афсус!.. Нега индамадинглар?! Сизлар ҳам душман экансизлар!

– Дўст бўлсанг, адресини берамиз, қайтариб кел.

– Қайтариб ҳам келаман! – бақирди Асрор ва гўшакни тарақлатиб қўйди.

Тиллабой ҳамюртлари ёнига шу-шу келолмади, улар ҳам шаҳарнинг нариги четидаги маҳаллага ахтариб боришмади. Кўнғироклашувларнинг бирида ҳайдовчилик гувоҳномаси учун ўқиётганини айтди. Сал ўтиб Қуйи Чирчиқдаги от фермасига машинада ҳар ҳафта хўжайинини олиб бораётгани ҳақида гапирди.

– Сен машина ҳам хайдаяпсанми? – хайратини яширолмади Асрор.

– “Права”ми энди оламан. Хўжайинга ёқиб қолдим. Мухими, у менга, мен унга ишонаман.

– Кўзингга қара, ота-бобомиз “шудгорда куйрук на қилур”, деб ўйнаб айтмаган.

Четдан қараганда, Тиллабойга дўстларидан хабар олиш ёки уйига бориб келишга вақт қолдиришмаганга ўхшарди, қорасини ҳам кўрсатмасди у. Секин-аста кўнғироклашувлар ҳам камайди. Қишлоқда эса яна мишмишлар урчиди: аравақашликни ҳам эплотмабди, бор топганини жаримага тўлабди, ҳозир бир тошкентлик пулдорнинг хизматини қилиб юрармиш, бир сўм ололмаётганмиш, онасига ҳам бекорга жўнатмай қўйганми!

Аслида эса... Бўш бўлди дегунча Расул ака Тиллабойга машина хайдашни ўргатар, ҳайдовчилик гувоҳномасини олгунча қўшимча дарс бўлсин, дерди. Тиллабой нафақат эски

машиналардан бирини, балки ҳаммасини юришга шай қилиб кўяр. гумон турдирган ҳар бир қисмни эринмасдан текширар эди. Хўжайин "Эпика" ёки "Прадо"ни ҳайдаб келса, яраклатиб ювиб кўярди, битта доғ қолдирмасди. Маош ёки бошқа шарт-шароит яратиб бергани учун миннатдорчилик сифатида жонини жабборга бериб ишлаш эмасди бу. Расул ака унга бекиёс ишонди, ҳовли-жой, машиналар, эҳтиёт қисмлар – барчасини топшириб, хотини иккови бир неча кунлаб дала ҳовлида қолиб кетиши мумкин эди. Ишонч меҳрга доялик қилди, эҳтимол, ишончсизлик сезилганида, катта маош билан ҳам Тиллабойнинг меҳрини қозониб бўлмасди.

Бир куни қараса, ўриндик тўшамаси тагида юз доллар ётибди. Шунчаки қўйгандир-да, деб индамади. Бироқ шанба куни чолкампир тўйга бориб келгач, салонни тозалай деса, педаллар остида иккита юз долларликка кўзи тушди. "Қаричиликми дейман, намуноча пул тушириб қўймаса", – деди ва пулларни машина ғаладонига солди. Кейинги ҳафта ғаладонни очиб кўрса, бир борлам доллар турибди. Беихтиёр бармоқларида пириллатиб, бойламни кўздан кечирди – ҳаммаси юзталиқ ва эллиқталиқлар. Тиллабой умри бино бўлиб бунча кўп пулни ушлаб кўрмаганди. "Айтмасам бўлмайди", деди-да, уй эгалари газета ўқиб ўтиришган айвонга чиқди.

– "Эпика"да пул сакляяписизми, бова? – долларни узатди у. – Икки ҳафтадан бери йиғиштираман, атай қилаётгандай ташлаб кетаверасиз.

– Ҳа, атай ташлаб қўйгандим, – деди Расул ака қовоқ уйиб.

– Нима? – Тиллабой Расул акага хайрон қаради, сўнг бой хотинга кўз ташлади.

Пулни стол четига қўйиб, бир қадам чекинди. Уй эгалари бошини буриб, йигитга совуқ нигоҳ қадашди.

– Нега ўғирламадинг? – сўради Расул ака. – Ахир, бу ерда ўн беш минг доллар бор. Суривормайсанми?!

– Менми? – хайратдан кўзлари чақчайиб кетди Тиллабойнинг.

– Нега? Нима учун?

– Сенга пул керак, – деди бека. – Тошкентда пул учун юрибсан-ку! Қишлоғингда, ота-онангнинг баррида яшасанг бўлмасмиди? Ёлғиз ўрилсан...

– Сизларга нима бўлди?

Тиллабой ишдан ҳайдалиш хиссини туйди. Адҳам аканинг устахонасидан, бозордан, ҳатто кечаги ижара уйдан кетишда ҳам ўша ёқимсиз туйғу, оз бўлса-да, таъкиб этганди. Аввал умид уйғонади, кейин иш юришади, пул орттира бошлайди, аммо

кутилмаганда арзимас чака билан кетишга, аллакаерда ҳаммасини нолдан бошлашга мажбур. То янги иш бошлагунча, кўниккунча ўтган аросат даври... Тиллабойнинг чап қовори учди.

– Жуда каттик ҳазил бўлди, – деди у ҳар икки хўжайинга бир-бир бокиб.

– Ҳазил эмас, сен бўшатилинг, – деб Расул ака газетасини ўқишда давом этди.

– Балки тушунтириб берарсиз, бова? Нима учун...

– Ҳаддан ортик ҳалол экансан, – кинояомиз оҳангда деди Расул ака. – Одам сал-пал ишбилармон бўлиши керак. Бизга бунақа йигит...

– Лекин сизнинг пулингизни чўнтакка урсам, бу қанақа ишбилармонлик бўлади? – Тиллабой жаҳлини тийиб туролмай, овозини кўтарди. – Демак, мени синаш учун пулни ташлаб қўйгансиз! Ўғирламаганим учун ишдан бўшатилдим, ўғирлаганимда, ўлиб кетарканман-да қамокда?

– Тавба, сенга ким ишдан кетдинг, деяпти? – Расул ака кўзойнаги тепасидан маъноли қараб қўйди. – Қанақа қамок? Қанақа ўлим?

– Одамга ўхшаб гапирсангиз тушунадими, бобой? – кулимсиради хотин.

– Сени гумондаги одамлар рўйхатидан бўшатдик, ишдан эмас, – деди Расул ака. – Бор, машинани юавер. Доллардан учта юзталиқни ол, яхшироқ кийим қил устингга. Кимсан, Расул қорининг, америкача айтганда, Рассел Кроунинг шогирдсан! Ҳм, нима дединг, Тилла бола? Қарсаклар!.. Айтгандай, йиғиб қўйган маошингни энди ота-онангга жўнатарсан, қурумсоқ?

Тиллабой бир лахза индамай қараб қолди. Кейин “ҳарқалай янгиман, нотанишман, синаб кўришга ҳақлари бор”, деб шайтонга ҳай берди-да, яна ишга тушиб кетди. Бирок кечгача қовори очилмади. Синов ўз йўлига, кўнгил иши ўз йўлига эди.

– Кел, бугун биз билан овқатлан, – чақирди Расул ака.

Ошпаз хотин унга ҳам шўрвадан қуйиб келди. Бошқа кунлари Тиллабой ишларини тугатиб (бу вақтда ошпаз уйига кетган бўларди), дарвозахона ёнидаги шинамгина хонасида телевизор кўриб, кечлик қиларди.

– Уйингга бориб кел, Тилла, – Расул ака синчков назар солди.

– Кимнидир соринаётганга ўхшайсан, кўзларингга соринч, тушкунлик бор.

Тиллабой бошини кўтармай жавоб берди:

– Уйдан ҳеч узок кетмагандим. Бошида соғиндим, ҳозир унчалик эмас. Кўникиб кетдим.

– Бешта синглинг бор экан, ростми? – термилди бека.

– Ха. Раҳима, Салима, Жамила, Комила ва хали бирга ҳам кирмаган Наима.

– Вой-вў, – деган эди бой хотиннинг ориз атрофидаги ажинлари янада кўпайди. – Одам ўз сингилларини ҳам соғинмас эканми? Соғингансан. Улар акам Тошкентдан нима олиб келар экан, деб йўлингга кўз тикиб ўтиришгандир? Душанбадан бошлаб тўрт кунга бўшсан. Поездга осил-да, уйингга жўна.

– Лекин у сингилларини соғинишдан эмас, бошқа нарсадан кўпроқ азият чекаяпти, – деди Расул ака, – аммо айтмаяпти. Балки бугун ёриларсан? Мени отларимга, кишлоримга, ёшлигимга қайтардинг. Ким билади, сенинг муаммоингни мен ҳал қилишим мумкиндир? Тақдир сени менга, мени сенга бекорга учратмагандир? А?

– Йўқ, – дея Тиллабой Расул акага эмас, бекага ер остидан қараб кўйди, – икковларингизга ҳам катта раҳмат, яхши одам экансизлар. Хафа кўринишимга сабаб, турма шунақа бўлсам керак. Шунданми, ҳеч хушчакчак юролмайман, ҳадеб қайруга тортиб кетаверади.

Овкатдан сўнг суҳбат узок чўзиладиган бўлди. Бирок Тиллабой тезрок ўз хонасига боришни, шифтдан кўз узмай хаёл суришни хохламоқда эди. Уй эгалари кўнглига кўл солиб, чўғни лангиллатиб юборишганди. Уйни соғиниш билан бирга Озодани бирор сония ўйламасдан яшамаётган эди. Шу тобда айтсаммикан, деган хаёлга ҳам борди. Бирок бу суҳбат синовнинг навбатдаги босқичи бўлиши мумкин. Отасининг қора отини ўлдириб қўйганини, Озодани севиштини, оилада меҳрокибат, файз-барака йўқолганини, камхарж хонадон бўлгани боис Озода ҳам менсимаётганини, ҳозир Тошкентда ўқиётганини – барчасини ҳикоя қилишни истади. Ва бу билан у ёрдам сўраган ҳам ҳисобланарди.

Бировнинг ишончини қозониб, кейин ёрдам сўраш – хонадон эгаларининг таъкидлашича, кўпроқ товламачилар қўллайдиган усул эди.

– Мен борай, – у уэрхох жилмайди.

Хонасига киргач, узок ётолмади. Негадир ҳамюртларига кўнғирок қилишни кўнгли амр этар, бир мужда қўмсар, кўнгилда униб чикқан ажиб гулнинг япроғини узиб, сирдошлари сари пуфлаб юборишни истар эди. Во дарив, бежиз безовта бўлмаган экан. Гўшакни Асрор кўтарди, хол-аҳвол сўрашгач, деди:

– Эшитдингми, Озодага нима бўлганини?

– Нима?.. Нима бўлибди?!

- Ховликма. Гапни эшит. Унга Жўракул совчи жўнатибди...
- Янами?

– Яна. Лекин бу гал омади чопибди, Озоданг кетди, ойна! Кўрдингми, оддий уста бўлса ҳам, Жўракул мақсадига эришди, сен-чи?! Ўзи ишлаётган жойда пул ўғирлаб, мана, тўй ҳам қиляпти. Агар ҳақиқатни қарор топтириш ниятинг бўлганида, ўзингни кўрсатардинг! Кимнингдир уйда хизматкорлик қилиб, одамлардан қочиб юрмасдинг! Ўғри бахт топди, ҳаммасига ўзинг айбдорсан, жўра!

- Ёлгон...
- Ўлай агар!

– Озода ҳали ўқиши керак, – Тиллабойнинг тишлари рижирлаб кетди. – Биринчи курсни битирганданок кўшни қишлоқлик йигитга узатиб... Нима, Чирокчи ва Тошкентнинг ўртаси бир қадамми?!

Асрор узундан-узун "эх-х-х..." деб, ниманидир гурсиллатиб урди.

– Дадаси ўқишдан хабар олишга келса, Озода дарсга кирмай, кинога кетган экан. Сўраб-суриштириб, қаерда, қачон, қайси дугоналари билан санғишини аниқлабди. Ушлабди! Сендака қизни ўқитмайман, деб қишлоққа олиб кетибди. Бирок Жўракул ва уйдагилари чакконлик қилиб, Алибой акани кўндирибди. Ёзда тўй қиламиз, Жўракул Тошкентдан "мойка" очади, икковиям тошкентлик бўлади, дейишибди. Бир йил ўқитганини ўйлаб, Алибой ака пулларига ичи ачибди. Қиз болани эгасига топширсам, кутуламан, деб розилик берибди... Эшитяпсанми, Тилла? Ҳадемай тўй!

– Майли, ўзлари билишади, – деди Тиллабой бир зумлик сукутдан сўнг ва гўшакни жойига қўйди.

Эрталаб унга синчиклаб тикилган бой хоним кўзойнагини кўтариб, қайтадан боқди, сўнг лаб буриб, норози оҳангда сўради:

– Кечаси ухламадингми? Телевизор кўриб чиқаётган бўлмагин тагин? Каналларнинг сон-саногини йўқ, лекин улар бекорчилик учун эмас.

– Мен душанба куни... хуллас, кетмокчи эмасман, – деди Тиллабой. – Чет эл каналларини кўрмайман, кайфиятимни бузади... Ойлигимни дўстимдан бериб юборсам, дегандим.

– Шундок ҳам кайфиятинг йўқ, – гапга аралашди Расул ака. – Қани, тур. "Қадиллак"ни тайёрла. Мени бир бозорга айлантариб кел. Ўша ўртоқларинг арава судрайдиган бозорни назарда тутаяпман. У ерда ажойиб узумлар сотилади-да. Мазаси

ўн саккиз ёшимда момонгдан бўса олганимдагидан сираям қолишмайди, ўх-ўх.

– Шу болага кўшилиб, айнидингиз, – тутакди аёли. – Бир қараса отлар, бир қараса ўпич!.. Шарманда!

– Бола чин юракдан севади, севги айнамайди, билиб кўй, – деди Расул ака.

Тиллабой хўжайинига тик қараёлмай, ховлига чиқиб кетди. Йўлда томок кириб олгач, деди:

– Машина ҳайдашни ўргатдингиз, ҳайдовчиликка ўқитдингиз, сиздан яшашнинг кўп сирларини ўрганаяпман... Лекин шу... бозорга бормай кўя қолайлик.

– Сенсиз ҳам ўртоқларингдан дардинг нималигини билишим мумкин. Кўз олдингда сўраганим маъкул.

– Бўпти, ўзим айтиб бераман, ҳаммасини.

– Севиб қолганмисан?

– Ҳа... йўк... Нима десам экан? Яхшиси, бирон жойда тўхтайлик, менинг тарихим узун, бова.

– Долгая история! – деди Расул ака машина тутқичини ушлаб қуларкан. – Қарияларга қисқа тарих ёқади, лекин сен учун розиман! – У чап кўлини мушт қилиб дўлайтирди. – Қани, Тошкент, қарсақла-а-р!.. Ҳайда-а, Тилла бола! Хохлаган жойингга!

Тиллабой умрида биринчи бор "аслида мен бахтли эмасмиканман?" деб ўйлаб қолди.

### *Даштни кезган афсона*

Машина супермаркет ёнидаги майдончада тўхтади. Тушдилар. Бироз юриб, киялик бошига ўрнатилган тўсиққа етдилар. Пастда кўкаламзор майдон, ҳали бўй етмаган арчалар, анҳор, анвойи гуллар, кўкда оқ каптарлар галаси (гўё осмон тоқига кўринмас иплар билан илиб қўйилган пирпирак ўйинчоқлар), хисларни жунбишга келтирувчи сеҳрли, майин ҳаво оқими – шаҳар эмас, мисоли жаннат парчаси. Кимдир севгилиси, кимдир болалари билан сайр қилиб юрибди. Кун қизимагани учунми, чўмилаётганлар кўринмас эди. Тиллабой майдоннинг нариги томонидаги ойнаванд, баланд биноларга, телеминора найзасига, олис уфқларнинг кўкимтир деворига тикилиб турди. Кейин барчасини бир-бир ҳикоя қила бошлади. Расул ака аввал жиддийлашди, сўнг қовори солинди, охири оғир ҳаёлга толди.

– Қийинчилик кўрган бола экансан, – деб у Тиллабойнинг елкасига қўл ташлади. – Лекин йигитлик бахтинг қўлдан

кетмаган, буни ўнг кулоринг билан ҳам, чапи билан ҳам эшит. Отанг ичувчи, онанг қишлоқдан чиқмаган муштипар, қўлингда на диплом, на касб. Булар етмагандай отанг билан гаплашмайсан, ёлғиз отини ҳам ўлдириб қўйгансан, севган кизинг бой хонадондан, сенларни менсишмайди, уй-жойларинг хароб... Биласанми, бадавлат отанинг ўрли бўлиш, севган кизинг васлига етиш, ўқиш, машина, орзудаги уй, шахсий бизнес – ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Насиб этмади деб эзилиб юриш эса бит босган дайди итларни эслатади менга. Айтчи, эзилиб юриш билан иш битганми ҳеч? Дайди итдан коровул чиққанини кўрганмисан?

– Эзилмайман, – деди Тиллабой, – лекин баъзан одамга алам қилади. Мен-ку бировга ёмон кўз билан қарамайман, ҳаммани тенг кўраман, бошқалар-чи? Йўқ, бошқалар тирнок орасидан кир, чўнтакдан пул қидиради. Шундан кейин ҳам хурсанд бўлиб яшашим керакми?

– Сенда ҳам айб бор. Ҳатто аввало ўзингни айблаш мумкин.

– Нега, бова? Бутун умрини арокқа алмашган, ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган одамнинг ўрли бўлиб турилганим учунми?! Отам менга ҳеч нима қилиб бермади, ҳеч вақо – илм-тарбия, ҳунар, дунёқараш, муомала маданияти, оилага садокат – ўргатмади. Яхшиям, ўзимга инсоф берган экан, бўлмаса кўча безори бўлиб юрардим, санғиб.

– Томошабин бўлиб яшайётганингни тушунмаяпсан, Тилла. Умр ўтиб кетаяпти, сен эса ўз фожиангни ўзинг томоша қилиб ўргангансан. Гўёки кимдир қелиб қулоғингдан тортиб турғазини керак! Ахир, қандай давлатда, қандай замонда яшаяпсан, кўрмаяпсанми?! Ишласанг, тадбирли йигит бўлсанг, миангни ишлатсанг, юрагингга ўт қаласанг, биринг икки бўлади, келажакда устахона эмас, завод ҳам қуришинг ҳеч гапмас. Сен аралаш! Ҳаётга аралаш! Пусиб яшама! Истасанг, сенга бизнес сирларини ўргатай, кредит олишингга ёрдамлашай, замонавий устахоналар оч...

Тиллабой Расул акага мамнун кўз ташлаб қўйди-да, жилмайди.

– Машиналари ким ювади?

– Сенга ишонаман. Директор бўлсанг ҳам, хизматимни қилиб кетаверасан.

Улар қулишиб олишди.

– Машина ювиш қочмайди, – деди Расул ака. – Агар қўлидан каттарок иш келадиган бўлса, йигитга машина юндириш нотўғри иш бўларди.

Булут тарқалиб, қуёш жамол кўрсатгандек эди. Аслини

олганда, шундай очик хавода, хушманзара жойда кайфиятни бузиш инсофга тўғри келмасди-да.

– Рост айтасиз, – деди Тиллабой. – Тошкентга келиб, сизни кўриб кўзим очилди. Мухими, сиз айтгандай, кўп ишлар қилишим мумкинлигини тушунмай яшаганман. Қўл ковуштириб ўтиришни билмайсиз, бова, доим ҳаракатдасиз. Ҳаётга шундай кўз билан қарайсизки, инсон бу дунёга нега келиб, нега кетади, биласиз. Қишлоғимда сизга ўхшаган одамни учратмаганман. Ўша Озоданинг отаси ҳам бой, лекин кўнглини очиб, ёшларга йўл-йўрик кўрсатмаган, иложи борица қандай пул топиш йўлини яширган.

– Кел, ҳозирок бир иш қиламиз. Қаршидаги Аваз туркман ҳақида гапирганмидим? Унга айтаман, отангга еттита қора от юборади.

– Еттита?! – кўзлари чакнаб кетди Тиллабойнинг. – Менда унча пул йўқ, отамда ҳам.

– Сендан ким пул сўраяпти! Отларга отанг қараб турсин. Қолганини кейинроқ келишиб кетаверамиз. Ёққанини танлаб олади ё ўзинг танлаб совра қиласан. Хўш, нима дединг? Маъкулми?

Расул ака телефон тугмасини босиб, керакли исми топти. Узок чўзилган гудоклардан сўнг валинеъматнинг юзи ёришди, бакириб-чакириб ҳол сўрашди. Кейин Аваз полвонга ўз илтимосини, Тиллабойнинг қишлоғини, отасининг исмини айтди.

– Шу ҳафта, ҳа, ўша қишлоқ... Нега? Фақат учтами? Учта бўлса, учта-да! Лекин айтиб қўяй, машинада эмас, яйдоқ-яёв олиб боринглар. Даштни тўлдириб, гумбурлатиб, кишнашиб-кишнашиб кириб борсин қишлоққа... Пулини келишамиз. Бугун гап инсонийлик устида кетаяпти, ошна!

Шундан сўнг машина сари юришди. Учта қора от! Ҳа, энди Меҳнат аканинг учта қора оти бор, ўғлининг хўжайини битта кўнғирок билан ҳал этган ҳодиса. Бироқ Озода масаласида Тиллабой заррача ёрдам кутмади, ўтинмади, илтимос этмокликни ҳаёлига ҳам келтирмади. Расул ака ҳам индамади.

Валинеъмат ўз ишидан мамнун бўлиб, деди:

– Ойлигингни кимдандир бериб юбормокчи эдинг, истасанг, ўзинг олиб бор. Момонг айтган таътилдан фойдалан. Энди отангнинг олдида юзинг ёруғ, кўркмасдан боравер. Мен сенга айтсам, оталар тоғ, аммо омонат тоғ. Бугун бор, эртага йўқ. Яхши кунларимни отам кўрмай кетди, деб кўп ўкинаман. – Шундай дея Расул ака кулиб гап кўшди: – Отам бир тийин беролмаса ҳам, ҳеч нима бермади, деб номардлик қилмаганман.

Номардлик феълинг бўлса, бошқа ишлар оркали кўрсат, отанга гина қилиб эмас.

– Қарсақлар, – деди Тиллабой бошини эгиб.

– Қилган яхшилигимга қарсақ сўрамайман. Мени ким деб ўйлаяпсан! – елкасига уриб қўйди Расул ака. Кейин иккиси хурсандчиликдан қўл ташлашди, кафтлар чарсиллаб, учқун сачраб кетди гўё.

– Отамни хафа қилганимни энди тушуниб етяпман, – деди Тиллабой. – Чин фарзанд ҳеч қачон пул учун отадан ўпкаламайди. Бир китобда ўқигандим, ота-она тентак бўлса, боғлаб бўлсаям боқиш керак экан, ўз холига ташлаб қўйиш ёмон, жуда-жуда...

– Одам ўзини эмас, ота-онасини ўйлаб яшаса, ҳеч қачон адашмайди. Отамдай бўлишим керак экан, деб отага ўхшаб ичиш шартмас. Отани ўйлаш дегани унга ўхшаб ичмаслик керак деган маънони ҳам билдиради, уқдингми, Тилла?

Бу кун Тиллабой пуллари Асрорга элтиб берди. Айтишларича, Асрор ўша ҳафта кишлокка борибди, қўлида Тиллабой бериб юборган бир неча боғлам пул. Кўчадан ўтаётиб, кишлоқ дўкондори кимдандир нолиётганини беихтиёр эшитиб қолибди. Дўкондор Мехнатбой ҳар куни арок сўрашини, бўйнигача қарзга ботса-да, халивери пул берадиганга ўхшамаслигини гапираётган экан. "Пул бермаса, сотманг-да! Ўзингиз ҳам қўшилиб ичасиз, кўрмаганмизми?!" – шанғиллабди аёллардан бири. "Сотмасам, виждоним қийналади", деб кўзлари пирпирабди дўкондорнинг. (Виждон ҳам пиёниста экан-да!)

Асрор кишлоқ четидаги йўлга чикибди, Тиллабойнинг уйи ўша томондан борилса, яқин экан. Бир пайт қараса, Мехнатбой ака Жўломон тепалиги томон кегаётганмиш, тут тагида ўтирган икки киши эса унга имо қилиб ўзаро суҳбатлашаётганмиш: "Бориб-бориб ханови тентак бўп қолади-ёв. Тепаликка чикиб, даштга тикилгани-тикилган. Нима, оти тирилиб келармиди!..."

Кўнгли қандайдир воқеа бўлишини сезган Асрор ҳам тепалик йўлига бурилибди. Қўлида Тиллабойнинг омонати, тилида салом, дилида ранж. "Тиллабой шу одам туфайли уйидан олисларда бировнинг хизмати қилиб юрибди, – деб ўйлабди у. – Ўзимни четга олмай, бир гапирай. Қачонгача бундай яшайди?!"

Мехнатбой тепаликка чиккунча хансираб қолибди. Ҳар кунги жойига ўзини ташлаб, ёнбошлабди, чўнтагидан папирос олиб, тутатибди. Шу пайт Асрор салом бериб, шундай дебди:

– Ака, қўлимдаги манови пуллар Тилланики. У гулдай хунарини ташлаб, бир одам билан ишлаб юрибди. У канақа

одам, Худо билади. Эртага бир кор-хол бўлса, нега аввалроқ айтмадинглар, деб бизларни умрбод сўкиб юрасиз. Биттаю битта ўғлингизни шунчалар ҳам хор қиласизми?! У чечамни, сингилларини, кишлоқни соғинган, лекин келолмайди. Тораси ҳам бир хабар олмади... Тиллабой Озодани севарди. Энди Озода ҳам йўқ, қай гўрдаги бир ўғривачча илиб кетди...

– Эй, нега менга лекция ўқияпсан? Бўладиган гапдан гапир, пулни менга бериб юбордимми? Берсанг, миннат қилмай бер.

– Ўлайин деб топган пулини ичиб йўқ қилиб юбормоқчимисиз? Буни чечамга олиб бораман. Бутун кишлок сизни гапиряпти, ака. Жўломон тепалигига чиқавериб тентак бўп қолибди, деяпти.

– Ҳе-е, шулар ҳам одамми? Мен билан нима иши бор?!

– Тиллабой отингизни атайин ўлдирмаганини яхши биласиз. Болангиз омон қолганига шукр қилишнинг ўрнига нега бундай уришиб юрибсиз? Сиз отга куйганингиздан эмас, ичишингизга бир умрга етгулик сабаб топилганидан шу ҳолга тушгансиз. Ароқ ичиш учун бундан катта баҳона борми?! Ичишдан фойда топган биронта одамни кўрсатоласизми менга? Ҳалиям кеч эмас, ароқни ташлаб, Алибой аканинг олдида боринг, Тиллабой ўғри эмаслигини, Озодани севишини, ўқишни тугатгунча тўй қилишингизни айтинг. Тиллабой уни севади, лекин қиз ҳам ўзича менсимайди. Юракка "севма" деб айтиб бўладими!

– Мен бораманми? Ўлсам ҳам.

– Тўғри, бормаганингиз маъқул, – дебди Асрор бир зум ўйга толгач. – У Тиллага муносиб эмас, тенги ўша Жўракул. Кетдим... Тилланинг ҳолини бир оғиз сўрамадингиз ҳам.

– Сўрамайман! – дебди Меҳнат ака қайсарлик билан.

– Бир кун келиб Тилла бир эмас, ўнта от совға қиладиган даражага эришади. Унинг ҳеч қачон қайтмас ёшлигини гурбатда ўтказдирганингиз учун кўп афсус қиласиз ҳали.

– Э, йўқол! Бошимни котирма! Отасига бир сўм пул бериб юборолмаган бола от олиб бероладими?! Ўша Жўракул "манг, ичинг" деб отасига ҳар икки-уч кунда ароқ, пиво, вино – нима топса олиб келаркан, пулни ҳам дангал ишларкан. Аввалдан дангал бўлган-да! Тилла нима қилди? У одам бўлмайди, ўлганимча куйдиради!..

– Жўрақулга ҳавас қиляпсизми? – қулоқларига ишонмабди Асрор.

– Мана, ўз оғзинг билан айгаяпсан, Алибойнинг қизи менсимас экан, бу сўтак эса шунда ҳам севиб юради. Ахир, бошқа йигитга нон синдирилдими, тупурсин энди! Гурур бўлиши керак йигитда, гурур! Битта қиз учун Алибойга мен ҳам бўйин эгайми? Вактида

ишлаганман, пул топганман, армияда энг "боявой" йигит эдим. Истаганимни бир мушт билан кулатардим. Сенлар кимсанлар? Арава судраб юрган кулвачча, кимга акл ўргатайпсан ўзи?

– Гапиришдан фойда йўк экан, ўзингиз биласиз, ака.

Улар шу кўйи хайрлашибдилар. Асрор кўп юрмабди. Кутилмаганда Меҳнатбой ўрнидан туриб, дашт томон тикилиб, жони борица кийкириб, кўл силкий бошлабди. Асрор ҳам, йўл бўйида ўтирган икки бекорчи ҳам бурилиб қарашибди. Меҳнатбой "Отлар!.. Отлар!" деб кичкирибди. Асрорнинг назарида Тиллабойнинг отаси ҳақиқатан тентак бўлиб қолган экан. Бироқ сал ўтмай ростдан ҳам отларнинг кишнаши эшитилибди. Кейин эса оқ от минган чавандоз учта қора отни олдиға солиб қолтириб келаётгани кўринибди. Фақат кинолардагина бундай манзарани кўриш мумкин экан. Нафақат Меҳнатбой, бошқалар ҳам тўлқинланиб кетишибди.

Отлик тепаликни айланиб ўтиб, тўхтабди ва Асрордан Меҳнатбой деганнинг уйи қаерда эканини сўрабди.

– Тинчликми, полвон тоға? – дебди Асрор. – Ҳув ана, сиз сўраган одамнинг ўзи шу ерда, тепаликда.

Икки бекорчи эса ўринларидан хайрат билан туришибди. Улар ҳойнаҳой отларда бир гап бор деб ўйлашибди. Лекин қандай гап бўлиши мумкин?

Отлик шундай дебди:

– Мени танидинг шекилли, Аваз полвонман. У кишига Тошкентдаги Тиллабой деган ўғли учта от жўнатди. Чақир, қабул қилиб олсин...

Бу воқеадан сўнг бир неча кун ўтиб Тиллабой дарвозани ланг очиб, "Прадо"ни хайдаб чикди. Расул акани бугун Қуйи Чирчикка олиб бориши керак, кўчага ўнғай қилиб, унинг чиқишини кутмоқчи эди. Машинани буриб, рўпарада, кўча ўртасида қаккайиб турган одамни кўрдию кўзларига ишонмади. Бошига эски дўппини бостириб олган бу одам отаси – Меҳнатбой эди. Тиллабой машинадан тушди, бир неча қадам юрди, ҳа, чиндан отаси.

– Сени мафия бўлсин деб дунёга келтирмаганман, чақир хўжайинингни! – деди ота.

– К... ким? Қанақа мафия? – деди ўғил. – Ассалому алайкум...

– Отларга пулни қаердан олдинг? Ваалайкум... Нега кимнингдир битта кўнғирови билан одамлар менга зириллаб бир эмас, учта от келтириб беришди? Қачондан бери шунақа одам бўлиб қолдинг?! Чақир деяпман ўша мафиозни! Чақир яхшиликча! Сен кўчада қолган бола эмассан. Бугун пул берса,

эртага одам сўйишга жўнатади. Индин хар бир қадаминг учун давлатнинг олдида жавоб берасан...

Расул ака дарвоза олдида ота-болага хайрон қараб, тўхтади. Оний лаҳзада ҳаммасини тушунди. Чапак чалиб, кулимсираб, Меҳнатбойнинг рўпарасига бориб:

– Ўша мафия менман, – деди. – Нега бутун маҳаллани бошингизга кўтариб, додлаяпсиз? Ҳозир йигитларимни чақираман, Чирокчига чалпак килиб учирворишади.

Меҳнатбой қазабдан калтираб, Расул аканинг гирибонидан олди. Бирок Тиллабой югуриб келиб, уларни ажратиб қўйди. Расул ака қаҳқаҳлаб кулиб: "Қарсақлар! Қарсақлар!.. Ҳеч нарсадан тап тортмас ҳақиқатгўй, болапарвар ота экансиз-ку! Нега бу... бу ўғил билан... чиқишолмай, оилангизни ташлаб қўйибсиз, тушунмадим..." дерди. Меҳнатбой жиноятчига дуч келмаганини англади ва илжайиб бош қашиди. Тиллабой гўё отаси ўлгану қайта тирилгандек муттасир бўлиб, севинчдан ҳеч ўзини босиб ололмай, отасидан кам хижолат чекмади.

– Мен унга "Прадо"ни бериб, уйингга бориб кел, демокчи эдим, – сўзлади Расул ака, – бу дейман, кишлоққа "Жип"да кириб борганида, бўғиб ўлдириб қўяркансиз-да, а? Оббо, сиз-ей!..

Меҳнатбой арок ичишдан аввал нафас ростлаган каби чуқур хаво ютиб, қискагина "кух" деб қўйди. Енгил тортди чори, юзига қон югурди.

– Э... тўғриси, ҳеч гапга тушунмадим, нималар бўлаяпти ўзи? – сўради у Тиллабой билан Расул акага аланг-жалаңг боқиб. – Демак, ўрлимга хомийлик қилаётган экансиз-да, бой ота? Лекин сабаб борми? Нима иш қилиб берди у?

– Ичкарига кириб гаплашамиз, – таклиф этди Расул ака. – Бир пиёла қора чойимиздан ичмасангиз, ховурингиз босилмайдиганга ўхшайди. Сизнингча, қандай сабаб бўлиши мумкин?

– Ким билади, энди... хар хил гапларни эшитдим.

– Сабаб ҳам, сабабчи ҳам ўзи, – деди Расул ака.

Улар дарвозахонадаги стулга ўтиришди. Тиллабой бир зумда патнисда чой, нон, қанд-курс келтирди. Бека "қани бу боланинг отаси қанақа экан" деган маънода узоқдан бир қараб қўйди, холос.

Расул ака антиквар машиналар ҳақида тўлиб-тошиб гапирмоқда эди. Бир пиёла чойдан сўнг, деди:

– Қандай яшаш хар кимнинг ўз иши. Сиз ҳақингизда Тиллабой ёмон гап айтди, деёлмайман, лекин баъзи одатларингизни сездим, қари билганни пари билмас дейишади-ку. Қанча отим сўйилиб кетганини айтайми? Эҳ, мол-дунёга қуйиб ўлиш мумкин бўлса,

мана, мен ўлиб кетардим, Меҳнатбой. Отларга каминаи камтариндан зўр ишқибоз йўқ эди. Гугурт бир тийин бўлган замонларда кадрим ҳам бир тийин бўлган. Уч марта судланганман. Нима учун дерсиз? Одамларнинг яхши яшашини ўйлаб бир-икки тadbир ўйлаб топганим учун! “Сен ўйламай кўя қол, тепада ўйлашади” дейишди. Лекин ҳур замонлар келишини билардим. Биз энди қаридик, лекин Яратганга шукр, ёшлар бор. Ким тижорат қилмоқчи, ким ишлаб чиқармоқчи, ким олим бўлиб, бутун дунёни кутқармоқчи, масалан, саратон касаллигидан, очарчиликдан, табиий офатлардан, марҳамат, ҳамма гап ўзида. Битта юз сўмлик ручка ва қороз билан жаҳонни эгаллаш мумкин. Биз эса гоҳида уларга ишонмаймиз. Яқин-яқинларгача институтга ўқишга кирган боладан “қанча билан кирдинг?” деб сўрашарди...

– Тиллабой ҳам репетиторга пул бермаганингиз учун йиқилдим, дейди, – истехзоли кулимсиради ота.

– Бола бировдан айб излаб қолмасин, – Расул ака хиёл олдинга энгашди. – Агар ҳаракатчан бўлса, ҳамма йўллар очик эканини тушунтирмагансиз. Ўқишдан йиқилибди, хўш, нега Чирокчидан битта устахона очиб беришни ўйламадингиз?

– Менми? – ҳайрон бўлди Меҳнатбой.

– Албатта, сиз-да. Хафа бўлмангку-я, таниш-билиши, пули бор одамларгина тadbиркор бўлади, деб ўйлагансиз. Хонадонингиздан ташқарига чиқмаган Тиллабой ҳам дунё шунақа экан, деган ҳаёлда яшаб келган. Банклар нима учун ишлаб турибди? Банк деганда ойлик учун кассирларга пул берадиган муассасани тушунсангиз керак. Ишсизларни иш билан таъминлайдиган, ҳунарсизларга бепул ҳунар ўргатадиган, тушкунликка тушган ёки ароққа берилганларга мадад қўлини чўзадиган, соғлом турмушга қайтарадиган жойлар борлигини биласизми? Менимча, йўқ. Лоф бўлса ҳам айтай, Тиллабой устачиликни шундай ўзлаштирадики, уцадиган машиналар ихтиро қилиш даражасига етади. У портлаб чиқиш арафасида. Эсини таниганидан бери биқиқликда яшаб келган. Ойнаванд офислар, серҳашам уйлар кураётганлар, “Ласетти”, “Каптивa”ларда юрганлар, юзлаб одамларни иш билан таъминлаётганлар ойдан тушган ўзгача инсон бўлиб туюлган. Ахир, шу бола ҳам қилиши мумкин ўша ишларни.

Меҳнатбой бош кимирлатиб, хўмрайганча ер чизиб қолди.

– Ота, чойдан ичинг, – деди Тиллабой.

Улар ярим соатча гаплашиб ўтиришди. Расул ака Қуйи Чирчикқа кетиши керак эди. Меҳнатбой уларга ҳамроҳ бўлишга вақти йўқлигини, ўрлини кўриб, кўнгли хотиржам бўлганини,

кишлоққа қайтишини айтди, хатто Расул аканинг от фермаси ҳам қизиқтирмади.

– Икки нарсага ишқибозсиз, – деди Расул ака, – бири ичиш, иккинчиси чолиш. Одам бутунлай тесқари икки нарсага ишқибоз бўлишини мен тушунмайман, шунинг учун, Мехнатбой, аслида бири ишқибозлик эмас, шунчаки мияга сингиб қолган иллат, деб ўйлайман. Вақт-соати келиб, барибир иккисидан бирини танлашингизга тўғри келади: ё от, ё арок.

Мехнатбой зўраки кулимсираб қўйди. У тезроқ бу одамдан узоқроқ қочишни истаётгани кўриниб турарди. Фақат ўзини ўйлаб яшаганлар секин-аста ошқора кўрокка айланиб қолишлари айти ҳақиқат эди. Ҳарқалай ҳаммасини тушуниб етгани учун қилмишларидан уялаётгани эса хурсанд этарди кишини. Ўрнидан тураётиб ўрлига деди:

– Юборган пулларингга сизгир олдик, энанг ҳам, сингилларинг ҳам жуда хурсанд. Отлар эса даштни тўлдириб юрибди.

– Емдан қийналмаяпсизми? – сўради Тиллабой.

– Худо беради, – жавоб берди ота. – Вақт топиб, бор. Энанг, сингилларинг сени соғинишган, ҳар куни йўлингга қарайди.

– Бораман, ота, албатта бораман. – Иккиси кучоклашдилар.

Тиллабой ҳам онаси ва сингилларини соғинган эди, кўзлари пирпиради. Мана, отаси билан ҳам ярашиб олди, энди Чирокқига қайтса, Расул ака ўргатганидек кредит олиб, ўз бизнесини бошласа айти муддао.

– Ҳаммаси яхши бўлади, ота, – деди Тиллабой ғурур билан, – мени кечиринг, ўйлаб кўрсам, сизни кўп хафа қилганман.

– Ҳеч бир ёмон иш қилганинг йўқ, сени нега кечираман, – деди Мехнатбой кетар олдидан.

Анча вақтгача даштда турли афсоналар кезиб юрди. Эмишки, Тиллабой бадавлат инсонга хуш келган экан, бир неча миллион сўм ёрдам берибди, биринчи устахонасини Тошкентдан очибди, яқинда "Жип" ҳам совға қилишибди, кишлоққа ҳайдаб келганини ўз кўзи билан кўрганлар бор экан...

Ҳа, одамлар бир вақтлар девлар, жинлар, авлиёлар ҳақида афсоналар тўқишган, ишонишган, оғиздан-оғизга тарқатишган, чунки оддий турмуш тарзидан ўзга ҳодисаларга қизиқиш самараси эди бу. Эндиликда кўпчиликнинг диққат-эътибори дунё ажойиботларидан баҳраманд бўлиш, бунинг учун эса миллионлаб пул топиш. Албатта, Мехнатбойдек оддий кимсанинг ўрли тўсатдан тадбиркорга айланиши афсона учун мавзу бўла оларди. Ҳа, бу ўлмас мавзу эди.

*Айрилик ва...*

Орадан кўп йиллар ўтмади. Тупрори жаннатдан олинган деб ривоят этилмиш серфарзанд юрт борган сари қад ростлаб, мисли кўрилмаган даражада донг тарата бошлади ва бу жараёнда Тиллабой ҳам ўсди, улғайди. Расул ака қонунчилиқни эъзозлар, “ҳозирги қонунлар тоғга ўхшайди, табиий тоғ, худди шундай бўлиши керак”, деб ўқтирарди. “Агар мен, – деди у бир куни, – табиатан қонунбузар бўлганимда, шўро даврида ҳам, ҳозир ҳам қонунни бузиб, бошим ғалвада яшаб юрардим. Нега эски замонда яшашим, интилишларим, истакларим қонунларга тўғри келмади? Ўша қонунлар тоғга эмас, сунъий тўғонга ўхшарди. Одамларнинг табиий интилишларини ўйлаб топилган қолиқларга солишга уриниш эди. Бир куни тўғон ўпирилиб кетиши муқаррар. Тоғларни эса нега бунақа барпо этишган экан, деб ҳеч ким ажабланиб қарамайди...”

Тиллабой тадбиркорликнинг биринчи шартларидан бири қонунларни бузмаслик кераклигини ўшанда тушунган. Қинғирлик кўчасига кирган, алалокибат бир кун келиб, цех ёки дўкони ёпилган, қасодга учраган, иши судга оширилган кишиларни Расул ака бот-бот мисол қилиб кўрсатди.

Ўррилар замони ўтиб кетди, – деб елкасига қокди. – Бир вақтлар келиб, устахоналаринг, дўконларинг, цехларинг кўпайса ҳам, барибир ҳужжатни маҳкам қил, ҳақдингдан ошма, солиқлардан қочма, шунда кўркмай яшайсан. Яқин ўтмишда ҳам “бойда ҳаловат йўқ, у кечаю кундуз пулини қучоқлаб ётади, ҳаммаси юрак касал, ваҳима” дейишарди. Нега? Чунки улар ҳақиқий тадбиркор эмасдилар. Пулингни банкда сақла, бизнесингни қонуний қил, уйингни эшигини очиб қўйиб ўтир. Кимдан кўрқасан?! Ҳалол бўлсанг, нега энди мол-мулкингни келажакдаги тақдирини ўйлаб юрак касал бўлишинг керак экан?

Даставвал устахоналарида худди Адҳам уста сингари ўзи ҳам машиналар тузатиб юрди. Бу унга чексиз завқ берар эди. “Наҳотки, мен Чирокчидаги ўз устахонамда ишлаяпман, анави йигитлар ишчиларим, мендан маош олиб, рўзгорларини тебратади”, деб кўзларига ишонмасди. “Нексия” харид қилди. Лоф бўлмаса, у машинасига уч кун термулиб ўтирди. “Наҳотки, шу машина меники?!”

Ҳар сафар Тошкентга келганида, Расул аканинг машиналарини ҳам ўз қўли билан таъмирлаб берарди. Пойтахтдан замонавий машина ювиш шахобчасини очганида, биринчи бўлиб Расул аканинг машинасини ювиш йўлакчасига қўйди. Айланма чўткалар, автоматик тарзда кўпик пурковчи,

куритувчи мосаламалар гириллаб ишга тушди. Нариги эшикдан яраклаб чиққан машинасини кўрган сохиби:

– Қарсақлар! – деди ўз одатини қанда қилмай. – Мана бу бошқа гап! – Кейин аскияни бошлади: – Тиллабой ўрлим, айтайми, сени нимага ўхшатдим?

– Нимага? – деди кулиб йигит ҳам.

– Машинага.

– Хўш-хўш, устоз?

– Келганингда чангинг чикиб ётганда, энди донринг чиқаяпти! Қани, беш ташла!.. Қарсақлар!

Олдинда маҳзун кунлар ҳам бор эди. Озода ва Жўракулнинг тўйи бўлди. Келин-куёв икки ойча кишлоқда яшаб, Тошкентдан ижара уй топиб, кўчиб кетишди. Озода ҳали ўқишни тугатмаган эди. Тўй куни Тиллабой сингилларини Қаршига айлантириб келишга ваъда берган эди, ўшанда, кишлок кўчасида Алибой ака тўхтатди. Ёнидаги одамларга мактанди:

– Бу болани ўзим ўлимдан куткариб қолганман, бўлмаса, бўрилар еб кетарди. Энди эса танимайди, ҳақ бермайди. Отасига ўхшаб пулдан қочадиган одати бор... Ҳа, майли, жонинг соғ бўлсин. Қани, машинамни тузатиб юбор, свеча ҳўлланиб қолаяпти.

– Биринчи ва охириги марта айтиши, бундан кейин куёви тузатади, кўркма, – кулди бошқаси.

– Клапан салниги кетган, – деди Тиллабой бир қарашдаёқ. – Ҳозир кўнғироқ қиламан, келиб, алмаштириб беришади... Мана бу пулни олиб кўйинг, ака. – Тиллабой бир даста пул узатди. – Етмаса айтарсиз.

– Ие, берганнинг бетига карама, дерди отам! – хохолаб кулганча пулга кўл чўзди Алибой ака. – Сен, бу дейман, "маладес" бола экансан-ку! "Даромаднинг белига" деб бериб тур-да, хе-хе-хе!..

Шундай қилиб, Тиллабой Озодадан бутунлай айирилди. Озода кетди, кетгани чинга айланди. Кўнгил дунёсидан манзили йўқ қарвон каби ўтди-кетди, ҳурган итни эргаштириб. Энди бўм-бўш эди йигит кўнгли. Бир ўрри қолиб чиққан эди. Бирок Тиллабой Тошкенту Чирокчида ўтган сўнгги қайноқ йилларидан билардики, бу юртда ўғрилар узоққа бормайди.

#### ...висол

Тиллабой ўқишга қабул қилинди. Уй-жойи, машинаси, бизнеси борлиги учун тораси ҳеч иккиланмай келин тушириш лозимлигини айтди. Энагул кизариб, ўғлига қаради, Меҳнатбой

арокни ташлаб, мўйлов кўйиб, бир оз семириб қолган эмасми, салобат билан йўталди ва мўйловини силади.

– Жиян сизники, сиз биласиз-да, – деди қайноғасига.

Унга ён кўшнининг қизи Хурсандойни олиб берадиган бўлишди. Бу йил мактабни тугатган, аълочи, хушодоб киз. Ўша олис болалик йилларида кишда ялангоёқ чопиб чиқиб, муз синдирганида Озоданинг онаси кулган, Жўракул масхара қилган кунда пичан ғарами ёнида жилмайиб турган кизча эди у. Мана, бўй етиб қолибди.

Тўй ўтиб, бир йилдан сўнг Хурсандой инглиз тили бўйича ўқишга ўтди. Хорижлик тадбиркорлар билан мулоқотда Тиллабойга тайёр таржимон ҳам топилди.

Айтгандай, Жўракул ва Озода Тошкентда бирмунча вақт тинч яшашди. Адҳам уста Тиллабойдан узр сўраганида, пулни Жўракул ўғирлаганини кейинчалик аниқлаганини, аммо бўйнига қўёлмаганини гап орасида қистириб ўтди. “Чирокчилик устанинг миллионлари деганда менинг эмас, сенинг пулларингни тушунишаётганидан хурсандман, ука”, деди у.

Ноқонуний ерда қурилгани учун Жўракулнинг Тошкентдаги устахонаси бузиб ташланди. Кўп ўтмай Жўракул бир бойвучча бевага илакишди. Паспортини Тошкент шаҳрига рўйхатга қўйиш ва беванинг шоҳона яшашига шерик бўлиш учун Озода билан ажрашди. Ҳа, у Озодани арзон сотди.

– Пулда ақл йўқ, у истаган томонга ўйнайверади, – деган эди Расул ака. – Миллионлар соҳиби тадбирли ва адолатли бўлсин. Йўқса, пул ўша ақлсизлиги билан ҳам ўз эгасини турли қўйларга солиши ҳеч гап эмас.

Шўрлик Озода қишлоғига қайтиб кетди. Шундан сўнг олти ой ҳам ўтмади, бойвучча хотин Жўракулни кўчага қувди. “Мен машинангни ҳар доим тузатиб бераман, ахир устаман-ку”, деган экан, бойвучча бева: “Аввал ўзингни тузатиб ол, ипириски”, деб жавоб қайтарибди.

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

# ЯКШАНБАГА ЎТАР КЕЧАСИ

(детектив қисса)

Муҳаррир: Салима Бадалбоева  
Тех. муҳар: Шерзод Ҳошимов  
Дизайнер: Расул Ташматов  
Оператор: Наргиза Содиқова  
Мусахҳиҳ: Иброҳим Қўзиев

Теришга берилди 17.06.2012. Босишга рухсат этилди  
07.08.2012. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Vitec Times UZ гар-  
нитурасида чоп этилди. Шартли босма табоғи 12,5  
Нашр босма табоғи 12,5. Адади 4000 нусха. Буюртма  
№63.

Нашриёт лицензияси: АІ №183. 08.12.10.

«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.  
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.  
Тел: 8 371 280-58-01